

"Истиқлол" нашриёти.
Тошкент-2003



Хусан ТУРСУНОВ

АМЕРИКА ПРЕЗИДЕНТЛАРИ


Тошкент
«ИСТИҚЛОЛ» - 2003

Муаллиф китобни нашр этилишида яқиндан ёрдам берган Қарши туман ҳокимлигига самимий миннатдорчилик билдиради.

Америка Қушма Штатлари азалдан биз учун “Сехрли диёр” (А. Орипов) ҳисобланади. Мустақилликка эришганимиздан сўнг халқимизнинг Америкага нисбатан бўлган қизиқиши янада ошиб кетди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки АҚШ дунёнинг энг ривожланган демократик давлати ҳисобланади. Қолаверса, АҚШ мамлакатимизнинг стратегик ҳамкоридир. Шу маънода Американи энди кашф этаямиз десак, асло хато эмас. Зотан АҚШ бой тажриба ва тарихга эга бўлган буюк давлат. У ўзига хос тараққиёт пўлини босиб ўтган. Американинг ҳозирги даражага етишишида турли даврларда унга бошчилик қилган давлат раҳбарлари — АҚШ президентларининг хизматлари беқиёсдир. Америка халқининг фидойи фарзандлари бўлган бу инсонлар турфа тақдир, фёъл-атвор ва хислатлар соҳибидир. Шу маънода улар ҳаёти ва фаолиятида ўрناق олса арзугилик ибратли жиҳатлар бир талай.

Булгуси ҳуқуқшунос Хусан Турсунов қаламига мансуб ушбу китоб Америка президентларининг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган. Уни ўқиб чиққан ҳар бир киши Христофор Колумбдан фарқли ўлароқ қайта кашф этгани шубҳасиздир. Зеро, АҚШни табиати ва бойликлари эмас, балки ақлли, фидойи ҳамда ватанпарвар фарзандлари буюк ва қудратли давлатга айлантирган. Америка президентларининг ҳаёти ва фаолияти беқиёс тажриба ва ибрат намунаси. Шу биле назкур китоб ҳар бир ватанпарвар инсоннинг осимли сабоқдошига айланса, не ажаб!

ТАҚРИЗЧИ: Гафур Абдумажидов, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, юридик фанлари доктори, профессор.



10 30427
39.

© Хусан ТУРСУНОВ,
«Истиқлол нашриёти»
шўъба корхонаси, 2003

Америка Президентлари спймосига узбекона чизгилар

Истиқлол бизга ато этган буюк неъматлардан бири, шак-шубҳасиз, Ўзбекистон дунёни таниши ва ўз галида, дунё Ўзбекистонни таниши учун кенг имконият, қулай шарт-шароит яратилганидир. Бунинг хайрли натижаси ўлароқ, мамлакатимизнинг илғор демократик давлатлар, жаҳон ҳамжамияти билан муносабатлари ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида изчил ривожланмоқда.

Жаҳоннинг қудратли давлати - Америка Қўшма Штатлари билан ҳамкорлигимиз бунга яққол мисол бўла олади. Зеро, АҚШ бугунги кунда юртимизнинг дунёдаги иккита стратегик шеригидан биридир. Шу ўринда ҳамкорликнинг бундай олий босқичига Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 11-14 март кунлари Қўшма Штатларга буюрган навбатдаги расмий ташрифи чоғида эришилганини таъкидлаш ўринлидир.

Айтиш жоизки, бундай шериклик Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларида улкан ўзгаришлар ясади, дунёдаги мавқеимизни гоят кучайтирди, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва нуфузини янада юксалтирди. Энг муҳими, ана шу стратегик шериклик тўғрисида ўзаро муносабатларимиз ривожининг суръати ва миқёси кескин ошди.

Дарвоқе, ўтган йилнинг сентябрида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида изчил ва тобора кенгайиб бораётган ҳамкорлик алоқаларининг тарихи ва тадрижи, ривожланиш босқичлари, ижтимоий-сиёсий қўламини, тарихий аҳамиятига бағишланган "Америкага ташриф-Визит в Америку" китоби ўзбек ва рус тилида нашр этилганди. Ўзбекистон - АҚШ муносабатларига доир муҳим ҳужжатлар, нуқтан назар ва қарашлар кенг баён этилган ушбу китоб жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Орадан кўп ўтмай - шу йил июнь ойида Тошкентда бир гуруҳ миллий мутахассисларимиз томонидан тайёрланган "Америка Қўшма Штатлари. АҚШнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётига илмий-таҳлилий чизгилар" китобининг тақдими бўлди. Мазкур 34 босма табоқ ҳажмидаги залворли рисола мазмун жиҳатдан ҳам салмоқли бўлиб, ўзбек китобхони Американинг ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги 200 йиллик тажрибаси билан атрофлича танишиш имконига эга бўлди.

Китобхон ҳукмига ушбу йўналишдаги яна бир асар - "Америка президентлари" китоби (муаллиф - Х. Турсунов) ҳавола этилмоқда.

Авалло, кейинги салкам бир йиллик қисқа даврда Америка ҳақида юқорида номлари энҳр этилган учта салмоқли китобнинг яратилиши Ўзбекистонда, таъбир жоиз булса, "Америкашунослик" деб аташ мумкин бўлган, мустақил тадқиқот йўналиши шаклланаётганидан далолат бериб турибди. Қолаверса, бу жараён АҚШ тараққиёт йўли, унинг бой тажрибаси мамлакатимиз тарихчиларни, сиёсатшунослари, ҳуқуқшунослари ва бошқа кўплаб соҳалар мутахассислари томонидан алоҳида ўрганиш объектига айланганини кўрсатади. Бу ҳам муносабатларимизнинг ўзига хос истиқболли қирраларидан биридир.

"Америка президентлари" китоби - АҚШ президентларининг сиёсий портретларига чизгилардан иборат. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, президентлар сиёсий портретини яратиш борасидаги америкача анъанавий тажриба асосида юзага келган АҚШ президентлари сиймоларининг муфассал ўзбекона тарҳларидир.

Кези келганда, америкаликлар ўз мамлакати президетларига гоят юксак ҳурмат ва эҳтиром билан ёндашишини эслатиш жоиз.

Кўшма Штатларда истеъфога чиққан президент давлатнинг доимий эътиборида - у давлатдан ойма-ой нафақа олиб туради, унинг учун бошқа зарур шарт-шароитлар яратиб берилади. Истеъфога чиққан президент халқ назарида - унинг мамлакат ташқи ва ички сиёсатига оид фикр-мулоҳазалари жамоатчилик эътиборидан четда қолмайди.

Собиқ президентлар шаънига пойтахт - Вашингтоннинг сўлим масканларида маҳобатли ёдгорликлар тикланган. Улар сиёсий портретларини яратини ҳам Америкада ибратли анъанага айланган ва бу анъана ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, ушбу рисола АҚШ мустақил давлат сифатида ташкил этилганидан буён ўтган 215 йилдан кўпроқ вақт ичида ўз халқининг юксак ишончига сазовор бўлиб, ушбу қудратли, буюк ва ҳуқуқий демократик давлатни бошқариш шарафига муяссар бўлган 43 нафар президент ҳақидаги бой ва сермазмун сиёсий портретлар мажмуидир.

Америкача анъаналар негизида яратилган мазкур китоб ўзбек китобхонларининг билим доирасини янада кенгайтиради ва уларда яхши таассурот қолдиради, деган умиддамиз.

Акмал САИДОВ,
Юридик фанлар доктори, профессор

АҚШ БУЮК ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ

Америка Қўшма Штатлари Шимолӣ Америкада жойлашган давлат бўлиб, шарқдан Атлантика, ғарбдан Тинч океани, жанубий-шарқдан эса Мексика қўлтиғи билан чегараланади.

АҚШ таркиби 50 штатнинг федератив иттифоқидан иборат. Унинг федерал ҳукумати Колумбия округида жойлашган. Давлат ҳокимиятининг тузилиши, ваколатлари ва фаолияти, федерал ҳукумат билан алоҳида штатлар ҳукуматлари ўртасидаги муносабатлар мамлакат Конституциясида аниқ белгилаб қўйилган. Ҳокимият федерал ҳукумат ва штатлар ҳукуматлари ўртасида бўлинган. Ҳар бир штатда раҳбарияти овоз бериш йўли билан сайланадиган округ, муниципалитет, шаҳар ва қишлоқлар бор.

АҚШда давлат ҳокимияти учга бўлинган: қонун чиқарувчи, суд ва ижро ҳокимияти. Конституциянинг 1-моддасида Конгрессга қонун чиқариш ҳуқуқи берилган. 2-моддада президентнинг ваколатлари белгиланган. 3-модда эса Олий судга ва Конгресс қарори билан қўйи турувчи судларга суд ҳокимиятини тақдим этади. Ҳокимият тақсимотининг бундай тизимида ҳар бир тармоқ мутлақ мустақил тарзда фаолият юритади. Лекин айни пайтда «чеклаш ва мувозанат сақлаш» механизми ҳам мавжуд бўлиб, у бирор ҳокимият тармоғида куч, яъни чексиз ваколат кўпайиб кетишининг олдини олади ва шу орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ҳимоя қилинади. Масалан, президент Конгресс маъқуллаган қонун лойиҳаларига «вето» қўйиши мумкин. Шунингдек, у суд ҳокимиятига тегишли федерал муассасалардаги лавозимларга номзод кўрсатади. Олий суд эса Конгресс қабул қилган бирор қонун ёки президентнинг бирор хатти-ҳаракатини Конституцияга мос эмас, деб эълон қилиши мумкин. Ниҳоят, Конгресс президентни ҳокимиятдан четлаштириши ва федерал суддаги судьяларни шидан бўшатиши мумкин.

Қонун чиқарувчи олий орган Конгресс — икки палатадан иборат. Вакиллар палатаси аъзолари штатлар аҳолиси томонидан тўғридан-тўғри овоз бериш йўли билан икки йиллик муддатга сайланади. Сенат эса штатлар вакилларидадан иборат. Ҳар бир штат олти йиллик муддатга иккитадан сенаторни сайлайди. Шу ўринда ҳуқуқий-демократик давлатнинг асосий шартларидан бири бўлган тўртинчи

ҳокимият фаолиятига ҳам тўхталиб ўтиш жонз. Оммавий ахборот воситаларига берилган бу иккинчи ном АҚШда пайдо бўлган. У ҳокимиятнинг уч тармоғи билан баробар туради ва демократия ҳимоячиси саналади. Конституцияга 1789 йили киритилган биринчи тузатишда Конгрессга матбуот эркинлигини чекловчи қоғунлар қабул қилиш таъқиқлаб қўйилган. Ҳозирда мамлакатдаги қарийб барча оммавий ахборот воситаларининг фаолияти асосан рекламдан пул ишлашга қаратилган. Уларнинг умумий йиллик даромади 242 миллиард долларни ташкил этади. Дунё аҳолисининг 5 фоизи (271,6 млн нафар киши) яшайдиган бу мамлакат ҳиссасига жаҳондаги умумий ишлаб чиқаришнинг қарийб учдан бир қисми тўғри келади. Шунингдек, жаҳон иқтисодиётининг 22 фонд улуши ҳам АҚШга тааллуқли. Агар Техас штатининг ўзини алоҳида давлат сифатида тасаввур қиладиган бўлсак, у иқтисодий тараққиёти ва салоҳияти жиҳатидан дунёда олтинчи ўринда туради. Мамлакат иқтисодиёти, айниқса, ўтган аср охирида мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Кетма-кет юқори даражадаги йиллик ўсиш кузатилди. Бунда ҳисоблаш ва алоқа техникаси ҳамда биологик фанлар соҳаларидаги технологик янгиланишлар тўлқини катта аҳамият касб этди.

АҚШ иқтисодиёти бозор муносабатларига асосланган. Америкаликлар наздида эркин бозорлар фақат иқтисодиётнинг самардорлигини ошириб қолмайди, балки иқтисодий эркинлик сиёсий эркинликка ҳам замин яратади. АҚШ иқтисодиётида долларнинг ўрни ва аҳамияти жуда юқори. У мамлакатнинг асосий пул бирлиги бўлиш билан бирга кўплаб мамлакатларнинг захиравий валютаси ҳамдир. 1786 йили муомалага киритилган АҚШнинг биринчи газна билетлари — гринбакслар (инглизча «greenbacks» — «орқаси яшил») ҳарбий харажатларни қоплаш учун фуқаролар уруши даврида (1861-1865 йиллар) чиқарилган.

Ҳозирги долларнинг дизайни 1928 йилдан буён сақланиб келинмоқда. Ўшандан буёғига чиққан барча долларлардан АҚШда бемалол фойдаланиш мумкин. Муомалада АҚШ валютасининг асосан 1, 2, 5, 10, 20, 50 ва 100 долларлик банкнотларни кўриш мумкин. Лекин АҚШда 500, 1000, 5000 ва 10000 долларлик федерал газна билетлари ҳам бор. Улар фақат мамлакат ичкарисида муомалага киритилган бўлиб, сопилиши, хорижга чиқарилиши таъқиқланган.

АҚШнинг жугрофий тузилиши ҳам узига хос. Майдони 9373000 квадрат километр. Бу жиҳатдан мамлакат дунёда тўртинчи ўринда туради. Шарқ ва ғарбдаги бепоён денгиз чегаралари (узунлиги жами

12 минг километр) мамлакат учун катта иқтисодий-жуғрофий қулайликдир. АҚШнинг асосий ҳудудини 48 штат ташкил этади. 49 штат бўлмиш Аляскани Россиядан Беринг бўғози ажратиб туради. Тинч океани марказидаги 24 оролдан ташкил топган архипелаг — Гавайи ороллари 50 штатдир. Иккаласи ҳам 1959 йили штат сифатида федератив иттифоққа қўшилган. Булардан ташқари, АҚШга тегишли бошқа ҳудудлар ҳам бор.

Колумбия округи федерал округ бўлиб, Конгрессга бўйсунди. Айтишларича, бошида америкаликлар қасрни пойтахт, деб белгилаш учун роса тортишишган. Чунки ҳеч ким пойтахт бошқа штатда бўлишини хоҳламасди. Ниҳоят, бирор штатга қарамайдиган округ ажратилиб, пойтахт ўша ерда бунёд этилган. Пуэрто-Рико — кўпчилик соҳада АҚШ билан умумлашган мамлакат. АҚШга расман штат бўлиб қўшилиш учун кўп референдумлар ўтказилди, лекин аҳолининг кўпчилиги бунни ёқламаган.

АҚШ 1947 йилнинг 18 июлидан 1994 йилнинг 1 октябригача «Тинч океани қармоғидаги бир қатор ҳудудлар»ни ҳам бошқариб келган. Лекин яқин утган асрда сиёсий муносабатлар ўзгарди. Марианск ороллари АҚШнинг иттифоқчиси бўлди. (1986 йил 3 ноябрдан). Палау Республикаси АҚШ билан эркин умумлашиш ҳақида битим тузди (1994 йил 1 октябрдан эътиборан). Микронезия Федератив Штатлари (1986 йилнинг 3 ноябрида) ва Маршалл ороллари республикаси ҳам шундай ҳужжат тузган (1986 йил 26 октябрда).

АҚШ давлат байроғи мамлакат маъмурий-ҳудудий тузилишининг рамзи саналади. Байроқдаги 13 та қизил-оқ йўллар 1776 йили биринчи бор бирлашиб, Америка Қўшма Штатларини тузган 13 штатни англатади. Кўк қисмидаги юлдузлар сони эса ҳозирги кунда мавжуд штатлар сонига тенг. АҚШ аҳолисининг асосини дастлаб Британия оролларида келган муҳожирлар ташкил этгани боис ҳозир америкаликлар учун асосий муомала тили инглиз тилидир. Лекин 23 штатдагина у расмий мақомга эга. Қолган 27 штат вакиллари уни расмийлаштириш инсон ҳуқуқларини маълум маънода камситида, деган уйда бундай йўл тутишмаган. Шу туфайли, АҚШнинг айрим ҳудудлари мактабларида бошқа тилларда дарс ўтилади. Айтишларича, мамлакатда умуман инглизчани тушунмайдиган одамлардан иборат кичик-кичик аҳоли гуруҳлари ҳам мавжуд. Америкаликларнинг миллати хилма-хил бўлгани учун санъат ва маданияти ҳам жуда бой. Қизиги шундаки, бу соҳа давлат ёрдамисиз ривожланди.

ТАРИХИ: Қадим замонларда ҳозирги АҚШ давлати ҳудудида ҳинду ва экимос қабилалари яшаган. Америка 1492 йилда Христофор Колумб томонидан кашф этилгандан сўнг Испания, Франция, Англия, Голландия ва Швеция XVI асрда бу ердаги буш ерларни эгаллашга киришади. XVIII аср ўрталарида Англия асосий рақибларини четга суриб чиқариб, мамлакатнинг шарқий қисмида ўзининг ҳукмронлигини урнатади. Улар босқинчилик йўли билан ерларни эгаллаб олишдан ташқари, маҳаллий аҳолини аёвсизларча қиргин қилар, улар ўрнига Африкадан оммавий равишда негрлар келтириб, қул қилиб ишлатишарди. Шу туфайли 1775—1783 йилларда шимолий Америкадаги мустақиллик учун уруши давомида федерал АҚШ давлатига асос солиниб, у 1776 йил 4 июлда республика деб эълон қилинади ва Жорж Вашингтон АҚШнинг биринчи президенти этиб сайланади. Мамлакат шимолида саноат ва фермерлик, жанубида эса қулдорликка асосланган деҳқончилик ривожланади.

Фарбдан ҳинду қабилаларини ҳайдаб юбориш ва янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига АҚШ ҳудуди тез суратда кенгайди. 1803 йилда Франциядан ғарбий Луизиана сотиб олинади. 1819 йилда Испания Флориладан воз кечади, 1836 йилда Мексикадан Техас тортиб олинади. XIX аср мобайнида ҳозирги Калифорния, Аризона, Нью-Мексика, Невада штатларининг ҳудудлари ҳамда Колорадо ва Вайснинг штатларининг бир қисми қўшиб олинди. XIX аср ўрталарида АҚШда икки партияли ҳокимият тизими таркиб топди. Энди ҳокимиятни демократик партия билан республикачилар партияси галма-гал бошқарадиган бўлди. Шимолий буржуазия билан жануб плантаторлари ўртасидаги зиддият АҚШда 1861-1865 йилларда фуқаролар урушига олиб келди ва унда президент А. Линкольн бошчилигидаги шимолий штатлар ғалаба қозонади. Уруш давомида ер улушлари ҳақида (1862 й.) ва қулдорликни бекор қилиш тўғрисида (1865 й.) қонунлар қабул қилинди. Фуқаролар урушидан сўнг мамлакат иқтисодий жиҳатдан жадал суръатда ривожлана бошлади. 1867 йилда АҚШ чор Россиясидан Аляска ва Алеут оролларини сотиб олади. XIX аср охирида Филиппин ва Гавайя, 1903 йилда эса Панама канали ҳудудини қўлга киритади. Икки аср оралиғида кишиларни АҚШга кучиб келишининг янги тўлқини бошланди. Муҳожирларнинг аксарияти жанубий-шарқий Европададан эди. Биринчи жаҳон уруши даври (1914-1918 йиллар)да АҚШ аввалига бестарафлик мавқеида туради, 1917 йил апрелидан эса Антанта томонида туриб ҳаракат қилади. Урушдан кейин АҚШда иқтисодий

юксалиш даври бошланади. Аммо кўп ўтмай иқтисодий инқироз (1929-1933) бошланиб, ишсизлик кучаяди (1933 йилда мамлакатда 17 миллион нафар киши ишсиз бўлган), корхоналар касодга учраб, ишлаб чиқариш суръати кескин пасайиб кетади. Инқироз шаронтида Ф.Рузвельт бошчилигидаги демократик партия маъмурияти ҳокимият тепасига келди. Унинг ташаббуси билан бир қанча ижтимоий-иқтисодий тадбирлар амалга оширилди. Ф.Рузвельт АҚШни инқироздан олиб чиқиш мақсадида «Янги йўналиш» деб аталган дастур ишлаб чиқди. 1941 йилда Япония Американинг Пёрл—Харбор ҳарбий денгиз базасига ҳужум қилгандан сўнг АҚШ иккинчи жаҳон урушига кўшилди ва Гитлерга қарши коалиция томонига ўтди. Америка курулли кучлари асосан Тинч океанда Японияга қарши жанговар ҳаракатларда қатнашди. АҚШ 1943 йилда Италияга кўшин туширди, иттифоқчиларнинг халқаро анжуманлари (1943 йил Техрон, 1945 йил Қрим, 1945 йил Потсдам конференциялари) да фаол қатнашди. Ниҳоят, 1944 йил 6 июнда АҚШ Буюк Британия ҳамкорлигида иккинчи фронтни очди. 1945 йил августда Г.Трумэн (1945-1953 йилларда АҚШ президенти) буйруғи билан Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбалари ташланиб, ун минглаб тинч, бегуноҳ аҳолининг ҳалок бўлишига сабабчи бўлди. АҚШга боғлиқ яқин ўтмишдаги жанговар ҳаракатлар тўғрисида гапирадиган бўлсак, аввало 2001 йил 11 сентябрда Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида содир этилган ва бутун дунё халқларини ларзага солган террорчилик ҳаракатлари, 1950-1975 йилларда Вьетнамда олиб борилган уруш, 1991 йилда Ироқда амалга оширилган «Саҳродаги бўрон» операцияси, 2000 йилда Югославияга нисбатан ҳарбий куч ишлатилгани, 2001 йилда Афғонистонни террорчи ва толибонлардан тозалаш ва ниҳоят, 2003 йил 20 мартда бошланган «Ироққа озодлик» операцияларини айтиб ўтиш зарур. 1945 йилдан АҚШ БМТ, шунингдек, Америка давлатлари ташкилоти ва НАТО аъзоси. Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 12 февралда йўлга қўйилган.

АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб 1991 йилдаёқ таън олган эди. 1996 йили мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Америкага ташрифидан сўнг барча соҳадаги алоқалар кенгайди. Ўтган йилнинг март ойида икки давлат ўртасида «Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисида»ги декларация имзоланди. Шунингдек таъкидлаш керакки, АҚШ ўз тарихида дунёдаги санокли мамлакатлар билан стратегик ҳамкор ҳисобланади. Америка раҳбарияти Ўзбекистоннинг халқаро терроризм ва

наркобизнесга қарши курашини доимо қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шунингдек, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида фан, таълим, маданият, савдо-сотиқ соҳаларида ҳам кенг алоқалар йўлга қўйилган.

АҚШ миллий байрами — Мустақиллик куни 4 июл. 1776 йилнинг шу кунда Филадельфияда иккинчи континентал конгресс мустамлака остидаги бир неча ҳудуд бирлашиб, Англиядан мустақил эканини ва Америка Қўшма Штатлари деган ном олганини эълон қилган. Конгресс «Мустақиллик декларацияси»ни қабул қилди. Бу ҳужжатда барча инсонларнинг тенглиги, «Ҳаёт, эркинлик ва фаровонликка интилиш» ҳуқуқи баён этилган бўлиб, унинг муаллифи Томас Жефферсон эди. Нью-Йоркка кираверинидаги серқоя оролчага 1886 йили ўрнатилган Озодлик ҳайкали Декларацияда белгиланган қадриятлар рамзи бўлиб келмоқда. Унинг чап қўлида декларация, ўнг қўлида янги қитъага бахт излаб келган муҳожирларнинг машаққатли йўлини ёритувчи машъала бор.

ДАВЛАТ ТУЗУМИ. Америка Қўшма Штатлари федератив республика. Амалдаги Конституцияси 1787 йилда қабул қилинган бўлиб, 20 дан ортиқ киритилган ўзгариш ва қўшимчалар билан ҳозиргача ҳаракатда. Унга мувофиқ Президент — давлат ва ҳукумат бошлиғи, қуролли кучлар бош қўмондони бўлиб, унга жуда катта ваколатлар берилган. У вице-президент билан бирга икки босқичли сайлов йўли билан 4 йил муддатта сайланади.

АҚШ Конституциясининг 2-моддасига мувофиқ давлат тилини яхши билган, 35 ёшдан кичик бўлмаган ҳамда сайлов кунига қадар 14 йил мамлакатда муқим яшаган Америка фуқароси президент бўлиши мумкин. Конституцияга киритилган 22- ўзгаришига асосан (1951 йил 27 феврал) бир шахс икки муддатдан ортиқ президент бўлиши мумкин эмас. Ижро ҳокимиятининг бошлиғи сифатида президентга 4 та асосий мажбурият юклатилган:

1) федерал қонунлар ва федерал суд қарорлари ижросига қафиллик;

2) федерал ҳукуматни шакллантириш;

3) федерал сиёсатни қўллаб-қувватлаш;

4) бюджетни шакллантириш.

АҚШда ижро ҳокимияти бир қатор вазирлик, департамент ва агентликлардан иборат бўлиб, улар қуйидагилар:

мудофаа вазирлиги;

транспорт вазирлиги;

таълим соҳаси бўйича вазирлик;

қишлоқ хўжалиги вазирлиги;

молия вазирлиги;
аҳолига хизмат кўрсатиш департаменти;
меҳнат ишлари департаменти;
ташқи савдо департаменти;
энергия департаменти ва бошқалар.

Булардан ташқари, президент бошчилигидаги ижро ҳокимияти 100 дан ортиқ агентлик ва бўлимларни уз ичига олади. АҚШда президент 400 минг доллар миқдоридан маош олади.

Истезфого чиққан президент давлатдан ойма-ой 20 минг доллар миқдоридан нафақа олиб туради.

Конституция президентга ижрония ҳокимият жиловини топширади, шунингдек, президентнинг вафоти, лавозимидан воз кечиши ёки хизмат бурчини уташга нолайиклиги юз берган ҳолларда президентликни вице-президент қабул қилиб олиш лозимлиги белгилаган. Конституция президентнинг бурч ва ҳуқуқларини бир қалар синчковлик билан изоҳларкан, вице-президент ёки федерал ҳокимиятнинг бошқа арбобларига ҳеч бир махсус ижрония ваколат бермайди. Вице-президент ваколатларини ҳар бир президентнинг ўзи белгилайди. Конституция вице-президент лавозимини эгаллаш тартибини таъсис этиш ваколатини Конгрессга топширган. Президент ҳамда вице-президент бир вақтнинг ўзидан уз лавозимларидан кетса (бундай ҳолат АҚШ тарихида ҳозирча бўлган эмас) вақтинча мамлакатни бошқариш масъулиятини Вакиллар палатаси раиси (спикери) уз зиммасига олади. Ҳукумат қароргоҳи (пойтахт) 1800 йилда Вашингтон шаҳри (Колумбия округи)га кучирилган. Президентнинг яшаш жойи ва идораси бўлган «Оқ уй» ҳам шу ерда жойлашган. Аслида федерал пойтахт учун ер Мэриленд ва Виржиния штатлари томонидан ажратилган бўлса-да, ҳозирги Колумбия округи фақат Мэриленд ажратган ерни эгаллайди, ҳукумат томонидан ярим аср давомида ишлатилмаган Виржиния сектори 1846 йили штатга қайтариб берилди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, АҚШда қонун устиворлиги ижтимоий ҳаётта шунчалик сингиб кетганки, бу тамойилнинг нақадар устуворлигини ҳатто, у ерда қурилган бинолар орқали ҳам кўриш мумкин. Масалан, АҚШ пойтахти Вашингтон унчалик катта бўлмай, аҳолиси тахминан 800 минг кишини ташкил этади. Шуниси эътиборлики, ушбу шаҳарда бошқа жойлардаги каби баланд, осмон-ўпар биноларни кўрмайсиз. Унда энг баланд иморат Капитолия, яъни Сенат биноси (тахминан 6-7 қалат уй баландлигида) дир. Пойтахт Вашингтонда биноларнинг бундай лойиҳалаштирилганлиги замирида ҳам чуқур маъно-мазмун

мужассам. Яъни, бу қонундан юқори турувчи ҳеч нарса бўлмаслиги керак, деган рамзий маънони англатади. Шунингдек, шаҳарнинг ўзи шундай қурилганки, унда «Оқ уй» ва бошқа маъмурий идоралар шаҳар марказида, аксинча аҳоли турар жойлари, савдо дуконлари, ошхона ва шунга ўхшаш маиший хизмат кўрсатувчи бошқа муассасалар эса шаҳар чеккасида жойлашган. Шунинг учун ҳам дам олиш кунлари шаҳар маркази тинч, сокин ва осойишта бўлади.

Президентликка номзодлар ноябрь ойининг биринчи душанбасидан кейинги биринчи сешанба куни ҳар 4 йилда бир маротаба ўтказилувчи президент сайловларидан бир неча ой олдин сиёсий партиялар томонидан танлаб олинади ва овозга қўйилади. Америкада президент сайлашнинг бошқа давлатларда учрамайдиган фақат ўзига хос усули қўлланилади. Чунки кўпчилик давлатларда булгани сингари АҚШда президентликка ўнлаб номзодлар рўйхатга олиниб, сайлов бюллетенига киритилмайди. Одатда икки партиядан иккита, баъзан эса кўпи билан 3 номзод кўрсатилади ва шунинг учун ҳам АҚШда президентлик сайловининг натижалари биринчи турдаёқ ҳал бўлади. Унда номзодларнинг исм-шарифлари сайлаш бюллетенларида белгиланган бўлса-да, техник жиҳатдан ҳеч бир штат аҳолиси президент учун тўғридан-тўғри овоз бермайди. Ҳар бир штат Конгрессда эга бўлган сенатор ва вакиллар сонига мутаносиб равишда президентликка номзодлар учун овоз беради ва унда мазкур штатнинг барча ўзга овозларини ҳам ўз ҳисобига ўтказишга эришади.

Барча 50 штат ва Колумбия округининг сайловчилари — жами 538 нафар шахс — сайловчилар ҳайъати ҳеч қачон бир жойда ташкилот тариқасида тўпланмайди. Улар ўз штатлари пойтахтларида сайловдан кўп вақт ўтмасдан йиғилишади ва аҳолининг кўпчилик овозига эришган номзод учун овоз беришади. Муваффақият қозониш учун президентликка номзод камида 270 овоз тўплаши шарт. Ҳеч бир номзод кўпчилик овозга эришолмаган тақдирда, Конституцияда белгиланганидек, штатнинг барча вакиллари яқдил овоз берган, деб ҳисобланган тақдирда Вакиллар палатаси томонидан қарор қабул қилинади. Бу ҳолда ҳар бир штат ва Колумбия округи фақат бир сайлов овозига эга бўлади. Президентликнинг тўрт йиллик муддати ноябрь сайловларидан сўнг ғолиб чиққан номзод учун 20 январдан бошланади (илгариги март ойидан бошланиши 1933 йили қабул қилинган Конституцияга 20- қўшимча орқали январь ойига ўтказилган). Аълопага биноан, президентнинг расмий фаолияти қонун чиқарувчи орган—АҚШ Конгресси, яъни Капитолия биносининг олдидаги майдончада ўтказилувчи инагурация (лавозимга

қасам ичиш) маросимидан бошланади. АҚШнинг бош судьяси бошчилигида янги президент ўз мансабини бажаришга киришиши учун ошкора равишда қасам ичади. Қасамёд матни Конституциянинг 11-моддасида келтирилган бўлиб, у қуйидагича: «Мен Қўшма Штатлар Президенти сифатида содиқ ва ҳалол ишлашга ҳамда қурбим етгунча Қўшма Штатлар Конституциясини авайлаб асраш, муҳофаза қилиш ва қўлдан бой бермасликка тантанали равишда қасамёд қиламан».

Қасамёд маросимидан сўнг одатда инаугурация мурожаатномаси эълон қилиниб, президент сиёсий йўналиши ва режаларининг асосларини баён этади.

АҚШда қонун чиқарувчи ҳокимият сенат ва вакиллар палатасидан иборат икки палатали Конгресс томонидан амалга оширилади. Сенатда 100 нафар сенатор бор (улар 6 йил муддатга, ҳар бир штатдан 2 нафардан сайланади ва уларнинг 1/3 қисми ҳар 2 йилда янгиланган бўлади). Вакиллар палатаси эса 435 нафар депутатдан иборат бўлиб, улар 2 йил муддатга сайланади. Ижроия ҳокимият АҚШ ҳукумати сенатнинг розилиги билан президент томонидан тайинланади, ҳукумат таркиби 13 нафар вазирдан иборат. Ҳукумат Конгресс олдида масъул эмас. Ҳар бир штатнинг ўз конституцияси, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти мавжуд. Штатлардаги қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг штат номи билан аталувчи Сенат ёки Мажлис, ижро ҳокимиятини эса губернатор амалга оширади. АҚШ судлари асосан федерал ва штат судларига бўлиниб, штат судлари кўрадиган ишларнинг соҳасига қараб жиноий, фуқаролик, оилавий, банкротлик, солиқ ва бошқа турларига бўлинади. АҚШ давлати Конституциявий тизмига уч сиёсий-ҳуқуқий қоида асос қилиб олинган бўлиб, булар ҳокимиятнинг бўлиниши, федерализм ва суднинг Конституциявий назоратидан иборат. Ҳокимиятнинг бўлиниш қондаси давлат ҳокимиятининг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятларининг мустақиллигини ҳамда улар уртасида вазифаларининг қатъий чегаралаб қўйилиши ва бири-бирининг ишига аралашмаслигини назарда тутди. Федерал давлат ишларига федерал даражадаги уч тармоқ—Конгресс, Президент ва Олий суд раҳбарлик қилади.

ТАБИАТИ: Атлантика океанининг АҚШ қирғоғида кўрфаз ва қўлтиқлари жуда кўп, соҳиллари асосан паст текисликдан иборат, энг катта ярим ороли — Флорида. Мамлакат рельефи уч турга бўлинади. Фарбдаги Кордильера тоғ тизмаси АҚШ ҳудудининг учдан бир қисмини эгаллайди. Тинч океан соҳили баланд тоғлар (Аляска

тизмасида бутун Шимолий Америкадаги энг баланд чўққи — 6193м баландликдаги Мак-Кинли чўққиси жойлашган. Бундан ташқари қирғоқ бўйи тизмалари ва Каскадли тоғлар. Сьерра-Невада тоғлари бор), шарқий минтақани эса қояли тоғ тизмалари эгаллаган. Мазкур иккала тоғли минтақа оралиғида Колумбия ва Колорадо платолари бор. Шарқда унча баланд бўлмаган Аппалачи тоғлари бўлиб, уни торгина Атлантика бўйи паст текислиги океандан ажратиб туради. Кордильера билан Аппалачи ўртасида марказий текисликлар, Буюк текисликлар (ёки Прерий платоси) ва Мексика бўйи текисликларини ўз ичига олган ички текисликлар жойлашган. АҚШ — фойдали қазилма тури ва заҳиралари жиҳатидан дунёнинг энг бой мамлакатларидан бири ҳисобланади. Кўмир, нефть, газ, мис, қўرғошин, рух, уран, темир, титан рудалари, симоб, олтин, вольфрам ва фосфорит сингари конлари мавжуд. Тош ва калий тузлари, олтин гугурт ва бошқа минераллар бор. АҚШ ҳудудининг деярли ҳаммаси мўтаъдил ва субтропик минтақаларда жойлашган. Мамлакатнинг шимолий-шарқий ва шарқий қисmlари иқлимга илиқ Гольфстрим оқими, Тинч океан соҳили иқлимга эса совуқ Калифорния оқими анчагина таъсир ўтказди. Ҳудуд юзасининг гузилиш хусусиятларига кўра, шимол ва жануб минтақалар ўртасида ҳ авонинг фаол алмашинуви муносабати билан об-ҳаво тез-тез ўзгариб туради. Ўртача йиллик ёғин Алясканинг жануби-шарқида ва Вашингтон штатнинг ғарбида -- 3000-4000 мм. Мамлакатнинг жануби-шарқида — 1500 - 2000 мм, ички текисликларда-шарқда 1500 ммдан, ғарбда 5000 ммгача. АҚШнинг кўп дарёлари Атлантика океани ҳавзасига қуйилади. Мамлакат ҳудудида дунёнинг энг йирик дарёларидан ҳисобланадиган Миссури ва Миссисипи дарёлари оқиб ўтади. Ички сувлардан саноат ва коммунал сув таъминоти, кема қатнови, суғориш ва гидроэнергия манбаи сифатида фойдаланилади. Тупроқ қатлами хилма-хил. Мамлакат шимоли-шарқида аралаш ва қарағай ўрмонлари, жанубида кенг баргли, Тинч океан соҳили ва Кордильера ён бағрларида игна баргли ўрмонлар мавжуд. Марказий текисликларнинг ғарбдаги айрим жойларда ўтсимон прерий ўсимликзорлари, Буюк текисликлар, Кордильера ясси тоғликларнинг қурғоқчил қисмини ярим чўл ва чўллар эгаллайди, муҳофазага олинган йирик табиат объектлари орасида Йеллоустон, Йосемит, Сенвойя, Гранд-Каньон миллий боғлари, Мамонт ва Карлсбад ғорлари бор.

АҲОЛИСИ: АҚШнинг ҳозирги аҳолиси уч асосий этник таркибий қисмдан: АҚШ америкаликлари, муҳожирлар ва туб жой

аҳолисидан иборат. АҚШ аҳолисининг 82,8 фоизини асли келиб чиқиши европаликлар, 12,6 фоизини африкаликлар, 3,6 фоизини осийликлар, 1 фоизини эса ҳинду эскимослар ва опеутлар ташкил этади. Аҳолининг 80 фоизи шаҳарларда яшайди. АҚШнинг америкалик деб аталувчи аҳолиси миллат сифатида асосан XVIII асрнинг 2- ярмида Европанинг турли мамлакатларидан келган муҳожирлар аралашиб кетиши натижасида таркиб топган. Афро-америкаликлар («қоралар» деб аталувчи негрлар) АҚШ америкаликларининг ирқий-этнографик гуруҳ бўлиб, улар XVII-XIX асрларда мамлакатга келтирилган Африка қулларининг аилодларидир. Афро-америкаликлар кўп асрлардан бундан давом этаётган айримачилик ва камситилишига қарамай, африкаликларнинг оқтанлилар билан чатишуви туфайли пайдо бўлган. АҚШда мексикан, итальян, немис, француз, швед, норвег, голланд, япон, поляк, хитой ва бошқа миллатга мансуб халқлар кўплаб яшайди. АҚШ аҳолисининг 6 млн.дан ошиқроғи мусулмонлардир. Уларнинг 5000 нафардан кўпроғини ўзбеклар ташкил қилади. Ўзбеклар асосан Нью-Йорк, Вашингтон, Калифорния, Иллинойс штатлари, Филадельфия шимолида ҳамда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида истиқомат қилишади. Улар турли давлат хизматида ёки тижорат ишлари билан шуғулланишади. Ҳозир Америкада яшаётган ўзбекларнинг кўпчилигини ота-боболари собиқ Иттифоқда 1917 йилдаги октябр тўнтаришидан кейин большевиклар тазйиқидан қочиб, аввал Афғонистон, Туркия, Араб мамлакатлари ва Хитойга ўтиб кетишган. Иккинчи жаҳон ва Афғон урушлари туфайли турли йўллар билан, баъзилари Покистон, Саудия Арабистони, Туркия ва бошқа давлатлар орқали АҚШга бориб қолишган. АҚШ аҳолисининг зичлиги — 1 кв.м.га 27,2 киши. Мамлакатда асосан протестант, католик ва ислом дини амалда. Йирик шаҳарлари жуда кўп бўлиб, улар жумласига Нью-Йорк, Чикаго, Лос-Анжелос, Филадельфия, Хьюстон, Детройт, Сан-Франциско, Вашингтон, Бостон, Даллас, Кливленд, Балтимор ва бошқаларни киритиш мумкин.

Дунё халқлари тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қароргоҳи ҳам АҚШ (Нью-Йорк) да жойлашган.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА КАСАБА УЮШМАЛАРИ. АҚШда ҳозирги кунда асосан иккита йирик партия фаолият олиб боради. Бу Демократик ва Республикачилар партияси бўлиб, уларнинг биринчиси — 1828 йилда, иккинчиси 1852 йилда ташкил этилган. Булардан ташқари, мамлакатда унчалик кучли бўлмаган Коммунис-

тик партия ҳам фаолият юритади ва у 1919 йилда тузилган, 1852 йилдан бошлаб ҳар йили «Оқ уй»ни амалда демократлар билан республикачилар навбат билан ишғол этишиб келишган. Шундай бўлса-да, айрим сайловларда учинчи ва кам аъзоли партиялар оқими ҳам фаоллик кўрсатиб келишган. Масалан, 1992 йилги президентлик сайловида бир штат томонидан номзодлар рўйхатига 58 та партия киритилган. Улар орасида кўпчиликка нотаниш қуйидаги партиялар ҳам бор эди: Бейфарқлик, Ўтмишни қумсаш, Нью-Мексикада ичимликни ман этиш, Тишш мустақил фуқаролари, Вермонт солиқ тўловчилари ва бошқалар. Умуман олганда, АҚШда айрим ҳолларда партиялар битта масала ёки масалалар мажмуасини ҳал этиш учун тузилишига йўл қўйилади. Уларга хушмуомала, инжибармон раҳбар ставчилик қилганида яхши натижага эришгани тўғрисида ҳам мисоллар бор. Масалан, утган асрда учинчи партия томонидан энг муваффақиятли номзод — Республикачи собиқ президент Теодор Рузвельт бўлган. Унинг Тараққийпарвар ёки «Буғу» деб аталган партияси 1912 йилги сайловларда 27,4 фойз овозга эришади. Президент Уильям Тафт таъсирдан қутула бошлаган Рузвельтни 1912 йил сайловларига партия номзоди сифатида курашга чорлади. Рузвельт рози бўлиб, Тафтни дастлабки сайловларда мағлуб этди. Бироқ партия тизимини қаттиқ назорат остида ушлаган Тафт ўзининг номзод сифатида курсатилишига эришади. Шундан сунг Рузвельт тарафдорлари ажралиб чиқиб, Тараққийпарварчилар партиясини таъсис этишди. Ўзини буғу сингари бақувват ва қудратли деб эълон қилган Рузвельт «Катта бизнес»ни тартибга солиш, аёлларнинг овоз бериш ҳуқуқи, тадрижий даромад солиқлари, Панама канали ва мудофаа масалалари бўйича сайловолди тadbирлар утказди. Унинг ана шу саъй-ҳаракатлари Тафтни мағлуб этиш учун етарли эди. Рузвельт шу йўл билан республикачилар партиясининг овозларини булиб танилаб, демократлар номзоди Вудро Вилсоннинг ғалаба қозонишида катта имконият яратади.

АҚШда XIX асрда «Виггилар» партияси ҳам фаолият юритиб, бир неча президент сайловларида мазкур партия номзодлари ғолиб чиқишган. Америка Меҳнат Федерацияси — ишлаб чиқариш касаба уюшмалари Конгресси 1955 йилда тузилган. АҚШда салкам 40 га яқин мустақил касаба уюшмалари булиб, уларга 4,5 млн нафар ишчи ва хизматчилар аъзо булиб кирган.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ. АҚШ миллий даромадининг саккиз фойзидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги ҳисобига тўғри келади. Бунда йирик фермерлар ва ер эгалари ставкин мавқеига эга. Америка қишлоқ






хўжалиги сермахсул, сердаромад ва сертовар бўлиб, мамлакатнинг муайян ҳудудлари айрим маҳсулот турларига ихтисослашган ва марказлашган. Мамлакатда 2 млн.га яқин фермер хўжалиги бўлиб, бир фермер хўжалиги ўрта ҳисобда 190 - 200 гектар ерда дехқончилик қилади. Меҳнатга яроқли аҳолининг 25 фоизига яқини қишлоқ хўжалигида банд. АҚШ қишлоқ хўжалигида асосан маккажўхори, соя, пахта, тамаки, буғдой, шולי, картошка, кунгабоқар, қанд лавлаги, боғдорчилик ва кўплаб чорвачилик маҳсулотлари етиштирилади. Буғдойзорлар («буғдой минтақаси») буюк текисликлар ва Колумбия платосида (асосан Канзас ва Шимолий Дакота штатлари), маккажўхори («маккажўхори минтақаси») буюк кўлларнинг жануб ва ғарбида (Айова, Иллинойс штатлари) экилса, пахтазорлар фақат Миссиссиппи дарёси воллийси ҳамда Техас, Аризона ва Калифорния штатларида учрайди. Қанд лавлаги, шакарқамиш Миссиссиппи дарёси этакларида ва Гавайи оролларида, тамаки шимолий Каролина, Виржиния ва Кентукки штатларида етиштирилади. Боғдорчилик ва полизчилик Калифорния, Флорида, Атлантика океани ва Буюк куллар соҳилларида, гўштбоп чорвачилик шимоли-шарқда, сут чорвачилиги Калифорнияда ривожланган. Миннесота ва Висконсин штатларида сутнинг кўп қисми қайта ишланиб, пишлоқ ва сариеғ ишлаб чиқарилади. Кўйчилик асосан қурғоқчил тоғли штатларда ривожланган. Гўштбоп жўжа (бройлер), товуқ, курка етиштиришга ҳам катта аҳамият берилади. Тухум кўпроқ жанубий-шарқий штатлардаги йирик паррандачилик фабрикаларида етиштирилади. АҚШда 2000 йилда 102 млн. бош қорамол, 51 млн. бош чўчқа, 10 млн. бош кўй мавжуд бўлган.

МАОРИФИ ВА МАДАНИЙ МУАССАСАЛАРИ. Миллий маориф тизими мустақиллик учун уруш (1775-1783 йил) дан кейин қарор топа бошлади. 1852 йилда АҚШда биринчи бўлиб Массачусетс штатида мажбурий бошланғич таълим тўғрисида қонун қабул қилинди. Кўпчилик штатларда 7-16 ёшдаги болалар учун ўқиш мажбурий. Мактабнинг жуда кўп турлари мавжуд бўлиб улар қўйидагилар: 3 йиллик кичик ўрта, 6 йиллик бирлашган кичик ва ўрта, 4 йиллик ўрта мактаблар шулар жумласидандир.

Деярли барча ўрта мактабларда ўқиш муддати — 12 йил. Олий таълим тизими университетлар, 4 йиллик коллежлар, бундан ташқари, тўлиқ олий маълумот бермайдиган 2 йиллик кичик коллежлар, ҳунар ва техника институтларини ўз ичига олади. Барча олий ўқув юртларида таълим пуллик.

ЭНГ ЙИРИК ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ: Гарвард (Бостон



шаҳрида), Калифорния (Беркли шаҳрида), Висконсин, Мичиган, Иллинойс, Корнелл (Итака шаҳрида), Колумбия, Принстон, Чикаго, Пенсильвания университетлари, Калифорния, Станфорд ва Массачусетс технология институтлари ҳисобланади.

ЙИРИК КУТУБХОНАЛАРИ: Конгресс кутубхонаси (1800 йилда ташкил этилган) Нодир китоблар ва қўлёзмалар кутубхонаси, Миллий архив кутубхонаси, Миллий тиббиёт кутубхонаси, университетларнинг кутубхоналари, Лос-Анжелес (1872 йил ташкил этилган), Чикаго (1872 йил ташкил этилган), Бостон (1852 йил ташкил этилган), Нью-Йорк (1895 йил ташкил этилган) халқ кутубхоналари ва бошқалар мавжуд. Булардан ташқари, ҳозирда АҚШда президентлар ҳаёти ва хотирасига бағишлаб кўплаб кутубхоналар ташкил этилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

- Раттерфорд Хейс кутубхонаси (Огайо)
- Герберт Гувер кутубхонаси (Айова)
- Франклин Рузвельт кутубхонаси (Нью-Йорк)
- Гарри Трумэн кутубхонаси (Монтано)
- Дуайт Эйзенхауэр кутубхонаси (Канзас)
- Жон Кеннеди кутубхонаси (Бостон)
- Линдон Жонсон кутубхонаси (Техас)
- Ричард Никсон кутубхонаси (Калифорния)
- Жералд Форд кутубхонаси (Мичиган)
- Жимми Картер кутубхонаси (Атланта)
- Рональд Рейган кутубхонаси (Калифорния)

МАШҲУР МУЗЕЙЛАРИ: АҚШ миллий музейи, Ҳавода учиб ва Космонавтика миллий музейи, Нафис санъат асарлари, Миллий коллекция, Миллий санъат галерияси, Тарих ва техника миллий музейи, Миллий портрет галерияси (ҳаммаси Вашингтонда), ҳозирги замон санъат музейи, Метрополитен музейи, Америка табиатшунослик тарихий музейи (Нью-Йоркда), Бостон нафис санъат музейи ва бошқалар.

ИЛМИЙ МУАССАСАЛАРИ: АҚШда илмий муассасаларга раҳбарлик қиладиган ягона марказ йўқ. Вашингтондаги АҚШ Миллий Фанлар Академияси (1863 йилда ташкил бўлган) фан ва техника масалалари буйича Федерал ҳукуматнинг маслаҳатчиси ҳисобланади.

1964 йилда алоҳида Миллий техника Академияси тузилган. Калифорния фанлар Академияси (1853) ва Чикаго фанлар Академияси (1857) мавжуд. Барча илмий тадқиқотларнинг асосий қисми университетларда олиб борилади. 1965 йилда ташкил этилган Мил-

лий таълим академияси маориф ва педагогика масалалари билан шуғулланади. Мамлакатда бир талай ихтисослашган илмий ташкилот ва жамиятлар бор. 10 мингдан ортиқ хусусий саноат фирмалари, 700 га яқин федерал ҳукумат муассасалари илмий-тадқиқот ва тадқиқот-конструкторлик ишларини амалга оширади. Конгресснинг ижозати билан федерал ҳукумат барча илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларини пул билан таъминлайди. 1950 йилда Миллий илмий жамғарма ташкил этилган. Бу муассаса зиммасига илмий тадқиқотларнинг йўналишини белгилаш, уларни мувофиқлаштириш ва пул билан таъминлаш, илмий кадрлар тайёрлаш вазифалари юклатилади. Фан ва техника масалалари буйича Федерал кенгаш президентининг махсус ёрдамчиси бошчилигида ҳукумат муассасалари бажарадиган тадқиқот ишларини назорат қилади. Давлат муассасалари орасидаги энг йирик жамғармалар Мудофаа вазирлигига қарашлидир. Бу вазирлик ихтиёрида 100 дан ортиқ илмий тадқиқот ва тажриба илмий марказлари бор.

АҚШ ВАҚТ ЗОНАЛАРИ: АҚШда тўртта вақт минтақа мавжуд. Булар ўз қўшнисидан бир соатга фарқ қилувчи Шарқий стандарт, Марказий минтақа, Тоғлар минтақаси ва Тинч океани вақти минтақаларидан иборат. Аляска ва Гавай ороллари алоҳида вақт минтақасини ташкил қилиб, Шарқий стандартдан беш соат фарқ қилади. Америкада вақт 12 соатли шкала билан ўлчанади. Шунинг учун соатни рақам орқали ифода қилгандан кейин пешингача бўлган вақт учун «а.м.» белгиси қўйилади, пешиндан кейин учун «р.м.» соат 24.00 дан кундуз 11 гача бўлган вақт 12 а.м. 11 а.м. деб кўрсатилади. Кундуз соат 12 дан тунги 23 гача тегишлича 12.00 р.м., 11.00 р.м. деб кўрсатилади. Масалан, тунги соат 2 АҚШда 2 а.м. деб, кундузи соат 14.00 эса 2 р.м. деб юритилади.

Америкада байрам кунлари расмий равишда махсус қарорлар билан белгилаб қўйилган. Қўйидаги байрамлар Федерал байрамлар деб аталиб, ушбу кунларда давлат идоралари, ўқув юртлари ва банклар ишламайди.

1. Меҳнат куни — сентябрнинг биринчи душанбаси
2. Колумб куни — октябрнинг иккинчи душанбаси
3. Фахрийлар куни — 11 ноябрь
4. Миннатдорчилик куни — ноябрнинг тўртинчи пайшанбаси
5. Рождество байрами — 25 декабрь
6. Янги йил — 1 январь
7. Мартин Лютер Кинг куни — январнинг учинчи душанбаси
8. Президентлар куни февралнинг учинчи душанбаси

9. Хотира куни — майнинг охирги душанбаси

10. Мустақиллик куни — 4 июль

Бу кунларда одатда хизмат кўрсатиш тизими ва ҳатто жамоат транспорти ҳам қисқа иш куни режимида ишлайди. Қушма Штатларда булардан бошқа байрамлар ҳам кўплаб ўтказилади. Аммо уларда умумий дам олиш куни белгиланмаган. Ушбу байрамларга мисол қилиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Барча муқаддас бузруклар — 31 октябрь куни

2. Сайловлар куни — ноябрнинг биринчи сешанбаси

3. Президентнинг қасамёд қилиб ишга тушадиган куни (иннаугурация) ҳар тўрт йилнинг 20 январи

4. Ҳазил-ўйин куни — 1 апрель

5. Пасха — апрелда

6. Оналар куни — майнинг иккинчи якшанбаси

7. Оталар куни — июннинг учинчи якшанбаси

8. Байроқ куни — 14 июнь

9. Хотира куни — майнинг охириги душанбаси

АҚШнинг маъмурий ҳудудий тизими

Штатлар номи	Маъмурий маркази	Майдони (минг кв км)
Айдахо	Бойссе	216,4
Айова	Де-Мойн	146,8
Алабама	Монт Гомери	133,7
Аляска	Жуно	1518,8
Аризона	Финикс	29,5
Арканзас	Литл - Рок	137,5
Вайоминг	Шайенн	253,6
Вашингтон	Олимпия	176,6
Вермонт	Монтпилиер	24,9
Виржиния	Ричмонд	104,7
Вискансин	Мадисан	145,4
Гавайи	Ганолулу	16,7
Делавэр	Довер	5,3
Жанубий Дакота	Пирр	199,5
Жанубий Каролина	Колумбия	80,4

Жоржия	Атланта	152,5
Иллинойс	Спрингфилд	146,1
Индиана	Индиана полис	94,1
Калифорния	Сакраменто	411,0
Канзас	Толика	213,1
Кентукки	Франкфорт	104,6
Коларадо	Денвер	269,9
Коннектикут	Хартфорд	12,9
Луизианна	Батон-Руж	125,7
Массачусетс	Бостон	21,5
МЭН	Огаста	86,0
Мэриленд	Аннаполис	27,4
Миннесота	Сент-Пол	217,8
Миссисипи	Жексон	123,6
Миссури	Жефферсон-сити	180,4
Мичиган	Лансинг	150,8
Монтана	Гелена	381,1
Небраска	Линкольн	200,0
Невада	Карсон-сити	286,3
Нью - Хэмпшир	Конкорд	24,2
Нью - Жерси	Трентон	20,3
Нью - Йорк	Олбени	128,4
Нью - Мексика	Санта - Фе	315,1
Огайо	Колумбус	106,7
Оклахома	Оклахома - сити	181,1
Орегон	Сейлем	251,2
Пенсильвания	Гаррисберг	117,4
Род - Айленд	Провиденс	3,2
Теннесси	Нашвилл	109,4
Техас	Остин	692,1
Флорида	Таллахасси	151,7
Шимолый - Дакота	Бисмарк	183,1
Шимолый Каролина	Роли	136,5
ЮТА	Солт-Лейк сити	219,9
Ҳарбий Виржиния	Чарлстон	62,6
Колумбия - Федерал округи	Вашингтон	0,2



1732 *George Washington* 1799

ЖОРЖ ВАШИНГТОН

Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир давлатнинг қандай тараққиёт йўлини танлаши, халқи тинч-осойишта яшаб, фаровонлигининг яхшиланиши ва дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллаши кўп жиҳатдан унинг биринчи йўлбошчисига боғлиқ. Шу нуқтаи-назардан қараганда, Америка Қўшма Штатларининг буюк, иқтисодий жиҳатдан қудратли ҳуқуқий демократик давлатга айланишида «Миллатнинг ишончли отаси» деган улуғ номга сазовор бўлган биринчи Президент Жорж Вашингтоннинг хизматлари шубҳасиз, беқиёсдир.

АҚШнинг Виржиния штатида истиқомат қилган Вашингтонлар оиласи асосан деҳқончилик билан рўзгор тебратишган. Оила бошлиғи Августин Вашингтоннинг ҳаёти жуда ҳам қийин кечган. Биринчи хотинининг бевақт вафотидан сўнг Августиннинг аҳволи янада ёмонлашади. Шунга қарамасдан у Августин, Бетти, Жон, Чарлес исмли ўғилларига ҳам ота, ҳам она меҳрини беришга ҳаракат қилади. Орадан бирмунча вақт ўтгач, Августин Вашингтон Мэри Бол исмли аёлни учратиб қолади ва улар ўртасида муҳаббат пайдо бўлиб, хотинининг вафоти туфайли узилиб қолган оилавий ҳаётини у билан боғлашга аҳд қилади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, яъни 1732 йилнинг 22 февралда янги оилада ўғил фарзанд дунёга келади. Эр-хотин Августин ва

Мэри боласига Жорж деб исм қўйишаётганида бир кун келиб бу гўдак фақат оиласи эмас, балки бутун Америка халқи мустақиллиги учун толмас курашчи бўлиб, ўздан ўчмас ном қолдиришини ота-она хаёлларига ҳам келтиришмаган.

Жорж ёшлигидан меҳнатсевар, тиришқоқ, ҳамма нарсани қадрлайдиган инсон бўлиб вояга ета бошлади. У уч ёшга тўлганида оила ер сотиб олиш ва деҳқончилик ишларини кенгайтириш учун Фредерикбеч шаҳарчасига кўчади. Бу пайтда Америкада аҳолининг кўпчилик қисми саводсиз бўлиб, мамлакатнинг ташқи дунё билан алоқаси деярли йўқ эди. Бунинг устига фуқаролар ўртасида қонли тўқнашувлар авж олган эди. Августин ўғлини олти ёшидан бошлаб ўрта мактабга қўяди. Жоржнинг мактабда энг яхши кўрган фани география ва математика бўлиб, адабиёт, тарих, чет тили каби фанларни эса унчалик хушламасди. Шунингдек, у бўш вақтида рақсга тушиш, ов қилиш ва қайиқда сузишни жуда ёқтирарди. Шу тариқа ўрта мактабни тамомлаган 15 ёшли Жорж Вашингтон ҳисоб-китоб ишлари ва хат ёзишни пухта ўзлаштириб олади. Виржинияда олий ўқув юрти йўқлиги сабабли отаси уни Англияга ўқишга юборишни ният қилиб юрган бир пайтда Жорж кутилмаганда отасидан ажралиб қолади. Шундан сўнг оиланинг барча ташвиши, шу жумладан отасининг деҳқончилик ишларини давом эттириш ҳам 15 ёшли Жорж Вашингтоннинг зиммасига тушади. Ана шу вақтдан бошлаб унинг ҳаётида туб ўзгаришлар юз бера бошлади. Айниқса, амакиси Лоуренсга бўлган ҳаваси Жоржнинг ҳаётига ижобий таъсир ўтказди. Лоуренс Англиядан ўқишдан қайтгач, уни 1740-1742 йилларда Буюк Британия ва Испания урушига офицер сифатида юборишади. Тирги Лоуренс жангларда бевосита қатнашмаган бўлса-да, Виржинияга бир олам уруш таассуротлари билан қайтиб, Жоржга уруш тўғрисида жуда кўп воқеаларни ҳикоя қилиб беради. Мана шу ҳикоялар Жоржнинг ҳаётига таъсир ўтказмай қўймади ва шу туфайли у ҳарбий соҳага қизиқиб қолиб, 20 ёшида ҳарбий комиссияга ҳарбий хизматга олишларини сураб ариза билан мурожаат қилади. Илтимос қаноатлантирилгач, у жанубий Виржиния армияси сафига хизматга юборилади.

Вашингтоннинг ҳарбий соҳадаги фаолияти 1753-1758

йилларни ўз ичига олади. Унинг мана шу 5 йиллик умри урушларда ўтади. Баъзида мағлубият аламини тортса, баъзан голиб бўларди. Энг муҳими, 25 ёшли Жорж Вашингтон тез орада халқ орасида уддабурон фермер, тадбиркор ва ҳақиқий ҳарбий киши сифатида обрў-эътибор қозонди. Жорж йигирма олти ёшида, яъни 1759 йилнинг 6 январида ўздан 6 ойлик катта Марта Дендриж Кастис исмли бева аёлга уйланади. Никоҳ маросими Кастис хонимнинг уйида бўлиб ўтади. Мартанинг биринчи оиласидан икки нафар фарзанди бўлиб, уларга 7300 гектарлик ер ва анча бойлик ҳам мерос бўлиб қолганди. Вашингтон Мартадан фарзанд кўрмайди. Шу туфайли у хотиннинг болаларини ўз фарзандлари сингари меҳр билан тарбия қилиб, кейинчалик уларни отасининг туғилиб ўсган жойига олиб келади. Шу орада у Виржиния қонунчилик идорасида 15 йил ишлаб, бу борада бой амалий тажриба ортттиради.

Жорж Вашингтон Англия вакиллари билан музокаралар олиб бориб, икки давлат ўртасида келиб чиқиш хавфи тобора



Никоҳ маросими

яқинлашаётган инқилоб урушининг олдини олишга ҳаракат қилади. Музокаралар жараёнида у «Келинг, масалани қурол билан эмас, ақл билан ечайлик. Уруш очинш ҳар икки томон учун ҳам энг сўнгги чорадир», дея таъкидлайди. Шу мақсадда 1774 йилнинг сентябрда мамлакатда биринчи минтақавий конгресс чақирилади. Йиғилишда Жорж Вашингтон нутқ сўзлаб, «Америка халқига эркинлик ёки ўлим» дея урушни бошлашга мажбур бўлади. Шунингдек, олти кун давом этган Конгрессда армиянинг муҳим муаммолари кўрилиб, уруш режалари тузилди. Йиғилиш қатнашчилари мустамлака армиясининг бош қумондони қилиб Жорж Вашингтонни сайлашади. Сабаби — Вашингтон француз ва маҳаллий ҳиндуларга қарши уруш ҳаракатларида ном қозонган бўлиб, бу борада бошқаларга нисбатан анча тажрибалироқ эди. Шу ўринда Жорж Вашингтоннинг ҳаёти ва фаолияти қуйидаги уч муҳим жараённи ўз ичига олишини таъкидлаб ўтиш зарур:

1. Давлат мустақиллигини қўлга киритиш борасидаги кураш;
2. Мамлакат Конституциясини ишлаб чиқишдаги раҳбарлиги;
3. АҚШнинг биринчи Президенти этиб сайланиши.

Жорж Вашингтон бошчилигида мустақиллик, эркинлик учун инқилоб уруши ўша пайтдаги 13 та мустамлака штат томонидан 1775 йилнинг 19 апрелида бошланади. Унинг қўшини асосан минтақавий ва штатлар армиясидан таркиб топган эди. Американинг ўша пайтдаги 13 та мустамлака штати қуйидагилар эди:

- 1) Массачусетс
- 2) Коннектикут
- 3) Род Айленд
- 4) Нью-Йорк
- 5) Нью-Жерси
- 6) Делавэр
- 7) Пенсильвания
- 8) Виржуния
- 9) Жоржия
- 10) Мэриленд
- 11) Жанубий Каролина
- 12) Шимолий Каролина
- 13) Нью-Хэмпшир

Саккиз йил давом этган инқилоб уруши АҚШнинг мустақил давлат деб эълон қилиниши билан тугайди. Икки томонлама келишув музокараси 1782 йилнинг апрелида Парижда бошланади. Уруш оқибатида 7200 нафарга яқин америкалик аскарлар ҳалок бўлади, 8200 нафар киши яраланди, 10000 нафардан ортиқ аҳоли касалликдан вафот этди.

Жорж Вашингтоннинг сиёсий фаолиятидаги ютуқлари кўп жиҳатдан ўша даврнинг машҳур кишилари, хусусан Томас Жефферсон, Патрик



Ҳарбий тўрталарда

Генри ва Александр Гамильтонлар билан боғлиқ. Шу билан бирга, 1787 йил 25 майда «Конфедерация моддалари»ни қайта кўриб чиқиш мақсадида очилган Конституцион йиғилишлар ҳам Вашингтон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Энг муҳими, Жорж АҚШ Конституциясининг ишлаб чиқилишида бевосита раҳбарлик қилиб дунё мамлакатлари ичида биринчи бўлиб давлат бошқарувининг президентлик институтига асос солди. Шу ўринда АҚШ Конституциясининг яратилиш тарихи ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак. Юқорида айтиб ўтилганидек, асосий қонун вазифасини ўтаган «Конфедерация моддалари»ни қайта кўриб чиқиш мақсадида 1787 йилда Конгресс 13 та штатдан 55 нафар вакилни чақириб, пойтахт Филадельфия шаҳрида уни муҳокама қилишга киришади. Муҳокама вақтида депутатларнинг кўпчилик қисми мустақил федератив давлатга хос бўлган, унинг бугуни ва келажагини белгилаб берувчи ягона бир мукамал қонунни яратиш гоясини илгари суришади. Шундан сўнг 55 нафар вакилдан иборат комиссия тузилиб, янги Конституцияни

ишлаб чиқишга киришилади. Ўн олти ҳафта давом этган қизгин муҳокама ва тортишув, турли фикр-мулоҳазалардан сўнг 1787 йил 17 сентябрда мажлисда қатнашган вакиллардан 39 нафари имзолаган АҚШ Конституцияси қабул қилинади.

Президент Жорж Вашингтон ўтирган курсининг юқори, орқа қисмидаги ўриндиқдаги штироқ олтинга сурати туширилган қуёшнинг ярим палласига ишора қилиб, вакиллардан бири Бенжамин Франклин шундай дейди: «Муҳокама давомида мен мажлис раиси ортидаги қуёшга тез-тез назар ташлаб турдим, ammo унинг кўтарилаётгани ёки ботаётганини англамадим. Бироқ энди охир-оқибат мен қуёш ботаётганини эмас, балки кўтарилаётганини фаҳмлаганимдан ҳаят бахтиёрман».

Шундай қилиб, 1787 йил февралда дунёда биринчи бўлиб АҚШ Конституцияси қабул қилинади. АҚШ Конституцияси қисқа матнда тузилган бўлиб, муқаддима ва 7-модладан иборат, моддалар ҳам ўз навбатида бўлимларга ажратилган. Асосий қонуннинг муқаддимаси шундай сўзлар билан бошланади:



Ж. Вашингтон оиласи билан

«АҚШ халқи тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, адолат ва тенгликни ўрнатиш ҳамда мустақиллик, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини қонуний кафолатлаш мақсадида ушбу Конституцияни қабул қилади».

Шуни таъкидлаш жоизки, оралдан 215 йилдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ушбу Конституция 27 та ўзгариш ва қўшимчалар билан ҳозиргача амалда. Дастлабки 10 та ўзгариш 1789 йил 25 сентябрда киритилган бўлиб, унга мувофиқ Америка фуқаролари эркин фикрлаш, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳукуматга мурожаат қилиш ҳамда тинч йўл билан намойиш ўтказиш ҳуқуқларига эга бўлди. Энди бевосита ана шундай ҳаётий ва барқарор Конституциянинг муаллифларидан бири бўлган Жорж Вашингтоннинг сиёсатдаги кейинги муваффақиятлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, 1789 йилнинг феврал ойида ана шу Конституцияга мувофиқ мамлакатда биринчи марта Президентлик сайлови ўтказилади ва унга номзод сифатида икки киши, яъни Жорж Вашингтон ва Жон Адамс кўрсатилади. Сайлов натижасига кўра Жорж Вашингтон 69 фоиз овоз олиб президентликка, Жон Адамс эса вице-президентликка сайланади. Президентнинг қасамёд маросими 1789 йилнинг 30 апрелида бўлиб ўтиб, унда Жорж Вашингтон «Кўшма Штатларнинг Конституциясини сақлаш, ҳимоялаш ва муҳофаза қилиш йўлида бор кучимни аямайман», дея қасамёд қилади. Аравада кетаётган Вашингтонни катта ҳис-ҳаяжон билан кузатиб турган кишилар, «Наҳотки эркинлик, наҳотки энди бизнинг ҳам ўз йўлбошчимиз бор», дея қувонишар эди.

Вашингтоннинг президентлик фаолияти давомида мамлакатда аста-секин барқарорлик ўрнатилиб, қуллик ва инсон қадр-қимматини пастга урадиган турли адолатсизликларга барҳам берилди. Жорж Вашингтон «Қачонки аҳолини саводли, ҳунарли, бир сўз билан айтганда, маърифатли қилсақгина ривожланиш бўлади», деган шиорни ўртага ташлайди ва уни давлат сиёсатининг асосий йўналишига айлантиради.

Президент Жорж Вашингтоннинг халқларварлиги, ўз халқини севиши ва кўпчиликнинг фикрига қулоқ солишини шундан ҳам билса бўладики, у ҳар куни халқ билан учрашар, баъзан ўз хонасида ўнлаб, юзлаб кишиларни қабул қиларди. Шу сабабли уша давр одамлари уни севиб, «Миллатнинг ишончли отаси», деб аташарди. Бунинг натижаси ўлароқ у иккинчи

муддатга ҳам президент этиб сайланади. 1799 йилнинг декабр ойида жуда совуқ бўлгани туфайли Жорж Вашингтон қаттиқ шамоллаб қолади. 14 декабр кечаси хотини Мартани уйғотиб, нимадир демоқчи бўлди-ю, аммо...

Умрининг охирига бораётганини сезган Жорж врач чақиришга ҳам рухсат бермайди. Эртаси куни атрофидаги кишиларга «Мен ҳақимда қайғурманг, фақат бу дунёдан тинчгина куз юсам бас», дея 67 ёшида бу ёруғ оламни тарк этади.

Вашингтон васиятида ўзининг 150 нафар африкалик қулларини озод этиш қайд этилган эди. Бу васият хотини томонидан 1802 йилда амалга оширилганига қарамасдан, қуллар яна қайтиб келишга мажбур бўлишади. Чунки, бундай ҳаракат ўша пайтда Американинг кўпгина қулдорлари учун ақл бовар қилмас иш эди.

Америка халқи ўзининг бу матонатли фарзандининг фидо-корона меҳнатларини муносиб тақдирлади. Америка Қўшма Штатларининг пойтахтига унинг номи берилди. Бугунги кунда пойтахт Вашингтонда Жорж ва унинг оиласини эслатиб турувчи баланд минора шаклидаги ажойиб ёдгорлик мажмуаси барпо этилган ва АҚШ пойтахтига борган кишилар бу ёдгорликни зиёрат қилишиб, унда ўрнатилган лифтлардан юқорига чиқиб, шаҳарнинг кўркам ва ҳуснкор жамолини томоша қилиб, биринчи президентга ҳурмат бажо келтиришади. Хўш, Америка халқи нима учун Жорж Вашингтонни бу қадар юксак ҳурматлаб, унга чексиз иззат-икром кўрсатади? Бизнингча, бунинг қуйидаги уч сабаби бор:

Биринчидан, Жорж Вашингтон мамлакатни ўз вақтида таназзулдан олиб чиқиб, уни мустақиллик сари етаклаган биринчи давлат арбоби ҳисобланади;

Иккинчидан, Ж. Вашингтон давлат бошқарувининг ҳозирги кунда энг адолатли ва демократик ҳисобланган президентлик институтини дунёда биринчи бўлиб жорий этиб, уни амалда муваффақиятли қўллади, давлатнинг асосий қонуни бўлган Конституцияни яратди;

Учинчидан, Ж. Вашингтон мамлакатнинг биринчи ва унутилмас президентиدير.

Шу туфайли унинг ҳаёти миллат ва Ватанга фидойиликнинг ажойиб намунаси сифатида асрлар оша авлодларга сабоқ бўлиб келмоқда.



ЖОН АДАМС

АҚШда «Миллатнинг ишончли отаси» Жорж Вашингтондан сўнг ҳокимият тепасига Жон Адамс келади. У 1735 йил 30 октябрда Массачусетс штатининг Брейнтри (ҳозирги Куинс) шаҳарчасида деҳқон оиласида туғилади. Унинг отасининг исми ҳам Жон Адамс бўлиб, дастлаб деҳқончилик билан шуғулланади, кейинчалик университет декани ва шериф лавозимларида ишлайди. Онаси Сузанна Адамс эса бостонлик савдогар оилалардан бўлган. Кичик Жон дастлабки билимини қишлоғидаги ўрта мактабларнинг бирида олади. Ўқиш билан бирга отасининг деҳқончилик ишларига ёрдам ҳам бериб юради. Лекин Жон ёшлигида китоб муталаа қилишни унча ёқтирмасди. Мактабни битиргач, Гарвард коллежининг талабаси бўлади ва бу ўқув даргоҳида илмга қизиқиб, шундай кучли билим оладики, натижада профессор-ўқитувчилар уни шу даргоҳга ишга олиб қолишади. Коллеждаги ўқитувчилик фаолияти тугагач, Адамс ўзининг мутахассислиги бўйича амалиёт ўтайди. Орадан 10 йил ўтар-ўтмас Жон Адамс Массачусетсда маҳоратли ва юксак савияли адвокат, деган номга сазовор бўлади. Жон Адамснинг шахсий ҳаёти ҳақида шуни айтиш мумкинки, 1764 йилда у юқори лавозимли давлат хизматчисининг Абигейл Смит исмли қизи билан оила қуради. Улар беш нафар ўғилли бўлишади.

Аммо, уларнинг учтаси бе-вақт ҳаётдан кўз юмади. Қолган икки ўғлининг бири орадан йиллар ўтиб АҚШнинг олтинчи президенти бўлади.

Жон Адамснинг халққа танилиши Британия ҳукуматига қарши бир неча бор чиқишлар қилиши билан боғлиқ. У ўзининг танқидий мурожаатларида эркинлик ва мустақилликни қўллаб-қувватлайди. 1774 йилда Англия мустамлакачиларига қарши курашиш ва озодликни қўлга киритиш мақсадида ҳар бир штатдан ва-



Абигейл Смит

киллар чақирилди. Ана шу йиғилишда Массачусетс штатидан Жон Адамс ҳам бор эди. У мажлисда чиқиш қилиб, «Халқимнинг эркинлиги ва келажаги мен учун энг олий қадриятдир», дея юртдошлари қалбидан жой олади. 1775 йилда бўлиб ўтган иккинчи минтақавий йиғилиш эса мустақиллик учун курашни бошлаб берди. Йиғилишда Адамс «Бугундан бошлаб Америка халқи эркиндир», деган фикрни билдиради ва шундан сўнг тарихий-сиёсий ҳужжат «Мустақиллик декларация»сини ишлаб чиқишга киришилади. АҚШнинг мустақиллиги эълон қилинган, Конгресс Адамсни Парижга вакил қилиб юборади. Унинг зиммасига Франция ва бошқа Европа давлатлари билан алоқа ўрнатиш ва мустаҳкамлаш юклатилади. Ўзига топширилган вазифани аъло даражада бажариб, она-юртига қайтган Жон Адамс Массачусетс конституциясини ишлаб чиқади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Адамс томонидан биринчи бўлиб ишлаб чиқилган ушбу конституция бошқа штатлар қонуларининг яратилишида ҳуқуқий асос вазифасини ўтади. 1782 йилда Конгресс ўзининг ишончли вакили Адамсни Буюк Британияга юборади. Ун йилга яқин Англияда яшаган ва ишлаган Жон Адамс бошчилигида АҚШ ва Британ вакиллари ўртасида дастлабки «Тинчлик ва ҳамкорлик шартномаси» имзо-

ланади. Яна шуни таъкидлаш лозимки, Америка тарихида Буюк Британияга биринчи элчи бўлиб борган шахс ҳам айнан Жон Адамсдир. АҚШга қайтгач Жон Адамс кўп ўтмай вице-президентликни қўлга киритади. Бу лавозимда у асосий эътиборни таълим соҳасига қаратади. Чунки бу пайтда аҳолининг кўпчилиги қисмининг саводсизлиги ва маърифатсизлиги мамлакатнинг ривожланишига тўсқинлик қиларди. Адамс ўзининг маърузаларидан бирида «Инсонни инсон қиладиган, уни золимликдан асрайдиган куч ҳам маърифатдир», деган эди. Шунингдек, бу даврда тинчлик ва халқ фаровонлигини таъминлаш асосий муаммолардан бири эди. Чунки Француз инқилобининг бошланиши ташқи давлатлар, шу жумладан АҚШ тинчлигига ҳам хавф соларди.

Президент Жорж Вашингтон давлат раҳбарлиги учун учинчи муддатга номзодини қўйишни рад этганидан сўнг федерал кучлар Жон Адамс, демократлар эса Томас Жефферсон номзодларини илгари суришади ва сайловда Жон Адамс устунликка эришади. Ҳозирда кўпчилик Адамсни бахтли президентлардан бири сифатида эътироф этишади. Бунинг боиси шуки, Америка президентлари ичида биринчи бўлиб «Оқ уй»да яшаш бахтига муяссар бўлган давлат раҳбари ҳам айнан Жон Адамсдир.

Шу ўринда АҚШ президентлари қароргоҳи — «Оқ уй»нинг барпо этилиш тарихи ҳақида қисқача гўхталсак. «Оқ уй», бошқача айтганда, мамлакат пойтахти Вашингтондаги президентлар уйини қуриш ишлари 1792 йилда ирландиялик Жеймс исмли архитектор раҳбарлигида бошланади. Унга дастлаб «Ижро ҳокимияти уйи», кейинчалик «Президентлар уйи» деб ном беришади ва ниҳоят 1901 йилда президент Теодор Рузвельт унга «Оқ уй» номини беради. Рузвельтнинг ушбу бинога «Оқ уй» номини беришининг замирида ҳам чуқур маъно мужассамлашган. Чунки Америка халқи бошига кўплаб оғир кунлар тушиб, аёвсиз урушлар туфайли халқ кўп жабр-зулм кўрган. Ана шундай урушларнинг бирида Британия ҳарбийлари «Оқ уй»ни вайронага айлантиришади (1812). Маълумки, оқ ранг — бу тинчлик ва поклик рамзидир. Давлат раҳбари қароргоҳининг «Оқ уй» деб аталиши ҳам Америка халқининг тинчликсевар, адолатпарвар, фидойи миллат эканлигидан дарак беради. Президент Адамс даврида мамлакатда саноат ишлаб чиқариши йўлга қўйилиб, иқтисодий муаммоларга аста-секин барҳам

берила бошланди. Чунончи, Массачусетсда биринчи жун ишлаб чиқариш фабрикаси очилади ва бошқа бир қатор саноат корхоналари ишга тушади. Шу билан бирга Президент демократик қонун-қоидалар, айниқса сўз эркинлигини кафолатлашга ҳам катта ҳисса қўшади. Ташқи сиёсатда эса асосан Франциядаги инқилоб урушини ниҳоясига етказишга ҳаракат қилади. Шуниси қизиқки, Адамснинг ҳаётдаги энг яқин дўсти Томас Жефферсон эди. Бу икки буюк шахс 1775 йилда бўлган минтақавий йиғилишда танишиб, бир умрга дўст бўлиб қолишади. Жон Адамс 66 ёшида «Оқ уй»ни тарк этади. Шундан кейин ҳам у АҚШ президентилари ичида узоқ умр кўрганларидан бири сифатида яна 24 йил яшайди. Ана шу давр ичида собиқ президент кексалигига қарамасдан тарих, фалсафа ва динни чуқур ўрганади. Энг қизиғи, икки яқин дўст Жон Адамс ва Томас Жефферсон бир кунда, яъни 1826 йилнинг 4 июлида (Мустақиллик куни) вафот этишади. Ўлими олдидан Жон Адамснинг сўнгги сўзи шундай бўлган: «Томас Жефферсон халқи учун ҳали яшаши керак. Жон Адамс эса бошқа президентларга караганда узоқ умр кўрди». Бугунги кунда Америка халқи ўзининг фидойи фарзанди Жон Адамсни машҳур давлат арбоби, тажрибали ҳуқуқшунос, элчи ва ажойиб ёзувчи сифатида юксак қадрлайди.



Оқ уйнинг дастлабки кўриниши



1743

Thomas Jefferson

1826

ТОМАС ЖЕФФЕРСОН

Америка Қўшма Штатларининг мустақил давлатга айланиши ва ривожланишида катта ҳисса қўшган ҳамда ўзининг эзгу ишлари билан миллат қалбидан абадий жой олган президентлардан бири Томас Жефферсон 1743 йилнинг 13 апрелида Виржиния штатининг Шедвел шаҳарчасида туғилади. Саккиз фарзанднинг отаси Петер Жефферсон (Томаснинг отаси) дастлаб денгизчи, кейинчалик шериф бўлиб ишлайди. Уй бекаси Жейн Рудолф бой, маърифатли хонадондан эди. Томас ёшлигида балиқ овлаш, отда сайр қилиш ва табиат қўйнида юришни жуда яхши кўрарди. Жефферсон таълимни дастлаб репититордан олади, 9 ёшида эса Шотландиялик руҳонийга шогирд тушиб, латин, юнон ва француз тилларини мукаммал ўзлаштириб олади. Кутилмаганда отасининг бевақт ўлими 14 ёшли Томасни Англиядаги Жеймс Маури мактабига етаклайди. Ўқиш давомида дунёқараши кенг, ижодкор ўқувчи сифатида ўқитувчи ва талабалар ўртасида тез танилади. У мактабда турли китоблар йиғишни одат қилиб олади ва 1760 йил ўрта мактабни тугатгач, Уиллиамсбургдаги «Уильям ва Мэри» коллежига қабул қилинади. Шуниси қизиқки, ўша пайтда Уиллиамсбург аҳолисининг сони бор-йўғи 1000 нафарга етиб, уларнинг аксарият қисми ўқимишли эди. Коллежда Томас математик Вилмамсойс ва

Жорж исмли судья билан танишиб, уларнинг кўмагида катта муваффақиятларга эришади. Томаснинг динга эътиқоди ниҳоятда кучли эди. Шу сабабдан у «Худони бутун қалбингиз билан севинг», деган иборани тез-тез такрорларди. Икки йилда ушбу ўқишни тугатган Жефферсон устози Жорж раҳбарлигида ҳуқуқий фанларни ўзлаштиришга бел боғлайди ва юридик ташкилотларда хизмат кўрсатади.

Томас Жефферсоннинг оилавий ҳаёти ҳақида тўхталсак, у 1772 йилда Марта Скелтон исмли бева аёл билан турмуш қуради. Уларнинг танилиши ҳам жуда қизиқ бўлган. Гап шундаки, уша пайтда Жефферсон шаҳарда энг машҳур кўшиқчи бўлган. Бир куни Марта Томасдан унинг учун кўшиқ ҳиргой қилиб беришни илтимос қилади ва шу сабаб иккаласи яқиндан танишиб, бир-бирини ёқтириб қолишади. Томас ва Марта Жефферсонларнинг битта ўғил ва бешта қизлари бўлади. Бироқ, бешафқат ўлим уларнинг тўрттасини бевақт ҳаётдан олиб кетади. Бундай оғир жудоликка чидай олмаган она ҳам орадан 10 йил ўтар-ўтмас, жон таслим қилади. Шундан сўнг икки қизи билан қолган Томас Жефферсон бутун умрини ёлғизликда ўтказишга қарор қилади.

Шуниси қизиқки, Томас Жефферсон ўзини сиёсатчи эмас, балки ажойиб ижодкор, дунёқараши кенг инсон деб биларди. Маълумки, 1774-1775 йилларда АҚШда биринчи ва иккинчи минтақавий йиғилишлар бўлиб ўтади. Уларни ўтказишдан асосий мақсад Британия ҳукумати томонидан амалга оширилаётган агрессия ҳаракатларини тўхтатиш ва Америка халқига мустақиллик бериш эди. Ҳуқуқшунос Жефферсон ҳам минтақавий йиғилишда фаол қатнашиб, масъул вазифаларни бажаради. Чунки Томас Жефферсон азалдан эркинликни севувчи шахс бўлгани боис мустақилликнинг ҳуқуқий кафолати бўлмиш «Мустақиллик декларацияси»ни ишлаб чиқишни таклиф қилади. Йиғилиш қатнашчилари ушбу таклифни бир овоздан маъқуллаб, бу масъулиятли ва шарафли вазифани унинг ўзининг зиммасига юклашади. Шундан сўнг Томас Жефферсон раҳбарлигида Бенжамин Франклин, Роберт Ливингстон ва Жон Адамслардан иборат махсус комиссия ташкил қилинади. Жефферсон декларация лойиҳасини ишлаб чиқиб, Конгрессга тақдим этади. Конгресс лойиҳани муҳокама қилиб, уни 1776 йил 4 июлда қабул қилади ва шу билан Америка Қўшма Штатлари, деб аталувчи дунёда янги мустақил давлат пайдо бўлади. Дарвоқе, ушбу тари-



Континентал ширини

хий-сиёсий ҳужжат 56 та минтақавий конгресс аъзолари томонидан имзоланади.

Томас Жефферсон билими ва заковатининг буюк маҳсули бўлган «Мустақиллик декларацияси» АҚШда инсон эркинлиги ва озодлигини ҳуқуқий кафолатлади. Мазкур декларацияни ишлаб чиқишда француз ва инглиз маърифатпарвар файласуфларининг гояларидан кенг фойдаланилди. Хусусан, бунда Жон Локкнинг «Ҳукумат ҳақида иккинчи рисола» номли китоби айниқса кўл келди. Шунинг учун ҳам Декларациянинг дебчаси ҳукумат фаолияти борасида Локк илгари сурган назарияга ҳамоҳангдир. Унда жумладан шундай дейилади: «Биз қуйидаги ҳақиқатни ўз-ўзидан аён деб биламиз: дунёда барча инсонлар тенг қилиб яратилган ва яратувчи томонидан муайян дахлсиз ҳуқуқлар билан тақдирланган. Булар Ҳаёт, Озодлик ва Бахт-саодат сари интилиш бўлиб, у ўз қудратини бошқарувчилар розилигидан олади ва ҳукуматнинг бирон шакли бу мақсадларга хилоф келса, бундай ҳукуматни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳамда ўз мақсади, хавфсизлиги ва бахт-саодатини рўёбга чиқариш учун унинг пойдеворини ўзларига энг мақбул тамойиллар асосида қуриш ва куч-қудрат ҳамда ваколатлари шундай шаклга асосланган янги ҳукумат барпо этиш — халқ ҳуқуқидир».

Шунингдек, «Мустақиллик декларацияси»да Англия қироли томонидан мустамлакаларга етказилган жабр-зулмлар санаб кўрсатилиб, унда 13 та мустамлака Англиядан ажралиб чиқиб, янги мустақил давлат — Америка Қўшма Штатларини тузади, деб қатъий белгилаб қўйилган эди. Ўшанда «Декларация»ни одамлар кўчаларда, майдонларда катта ҳис-ҳаяжон билан ўқишган ва маъқуллашган. Унинг қабул қилиниши шарафига тўплардан бир йўла 13 марта (штатларнинг сонига қараб) ўқ узилиб, салют берилади. Нью-Йоркда қирол Георгий-III ҳайкалинини супадан ағдариб ташлаб, ундан ўқ ясайдилар. Ўшанда америкаликлар хурсандчилик билан «Инглизлар ўзларнинг қиролдан эритиб ясалган ўқларни бир таътиб кўрсинлар», дер эди.

Шуни айтиш керакки, ушбу Декларация Америка Қўшма Штатларининг давлат мустақиллиги ва ҳудудий дахлсизлигини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаган бўлса-да, аммо фуқароларнинг тенг ҳуқуқлиги ва эркинлигини тўлиқ кафолатлаб беролмади. Чунки АҚШда яқингача, яъни ўтган асрнинг олтмишинчи йилларига қадар оқ танли ва қора танли фуқаролар ўртасида тенгсизлик мавжуд эди. Нима бўлганда ҳам машҳур сиёсий арбоб Томас Жефферсон томонидан ишлаб чиқилган ушбу тарихий ҳужжат Америка халқининг мустақиллигига ҳуқуқий жиҳатдан асос солди десак, муболаға бўлмайди.

1776 йилнинг сентябрида Конгрессдан бўшаган Жефферсон туғилиб ўсган юрти Виржиния томон йўл олади. У ҳарбий соҳага қизиқмагани боис инқилоб урушига ҳам қатнашмайди. «Ҳарбийдан кўра мени ҳуқуқшунос сифатида кўпроқ фойдам тегади» дер эди. Шуниси қизиқки, бу даврда Виржиния сайлов қонунларига биноан ким мулкдор бўлса, ўша шахс сайлаш на сайланиш ҳуқуқига эга эди. Бу қонуннинг ногўфрилигини кўрган Жефферсон тезда Конгрессга янги таҳрирдаги сайлов қонунини тақдим этади. Шундан кейин ҳар бир фуқаро ижтимоий келиб чиқиши ва мавқеидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга бўлади. Энг муҳими, Жефферсон Виржинияда қулликка барҳам берилишида катта хизмат кўрсатади. Шунингдек, унинг таклифи билан ер ҳуқуқи ва жиноят ҳуқуқи каби қонунларга ҳам бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади. Демократик ислохотларнинг ташаббускори Томас Жефферсонни 1779 йилда халқи бир йил муддатга ўз штати губернатори (ҳокими) этиб

сайлайди. Губернаторлик вақтида Томас асосан инқилоб урушидан оғир азият чеккан аҳолига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади. Орадан бир йил утгач, Жефферсон Мантиселлога қайтиб келиб, «Виржиния ҳақида айрим маълумотлар» номли биринчи китобини нашрдан чиқаради. Лекин хотинининг бевақт ўлими Жефферсонни ҳаётининг мазмунини ва муҳаббатидан бир умрга айирди. Бундай бахтсизликдан кейин анчагача ўзига келолмаган Томас ўзини бироз бўлса-да, чалғитиш мақсадида Конгрессга аъзо бўлиб киради. Бу ерда у бир неча йил қўмита раиси лавозимида фаолият юритади ва бу ерда унинг қилган энг асосий иши «Ер туғрисидаги декретни» ишлаб чиқиши бўлди. Чунки мазкур декретга асосан энди барча фуқаролар ер билан таъминланиш ҳуқуқини олди.

Инқилоб урушидан сўнг АҚШ ҳукумати ташқи мамлакатлар билан ҳам алоқа ўрнатишга алоҳида эътибор қаратади. Шу мақсадда Томас Жефферсон ва Жон Адамслар Францияга вакил қилиб юборилади. Устига-устак бу пайтда Францияда ҳам инқилоб уруши бошланиши арафасида эди. Бу эса эндигина тинч ҳаёт кўраётган Америка халқи учун ҳам маълум маънода уруш дегани эди. Ана шуларни демократик йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилган Жефферсоннинг уринишлари бесамар кетади ва у «Француз миллати бирор масалани тинч йўл билан ҳал қилишга ўрганишмаган экан», дея хафа бўлиб, она юртига қайтиб кетади. Ишлари битмаган Жефферсон энди сиёсатдан бироз узоқлашиш ниятида қолган умрини ижодга бағишламоқчи бўлади. Аммо ўртоқлари демократчилар уни 1796 йилда ўтказиладиган сайловга Жон Адамсга қарши президентликка номзод этиб кўрсатишмоқчи бўлади.

Сайловда Жон Адамс президентликка, Томас Жефферсон эса вице-президентликка сайланади. Вице-президент сифатида у деҳқон-фермерлар ишини яхшилаш мақсадида уларга кенг имкониятлар яратиб беради. Шунинг билан бирга ҳозирги кунда ҳам фойдаланиб келинаётган «Парламент амалиёти ҳақида маълумотлар» номли китобини чоп эттиради. 1800 йилдаги сайловда демократик республикачилар президентликка яна Жефферсонни, федерал кучлар эса Жон Адамс номзодларини кўрсатишади. Бу галги сайловда федералчилар демократларни ютиб чиқишидан анча кўрқарди. Чунки Томас Жефферсон вице-президентлик вақтида халқ манфаатига хизмат қиладиган бир

қанча муҳим ислоҳотлар ўтказиб, шу орқали халқ меҳрини қозонган эди. Сайловда федералчиларнинг тахминлари тўғри чиқади. «Мустақиллик декларацияси»нинг асосчиси, халқпарвар ҳуқуқшунос олим Томас Жефферсон кўпчилиكنинг овозини олиб, АҚШнинг учинчи президенти этиб сайланади.

Томас Жефферсон пойтахт Вашингтон шаҳрига кўчирилганидан сўнг янги пойтахтда илк бор ўтказилган президентлик қасамёдини қабул қилиш маросимида сўзлаган нутқида мамлакатда «оқил ва тежамкор ҳукумат» барпо этишга, шу билан бирга аҳолини саноат ишлари билан шуғулланиш ҳамда уларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасидаги эрklarини ўзларида қолдиришга ваъда бериб, шундай деган эди:

«Ер қуррасидаги ҳар бир инсон ва ҳар бир инсонлар жамоаси ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига моликдир. Бизнинг асосий мақсадимиз халқимизни зўравонликдан, тенгсизлик ва мутеликдан олиб чиқиб, фаровон ҳаёт сари бошлашдир. Шундай экан, барчамиз ягона мақсадни амалга ошириш учун бир тан, бир жон бўлиб курашишимиз даркор. Зотан, ҳаммамиз федералчилар, ҳаммамиз республикачилармиз».

Томас Жефферсон АҚШ президентларидан биринчи бўлиб ишни «Оқ уй»да бошлайди ва у бу ерга кўчиб келганида ушбу бино эндигина битаятган эди. Хотини вафотидан сўнг қизи Марта Рудольф Жефферсонга доимо қарашиб турарди ва шунинг учун у «Оқ уй»га қизини ҳам кўчириб олиб келади. Президент Жефферсоннинг «Оқ уй»да бўлиши демократик жараёнларни рағбатлантиришнинг кафили эди. У қўл остидаги ходимларини ўзларини халқ вакиллари, унинг дардига дармон бўладиган кишилар сифатида ҳис этишга ўргатди ҳамда халқ таъминотини яхшилаш учун ишлаб чиқаришни, айниқса, қишлоқ хўжалигини кенг ривожлантириш ва янги ерлар ўзлаштиришни рағбатлантирди. Президент Жефферсон даврида мамлакат аста-секин тинч ва фаровон ҳаёт йўлига кириб боради. У жамиятни бошқаришда давлат назоратини камайтириш тарафдори эди.

1804 йилдаги сайловда Америка халқи содиқ ва фидойи фарзанди Жефферсонга катта ишонч билдириб, уни иккинчи муддатта президентликка сайлайди. У сайловчиларни ватанпарварликка чақириб, «Мағрурлик ва фидойилик очликдан ҳам, сувсизликдан ҳам, қаҳратон совуқдан ҳам юқори туради ва уларни

енгади» деган эди. Шунингдек, бу пайтда Англия ва Франция ўртасида бўлаётган уруш президент Жефферсонни хавотирга солмасдан қуймасди, албатта. Энг ёмони, бу пайтда машҳур сиёсатчи Александр Гамильтон ўлдириб кетилади. Президентлик ваколати муддати охирига етган Томас Жефферсонни кўпчилик яна номзодини қўйишга даъват этади. Бироқ у устози Жорж Вашингтоннинг изидан бориб, 65 ёшида нафақага чиқади. Истезфога чиқиши олдида Жефферсон ўзидан кейинги президент Жеймс Мэдисон бўлишини жуда-жуда хоҳларди. Нияти холис экан, сайловда Мэдисон голиб чиқади. Нафақага чиққандан сўнг ҳам Жефферсон бекор ўтирмади. У «Қабрга киргунингча илм ўрган» деган ақидага амал қилиб, кексалигига қарамасдан дин, фалсафа ва ҳуқуқни янада чуқурроқ ўрганишни давом эттирди. Шунингдек, Виржиниянинг таълим соҳасида ҳам муҳим ислохотларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшади. Хусусан, ҳозирги кунда АҚШнинг машҳур таълим муассасаларидан бири Виржиния университетининг асосчиси ҳам айнан Томас Жефферсон эканлиги диққатга сазовордир. Кундан-кунга умри охирига етган Томас Жефферсоннинг ҳаётини ана шундай муносиб поёнига етказишга ҳаракат қилади. У 1826 йилнинг 4 июлида 87 ёшида вафот этади ва дафн маросими Виржинияда бўлиб ўтади. Томас Жефферсоннинг қабр тошига шундай сўзлар битилган: «Бу ерда «Мустақиллик Декларацияси»нинг муаллифи, эркинлик ва озодликни улуғлаган, Виржиния университетининг отаси Томас Жефферсон ётибди».

Бугунги кунда пойтахт Вашингтонда Жефферсоннинг хотирасига бағишланиб хотира майдони ҳамда Жефферсон шаҳарчаси барпо этилган бўлиб, буларнинг барчаси Америка халқининг толмас ватанпарвар фарзандига бўлган юксак ҳурмат-эътиборидан далолатдир. Зеро, буюк инсонларнинг халқ манфаати йўлидаги ишларини тарих ва халқ ҳеч қачон унутмайди.



1751

James Madison

1836

ЖЕЙМС МЭДИСОН

Америка Қўшма Штатларида 1787 йилда бўлиб ўтган конституциявий йиғилишда асосий вазифани бажариб, «Конституциянинг оталари»дан бири номига сазовор бўлган ҳамда федерал ҳокимият тизимини ташкил қилишда жонбозлик кўрсатган шахслардан бири АҚШнинг тўртинчи президенти Жеймс Мэдисондир.

Оиладаги ўн икки нафар фарзанднинг энг каттаси бўлган Жеймс Мэдисон 1751 йилнинг 16 мартида туғилади. Унинг отаси Жеймс деҳқончилик билан машғул, онаси Нелли хоним эса уй бекаси эди. Шуниси қизиқки, Америка президентлари ичида энг кўп фарзандли оила ҳам Мэдисонлар оиласи бўлган. Жеймс ёшлигида нозик табиатли бола бўлгани боис, тез-тез касалга чалиниб турарди. У дастлаб репититорлар қўлида, кейинроқ эса Доналд Робертсон номидаги ўрта мактабда таҳсил олади. Мактабни битиргач, 18 ёшли Жеймс Нью-Жерси коллежи (ҳозирги Принстон университети) га ўқишга қабул қилинади. Икки йиллик ўқиш мобайнида Жеймс барча фанлар, айниқса сиёсат илмини чуқур ўзлаштириб, «Виггилар» жамиятига ҳам аъзо бўлиб киради. Университетни тамомлаб, олти ой давомида фалсафа билан жиддий шуғулланади. Мэдисоннинг сиёсатда ном қозониши янги ташкил топган Виржиния штати Хавфсизлик

кенгашига сайланиши билан боғлиқ. Ушбу кенгаш аъзоси сифатида Мэдисон Виржиния конституцияси ва Виржиния ҳуқуқлари туғрисидаги қонун лойиҳалари билан жиддий шугулланиб, уни ишлаб чиқади.

Шунингдек, айнан шу ерда у «Конституция оталари»дан бири бўлмиш Томас Жефферсон билан танишиб, биргаликда фаолият юритишади ва кейинчалик қалин дўст бўлиб қолишади. 1783 йилда Мэдисон тарих ва ҳуқуқ фанини мукаммал ўрганиш ниятида сиёсий ҳаётдан бироз бўлса-да узоқлашмоқчи бўлади. Аммо Оринж округи (Виржиния) аҳолиси унга юксак ишонч билдириб, штат ассамблеясига сайлашади. Ассамблеяда ишлаган пайтда Жеймс уртоғи Жефферсон илгари сурган динни давлатдан ажратиш ғоясини қўллаб-қувватлаб, Виржиния фуқароларининг эътиқод эркинлиги ҳуқуқини қонуний равишда кафолатлайди. Энди 36 ёшда бўлишига қарамасдан, Мэдисон ўзининг ижро ҳокимиятини ташкил этиш ғояси ва Виржинияни иттифоққа бирлаштириш масалаларини ўртага ташлагани туфайли 1787 йилда бўлган АҚШ Конституциясини ишлаб чиқиш комиссиясининг йиғилишида қатнашиб, кўпчилик машҳур давлат арбоблари ва сиёсатчиларининг эътиборига тушади. Бундан ташқари, у Америка тарихида биринчи бўлиб Конституцияга шарҳ ёзади. Қисқаси, Мэдисоннинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётда кўрсатган ана шундай жонбозлиги унинг келажакда катта муваффақият қозонишида асосий омил бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ, у рақиби Жеймс Монрони мағлуб этиб, Конгресснинг Вакиллар палатаси аъзолигини қўлга киритади. Парламентнинг ташаббускор депутатларидан бири бўлган Мэдисоннинг таклифига асосан ҳар бир штатда молия органлари ташкил қилинади. Энг муҳими, АҚШ Конституцияси ва Ҳуқуқлар туғрисидаги Биллга дастлабки 10 та ўзгартириш киритилиши ҳам Жеймс Мэдисоннинг номи билан боғлиқ (1789 йил, 29 сентябр). Мазкур ўзгартиришларга мувофиқ АҚШ фуқаролари сўз, ижод эркинлиги ва ҳокимият идораларига маъмурий тартибда мурожаат қилиш каби ҳуқуқларга эга бўлади.

Шунингдек, Мэдисон сиёсатшунос Александр Гамильтон олиб бораётган молия сиёсатиغا қарши чиқади. Чунки Гамильтоннинг молиявий сиёсати кўпроқ шарқий штат фуқароларига имтиёз яратар, аксинча жанубий ва ғарбий штатлар аҳолиси эса бундай тенгсизликдан азият чекишарди. Федерал кучлар

сиёсатига қарши курашиш ва ўз тарафдорларининг атрофида тўплаш мақсадида 1792 йилда Жеймс Мэдисон ва Томас Жефферсонлар демократик-республикачилар партиясига асос солишади. Мэдисоннинг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у Филадельфиялик Долли Пейн исмли бева аёлга уйланади. 1801 йилда Томас Жефферсоннинг мамлакат президенти этиб сайланиши демократлар ўз сиёсатини амалда тадбиқ этиш вақти келганини билдирарди. Президент Жефферсон қасамёд маросимининг эртаси кунёқ Мэдисонни Луизияна штати котиби (секретари) этиб тайинлайди. Жефферсон ва Мэдисонлар даврида ушбу штат ҳар жиҳатдан гуллаб-яшнайдди. Ўз халқининг тинч-тотувлиги ва фаровонлигини ўйлаб, ҳудудлар юзасидан Буюк Британия ва Франция билан курашишдан ҳам воз кечади. Шунинг билан бирга бу пайтда Конгресс «Эмбарго» қонунини ҳам қабул қилади. Ушбу қонун АҚШнинг ташқи сиёсатда бошқа давлатлар билан тенг ҳуқуқлилигини мустаҳкамлайди.

Ваколат муддати тугаш арафасида Жефферсон Жеймс Мэдисонни ўзидан кейинги президент бўлишини жуда хоҳларди. Чунки ҳали охирига етказилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп эди. Холис, яхши ниятли кишиларнинг хоҳиши доимо ижобат бўлади деганларидек, сайловда Мэдисон сиёсий рақиби Жорж Клинтонга ҳеч қандай имконият қолдирмайди. Давлат раҳбари сифатида Жеймс Мэдисон ички ва ташқи сиёсатни ўзининг аниқ дастурига таянган ҳолда олиб боради. Давлат бошқарув соҳасида у «Мэдисон назарияси» деб номланувчи ва мазмун-моҳиятига кўра қуйидагиларни ўз ичига олувчи ғояни илгари суради:

— Ҳокимият кўпчилик томонидан бошқарилиши лозим, яъни давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқдир;

— Ижтимоий ҳаётда хилма-хил қарашлар, фикрлар ва институтлар ҳукмронлик қилиши керак;

— Ҳокимиятнинг уч тармоғи — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд идоралари бир-бирининг ишига аралашмай, мустақил фаолият юритиши даркор.

Президент Мэдисон даврида ташқи сиёсат борасидаги асосий муаммо Франция ва Буюк Британия давлатлари билан ҳалигача бир муроса-ю мадорага кела олмаганлиги эди. Бу икки давлат билан ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида Конгресс 1810 йилда махсус шартномани тасдиқлайди. Унга кўра, агар Британия ёки Франция ҳарбий кучлари Америкага нисбатан бос-

қинчилик ҳаракатларини тўхтатса, АҚШ ҳукумати бошқа мамлакатлар сингари улар билан ҳам тенг ҳуқуқли алоқа қилиши назарда тутилган эди. Бироқ Наполеон бошлиқ французлар буни хоҳламасдан, Америкага қарши уруш эълон қилади. Қанча музокаралар олиб борилмасин, барчаси бесамар кетганидан афсусланган Жеймс бу икки давлатга қарши тарихда «Мэдисон уруши» деб ном қозонган урушни бошлашга мажбур бўлади. Бу орада эса Америка халқи уз тинч-тотувлигини ўйлаб Жеймс Мэдисонни иккинчи муддатга президентликка ҳам сайлаб қўяди. Урушнинг дастлабки кунидан Британия армияси АҚШ қўшинларини тор-мор қилиб бўлмаслигига кузи ета бошлайди. Канада учун булган жанг икки йил давом этса-да, ҳеч қайси томон ғалаба қозона олмайди. 1814 йилда инглиз қўшинлари «Америкаликлар, ғалабадан умид ҳам қилманг» дея Капитолия, «Оқ уй» ва пойтахт Вашингтонни вайронага айлантиради. Бунга жавобан Америка ҳарбий кучлари Англиянинг ҳаракатдаги қўшинларини тор-мор этади. Охир оқибатда уруш икки томоннинг ўзаро «Тинчлик ва ҳамкорлик тўғрисида»ги шартнома тузиши билан барҳам топади. Ушанда АҚШнинг мудофаа вазири Роберт Рутланд шундай деган эди: «Мэдисоннинг асосий мақсади уруш очиш ёки шу йўл билан низони ҳал этиш эмас эди. У фақат инглизларга АҚШнинг ҳудудий жиҳатдан дахлсиз ва мустақил давлат эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди, холос».

Урушдан кейинги икки йил ичида мамлакат тарихида биринчи «Миллий банк» ташкил қилиниб, ишлаб чиқариш орқали халқ фаровонлиги, турмуш тарзи яхшиланиб боради. 1817 йилда «Оқ уй»ни тарк этиш олдидан президент Мэдисон сафдошларига қарата «Менинг орзуим иттифоқни бир мақсад йўлида бирлаштириш эди. Аммо бунга ҳали эрта экан, сиз «Оқ уй» вакилларидан илтимосим шуки, аввало халқни ўйланг, ана шунда ҳеч ким, ҳеч қачон эркимизга таҳдид сола олмайди» деб васият қилади.

Шундан кейин у умрининг охиригача Виржиния университети ректори лавозимида ишлайди. Бироқ Жеймс Мэдисон ўзини тулақонли бахтли инсон ҳисобламайди. Америка Қўшма Штатларининг асосчиларидан бири ҳисобланган президент Мэдисон «Ҳаётдаги энг катта армоним бирорта ҳам фарзандим бўлмаганлигидир» дея ёруғ оламни афсус-надомат билан тарк этади.



1758 *James Monroe* 1831

ЖЕЙМС МОНРО

Америка Қўшма Штатларининг ташқи дунё билан алоқа ўрнатиши ва иқтисодий-ижтимоий юксалишида ўзининг «Монро назарияси», деб ном олган тарихий сиёсий ҳужжат билан катта ҳисса қўшган президентлардан бири Жеймс Монродир.

Асли келиб чиқиши англиялик бўлган Калонел Спенс ва Элизабет Монроларнинг фарзанди Жеймс 1758 йилнинг 28 апрелида Виржиния штатининг Вестмэрленд округида дунёга келади. Жеймс ёшлик чоғидан билим олиш, ҳунар ўрганишга астойдил интилади. Оила бошлиғи Калонел Спенс Монронинг топиш-тутиши яхшилиги Жеймс учун анча қўл келади. У 12 ёшга қадар махсус ўқитувчилар қўлида таҳсил олади. Кейин эса отаси уни ўрмон ичида жойлашган «Персон Арчиболд» номли ўрта мактабга олиб боради. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаган 16 ёшли Жеймс энди Уиллиамсбургдаги «Уильям ва Мэри» университетига ҳужжат топшириб, омадини синаб кўрмоқчи бўлади. Аммо олий қадрият бўлмиш мустақиллик учун инқилоб урушининг бошланиши Жеймс Монрони жанг майдони томон етаклайди. Ўшанда отаси уни урушдан олиб қолмоқчи бўлганида Жеймс қаршилик қилиб, «Тинчлигимиз, келажакимиз учун ўзимиз курашмасак, ким курашади?», дейди ва урушга отланади. Бундай фидойи, ватанпарвар ўғли борлигидан

фахрланиб кетган ота розилик берганини ўзи ҳам билмай қолади.

Энди бор-йўғи 18 ёшга тўлган Жеймс она-Ватан учун қандай курашиш кераклигини жанг майдонида тўлиқ исботлайди. Урушдан қайтгач, лейтенант Жеймс устози Томас Жефферсон бошчилигида ҳуқуқ ва сиёсат фанларини назарий ҳамда амалий жиҳатдан чуқур ўзлаштириб олади. Бунинг самараси ўлароқ, 1782 йилда Виржиния Ассамблеясига аъзо этиб сайланади. Ассамблеяда ишлаган кезларда Монро бир қанча таклифлар билан, хусусан ғарбий штатлар қонунчилигини такомиллаштириш, моддий ёрдамга муҳтож оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш ҳамда имкон қадар солиқ ставкаларини камайтириш сингари муҳим масалаларни парламент муҳокамасига киритади. Шунингдек, у 1786 йилда Конституциявий комиссиянинг йиғилишида ҳам фаоллик кўрсатиб, машҳур сиёсатчи олимлар ва давлат арбобларининг ҳурмат-эътиборини қозонади. Шу ўринда яна бир муҳим эътиборли масала ҳақида тўхталмоқчимиз. Аҳамият берган бўлсангиз, Жорж Вашингтон, Томас Жефферсон, Жон Адамс, Жеймс Мэдисон ва Эндрю Жексон сингари буюк давлат арбоблари раҳбарлигида ишлаб чиқилган АҚШ Конституциясининг бугунги кунда дунёдаги энг демократик, адолатли, ихчам қонуи деб эътироф этилиши ва йиғирма етти ўзгариш билан шу кунгача ҳаракатда экани замирида ҳам ана шу шахсларнинг қонунчилик борасидаги буюк хизматларини кўрамиз. Собиқ СССРда 70 йил ичида тўрт марта конституция қабул қилинганини эсласангиз, АҚШ Конституцияси муаллифлари нақадар узоқни кўра олгани ва демократияни мукамал англаганини тушуниб етиш қийин эмас.

Жеймс Монронинг оилавий ҳаёти ҳақида шуни айтиш мумкинки, у Нью-Йорклик 17 ёшли Элизабет Кортрайт исмли қиз билан турмуш қуради. Улар Элиза ва Мария исмли қизли бўлишади. Тўйларидан сўнг Монро вакиллар палатаси аъзоси бўлиш учун рақиб Жеймс Мэдисонга қарши сиёсий кураш олиб боради. Аммо сайловда Мэдисоннинг қўли баланд келади. Шундан кейин Виржиния қонунчилик органи Сенатнинг бўшаб қолган жойини тўлдириш мақсадида Жеймс Монрони сенатор этиб сайлашади. Орадан тўрт йил ўтар-ўтмас президент Жорж Вашингтон сенатор Монрони ўз ҳузурига чақириб, «Сиз

Франция билан алоқа ўрнатишда қандай йўл тутиш кераклигини жуда яхши биласиз. Ишончим комилки, бу масъулиятли ишни уддалай олишга билимингиз ҳам, тажрибангиз ҳам етарли», дея уни Францияга элчи қилиб юборади. Бироқ тинимсиз олиб борилган музокаралар ҳам ижобий натижа бермайди ва Жеймс Монродек тажрибали сиёсатчи ҳам Франция билан муросага кела олмайди.

Сабаби — Франция ҳукумати АҚШга бажариб бўлмайдиган вазифа, яъни Англия билан алоқани тўхтатишни шарт қилиб қўяди. Париждан ҳафсаласи пир бўлиб қайтган Монрони янги лавозим ва бир қатор муваффақиятлар кутиб турарди. Чунки бу орада унинг устози Томас Жефферсон ҳокимият тепасига келган эди. 1799 йилда Жеймс Виржиния губернатори (ҳокими) этиб сайланади. Ҳокимлик вақтида у асосий эътиборни штатда демократик қоидаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратади. Лекин ҳокимлик ваколат муддати тугамасдан, президент Жефферсон уни Буюк Британияга вакил этиб тайинлайди. Бунда Монронинг асосий вазифаси АҚШ ва Англия ўртасидаги алоқани йўлга қўйиб, савдо-сотик шартномасини тузиш эди. Бироқ бу гал ҳам Жеймснинг ҳаракатлари самарасиз яқунланади. Аниқроғи, инглизлар билан тўғри муросага кела олмайди. Она юртига қайтгач, устози Жефферсоннинг изидан бориш мақсадида президентликка номзодини қўяди. Сайлов натижасига кўра унинг рақиби Жеймс Мэдисон президентликни қўлга киритади. Гарчи янги раҳбар билан яхши муносабатда бўлмасада, Жеймс 1812 йилда бошланган Буюк Британия билан урушда армия қўмондони этиб тайинланади. Шуниси қизиқки, 1812 йилнинг 1 июнида бошланган мазкур уруш Америка давлати тарихида энг ғаройибидир. Бундай дейишимизнинг боиси шуки, Британия ҳукумати АҚШдан фақат ўзи билан алоқа қилишни, бошқа Европа давлатлари билан эса зудлик билан алоқани тўхтатишни талаб қилади. АҚШ ҳукумати эса табиийки, бундай талабга рози бўлмайди ва натижада икки мамлакат ўртасида ташқи сиёсат юзасидан уруш келиб чиқади. Шу сабабли, баъзи тарихчилар ушбу урушни «Алоқа учун уруш» деган ном билан ҳам аташади. Хуллас, мазкур уруш оқибатида ҳар икки томондан ҳам минглаб одамлар қурбон бўлади, кўплаб тураржойлар вайрона бўлади. Бундан ташқари, ана шу урушдада Америка тарихида илк бор «Президентлар уйи» (олдин шу ном билан

аташган), яъни ҳозирги «Оқ уй» инглиз ҳарбийлари томонидан вайронага айлантирилади.

Ниҳоят, орадан бир қанча вақт ўтиб, Англия ва АҚШ ўртасидаги ушбу уруш ўзаро тинчлик шартномасини имзолаш билан якун топади. Бундай келишувга эришишда армия қумондони Жеймс Монронинг ҳам ҳиссаси, албатта катта бўлди. Америка халқи ана шундай буюк хизматлари эвазига фидойи фарзандини 1816 йилда давлат раҳбари этиб сайлайди. Президентлик қасамёдини қабул қилгач, Монро биринчи навбатда уруш асоратларини бартараф қилиш, халқ фаровонлигини таъминлаш ва энг муҳими, одамларнинг келажакка бўлган ишончи ҳамда умидини оширишни асосий мақсад қилиб қўяди. Ўзининг мурожаатларидан бирида, «Бизнинг энг катта бойлигимиз — бу миллий гуруримиздир. Шундай экан, келинг ана шундай олий кадрият ила келажакка назар солайлик» дейди. Президент Монронинг бундай даъватлари Америка халқини маънавий жиҳатдан қайта ўйғотди десак, асло муболаға бўлмайди.

Шунингдек, Жеймс Монронинг президент сифатида амалга оширган энг катта ишларидан яна бири «Монро назарияси», деб аталган тарихий-сиёсий ҳужжатни ишлаб чиққанлиги билан ҳозирда юксак баҳоланади. Шу ўринда «Монро назарияси» нима ва у Американинг тараққий топишида қандай аҳамиятга эга бўлди, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Унга қуйидагича жавоб бериш лозим. 1823 йилнинг декабрида Лотин Америкасини Британиянинг ҳарбий денгиз қуролли кучлари, яъни муқаддас Иттифоқ ва Франция тажовузидан ҳимоя қилиш лозимлигини англаган президент Монро Конгресс олдида йиллик баённотамасини эълон қилади. Монро назариясининг асосий мазмуни Америка устидан Европа ҳукмронлигининг ҳар қандай кўринишини рад этишдан иборат эди. Унда асосан қуйидаги мақсад ва йўналишлар илгари сурилган:

— Америка қитъаси ҳеч бир Европа давлати томонидан мустамлакалаштириш макони сифатида кўрилмаслиги керак;

— улар томонидан ўз (сиёсий) тузуми ва ҳудудини мазкур ярим шарнинг қисми ҳисобидан келгайтиришга бўлган ҳар қандай уринишни биз ўз тинчлигимиз ва хавфсизлигимизга нисбатан хавф-хатар деб ҳисоблашимиз зарур;

— ҳар қандай Европа давлатининг ҳозирги кунда мавжуд

мустамлакалари ёки унга қарам ўлкалари билан бўладиган ўзаро муносабатларига биз аралашмаганмиз ва келгусида ҳам аралашмаймиз;

— ўз мустақиллигини эълон қилган ва уни ёқлаб чиққан ҳукуматлар ҳамда мустақилликка эришгани ҳақида хабардор бўлган, биз уларга ҳар қандай давлат томонидан зуғум ўтказиш ёки ўзга бирон усул билан уларнинг эркинлиги ва мустақиллигини назорат қилиш ниятидаги аралашувини Америка Қўшма Штатларига нисбатан нодўстона ёндашув тариқасида қабул қилиш.

«Монро назарияси»ни таҳлил қилсангиз, унинг мазмуни ва аҳамияти бўйича қуйидаги якуний хулосага келиш мумкин:

Биринчидан, «Монро назарияси» АҚШнинг ҳудудий жиҳатдан дахлсиз давлат эканини яна бир бор мустаҳкамлади;

Иккинчидан, ушбу ҳужжат ташқи дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли алоқага киришиш имконини берди;

Учинчидан, ҳар бир америкалик фуқарога ўз қобилиятини эркин ва тўлиқ намоён қилиш имкониятини яратди.

Хуллас, «Монро назарияси» АҚШнинг ҳар соҳада юксалишида муҳим ҳуқуқий асос бўлди десак, хато қилмаган бўламиз. Шунинг учун ҳам Монронинг президентлик даври халқ томонидан «Яхши кайфият эраси», деб аталади. Президентлик сайловида иккинчи муддатни қўлдан бой бергач, Монро беш йилга яқин Виржиния университети талабаларига ҳуқуқ фанидан дарс беради. Шунинг билан бирга, Виржиния конституциясининг яратилишига ҳам салмоқли ҳисса қўшади. Хуллас, 73 йиллик умрини чинакам мазмунли ўтказган Жеймс Монро 1831 йилнинг 4 июлида, яъни истиқлолнинг 90 йиллигини нишонлаш арафасида Нью-Йорк шаҳрида вафот этади.



1767 *John Quincy Adams* 1848

ЖОН КУИНС АДАМС

Америка президентларининг асосий хусусиятларидан бири шуки, уларнинг оилавий шароити, турмуш тарзи, шахсий ҳаёти, сиёсатдаги муваффақияти ва тақдирлари бир-бирига ўхшаш бўлса-да, аммо уларнинг биридан иккинчисини ажратиб турадиган ўзига хос фазилатлари ҳам бўлиб, шу билан бирга жамият тараққиёти, давлат қурилиши ва халқ манфаати йўлида амалга оширган билан уларнинг деярли барчаси миллат қалбидан муносиб жой олишган. Шу нуқтаи-назардан қараганда, Адамслар оиласи АҚШ тарихида турли вақтларда олдин отаси, сўнгра угли давлат раҳбари бўлиб, халқ қалбидан муносиб жой олишга муваффақ бўлган биринчи оиладир.

Америка Қўшма Штатларининг олтинчи президенти Жон Куинс Адамснинг моҳир сиёсатчи бўлиб танилиши ва юксак муваффақиятларга эришиши қуйидаги муҳим омиллар билан боғлиқ:

- Моддий ва сиёсий жиҳатдан кучли оилада тарбиялангани;
- Катта сиёсатда президент бўлиб эмас, балки ташқи ишлар вазири сифатида юксак обрў-эътибор қозонгани;
- Ёшлик даврини отаси билан кўпроқ Европа давлатларида ўтказгани.

Массачусетс штатининг Брейнтри шаҳарчасида яшаган Жон

ва Абигейл Адамсларнинг катта фарзанди Жон Куинс 1767 йилнинг 11 июлида ўзига тўқ, мартабали кишилар оиласида дунёга келади. Куинснинг отаси Жон амалдор булгани боис асосий вақтини давлат ишлари билан турли мамлакатларда утказарди. Она-бола Адамслар эса рўзгор, деҳқончилик ишлари билан банд эди. Жон Куинс Адамс ёшлигидан куп гапиришга ўрганиб қолгани туфайли яқинлари уни «Эзма чол» деб чақирарди. 1773 йилда Конгресс катта Жон Адамсни иш юзасидан Францияга вакил қилиб юборади. Шунинг учун кичик Жон дастлабки билимларини Париж мактабларида, кейинчалик Германияда, сунгра эса Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида олади. 1785 йилда отасининг Буюк Британияга элчи қилиб тайинлангани Жон Куинсга дунёдаги машҳур Гарвард университетиде таҳсил олиш имкониши беради. Ўқиши давомида у профессор-ўқитувчи ва талабалар ўртасида бўладиган илмий-амалий конференцияларда маъруза қилиб, Голландия, Россия, Пруссия, Дания сингари бир қанча Европа давлатларида бўлади. Шуниси аҳамиятлики, кичик Жон Адамс бу саёхатлари туфайли нафақат чуқур билимга эга бўлди, балки катта тажриба ҳам орттириб, узоқни кўра биладиган, етук ҳуқуқшунос-сиёсатчи бўлиб етишишида улар муҳим омил бўлди. Буни эса унинг ўзи шундай изоҳлайди: «Эҳтимол, отам билан кўп давлатларда бўлганимданми, ҳаётга, она-Ватанимга, билим олишга бўлган меҳрим, шижоатим жуда кучли эди».

Университетни тамомлагач, Жон отасининг хоҳиш-истагига биноан Массачусетседа хусусий адвокатаура очиб, юридик хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Бироқ миждлар камлиги сабабли Жон Куинс адвокатлик фаолиятини тўхтатиб, телевидениеда сиёсий шарҳловчи бўлиб ишлай бошлайди. Жон Куинс Адамснинг сиёсатга кириб келиши президент Вашингтон томонидан Нидерландияга элчи этиб тайинланиши билан боғлиқ. Орадан бир неча йил ўтгач, Адамс Португалияга вакил қилиб юборилади. Бу пайтда отаси Жон Адамс иккинчи муддатга президентликка сайланган эди. Ўшанда кичик Жон ўзини нокулай сезиб, хориждан ватанига қайтиб, сиёсатдан кетишга қарор қилади. Чунки ота-боланинг бир вақтда юқори лавозимларда ишлаши президент Жон Адамснинг мавқеига маълум маънода путур етказиши мумкин эди. Лекин «миллат отаси» Жорж Вашингтон бунга йўл қўймайди. Кичик Жон Адамс

Англияга ташрифларидан бирида Луиза Жонсон исмли қиз билан танишиб, Германияга жўнаб кетиши олдидан у билан турмуш қуради. Эр-хотин Адамслар тўртта фарзанд кўришиб, уларни тарбиялаб вояга етказишади. Афсуски, фарзандларининг учтаси бевақт ҳаётдан кўз юмади. Бундай оғир жудоликка учраган Жоннинг бор-йўқ умиди ягона меросхўр ўғли Чарлсдан эди. Буни яхши англаб етган Чарлс отасининг ишончини оқлаш мақсадида тинмай ўқийди, ўрганади ва бунинг самараси ўлароқ президент Линкольн томонидан Фуқаролар уруши даврида АҚШнинг Буюк Британиядаги элчиси этиб тайинланади. Шуниси қизиқки, бир оиладан уч киши (бобо, ўғил, набира) нинг турли вақтларда Англияга элчи бўлиб ишлаши фақат Америка тарихида эмас, балки жаҳон дипломатия тарихида ҳам камдан-кам учрайдиган ҳолатдир. Бу эса Адамслар ҳаётининг ўзига хос жиҳатларидан бирини англатади. Куинс доимо ҳушёр ва ҳар қандай кутилмаган ҳолатлардан ҳам тўғри йўл танлаб, чиқиб кета оладиган инсон бўлган.

Унинг «Бурчини ва берган ваъдани ўз вақтида бажариш — олижанобликдир» деган шиори бўлиб, доимо уни такрорлаб, бошқаларни ҳам шунга амал қилишга чақирарди. Германияга кетгач, орадан тўрт йил ўтиб Адамс она-юртига қайтади ва Массачусетс сенаторлигини қўлга киритади. Аммо айрим федерал гуруҳ аъзолари билан келиша олмай сенатдан кетишга мажбур бўлади. Шундан сўнг у қолган умрини ёзув-чизув ишлари билан ўтказишга қарор қилади. Бу орада ҳокимият тепасига келган янги раҳбар Жеймс Мэдисон музокаралар олиб боришда катта тажриба ва маҳоратга эга бўлган Жон Куинсни Буюк Британия билан тинчлик ва ҳамкорлик ўрнатиш мақсадида яна элчи қилиб юборади.

Кичик Жон Адамснинг тинимсиз ҳаракатлари натижаси ўлароқ, АҚШ ва Англия давлатлари ўртасида ўзаро шартнома имзоланади. Жеймс Монро президент бўлгач, Адамсни чақириб олиб, штат сенатори лавозимига тайинлайди. Штат сенатори вақтида Адамснинг қилган энг катта иши шу бўлдики, у «Монро назарияси»ни ишлаб чиқиш ҳамда амалда тадбиқ этишда фаоллик кўрсатади ва президент Жеймс Монронинг ишончини оқлаб, унинг энг яқин кишиларидан бирига айланади. 1824 йилдаги президентлик сайловида кўпчилик сиёсатчилар кичик Жон Адамс отасининг изидан бориши керак, деган фикрни

илгари суришади. Сайловда тўртта демократчи номзодлар ўзаро курашишади. Сайлов натижасига кўра, Жон Куинс Адамс АҚШнинг олтинчи президенти этиб сайланади. Президентлик вазифасини бажаришга киришган Адамс ўз дастурини Конгрессга тақдим қилади. Унга кўра мамлакатни ҳар жиҳатдан ободонлаштириш ва қайта куриш Жон Адамс дастурининг бош мақсади эди. У ўзининг Конгрессдаги чиқишларидан бирида «Қачон бизнинг мамлакат дунёдаги энг бой, обод ва қудратли давлатга айланади», деган мурожаатни муҳокама учун ўртага ташлайди ва бу бўйича аниқ фикр ва мулоҳазалар билдириб, давлатни бошқариш борасида катта тажриба ва имконияти мавжудлигини исботлайди. Эҳтимол, бугунга келиб Америка Кушма Штаглариининг ҳар соҳада юксак ривожланган, қудратли давлатга айланишида айнан президент Жон Куинс Адамс дастурининг ҳам муайян маънода ўрни ва таъсири бўлгандир? Нима булганда ҳам, Америка президентлари ўз олдига қўйган мақсадларига тўлақонли эришишди десак, муболаға бўлмайди. Шунингдек, Жон Куинс Адамс даврида яна бир муҳим воқеа юз беради, яъни Испания билан трансконтинентал алоқа ўрнатилади. Шуниси қизиқки, Жон Куинс табиатан босиқ, ҳар бир масалага шошмасдан, аста секин ўйлаб кўриб, бамайлихотир муносабатга киришадиган инсон булган. Унинг ана шундай ўта боқибегамлиги охир-оқибатда кейинги сайловда ўзига панд бериб қўяди. Гап шундаки, 1828 йилдаги сайловда рақибларига қарши етарли кураш олиб бормагани туфайли у иккинчи муддатга президентликка сайлана олмай қолади. Бундай натижани кутмаган Адамс нафақага кетишга отланади. Лекин дўстлари уни Конгрессга номзодини қўйишга кўндиришади. Сайловда голиб чиққан Жон Куинс Адамс 17 йил АҚШ Конгресснинг вакиллар палатасида фаолият олиб боради. Умрининг охирги йилларида Жон Адамс фалаж касалига йўлиқади ва орадан икки йил ўтгач, яъни 1848 йилнинг 21 октябрида вафот этади. Яқинларининг ёзишича, у ўлими олдидан қўйидаги сўзларни аста-секин, бамайлихотир дондона такрорлаб, сўнг жон таслим қилган экан:

«Бу кун ҳаётимнинг сўнгги дамлари. Аммо мен ҳеч ҳам безовта эмасман...»

Хуллас, Жон Куинс Адамс отаси сингари нафақат давлат раҳбари, балки ўз даврининг машҳур сиёсий арбоби сифатида ҳам миллат қалбидан абадий жой олди.



1767 *Andrew Jackson* 1845

ЭНДРЮ ЖЕКСОН

Америка Қушма Штатлари президентлари тарихида жуда камбағал оиладан чиққан, биринчи бўлиб «Ёғочли уйда» туғилиб, вояга етган ва ҳозирги кунда муваффақиятли фаолият юритаётган демократик партиянинг асосчиси Эндрю Жексондир.

Асли шимолий Ирландия фуқаролари бўлган Эндрю ва Элизабетларнинг ўғли Жексон 1767 йилнинг 15 мартида Жанубий Каролинада дунёга келади. Шуниси эътиборлики, Жексонлар оиласи моддий томондан жуда ночор булган булса-да, аммо маънавий жиҳатдан ўта бой кишилар саналишарди. Сабаби, — Жексонлар хонадонида меҳр-оқибат, сабр-тоқат, ор-номус сингари фазилатлар ҳамма нарсадан устун турарди. Ана шундай баркамол маънавий муҳитда камол топа бошлаган Жексон диний билимларни эгаллаш мақсадида дастлаб черковда савод чиқаради. Онаси Жексонга алоҳида эътибор билан қараб, «Бир кун келиб, албатта бирор давлатга элчи бўлиб борасан» деб яхши ният қилиб юрарди. Жексон 11 ёшида интернат мактабига ўқишга боради. Бу ерда у ёзиш, ўқиш ва географияни мукамал ўзлаштириб олади. Аммо кутилмаганда отасининг бевақт ўлими ва инқилоб урушининг бошланиши мактабни тамомлашга имкон бермайди. Тўғрироғи, кичик Жексон ўқишдан кўра халқининг эркинлиги ва тинчлигини афзал кўради. Жанубий



13 ёшли Жексон инглиз кўмондонига қаршилик кўрсатмоқда

Каролина учун 1780 йилда бўлган жангда 13 ёшли Жексон ҳамда акаси Роберт асирга тушиб қолишади. Шунда инглиз ҳарбийларидан бири Эндрюдан оёқ кийимларини тозалашни буюради. Жексон эса буйруқни бажаришдан бош тортиб, «Мен асирман, аммо қул эмасман», дея мардонавор жавоб қайтаради.

Бундан жавобни кутмаган кўмондон «Ҳали сен асир бўла туриб, ўз ҳуқуқингни талаб қилишни ҳам биласанми?», дея жаҳд устида қиличини чиқариб, Эндрюнинг чап қўли ва юзига оғир тан жароҳат етказиб, ака-укани бир умрлик қамоққа маҳкум этади. Қамоқда акаси Роберт чечак касаллиги билан вафот этади. Энг ачинарлиси, дом-дараксиз кетган икки угилнинг доғида, онаси Элизабет ҳам бу фоний дунёни тарк этади. Оқибатда энди бор-йўғи 13 ёшга тўлган Жексон қаровсиз қолиб, жуда қийналади. Ҳатто кўча-хўйда юриб, тиланчилик қилишга ҳам мажбур бўлади. Яхшиямки, бахтига бобосидан мерос қолган озгина ер бор экан. У шу ерда деҳқончилик қилади. Ўқийди, кийинади, еб-ичади ва шу зайлда бир балю қилиб кун ўтказди.

Нью-Йоркда машхур бой адвокат Спрус Мексей хонимнинг борлигини эшитиб, Эндрю кунларнинг бирида унинг ёнига «Мени шогирдликка олинг», деб боради. Жексоннинг ҳуқуқшунослик касбига ниҳоятда фидокорлик билан қизиқишини курган саховатпарвар Спрус хоним уни ўз қарамоғига олади ва турт йилча ўқитиб, Тенненси штати адвокати қилиб тайинлайди. Адвокат Жексон аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиб, ҳам обрў-эътибор қозонади, ҳам яхшигина пул ишлаб олади. Энди Эндрю Жексоннинг оилавий ҳаётига тухталадиган бўлсак, у яқин дўсти Жон Донелсоннинг бева қизи Речел Донелсон билан турмуш куради. Шуниси қизиққи, Жексон ва Речел боласи йўқлиги боис қўшнисининг қизини фарзандликка олишади. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганларидек, шундан кейин Жексоннинг ишлари анча юришиб кетади. Хусусан, у Тенненси штати конституциясини ишлаб чиқиш комиссиясининг аъзоллигига ҳамда Тенненсининг Конгрессдаги биринчи депутати этиб сайланади.

Айрим манбаларда ушбу штатга Тенненси, деб ном қўйиш айнан Жексоннинг таклифи билан бўлгани тўғрисида ҳам фикрлар бор. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Америка президентларининг деярли аксарияти ҳарбий ҳаракатларда бевосита иштирок этиб, урушда кўрсатган жасорати ва фидойилиги эвазига халқ назарига тушиб, давлат раҳбари бўлишга муваффақ бўлишган. 1812 йилда Буюк Британия билан бўлган уруш ҳам Эндрю Жексоннинг сиёсатда зафар қучиши ва «Халқ қаҳрамони» дея эътироф этилишига сабабчи бўлди. Чунки у ярим минг аскар билан ўзи асос солган Тенненси ва Орлсон аҳолисини асирликдан қутқазиб, «Ватан халоскори» деган улуғ ва шарафли



Речел хоним

номга сазовор бўлади ва натижада Флорида ҳарбийларига бошлиқ этиб тайинланади. 1824 йилда 54 ёшли Эндрю Жексон ҳарбий соҳадан бутунлай кетишга қарор қилиб, Сенатга ўз номзодини қўяди. Сайловда Жексон рақиби Жон Куинс Адамс-ни мағлуб этиб, сенаторликни қўлга киритади. Бироқ орадан бир йил ўтгач, президентлик сайлови олдидан яхшироқ тайёргарлик кўриш мақсадида истеъфога чиқади. Истеъфодаги вақтда Жексон ўз сайловчилари билан учрашиб, уларга қарата «Миллий гурур, миллий ифтихор бизнинг энг катта маънавий бойлигимиз бўлиб қолмоғи даркор», дея тез-тез мурожаат қилади.

Нихоят, 1828 йилги сайлов янги йўлбошчини аниқлаб берди. Унга кўра, демократик партиянинг асосчиси, миллат қаҳрамони 61 ёшли Эндрю Жексон АҚШнинг еттинчи давлат раҳбари этиб сайланади. Шунда Жексон яна бир бор халқ олдида чиқиш қилиб, «Менга шундай катта ишонч билдирганингиз учун ташаккур. Ҳали ҳам президент бўлганимга ишонмаяпман» дея қувончини яшира олмайди. Бироқ бахт кетидан бахтсизлик ҳам ёнма-ён юради деганларидек, ўша кунларда Жексоннинг ҳаётида кутилмаган бахтсизлик ҳам юз беради. Аниқроғи, «Оқ уй»нинг бўлажак бекаси Речел хоним тўсатдан вафот этади. Янаям аниқ қилиб айтадиган бўлсак, президент Жексоннинг сиёсий душманлари унга нисбатан бўлган адоватни хотинидан олишни маъқул кўришади.

Қасамёд маросимида Жексонни табриклаш учун минглаб кишилар ташриф буюришади. Ўша пайтда президент Жексон бахтли кунларини хотини кўролмаганидан жуда-жуда афсусда эди. Президентликнинг биринчи тўрт йиллигида Эндрю Жексон асосий эътиборни аҳолининг билими, маърифати, савияси ва маънавиятини оширишга қаратади. Шунинг билан бирга фермерлар ва ишчилар манфаатларини мустаҳкамлаш ҳақида куйиниб, мамлакатда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенг йўлга қўяди. Шу боисдан мамлакатга Жексон раҳбарлик қилган йиллар «Америка халқининг ҳам маънавий, ҳам моддий юксалиш даври» деб аталади. Энг муҳими, Жексон даврида мамлакат банклари қайта ислоҳ қилинади. Президент Жексоннинг «Ҳамма ўзи учун курашсин» деган ғояси асосида фуқароларнинг ҳаётга, келажакка бўлган ишончи янада ортди.

1832 йилдаги президентлик сайловида Жексон иккинчи муддатга сайланади. Қайта сайланган президентнинг олдида кетма-

кет, катта-кичик муаммолар пайдо бўла бошлайди, яъни айрим штатлар иттифоққа бўйсунмасдан, таркибидан чиқиб кетишга ҳаракат қилишади. Шунда президент Жексон «Мустақиллик ва эркинлик иттифоқсиз бўлмайди, иттифоқсизлик билан улар абадий эмас», деган ғояни илгари суради.

Президентлик ваколатининг иккинчи муддатини ҳам муваффақиятли якунлаган, Жексон қолган умрини деҳқончилик ишлари билан ўтказиш ниятида Тенненсига кетади. Бу ерда даласига пахта, буғдой экиб ва мева-сабзавотлар етиштириб, ҳосилини бева-бечораларга улашади.

1845 йилнинг 8 июнида Эндрю Жексон сил касаллигидан вафот этади. Васиятига кўра, уни «Эрмитаж» қабристонига, хотинининг ёнига дафн этишади.





1782 *Martin Van Buren* 1862

МАРТИН ВАН БУРЕН

Америка Қўшма Штатлари тарихида юз берган биринчи иқтисодий инқироз даврида давлат раҳбари булган Мартин Ван Бурен 1782 йилнинг 5 декабрида Нью-Йорк шаҳрида истиқомат қилган Авраам ва Мария Хоуслар хонадониди дунёга келади. Отаси Авраам деҳқончилик орқасидан рўзгор тебратар, онаси Мария эса асли голландиялик бўлиб, беш нафар фарзанднинг тарбияси билан машғул эди. Дастлаб Мартин қишлоқ мактабларида ўқийди. 14 ёшга тўлганида у қишлоғидаги адвокат Франсес Силвесторга шогирд тушиб, ҳам назарий, ҳам амалий томондан юридик фанларни ўргана боради. Ўқиши ва амалиёти мобайнида Мартин ўзининг қобилияти, қизиққонлиги билан устози Силвесторнинг ишончини қозониб, судга ишга жойлашади. Бу орада у турли низоли масалалар юзасидан бўладиган суд жараёнларига қатнашиб, улар бўйича ўз фикрини билдиради. Буни кўрган судьялар 15 ёшли Мартинни «Кичик адвокат», деб чақиришар, унга алоҳида меҳр кўзи билан қарашарди.

1801 йилда Мартин Нью-Йорк шаҳридан хусусий адвокатура очиб, акаси Жеймс билан ҳамкорликда аҳолига юридик ёрдам кўрсата бошлайди. Мартин Ван Буреннинг шахсий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у 1807 йилнинг 21 феврилида амакисининг Хонна Хоус исмли қизига уйланади. Эр-хотин Бурен-

ларнинг турт нафар угли бўлиб, улар ҳам кейинчалик отаси сингари мартабали лавозимларда хизмат қилишади. Масалан, катта угли Авраам (одат бўйича ўғилга бобосининг исмини қўйишади) бир неча йил «Оқ уй» котиби бўлиб ишлайди. «Мустақиллик Декларацияси»нинг муаллифи Томас Жефферсон илгари сурган демократик ғоялар таъсирида Ван Бурен катта сиёсатга кириб келади. Хусусан, у 1812 йилда демократ республикачиларнинг кўмагида Нью-Йорк шаҳри сенаторлигини қулга киритиб, икки муддат қонунчилик органида фаолият олиб боради. 1820



Ханна Хаус

йилда демократ-республикачилар партиясининг сиёсий инқирозга учраши Мартинга АҚШ сенатори бўлишига имкон беради. Бу пайтда у Буюк Британия билан бўлиб ўтган уруш оқибатида ноҳақ қамалган маҳбусларни озодликка чиқариш учун кураш олиб боради (1812 йил). Чунки ҳавас қилган киши-си Жефферсоннинг асосий ғояларидан бири ҳам фуқароларга эркинлик ва тенглик беришдан иборат эди. Бундан ташқари, сенатор Мартин мамлакат миқёсида авж олиб бораётган қуллик ва қул савдосини қаттиқ қоралаб, бу иллатлар «янгича ҳаёт бошлаш ва ривожланишга катта тўсиқ бўлаяпти», дея таъкидлаган эди. Орадан саккиз йил ўтгач, Мартин сенатдан бўшаб, Нью-Йорк шаҳри мэри этиб сайланади.

Аммо у ушбу вазифада икки ойгина ишлайди, холос. Бунинг бойси шуки, ўша пайтда мамлакатда ҳокимият тепасига Мартиннинг энг яқин дўсти Эндрю Жексон келади ва у Мартинни мамлакат ташқи ишлар вазири қилиб тайинлайди. Вазир пайтида Ван Бурен Буюк Британия билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлади. 1831 йилда эса Жексон ўзининг ишончли вакили Мартинни АҚШнинг Буюк Британиядаги элчиси этиб тайинлаш тўғрисида фармойиш беради. Бироқ Конгресс аъзоларининг кўпчилик қисми бунга норозилик

билдириб, фармонни тасдиқламайди. Шундан кейин Жексон дўсти Мартиннинг номзодини вице-президентликка тавсия этишга қарор қилади. Бунинг сабаби шуки, Жексон ўзидан кейин Мартин Ван Бурендек инсон президент бўлишини жуда-жуда истарди. Нияти холис экан, 1836 йилда бўлган сайловда Мартин Ван Бурен рақиби Уильям Гаррисон устидан муваффақият қозониб, АҚШнинг саккизинчи президенти этиб сайланади. Бу орада сиёсатда омади чопган Мартиннинг оилавий ҳаётида бахтсизлик юз беради. Яъни хотини Хонна узоқ давом этган хасталикдан сўнг жон таслим қилади.

Унинг президентлик қасамёди маросимидан кейин 67 кун ўтгач, Америка тарихида биринчи иқтисодий инқироз юз беради (1837 йил 10 май). Инқироз пайтида Филадельфия ва Нью-Йоркдаги барча йирик банклар ҳаракатдан тўхтади. Шунингдек, ишлаб чиқариш сусаяди, пул қадрсизланиб, ишсизлар сони тез суръатда ошиб кетади. Хуллас, 3 йил давом этган инқироз мамлакат тараққиётига, айниқса, иқтисодиётга катта салбий таъсир ўтказди. Бундан манфаатдор бўлган президентнинг душманлари эса уни ҳокимиятдан четлатиш мақсадида аҳоли ўртасида унга қарши ошкора намойишлар ўтказди.

Гарчи Мартин Ван Бурен иқтисодий бўҳронга қарши ўз вақтида кескин чоралар кўрган бўлса-да, улар кутилган ижобий натижаларни бермайди. Умуман айтганда, буларнинг ҳаммаси охир-оқибат президент Мартиннинг сиёсий мавқеига путур етказди. Аммо шуни айтиш лозимки, Мартин даврида мамлакатда ижобий ислохотлар ҳам амалга оширилади. Чунончи, пойтахт Вашингтон ҳар жиҳатдан ободонлаштирилиб, мамлакатда темир йўл қурилиши йўлга қўйилади. Президент Мартин Томас Жефферсон илгари сурган «Ҳукумат — ижтимоий ҳаётга камроқ аралashiши керак», деган тамойил асосида ўз сиёсатини юритди.

1840 йилда бўлиб ўтган президентлик сайловида рақиби Уильям Гаррисон галаба қозонгач, Мартин туғилиб ўсган шаҳри Нью-Йоркка қайтиб, у ерда кейинги 20 йилга яқин вақт ичида бир қанча давлат ишларида фаол қатнашди. Ҳатто 1848 йилги сайловда учинчи муддатга президентликка номзодини ҳам қўяди. Тиниб-тинчимас, шижоаткор 80 ёшли қария Мартин Ван Бурен яна сиёсат билан шуғулланишни давом эттиради. АҚШда фуқаролар уруши бошлангач, орадан бир йил ўтиб, яъни 1862 йилнинг 24 июлида Мартин Ван Бурен қаттиқ шамоллаш оқибатида вафот этади.



1773 *William Harrison* 1841

УИЛЬЯМ ГАРРИСОН

Маълумки, Америка Қўшма Штатлари тарихида Жеймс Гарфилд ва Жон Кеннеди қисқа муддат фаолият юритган президентлар ҳисобланишади. Аммо тарихнинг гувоҳлик беришича, улардан ҳам энг кам муддат фаолият юритган давлат раҳбари булган президент Уильям Гаррисон қисқа ва мазмунли ҳаёт кечирган.

АҚШнинг Виржиния штатида истиқомат қилган Бенжамин ва Элизабет Гаррисонларнинг уғли Уильям 1773 йил 9 февралда дунёга келади. Уильям оиладаги беш қиз ва уч ўғил фарзанднинг кенжаси бўлиб, отаси Бенжамин дастлаб деҳқончилик, кейинчалик сиёсат билан шуғулланиб, Конгресс аъзолигигача бўлган йўлни босиб утади. Уй бекаси Элизабет хоним эса саккиз боланинг камолига масъул эди. Уильямнинг ўқиши ҳақида шуни айтиш мумкинки, у илк таълимни ака-опаларининг кўмагида уйда олади ва 1787 йилда «Хемпден-Сидней» коллежига, кейинроқ эса тиббиёт йўналиши бўйича Пенсильвания университетига қабул қилинади.

Бироқ, кутилмаганда отасининг ўлими Уильямнинг ўқишига салбий таъсир этади ва шу туфайли университетни ташлаб кетишига мажбур бўлади. Шундан кейин у падари-бузрукворининг дўсти Жорж Вашингтоннинг руҳсати билан армия,

аниқроғи, жанг майдони сари йўл олади. Армияда лейтенант Гаррисон Ҳиндистонга қарши урушда қатнашиб, ҳинд қўшинлари устидан ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшади. Урушдан кейин у бир неча йил АҚШнинг «Форт» ҳарбий қисмида хизмат қилади. Ана шу даврда Уильям ҳуқуқшунослар оиласидан бўлган Анна Татхилл исмли қизга кўнгил қўйиб, у билан ҳаётини боғлайди. Эр-хотин Гаррисонларнинг олти ўғли ва тўрт нафар қизлари бўлади. Бироқ тақдир уларнинг олти-тасини ёруғ дунёдан бевақт олиб кетади.

1898 йилда Уильям президент Жон Адамснинг фармойишига асосан ҳарбий соҳадан кетиб, АҚШнинг шимолий-ғарбий ўлкасига вакил этиб тайинланади. Бу ерда у аҳолига ер бериш масаласини Конгресс муҳокамасига киритади. Чунки ўша пайтларда мамлакатда ер сотиб олиш жуда мураккаб эди. 1800 йилда эса Гаррисон Индиана губернатори этиб сайланади. Индианадаги 12 йиллик фаолияти давомида у асосий эътиборни ҳудудни ободонлаштириш ва аҳоли фаровонлиги ҳамда турмуш шароитини яхшилашга қаратади. Бундан ташқари, ҳоким Уильям аҳолини, айниқса ёшларнинг гиёҳвандлик воситалари ва спиртли ичимликлар билан муомалада бўлишини қатъий равишда таъқиқлаб қўяди. 1812 йилнинг 1 июнида Америка тарихида «Фаройиб уруш»нинг бошланиши Гаррисонни яна бир бор жанг майдони томон етаклайди. Президент Жеймс Мэдисон уни шимолий-ғарбий қўшинларга бош қўмондон этиб тайинлайди. 1813 йилнинг октябр ойида Гаррисон бошлиқ қўшинлар Ҳинд ва Британия ҳарбий кучларига қақшатқич зарба бериб, ғалаба қозонишади. Бу эса унинг халқ назарига тушишида асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Урушдан сўнг Уильям баъзи бир ҳарбий бошлиқлар билан келиша олмай қолиб, сиёсатга киришга қатъий қарор қилади ва 1819 йилда штат сенатори, 1825 йилда эса АҚШ сенатори бўлишга муваффақ бўлади. Қисқа вақт ичида бундай юксак чўққиларга чиқишнинг ўзи бўлмасди, албатта. Шунинг учун Конгрессда у 15 йилга яқин фаолият кўрсатади.

1840 йили мамлакатда сайловлар бўлиб ўтади. Президентликка демократлардан Мартин Ван, «виггилар» партиясидан эса Уильям Гаррисоннинг номзоди кўрсатилади. Сайловолди ташвиқотлар жараёнида «виггилар» рақиби Мартин Ванни қоралашиб, ижтимоий соҳада, айниқса оддий халқ манфаатини

ҳимоя қилишда қўпол хатоликларга йўл қўйганликда айблаб, уни қаттиқ танқид қилишади.

Ана шундай сиёсий курашларнинг самараси ўлароқ, «виггилар» халқ ишончини қозонишиб, уларнинг вакили Уильям Гаррисон АҚШнинг тўққизинчи президенти этиб сайланади. Бироқ афсус билан таъкидлаш лозимки, Гаррисонга президентлик курсиси ёқмайди. Бу мансаб унга фақат бахтсизлик ҳамда касофат олиб келди, холос. Бунинг боиси шуки, бир томондан бевақт вафот этган олтита боласининг дарди ва ғамига чидай олмасдан зор-зор йиғлаган хотини Анна хоним оғир касал бўлиб қолади, иккинчи томондан эса президентлик қасамёдини қабул қилиш маросимида ҳаво совуқ бўлгани туфайли Уильям Гаррисондан совуқ ўтиб, қаттиқ шамоллаб қолади. Чунки қонун бўйича инагурация пайтида янги сайланган президент энгил кийим (ялангбош, оқ кўйлак, бўйинбоғ ва кастюм шим)да бўлиши лозим. Изгирин совуқда энгил кийимда қасамёд қилган президент Гаррисон орадан атиги бир ой ўтгач, боши шамоллаши оқибатида «Оқ уй»да жон таслим қилади. Президентни охириги йўлга кузатиш маросими «Шимолий Бенд» қабристонида бўлиб ўтади. Энг ачинарлиси шуки, Уильям Гаррисон давлат раҳбари сифатида ҳеч қандай иш қила олмасдан бирин-кетин бевақт оламдан ўтган олти нафар фарзанд доғида бу ёлғончи дунёни чексиз армон-у ғам билан тарк этади. Шу сабабли ҳам Американинг кўпчилиги аҳолиси Гаррисонни президент эмас, балки ҳақиқий ватанпарвар ҳарбий киши ҳамда ватани ва халқи фаровонлиги йўлида азият чекиб, қурбон бўлган оддий инсон сифатида қадрлайди ва хотирасини ҳурмат қилади.



1790

John Tyler

1862

ЖОН ТАЙЛЕР

АҚШ Конституциясига мувофиқ қонуний сайланган президент муддатидан олдин вазифасидан кетса (вафот этса, касал бўлиб қолса, импичмент ҳолати ва ҳоказо), унинг ўрнини кейинги сайловга қадар вице-президент эгаллайди.

Президент Уильям Гаррисоннинг бевақт ўлиmidан сўнг АҚШ вице-президентлари ичидан биринчи бўлиб, президентлик қасамёдини қабул қилган шахс «виггилар» партиясининг аъзоси Жон Тайлердир. Виржиния штатининг Чарлес шаҳарчасида яшаган Жон ва Мэриларнинг иккинчи ўғли, кичик Жон 1790 йилнинг баҳорида дунёга келади. Катта Жон амалдорлардан бўлиб, мэр, судья ва Виржиния штати вакиллар уйининг спикери (раиси) лавозимларида ишлаган, онаси Мэри хоним эса рўзғор ишлари билан банд бўлган.

Оила бошлиғи Жон ўқимишли, обрўли киши бўлгани боис ўғлининг таълим-тарбияси билан шахсан ўзи жиддий шугулланарди. Унинг фикрича, зиёли ота-онанинг фарзандлари ҳам яхши касб-ҳунар эгаси бўлиши лозим эди.

Ана шундай яхши орзу-ниятлар ила ота 12 ёшли Жонни Уильям ва Мэри коллежига етаклаб боради. Университетга қабул қилинган Жон отасининг ишончини фақат яхши ўқиш орқали оқлаши мумкинлигини англаб, тиришқоқлик билан барча

фанларни яхши ўзлаштириб боради. Шунингдек, Жон ўқитувчи ва талабалар ўртасида ажойиб ижодкор талаба сифатида ҳам танилиб, шешър ва ҳикоялар ёзиб турарди. Коллежни битиргач, отасининг устозлигида ҳуқуқий фанлари ўзлаштириб, бир неча йил юридик муассасаларда ҳуқуқшунос бўлиб ишлайди. 21 ёшга тўлганида Тайлер Виржиния вакиллар палатаси учун бўлган сиёсий курашда ғолиб чиқиб, назарий ва амалий жиҳатдан штат қонунчилигини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшади. Бу ерда у 14 йил узлуксиз фаолият кўрсатади.



Летиция хоним

1813 йилнинг 29 мартида Жон бадавлат хонадон вакиласи бўлган Летиция Кристиан исмли қиз билан она куради. Эрхотин Тайлерлар бешта қиз ва учта ўғил фарзандларни бирдек ўқитиб, тарбиялаб, вояга етказишади. 1816 йилда Жон Тайлер Конгресснинг вакиллар палатасига сайланади. Конгрессда ишлаган кезларда у давлат бошқарув соҳасида демократик ислохотлар ўтказилиши лозимлигини ёқлаб чиқади. Хусусан, Тайлер бошқарув соҳасига тегишли бўлган айрим ваколатларни маҳаллий органларга олиб бериш тоғисини қўллаб-қувватлайди. «Иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили мамлакатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда имтиёзлар яратиб беришдир. Бунинг учун эса биз пулни аямаслигимиз зарур», дея таъкидлайди ўзининг чиқишларидан бирида.

Ана шундай ўзгаришлар тарафдори бўлган Жон Тайлер соғлиги ёмонлашгани туфайли ишини ташлаб кетишга мажбур бўлади. Орадан бироз вақт ўтгач, Тайлер фаолиятини давом эттириб, бир йил ичида ҳам Уильям ва Мэри университети ректори, ҳам сенатор лавозимларини қўлга киритади. Аммо бу гал ҳам сенаторликдан муддатидан олдин воз кечишга тўғри келади. Бунга президент Эндрю Жексон билан ўрталарида келиб

чиққан жиддий келишмовчилик сабаб бўлади. Бу пайтда президент Жексоннинг юритаётган сиёсатидан норози кишилар кўпчиликни ташкил қиларди. Булар ичида «виггилар» партияси ҳам бор бўлиб, улар президент сиёсатига қарши муросасиз курашда Тайлер ва Уильям Гаррисонни ўз гуруҳлари сафига кўшиб олиб, 1840 йилда бўлиши кутилаётган сайловда ҳокимият учун чинакам сиёсий кураш олиб боришни режалаштиришади. Шу тарзда улар сайловда ғолиб чиқиб, Гаррисон президентликка, Тайлер эса вице-президентликка сайланади.

Қасамёд маросимидан сўнг бир ой ўтгач, президент Уильям Гаррисоннинг тўсатдан вафот этиши ҳали вице-президентлик вазифасини ҳам амалда бажаришга тўлиқ киришмаган Тайлерни мамлакат тарихида биринчи бўлиб навбатдан ташқари президентлик қасамёдини қабул қилишга мажбур этади (1841 йил 6 апрель). Ўша кун «виггилар» партияси аъзолари тун-у кун «Энди ҳокимият бизнинг қўлимизда, нимани хоҳласак, шу бўлади» деб ер-у осмонга жар солишади. Бироқ жамиятнинг кейинги ривожланиши уларнинг орзуларини пучга чиқаради. Чунки президент Тайлер «виггилар»нинг маслаҳатсиз мустақил сиёсат юритади. Натижада президент ва «виггилар» партияси раҳбарлари ўртасида жиддий келишмовчилик юзага келиб, Тайлер партиясиз, яъни сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватловчилардан маҳрум бўлиб қолади. Бундай ҳолни кўрган «виггилар» партияси аъзоларлари Конгрессдан президентни вазифасидан четлатишни талаб қила бошлайди. Лекин Конгресс уларнинг талабини қаноатлантирмайди.

Шуниси қизиқки, Америка тарихида энг кўп танқидга учраган президент ҳам айнан Жон Тайлердир. Орадан йиллар ўтиб, АҚШнинг йигирма олтинчи давлат раҳбари Теодор Рузвельт Тайлер ҳақида шундай деган эди: «Шу кунга қадар Жон Тайлерни қобилиятсиз, нотўғри сиёсат юритганликда бетўхтов асосиз айблашиб келишарди. Лекин бугунги кунда мен унинг машаққатли ҳаёт йўлларини ўқиб, ўрганиб, унинг нақадар кучли сиёсатчи ва жамоат арбоби бўлганлигига амин бўлдим».

Тайлернинг кейинги оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, «Оқ уй» бекаси Летиция хоним узоқ ногиронликдан сўнг 1842 йилда жон таслим қилади. Ёлғиз қолган президент Жоннинг аҳволидан набираси тез-тез хабар олиб турарди. Бунинг устига,

ҳали вояга етмаган фарзандларининг онасиз қолгани Тайлерга қаттиқ руҳий таъсир кўрсатади. Ана шуларни ўйлаб, охири 30 ёшли Жули Гардинер исмли аёл билан турмуш қуради. Қизиқ томони шундаки, биринчи хотинининг ўлиmidан сўнг илк бор қайта уйланган президент ҳам айнан Тайлердир.

Жон Тайлер даврида мамлакат ҳаётида президентлик институтининг мавқеи анча мустаҳкамланади. Жумладан, у Конгрессга президент ваколатларини кенгайтириш ва умрбод сайлаш таклифи билан чиқади. Аммо...

«Виггилар»нинг куракда турмас танқидлари билан турт йиллик муддатни бир амаллаб ўтказган Тайлер кейинги сайловда номзодини қўймаслигини олдиндан эълон қилади. Президентнинг бу қарори ўша пайтда бир томондан жуда тўғри эди. Чунки Жон Тайлер бу пайтга келиб давлат раҳбари учун жуда муҳим бўлган сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватланиш имкониятидан маҳрум бўлган ва табиийки, бусиз президентлик курсиси учун бўладиган ҳаёт-мамонт «жанги»га киришиб бўлмас эди. Президентлик ваколатини расмий равишда топширган Тайлер кўп ўтмай вакиллар палатасига депутат этиб сайланади. Бироқ афсуски, Тайлерга Конгрессда яна ишлаш насиб қилмаган экан. Депутатлик фаолиятини бошлаш арафасида, 1862 йилнинг 18 январида у ҳам тўсатдан вафот этади. Шундан кейин орадан 53 йил ўтгач, яъни 1915 йилда АҚШ ҳукумати Жон Тайлер ва унинг биринчи умр йўлдоши Летиция Кристианларнинг хотирасига бағишлаб, Виржиния штатида «Голливур қабристонини» очади. Бу мажмуа қисқа, мазмунли ва танқидларга бой президентлик фаолияти учун Жон Тайлерга Америка халқи кўрсатган ҳурматнинг кичик бир рамзидир.



1795

James Polk

1849

ЖЕЙМС ПОЛК

Асли келиб чиқиши Ирландиялик бўлган Самюл ва Жейн Полкларнинг тўнғич фарзанди Жеймс 1795 йилнинг 2 ноябрида Шимолий Каролинанинг Макленбург округида туғилади. Отаси Самюл деҳқончилик, онаси Жейн хоним эса 10 нафар фарзанднинг тарбияси билан шуғулланарди. Жеймс ёшлигида жуда нимжон ва касалманд бола эди. Шу боисдан ота онаси унга алоҳида эътибор ва меҳр кўзи билан қарарди. 1806 йилда Полклар oilаси ер сотиб олиш ва деҳқончилик ишларини кенгайтириш мақсадида Теннессига кўчиб келишади. Бу ерда ота-бола Полклар тинимсиз меҳнат қилиб, шу туфайли тез орада штатдаги энг бой oilалардан бирига айланади. Жеймс дастлаб «Зеон» черковида таҳсил олади. Бу ерда у ўқиш билан бирга дўконда хизматчи бўлиб ҳам ишлайди. Бир йилдан сўнг академияда ўқишни давом эттиради. Академияни тамомлаб, Каролина университетига ҳужжат топширади ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтади. Университетда барча юридик фанларни мукамал ўзлаштириб, олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломига эга бўлади ва дастлабки фаолиятини адвокатликдан бошлайди. Жеймс Полкнинг сиёсатга кириб келиши Теннесси штати вакиллар палатасига сайланиши билан боғлиқ. Вакиллар палатаси аъзоси сифатида Полк таълим соҳасини ислоҳ қилиш ва

солиқлар миқдорини камайтиришни ёқлаб чиқади.

Энг асосийси, у дўсти Эндрю Жексоннинг ишончли вакили сифатида унга сайловда ғалаба қозонишда катта ёрдам беради. Президент Жексон ва Жеймслар ҳаётда ҳам, сиёсатда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаб, яқин алоқада бўлишгани сабабли айрим кишилар ҳазиллашиб Жеймсни «Кичик Жексон», деб ҳам аташарди.



Сара хиккм

Сиёсатда муваффақият қозонгани билан оилавий ҳаётда Жеймсининг омади юришмайди. Гап шундаки, у Сара Чилдрес исмли диндор аёл билан турмуш қуради. Афсуски, уларнинг бирорта ҳам меросхўри бўлмайди. 1825 йилда Жеймс Полк АҚШ вакиллар палатасининг аъзоси бўлади. Жексоннинг президентлиги даврида эса у 14 йил мобайнида вакиллар палатаси спикери (раиси) лавозимида ишлайди.

1839 йил президент Жексон Полкга Тенненси губернаторлигини таклиф қилади. Чунки фақат Полкгина демократик партия аъзолари ўртасида юзага келган ихтилофни барҳам этиб, ягона мақсад атрофида бирлаштириши мумкин эди. Шунга қарамасдан, Жеймс Полк ҳам қуллик тарафдори эди. 1844 йил мамлакатда президентлик сайловлари ўтказилади. Президентликка номзод қилиб демократчи Ван Бурен кўрсатилади. Номзод Ван Бурен Техас бўйича булган АҚШ ва Мексика урушини қаттиқ қоралайди. У Мексикага Техасни бериш керак, деган фикрни илгари суради. Бундан жаҳли чиққан айрим сиёсатчилар сайлов арафасида унга қарши чиқиб, «Техас олдин ҳам, бундан кейин ҳам Американики бўлиб қолади» дейдилар. Сайловнинг

биринчи турида Мартин Ван Бурен старли овоз туплай олмайди. Шунда шошилиб қолган демократлар унча ишонқирамай ҳали танилиб улгурмаган Жеймс Полк номзодини кўрсатишади. Ўшанда «виггилар» демократик партия вакилларини масхара қилиб, «Ким ўзи у Жеймс Полк?» деган кинояли савол билан бир-бирига қарашади. Сайлов арафасида Полк Техас фуқароларини мустамлакачилардан ажратиб олишга катта ҳисса қўшади. Эҳтимол, шу сабабли Полк сайловда муваффақият қозонади.

Қасамёд маросимида президент Жеймс ўзининг «Полк назарияси», деб номланган дастурини эълон қилади. Ушбу дастурда қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган эди:

1) АҚШнинг ҳудудий дахлсизлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш;

2) Мамлакат хазинасини бойитиш;

3) Солиқлар миқдорини имкон қадар пасайтириш;

4) Калифорнияни иттифоққа қабул қилиш.

Орадан бир йил ўтгач, яъни 1846 йилнинг 13 майида Конгресс Мексикага қарши расмий равишда уруш эълон қилади. Бу уруш тарихда «Ҳудудлар учун кураш жанги» деб ҳам аталади. Охир-оқибатда мазкур уруш икки томоннинг узаро шартнома тузиши билан якунланади. Жеймс Полкнинг даврида мамлакат ҳар жиҳатдан тараққий этади. Жумладан, Калифорнияда олтин конларининг кашф этилиши иқтисодиётни, халқ фаровонлигини оширишда асосий омил бўлди. Шунингдек, унинг даврида АҚШ ҳудудий жиҳатдан ҳам анча кенгайди. Масалан, Техас ва янги Мексика Америка тасарруфига ўтади. Шунингдек, давлат рамзи бўлган Америка байроғи айнан ана шу даврдан бошлаб барча штатлар томонидан тан олинади.

Энг муҳими, Жеймс Полк ўз дастурида белгилаб қўйган барча вазифаларни деярли амалда бажаришга муваффақ бўлди. Бундай юксак натижага ўз даврида фақат Жорж Вашингтонгина эришган эди. Аммо Жеймс Полк жанублик бўлгани боис кулликни маълум маънода қўллаб-қувватлаб, жанублик фуқароларга кўпроқ имтиёзлар яратиб беради. Президентнинг бундай сиёсати жамиятда тенгсизликни келтириб чиқаради. Уни кўпчилик президентлик вазифасини суиистеъмол қилганликда

айблашади. Балки шулар сабаблими, Жеймс Полк уз номзодини иккинчи муддатга қўйишни рад этади ва Нешвил (Теннесси) га келиб, узоқ давом этган хасталикдан сўнг 53 ёшида вафот этади. Жеймс Полк даврида АҚШ ташқи ишлар вазири бўлган Жеймс Бюкенен у ҳақидаги замондошлари фикрини жамлаб, шундай деган эди: «Полк дўстлари орасида энг тиришқоқ ва самимий инсон эди».





1784 *Zachary Taylor* 1850

ЗАКАРИ ТЕЙЛОР

Америка президентлари ҳаётини белгилловчи диққатга сазовор хусусиятлардан бири шуки, уларнинг кўпчилиги дастлаб ҳарбий киши сифатида халққа танилиб, кейин катта сиёсатда юксак муваффақиятлар қозонишган. Ана шулардан бири қирқ йилдан ортиқроқ ҳарбий соҳада хизмат қилиб, катта тажриба орттирган ва кейин президентликка сайланиб, 16 ойга яқин президентлик курсисига ўтириб, давлатни бошқариш насиб этган шахс — Закари Тейлордир.

Оиладаги 9 фарзанднинг учинчиси бўлган Закари 1784 йилнинг 24 ноябрида Кентукки штатида туғилади. Оила бошлиғи Ричард Тейлор бадавлат деҳқон, инқилоб уруши қаҳрамони бўлган, онаси Сара хоним эса болалар тарбияси ва уй-рўзгор ишлари билан банд эди.

Закарининг ўқиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, ўша пайтда улар яшайдиган жойда бирорта ҳам ўрта мактаб бўлмайди. Шу боис унга дастлабки билимларни отасининг ўзи беради. Ричард Тейлор балоғат ёшига етиб бораётган ўғлининг ўзи сингари ҳақиқий ҳарбий инсон бўлиб етишишини орзу қиларди ва ҳар доим ўғлига «Фидойи ҳарбий бўлиш учун жисмоний кучнинг ўзи камлик қилади. Бунинг учун энг аввало инсон маънавий жиҳатдан ҳам бақувват бўлмоғи лозим», дея қайта-қайта

уқтирарди. Ана шундай руҳда камол топа бошлаган Закари 1808 йилда АҚШ қуроли кучлари сафига қабул қилиниб, дастлаб лейтенант, кейинчалик капитан унвонига сазовор булади. Шу йили ота-онасиз етим қолган Маргарет исмли қиз билан турмуш куради. Эр-хотин Тейлорлар бир ўғил ва икки нафар қиз кўришиб, уларнинг келажакда соғ-омон, бахтли яшашлари учун кундалик зарур чораларни кўришади.



Президент Тейлорнинг қизи

Закари Тейлорнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётда юксак ҳурмат-эътибор қозонишида Мексика билан бўлган жангдаги қаҳрамонлиги сабаб бўлди десак, муболага бўлмайди.

Хўш, бу урушнинг келиб чиқишига нима сабаб бўлган эди?

Гап шундаки, 1835 йилга келиб Мексика давлати тасарруфида бўлган Техас аҳолиси мустақиллик ва эркинликни талаб қила бошлайди. Мексика ҳукумати эса техасликларнинг бу фикрига қарши чиқишади. Ўн йилга яқин икки томонлама музокаралар олиб борилганига қарамасдан, бу низони тинч йўл билан эмас, балки фақат уруш йули билан ҳал қилиш мумкинлиги тўғрисидаги хулосага келинади. 1846 йилнинг 13 майида бошланган АҚШ ва Мексика ўртасидаги уруш Закари Тейлорни «Миллат қаҳрамони»га айлантирди. Шуниси қизиқки, мазкур жанг тарихда «Қора лочинлар уруши» деб ҳам аталган. Охири-оқибат АҚШнинг фойдасига ҳал бўлган бу уруш натижасида ўзида Англия, Шотландия ва Америка вакилларини жамлаган, куллик ўрнатиш ва жамиятда эски тузумни сақлаб қолиш тарафдори бўлган «виггилар» партияси Закари Тейлор номзодини мамлакат президентлигига кўрсатишга қарор қилишади.

Аввалига Закари Тейлор «виггилар»нинг бу таклифига қаттиқ қаршилик кўрсатади. Чунки у табиатан сиёсатни ҳам, давлат раҳбари бўлишни ҳам унчалик хушламасди. Бироқ партиядошлари қатъий туриб талаб қилишгач, у розилик беришга мажбур бўлади. 1849 йилда бўлиб ўтган сайловда қўли баланд келган Закари Тейлор АҚШнинг 12- президенти этиб сайланади. Ўшанда уни кўролмайдиган айрим кишилар «Оқ уй»га профессионал аскар президент келди» дея киноя қилишганди. Шуниси қизиқки, қасамёд маросими куни президент Закари Тейлорнинг афт-ангори, узини тутиши ҳаммани ҳайрон қолдиради. У ҳаётидаги энг хушсаодат дамларда қувониш ўрнига алланарсадан безовтадек хаёлли париншон кўринар. юз-кўзларига шубҳали бир туйғу соя ташлаб турарди.

Ким билади, эҳтимол, уни президентлик лавозимининг салобати босгандир? Эҳтимол, олдинда рўй бериши мумкин бўлган бахтсизлик унинг дилига ғашлик солгандир. Қолаверса, ўша пайтда суюкли хотини Маргарет хонимнинг ногирон бўлиб қолгани ва «виггилар» партиясига билан ўрталарида жиддий келишмовчилик юзага келганини ўйлаб, эзилган бўлса, ажаб эмас. «Йўқ, нима булганда ҳам бўлар иш бўлди. Энди орқага эмас, фақат олдинга» дея ўзини бироз тинчлаттиргандек бўлади Тейлор.

Хуллас, ўша дамда унинг кунглида нималар кечгани ёлғиз худога аён. Фақат шуниси аниқки, Закари Тейлор президентлик фаолиятини олиб борган давр Америка ҳаёти учун анча оғир кечди. Чунки узоқ давом этган уруш оқибатида мамлакат иқтисоди издан чиққан, очлик ва қашшоқлик авж олган эди. Энг ёмони, турли хил юқумли касалликлар оммавий равишда тарқалиб, минглаб кишиларнинг ёстиғини қуритган бўлса, иккинчи томондан, қуллик, тенгсизлик, адолатсизлик авжига минган эди. Бундай ҳол табиийки, жамият ривожига тўсиқлик қиларди.

Янгича ҳаёт тарзини қуриш мақсадида ана шундай томир отиб кетган иллатларга қарши мардонавор курашмоқчи бўлган президент Тейлор 1850 йилнинг 9 июлида тўсатдан ҳеч бир сабабсиз, барчани армонда ва ҳайратда қолдириб, бу ёруғ оламни тарк этади. Эрининг доғида куйиб кул бўлган ногирон хотини Маргарет ҳам кўп ўтмай жон таслим қилади. Ўшанда ҳам, ундан сўнг ҳам бирон-бир кимса Закари Тейлорнинг ўлими

сабабини аниқлай олмади. Бу ўлим икки асрнинг сирли жумбоги бўлиб келаётган эди. Лекин буни қарангки, бундан 12 йилча бурун (1991 йил) бир гуруҳ экспертлар президент Тейлорнинг қабрини очиб, синчковлик билан текшириб куришади ва бу жумбоқнинг ечимини топишга муваффақ бўлишди. Аниқланишича, Закари Тейлор заҳарлаб ўлдирилган экан. Аммо қотилнинг ким экани ҳамон сирлигича қолмоқда...

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Закари Тейлор Америка халқининг қалбида президент эмас, балки ҳақиқий ҳарбий инсон сифатида абадий муҳрланиб қолди.





МИЛЛАРД ФИЛЛМОР

Америка Қўшма Штатларида турли даврда турли шахслар президент этиб сайланишган. Улар орасида фақат икки шахс оддий тикувчиликдан давлат раҳбарлигигача бўлган узоқ, мураккаб ва шарафли йўлни босиб утишган. Улардан бири ўн еттинчи президенти Эндрю Жонсон бўлса, иккинчиси Миллард Филлмордир.

1800 йилнинг 7 январиди Нью-Йорк шаҳрида Натаниал ва Фиоби Миллардлар оиласида ўғил дунёга келади. Оила бошлиғи Натаниал деҳқончилик қилиб, даромад топарди. Оилавий шароити оғирлиги сабаб отасининг ўзи Филлморни ўқитади. Мактабга бормаса-да, зеҳни ўткирлиги сабабли тез орада у ўқиш-ёзиш, кўшиш-айиришни ўрганиб олади. Отаси уни бирон-бир хунар эгаси бўлсин, деган ниятда 14 ёшида бир тикувчига шогирдликка беради. Аммо Миллард у ерда кўп вақт ишлай олмайди. Чунки устози унга нисбатан нимагадир жуда кўпол муомалада бўлар, ҳатто бир куни жаҳл устида болта билан уриб ўлдириб қўйишига ҳам бир баҳя қолади. Бундан хавотир олган ота-она ўғлини бошқа тикувчининг ёнига олиб боради. У ерда икки йил ичида Миллард тикувчилик сир-асрорларини чуқур ўзлаштириб, ана шу хунар орқасидан аста-секин аҳоли ўртасида ном қозона бошлайди. Шуниси қизиқки, Америка президент-

ларидан фақат Филлморгина ҳар доим бир хил кийимда, яъни қора плаш ва узун қора кўйлақда юрарди. Эҳтимол, бу ҳам президентни бошқалардан ажратиб турувчи алоҳида жиҳатлардан бири бўлган бўлиши мумкин.

Тикувчилик орқасидан яхшигина даромад ҳам ишлаб олган Миллард ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Монтовилли, Нью-Йорк ва Буффало шаҳарларида таълим олади. Ўқишини битиргач, хусусий адвокатура очиб, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатади. Филлморнинг шахсий ҳаёти ҳам жуда қизиқ кечган. Қизиғи шундаки, коллежда ўқиб юрган кезларида ўзидан икки ёш катта, ўзининг ўқитувчиси Абегейл Паурсни яхши кўриб қолади ва натижада 19 ёшли Филлмор 21 ёшли ўқитувчисига уйланади. Улар ҳаётининг яна бир қизиқарли томони шундаки, тўйларидан кейин ҳам ҳеч нарса бўлмагандек, Абегейл хоним ўқитувчи, Миллард эса унинг талабаси сифатида коллеждаги фаолиятларини давом эттиришади. Орадан бир йил ўтгач, устози ўз талабасига эгизак фарзандлар туғиб беради.

Миллард Филлморнинг сиёсий ҳаётга кириб келиши ва танилиши Жон Куинс Адамснинг ишончли вакили бўлиши ва Конгресснинг вакиллар палатасида 10 йилга яқин фаолият олиб боргани билан боғлиқ. Қонунчилик органида ўн йил ишлаб, бу соҳа бўйича анча билим ва тажрибаси ошган Филлмор Нью-Йорк шаҳри мэрига даъвогарлик қилади. Аммо сайловда омад ундан юз ўғирди. Шундан кейин у Буффало университетининг ректори лавозимида ишлай бошлади. 1848 йилга келиб «виггилар» партияси вакиллари Закари Тейлорни президентликка, Миллардни эса вице-президентликка номзод сифатида кўрсатишади. Ҳокимият учун бўлган бу сиёсий курашда ҳар иккала номзод ҳам муваффақият қозонади.

Бироқ президент Тейлорнинг бевақт ўлими барча сингари Филлмор учун ҳам кутилмаган воқеа бўлди. Қонун бўйича вице-президент Миллард кейинги сайловга қадар президентлик қасамёдини қабул қилалади. Дастлабки кунлардан бошлаб ҳам президент Филлмор дўсти Тейлорнинг сиёсатини изчил давом эттиришга киришади. Яъни у ҳам Тейлор сингари жамиятда қулликни тугатиш ва тенглик ўрнатишнинг ашаддий тарафдори эди. Бу масалада муҳолифият билан келишмовчилик шу даражага бориб етдики, оқибатда мамлакатда фуқаролар уруши бошланиши хавф остида қолади. Бундан хавотирга тушган президент



1850 йил. Тарихий-сиёсий йиғилиш

Миллард 1850 йилда турли штат вакилларидан иборат тарихий-сиёсий келишув (сулҳ) йиғилиши чақиради. Мазкур йиғилишда иккита асосий масала муҳокама қилинади:

- 1) Қулликни (қул савдосини) чеклаш;
- 2) Жануб ва шимолликларни келиштириш ҳамда бирлаштириш.

Шуниси аҳамиятлики, айнан ана шу тарихий йиғилишда тарафлар ўзаро муроСага келишиб, ўша пайтда келиб чиқиши мумкин бўлган фуқаролар урушининг олди олинади. Гарчи охиروقибатда минглаб бегуноҳ инсонларнинг ҳаётига зомин бўлган бу даҳшатли уруш 10 йилдан сўнг бошланган бўлса-да, бунда Филлморни қоралаб бўлмайди. Чунки у келиб чиқиши муқаррар бўлган урушни ўз даврида олдини ола билди. Агар у зарур ижобий ҳаракатларни ўз вақтида қилмаганида АҚШда 1861 йилда бўлган фуқаролар уруши, эҳтимол, 1850 йилда ҳам бошланиши мумкин эди.

Бундан ташқари, президент Филлмор Конституцияда белгилаб қўйилган «Халқ суверенитети» ғояси асосида ўз сиёсатини олиб боради. Ташқи сиёсатда эса узоқ шарқ мамлакатлари билан савдо ва товар айирбошлаш алоқаларини ўрнатишга эътибор қаратади. Шу туфайли унинг даврида АҚШ ва Япония ўртасида ўзаро савдо алоқалари бўйича шартнома имзоланади. Бугунги кунда Америка халқи Миллард Филлморни ўзининг энг камтар фарзандларидан бири сифатида хотирлайди. Бунинг исботи тариқасида шунини айтиш керакки, бир куни президент

Миллардга Оксфорд университети ректори номидан хат келади. Унда айтилишича, университет раҳбарияти буюк хизматлари эвазига Филлморга фахрий докторлик унвонини топширишмоқчи бўлишади. Хатни ўқиб кўрган Миллард «Авалло таклифингиз учун ташаккур. Аммо ҳали мен халқимга ҳеч қандай буюк хизмат қила олганим йўқ», дея бу таклифга рад жавобини беради.

Эр-хотин Миллардлар «Оқ уй»да истиқомат қилган кезларида улар бу ерда биринчи бўлиб, кутубхона ташкил қилишади. Вақтинча президентлик вазифасини бажариб келган Филлморни 1852 йилда бўладиган сайловда тўлиқ муддатга сайланиши кутилаётган эди. Лекин афсуски, бундай бўлмайди. Сабаби — сайлов олдидан «виггилар» партияси аъзолари ўртасида жиддий келишмовчиликлар юзага келиб, улар бўлиниб кетишади. Натижада Филлмор сайловда ғалаба қозона олмайди. «Оқ уй»ни тарк этгач, орадан кўп вақт ўтмай собиқ президент кетма-кет олдин хотини ва сўнгра қизидан бевақт ажралиб қолади. Бундай оғир жудоликни бир лаҳза бўлса-да унутиш мақсадида Европага дам олишга кетади. Саёҳат мобайнида ўша пайтдаги Рим папасининг қабулида ҳам бўлади. Европадан қайтган Филлмор энди умрининг охиригача севимли касби — адвокатлик фаолияти билан шуғулланишга қарор қилади. Устига-устак, ёлғиз яшаш жонига теккан Миллард 1853 йилда Каролина исмли бева аёлга ҳам уйланади.

Хуллас, умрининг қолган қисмини ана шу тарзда ўтказган Миллард Филлмор 1874 йилнинг 8 мартида 74 ёшида миясига қон қуйилиши оқибатида вафот этади. Дарвоқе, Миллард Филлмор «виггилар» партиясидан сайланган сўнгги президент эди.



1804

Franklin Pierce

1869

ФРАНКЛИН ПИРС

Америка халқининг энг оғир дамларида, яъни қуллик ва тенгсизлик авжига чиққан пайтда давлат раҳбари бўлган шахслардан бири Франклин Пиррс эди.

АҚШнинг янги Хемсфейр округида истиқомат қилган Бенжамин Пиррснинг ўғли (онаси ҳақида аниқ маълумот йўқ) Франклин 1804 йилнинг 27 ноябрида ҳарбийлар оиласида туғилади. Оида бошлиғи Бенжамин инқилоб уруши қаҳрамони, кейинчалик ҳарбий бўлим раҳбари ва мэр (ҳоким) лавозимларида ишлайди. Франклиннинг олтита акаси ва иккита синглиси бор эди. Бенжамин Пиррс ҳар бир фарзандига алоҳида меҳр кўзи билан қараб, уларни хушмуомалалик, одамилиқ ҳамда меҳр-оқибатлилиқ каби инсоний фазилатлар руҳида тарбиялайди. Франклин 11 ёшида Хенкок академиясига ўқишга киради. Аммо орадан бир йил ўтгач, ўқишини ўзлари яшаб турган жойдаги Франстаун коллежига ўтказди. Сабаби — олдинги ўқиш жойи 11 километр узоқликда бўлиб, унга қатнашда бир қатор қийинчиликлар келиб чиқаётган эди. Янги ўқиш жойида Франклин адабиёт ва сиёсий фанларини чуқур ўзлаштириши билан бирга яхшигина дўстлар ҳам орттиради. Юридик фанларни ўрганишни Пиррс отасининг дуси Леви Вудбюри раҳбарлигида бошлайди. Устози унга бир вақтнинг ўзида ҳам назарий, ҳам

амалий билимлар беради. Хуллас, тез орада Франклин Пиррс аҳоли ўртасида ҳуқуқшунос сифатида танила бошлайди.

Франклиннинг сиёсатга кириб келиши дўсти Эндрю Жексоннинг сайлов кампаниясида фаол қатнашиб, унинг президент бўлишига ёрдам бериши билан боғлиқ. Чунки сайлов олдида Жексоннинг ишончли вакили сифатида бир неча бор сайловчилар олдида чиқиш қилиб, уларда мамлакатда ечимини кутаётган муаммоларни яхши биладиган нотик сифатида ижобий таассурот қолдиради. Бунинг самараси ўлароқ, у 1829 йилда штат Вакиллар палатасига аъзо этиб сайланади. Икки йилдан сўнг 33 ёшли Франклин АҚШ вакиллар палатаси ва сенатида ишлайди. Шуниси эътиборлики, Франклин ўз даврида энг ёш Конгресс аъзоларидан бири эди. 1834 йилда Пиррс Жейн Минс исмли қиз билан танишиб, ҳаётини у билан боғлашга аҳд қилади. Жейн Минс хоним табиатан касалманд аёл эди. Улар уч нафар ўғил кўришади. Афсуски, уларнинг учови ҳам ҳаётдан бевақт кўз юмишади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Америка президентларининг кўпчилигини негадир ана шундай оилавий бахтсизлик ва омадсизликлар таъқиб қилган. Болаларининг ўлиmidан сўнг Франклиннинг хотини оғир хасталикка учрайди. Боз устига пойтахт Вашингтоннинг об-ҳавоси ҳам унинг соғлигига унча тўғри келмайди. Шуларни ўйлаб, Франклин Сенатдан бўшашга қарор қилади.

Бу орада эса АҚШ-Мексика уруши бошланиб қолади (1846 йил 13 май). Ушбу урушни келтириб чиқарган асосий сабаб Мексиканинг Техас мустақиллигини тан олмаслиги бўлди. Чунки Техас ўша пайтда Мексика давлати тасарруфида эди. Уруш бошлангач, президент Жеймс Полк Франклинни ҳарбий бўлинмага бошлиқ этиб тайинлайди. Жанг майдонида у отдан йиқилиб, оёғидан оғир жароҳат олади ва ярадор Пиррс жонини сақлаб қолиш мақсадида бироз чекинишга мажбур бўлади. Шу залда Мексика билан уруш оқибатида 525 минг нафар Америка ҳарбийлари ва фуқаролари ҳалок бўлади. Бу албатта, АҚШ ҳукумати учун катта йўқотиш эди ва шунинг учун урушдан қайтгач, Франклиннинг душманлари уни қўрқоқликда айблашади. Франклин Пиррс эса бу каби гап-сўзларга парво қилмай, ўзининг ҳуқуқшунослик фаолиятини давом эттиради. Бундан ташқари, у бу даврга келиб демократик партиянинг энг фаол аъзоларидан бирига айланади.

Президентлик сайлови олдидан демократлар давлат раҳбарлигига Стифан Дуглас, Жеймс Бюкенен ва Уильям Мэррилар номзодини кўрсатишади. Бу пайтда Франклин Пиррс номзоди уларнинг хаёлига ҳам келмайди. Аммо сайловнинг биринчи босқичидаёқ улар кўрсатган номзодлар муваффақиятсизликка учрайди. Нима қилишини билмай боши қотган виржиниялик депутатлар зудлик билан Франклин Пиррс билан гаплашиб, унинг номзодини президентликка қўйишади. Виггилар партияси эса унга рақиб сифатида генерал Винфорд Скот номзодини кўрсатишади. Ушбу сайловда 48 ёшли Франклин ўзининг қуйидаги иккита ғояси орқали ғалаба қозонади:

1) Бутун Америка ҳудудида қулликни жорий этиш ва уни мустақкамлаш;

2) Халқнинг урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Бундан кўриниб турибдики, жанублик Франклин Пиррс ҳам қуллик тарафдори бўлган ва ўзининг ана шу ғояси билан сайловда ғалаба қозониб, президент бўлган. У президентлик фаолиятининг бошланишида уруш оқибатларини бартараф этиш ва демократик партиянинг жамиятдаги таъсирини кучайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Қуллик тарафдори бўлган президентнинг сиёсати, албатта, кўпчилик, айниқса, шимолликларнинг қатор норозиликларига сабаб бўлади. Оқибатда Франклиннинг ижтимоий ва сиёсий мавқеига путур ета бошлайди. Бу эса унинг кейинги сайловда ғалаба қозона олмаслигидан дарак берарди. Ана шуларни яхши тушунган Франклин Пиррс кейинги сайловга номзодини қўймайди.

Ҳокимиятдан кетгач, эр-хотин Пиррслар оғир касаллик билан узоқ вақт Европада даволанишади. Уйга қайтгач, кўп утмай хотини Жейн қазо қилади. Орадан олти йил ўтгач, яъни 1869 йилнинг 8 октябрида Франклин Пиррс ҳам абадий дунёга рихлат қилади.



1791

James Buchanan

1868

ЖЕЙМС БЮКЕНЕН

Америка президентлари тарихида бир умр ёлғиз ўтган (уйланмаган), фуқаролар уруши бошланиши арафасида халқни келажак сари бир тан, бир жон бўлиб курашишга даъват этган ҳамда қулликни йўқотишга катта ҳисса қўшган шахслардан бири Жеймс Бюкенендир.

Келиб чиқиши ирландияликларга бориб тақаладиган Жеймс ва Элизабет Спирларнинг иккинчи фарзанди кичик Жеймс Бюкенен 1791 йилнинг 23 апрелида тadbиркорлар oilасида дунёга келади. Эътиборли томони шуки, Бюкененлар Америкада кам учрайдиган катта серфарзанд oilалардан бири бўлиб, уларнинг 11 нафар болалари бор эди. Кичик Жеймс ёшлик чоғидан отаси билан савдо-сотиқ ишларида қатнашиб, тadbиркорлик борасида анча амалий маҳоратга эга бўлади ва 11 ёшида у Дикинсон коллежига қабул қилинади. Аммо тижорат ишлари билан банд бўлиб, дарсларни кўп қолдиргани боис талабалар сафидан чиқарилади. Шундай кейин у ҳуқуқ йўналиши бўйича «Ланчестер» коллежига кириб, билимли ҳуқуқшунос бўлиб етишади. Ўқишни битиргач, Бюкенен бир неча йил юридик ташкилотларда ишлайди. Жеймснинг сиёсатга кириб келиши ўша пайтда ижро ҳокимиятида юқори мавқеига эга бўлган федералчилар партиясига аъзо бўлиб кириши билан боғлиқ.

Яна бир қизиқ жиҳат шундаки, Америка президентлари орасида фақат Жеймс Бюкенен оила қурмаган. Хўш, бунга нима сабаб булган?

Гап шундаки, 1816 йилда Жеймс сиёсатдан узоқлашиб, Пенсильванияда ўзининг хусусий адвокатурасини очади. Шу кезларда у дазмол ишлаб чиқариш корхонаси раҳбарининг Анн Колмен исмли қизи билан танишиб, уни қаттиқ севиб қолади. Улар қисқа вақт ичида бир-бирларига шу қадар қаттиқ боғланиб қолишадики, ҳатто бир дам ҳам бир-бирларини кўрмасдан туришолмайди. Бироқ кунлардан бир кун ораларидан қил ҳам ўтмайдиган бу икки ёшнинг ўртасига қандайдир бир арзимаган сабаб билан «шайтон» тушади. Натижада уларнинг муносабатлари шу қадар ёмонлашадики, бунга чидай олмаган Анн охир-оқибатда ўз жонига қасд қилади.

Кутилмаган бу бахтсизликда ўзини айбдор ҳис этган Бюкенен ўзини-ўзи виждонан суд қилиб, ўзига шафқатсиз жазо тайинлайди. Қандай жазо дейсизми? Ҳа, тушунган бўлсангиз керак, бу жазо севгилисининг ўлимига сабабчи бўлгани учун бутун умр ёлғизликда ўтиш жазоси эди. Шундан кейин у ўз муҳаббати ҳамда виждонига содиқ қолиб, умрининг сўнгги дамларигача ана шу жазони ҳалол-покиза ижро этади.

Севган кишисининг кутилмаган ўлиmidан сўнг Жеймс анча вақтгача ўзига келолмай, виждон азобида қийналиб юрди. Охирги дамларда пушаймон бўлган бўлса-да, у ўзига ўзи берган сўзининг устидан чиқиб, уйланмасдан, оила қурмасдан ёлғиз ўтади ва шу боис фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлади. У ўз хотираларида «Инсон ҳеч қачон, ҳеч нарсага жуда қаттиқ меҳр қўямасин экан. Қайлиғимнинг бевақт ўлими бу ҳақиқатни яна бир бор тасдиқлади» деб ёзган. Дарҳақиқат, бу кунлар Жеймс Бюкенен ҳаётидаги энг оғир ва ғамли дамлар эди.

Кун бўйи бир уйга қамалиб, ёлғизликда ўтириш жонига теккан Жеймс қандай бўлмасин ўзини чалғитиш учун нимадир қилиш ва қандайдир юмуш билан шуғулланиш мақсадида, қолаверса, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги йўлида курашиб яшаш кераклигини чуқур англаб, Конгресснинг вакиллар палатасига уз номзодини қўяди ва унда муваффақият қозонади. Конгрессмен Жеймс бу ердаги 10 йиллик фаолияти давомида ҳам оддий инсон, ҳам қонуншунос сифатида кўпчиликнинг ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади. Шу билан бирга 1824 йилги

президентлик сайловида Эндрю Жексоннинг ғалаба қозонишига ҳам муносиб ҳисса қўшади. Бунинг эвазига президент Жексон уни Россияга элчи этиб тайинлайди. Америка Қушма Штатлари ва Россия ўртасида илк дўстона муносабатларнинг ўрнатилиши ҳам айнан Жеймс Бюкененнинг номи ва элчилик фаолияти билан боғлиқ экани диққатга сазовордир. 1833 йилнинг ноябрь ойида она-юртига очиқ юз билан қайтган Бюкенен Пенсильвания сенатори этиб сайланади. Сенатда ишлаган вақтда қулликни бекор қилишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқади. Чунки бу даврда АҚШдаги кўпчилик қонунлар қуллик тузумини қисман бўлса-да, ҳимоя қиларди.

1852 йилда бўладиган президентлик сайлови олдидан Жеймс истейфого чиқиб, сайловга пухтароқ тайёргарлик кўриш мақсадида ўз атрофига тарафдорларини йиғади. Лекин унда демократ Франклин Пиррснинг қўли баланд келади.


Гарчи Жеймс Франклиннинг сиёсий рақиби бўлган бўлса-да, президент унга катта ишонч билдириб, уни АҚШнинг Буюк Британиядаги элчиси этиб тайинлаб, унинг зиммасига жуда масъулиятли вазифани, яъни инглиз ҳукмрон доиралари билан тинчлик ва ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришишни бош вазифа қилиб юклайди. Ўзининг икки йиллик хизмат сафари давомида Жеймс Бюкенен англияликлар билан тинимсиз музокаралар олиб бориб, «Клейтон Булвар», деб аталадиган икки томонлама шартнома тузишга эришади. Ушбу шартномага асосан бундан буён тарафлар бир-бирининг ҳудудига таҳдид солиши ёки ҳужум қилиши қатъий таъқиқланган эди. Бу ўша даврда АҚШ сиёсий доиралари учун қўлга киритилган жуда катта ютуқ ҳисобланарди.

Навбатдаги президентлик сайлови олдидан яна бир бор омадини синаб кўриш ниятида Жеймс Англиядан қайтиб келади ҳамда демократик партиядан президентликка номзод этиб кўрсатилади. Республикачилардан эса калифорниялик Жон Фремонт ва Уильям Дейтоннинг номзоди тақдим этилади. Сайловолди ташвиқотлар жараёнида Жеймс ўз дастури орқали мамлакат мудофаа қобилиятини мустақкамлаш, тадбиркорларни иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва улар фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришга ваъда беради. Сайловчилар билан учрашувларнинг бирида Бюкенен «Келинг, эркин ҳаёт, эркин фикр ва тинчлик учун барчамиз биргаликда

курашайлик» деган мурожаат билан чиқади. Сайлов натижасига кура, демократик партиянинг вакили Жеймс Бюкенен халқ ишончини қозониб, навбатдаги муддатга президент этиб сайланади ва «Оқ уй»га кўчиб ўтади. У ерда унинг рўзгор ишларига жияни Гарри қарашиб туради. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Бюкенен президент сифатида фаолият олиб борган давр мамлакат ҳаётининг энг оғир давларига тўғри келади. Хусусан, қуллик ва тенгсизликнинг кучайиши оқибатида шимол ва жануб ўртасида қон тўкилиш хавфининг кундан-кунга авж олиши мамлакатда фуқаролар уруши келиб чиқишини билдирар ва президент Жеймс эса бундан жуда-жуда ташвишланар эди.

Ўша даврда мамлакатда қулликни сақлаб қолиш тарафдорлари ўзларининг ниятларига мослаб «Лекомптан» конституциясини ҳам ишлаб чиқиб, уни Конгрессга тақдим этишади. Табиийки, Конгресс буни тасдиқламайди.

Хуллас, президент Жеймс Бюкененнинг тўрт йиллик фаолияти мамлакатда келиб чиқиш хавфи тобора ортиб бораётган фуқаролар урушининг олдини олиш ва тарафларни мурося-ю мадорага келтириш билан ўтиб кетди десак, хато бўлмайди. Аммо шунга қарамасдан, айрим тарихшунослар Жеймснинг Америка тарихидаги энг фақир, бўш президентлардан бири бўлганини эътироф этишади. Сабаби, — «у қуллик тузумни ўз вақтида қатъият билан енга олмади» деган фикрни билдиришган. Бундай вазиятда иккинчи муддатга номзодини қўйишни хоҳламаган Жеймс Бюкенен президентлик ваколати тугагач, «Оқ уй»ни тарк этади ва орадан кўп вақт ўтмай, яъни 1868 йилнинг 1 июнида касаллик туфайли вафот этади. Ўлими олдидан Жеймснинг сўнгги сўзи шундай бўлган: «Ҳеч бир президент менчалик умр бўйи армонда ўтмаган бўлса керак. Энг ачинарлиси, эртага ишимни давом эттирадиган, обрўйимга обрў қўшадиган фарзандимнинг йўқлигидир. Ҳеч кимни тақдир ана шу олий бахтдан маҳрум қилмасин экан, алвидо...»



1809

Abraham Lincoln

1865

АВРААМ ЛИНКОЛЬН

Бугунги кунда кўпчилик ҳавас қиладиган Америка Қўшма Штатларини энг қийин вақтларда бошқариб, уни таназзулдан олиб чиққан, халқни ягона мақсад йўлида бирлаштириб, тинчлик ва фаровонлик сари етаклаган, шу билан бирга Америка президентларига қарши уюштирилган биринчи суиқасднинг қурбони бўлган Авраам Линкольнни АҚШ халқи ўзининг асл фарзандларидан бири сифатида эъзозлайди ва хотирасини юксак қадрлайди. У халқи олдидаги буюк хизматлари учун миллат қалбидан абадий жой олган энг адолатпарвар давлат раҳбарларидан бири бўлган. Мамлакат тараққиёти йўлида ўчмас из қолдирган президентнинг ота-боболари асли виржиниялик бўлиб, Линкольнлар оиласи асосан деҳқончилик орқасидан кун кечиришган. Оила бошлиғи Томас Линкольн баъзида дурадгорлик билан ҳам шуғулланиб турган, уй бекаси Ненси Хенкс эса оддий оила фарзанди эди. Томас ва Ненси Линкольнлар тўйларидан кейин 18 ойча Кентукки штатининг Элизабет шаҳарчасида яшашади. Шу ерда уларнинг биринчи фарзанди Сара дунёга келади. У туғилганидан сўнг деҳқончилик учун Томас шаҳар четидан ер сотиб олиб, шу замида ҳаёт кечири бошлашади. Орадан бир йил ўтгач, яъни 1809 йилнинг 12 февралда Линкольнлар хонадонида ўғил дунёга келади ва унга Авраам деб исм қўйишади.

Ёш Авраамнинг болалик ва ўсмирлик йиллари йўқчилик даврига тўғри келди. У ёшлигидан ўқишга, илм ўрганишга астойдил ҳавас билан қарайди. Гарчи бу даврда мактаблар бўлмаса-да, Авраам чўчқа ёғидан шам ясаб, тиришқоқлик билан тахтани рандалаб, унга кўмир билан ҳарф ва рақамлар ёзишни машқ қиларди. Шунингдек, ёш Авраам дарахт илдизларини кўпоринг, ер ҳайдаш ва экин экишда отасига кўмаклашар, баъзан эса кўшни фермада ишлаб ҳам келарди. Дарвоқе, Авраамнинг ўқишда энг яхши кўрган фани ҳуқуқ ва математика бўлиб, у шу соҳаларга оид китобларни кунт билан ўқиб, билимини оширишга интилар эди. Линкольнлар oilаси 1816 йилда Ҳиндистонга кўчиб кетишади. Чунки, бу даврда Виржиния аҳолиси ўртасида ер учун уруш-жанжал бошланиб, бунда нима қилишини билмай қолган Томас охири Ҳиндистонга кўчиб кетишга мажбур бўлади. Бунинг асосий сабаби шу эдики, Ҳиндистонда ҳукуматдан ер сотиб олиш осонроқ бўлган. Лекин Ҳиндистонда ҳам кун кечириш Томас ўйлаганидек, осон кечмайди. Энг ёмони, улар яшаш учун турар-жой топиша олмайди. Қаҳратон қишда уйсиз боши қотган Линкольнлар ўрмондан ёғоч кесиб келиб, чайла қуришади. Энди бор-йўғи 8 ёшга тўлган Авраам ана шундай қора меҳнат ва қийинчиликлар остида вояга ета бошлайди. Атрофидагилар уни бақувват йигит, деб билар, ёғоч кесишда ҳеч ким болгани дарахтга Авраамдек уриб чуқур кирита олмас эди. Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганларидек. Линкольнлар oilаси ҳаёти ҳам аста-секин яхшилана боради. Аммо кутилмаганда уй бекаси Ненси хонимнинг суг касаллигидан вафот этиши Линкольнлар учун оғир жудолик бўлди. Ўша пайтда Ҳиндистонда чорва моллари орасида «суг касаллиги» деган юқумли касаллик тарқалиб, у одамларга ҳам ўтиб, оқибатда юзлаб кишилар ҳаётдан бевақт кўз юмади.

Онасининг вафотидан сўнг унинг ўрнига рўзгор ишларини юритиш 12 ёшли Сарага юкланади. Кутилмаган бахтсизликдан анчагача ўзига келолмаган Томас Линкольн ёлғизликдан сиқилиб, охири кентуқкилик Сара Буш исмли бева аёл билан ҳаёти-ни боғлашга мажбур бўлади.

Авраам Линкольн 21 ёшгача Ҳиндистонда яшайди. Бу даврда Ҳиндистонда мактаблар сони ниҳоятда кам бўлиб, оддий қалам ва китоб-дафтарлар ҳам етишмас эди. Шунга қарамасдан,

Авраам имкон қадар бу ерда ўқиди, ишлади, ажойиб фазилатларга эга бўлган дўстлар орттирди ва яхши кўрган қизига уйланди. Шунингдек, бу орада армияга бориб, йигитлик бурчини ҳам ўтаб келди. Хуллас, ҳурмат-эътибори тобора ортиб бораётган Авраамни дўстлари штат қонунчилик палатаси аъзолигига номзодиини қўйишга даъват этишади. Бироқ, сайловда Авраам етарли овоз ололмади, мағлуб бўлади. «Бир томондан шундай бўлгани ҳам яхши бўлди, — дейди Авраам кейинчалик. — Чунки қонуншуносга албатта ҳуқуқий билим зарур бўлиб, уларни чуқур ўзлаштирган бўлиши лозим. Мен эса бу соҳага энди кириб келаяпман, ҳали кўп нарсаларни ўрганишим керак».

Шундан сўнг, 1833 йилда Линкольн ўзи яшаб турган қишлоқдаги почта бўлимининг бошлиқлигига тайинланади ва бу ерда ишлаган кезлари Анна исмли қизни яхши кўриб қолади. Аммо насиб қилмаган экан, кутилмаганда севгилиси тўсатдан вафот этади. Бу эса Авраамнинг узоқ вақтгача ўзига келолмай юришига сабаб бўлди.

Чунки ҳар бир инсон учун яқин кишидан ажралиш оғир жудоликдир. Орадан биров вақт ўтгач, дўстлари уни бу дарддан халос этиш мақсадида депутатликни таклиф қилишади. Бироқ Линкольн ҳали ўзининг депутатликка кўп жиҳатдан тайёр эмаслигини айтиб, бу таклифга рози бўлмади. Шундай бўлсада, у барибир сиёсат билан шуғулланишга мажбур бўлди.

Авраам Линкольннинг сиёсатга кириб келиши 1834 йилда Иллинойс штатининг бош ассамблеясига аъзо бўлиши билан боғлиқдир. Икки йиллик фаолияти давомида Линкольн қулликни тугатиш ва фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигини таъминлашни асосий вазифа деб билди ҳамда бу масалани Конгрессга киритди. У ўзининг чиқишларидан бирида, «Қуллик ёвузлик бўлмаса, у ҳолда дунёда ёвузлик умуман йўқ экан-да» дейди қатъий оҳангда.

Шу билан бирга бу даврда Авраам устози адвокат Жон Стиурт раҳбарлигида ҳуқуқ фаини чуқур ўрганишга киришади. Шуниси эътиборлики, у устозидан дарс олиш учун 32 километрлик йўлга қатнар, бу эса Линкольннинг иродали, қийинчиликлардан қўрқмайдиган, масъулиятли ва шижоатли шахс бўлганидан далолатдир. Шунингдек, Линкольн назарий билимларни амалиёт билан боғлаш мақсадида турли хил низоли суд жараёнларига ҳам қатнашиб, айрим низолар юзасидан ўз фикр-

мулоҳазаларини билдирди. Хуллас, ана шундай интилишларнинг натижаси ўлароқ, Авраам адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, малакали адвокат сифатида танила бошлади.

Шу билан бирга у ҳуқуқ мактабида дарс ҳам беради ва дарсда кўпинча талабаларига мурожаат қилиб, «Агар сиз ҳақиқий ҳуқуқшунос бўлмоқчи бўлсангиз, аввало уз касбингизни виждонан, қалбдан севинг ва қадрлай билинг, мен шу касбга ҳар жиҳатдан тайёрманми еки йўқми, деган саволни ўз олдингизга қайта-қайта қўйинг ва кейин хулоса чиқаринг» дер эди.

Энди Авраам Линкольннинг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у 33 ёшида кентуккилик Мэри Тод исмли қиз билан ҳаётини боғлайди (1842 йил 4 ноябрь). Мэри Тод табиатан асаби тез, дарров жаҳли чиқадиган аёл эди. Шу сабабли оилада тез-тез жанжаллар бўлиб турса-да, улар ўртасидаги муҳаббат ҳамма нарсадан устунлик қилиб, яна иноқлашиб кетишарди. Эр-хотин Линкольнлар 3 нафар ўғил кўришади. Уларнинг энг каттаси Роберт Тап ҳуқуқшунос бўлиб, узоқ йиллар вазир лавозимида фаолият юритади. Линкольнларнинг қолган икки нафар ўғиллари эса ҳаётдан бевақт кўз юмишади.

1847 йилнинг 6 декабрида Линкольннинг номзоди «виггилар» партияси орқали Конгрессга кўрсатилиб, сайловда устунликка эришади. Тиниб-тинчимас Авраам Линкольн парламентда



Сайловдан жараён

қулликни бекор қилиш бўйича бир неча марта чиқишлар қилади. Бироқ қулликни тугатишга қарши кишилар, яъни қуллик тарафдорлари Линкольнни қаттиқ танқид остига олишади. Конгрессда фақат бир муддат ишлаган Линкольн Иллинойсга қайтиб, адвокатлик фаолиятини давом эттиради ва 1858 йилда у яна сиёсат билан шуғулланишга киришади. Чунки бу даврда АҚШда қулликка қарши аболиционистлар (инглизча «Аболини» яъни бекор қилиш сўзидан келиб чиқиб, қулликни тугатиш маъносини англатади) ҳаракати бошланиб, бу ҳаракат тарафдорлари қулликни дарҳол тугатишни талаб қилади. Ушбу ҳаракат йўлбошчиларидан бири Фредерик Дуглас бўлиб, унинг бу борада митингларда сўзлаган нутқини кишилар катта ҳис-ҳаяжон ва умид билан эшитардилар. Хусусан, ўзининг чиқишларидан бирида у «Америкаликлар, сиз озодликни севамиз, деб мақтанасиз, лекин ўзингиз миллион-миллион кишиларни қул қилиб сақлаб турибсиз. Франция учун озодлик тўғрисида гапирилганда олов бўлиб ёнасиз, Америкадаги негрлар учун озодлик тўғрисида гапирилганда эса тоғ музи каби совийсиз» дейди. Линкольн ва Дуглас ўз номзодларини сенатга кўрсатишади ва сайловолди ташвиқотлар жараёнида Линкольн қуллик масаласида яна танқид билан чиқади: «Сизларни билмадим-у, лекин мен ярим қуллик ва ярим тенглик тарафдорлари бўлган бундай жамиятда яшай олмайман. Аммо шунга ишончим комилки, жамиятда адолат ва тенглик бугун бўлмаса, эртага албатта қарор топажак».

Гарчи Линкольн сайловда ғолиб бўлмаган бўлса-да, ўзининг ана шундай оташин ва ҳаяжонли чиқишлари, мурожаатлари билан кишилар қалбига йўл топарди.

Президент Бюкененнинг ваколат муддати тугаши арафасида республикачиларнинг номзодларни танлаш мажлиси 1860 йилнинг 16 майида Чикаго шаҳрида бўлиб ўтади. Унга кўра президентликка Линкольн, Чейз ва Севарднинг номзодлари кўрсатилади. Сайловнинг биринчи босқичида Линкольн кўпчиликнинг овозини олишга муваффақ бўлади. Иккинчи босқичида ҳам Линкольн Пенсилвания ва Индиана сайловчиларининг ёрдамида ғолиб чиқади. Ушанда Линкольннинг ғалаба қозониши мумкинлигидан қўрққан душманлари, «Агар Авраам президент бўлса, жанубий штатлар иттифоқдан чиқиб кетиб, кўзғолон кўтаришади» деб дўқ-пўписа ҳам қилишади. Сайлов натижасини эълон қилиш олдидан Линкольнга яна 4 овоз олиб

берилади. Натижада Авраам Линкольн АҚШнинг 16- президенти этиб сайланади.

1861 йилнинг 4 мартда президент қасамёд қабул қилиши билан жанубдаги қулдорлар ўз ваъдасида туриб, Линкольнга қарши исён кўтаришади. Жанубий Каролина ва бошқа штатлар иттифоқдан ажралиб чиқа бошлайди. Устига-устак, қулдорлар ўзларича конгресс чақириб, ўз ҳукуматини тузади. Натижада мамлакатда икки президент, икки конгресс, икки армия пайдо бўлади. Шуниси қизиқки, бу даврда АҚШда 19 та қулликка қарши штатлар ва 15 та қулликни ёқловчи штатлар мавжуд эди.

Исёнчилар тантанали суратда қуллик — негрлар учун табиий ҳол, деган эътиқодга таяниб, шимолликларга қарши кўзғолон кўтаради ва Форт Самтер портини қамал қилишади (1861 йил 12 апрель). Бу эса 620, минг нафар аскар ҳамда 45 минг нафар бегуноҳ фуқароларнинг ҳаётига зомин бўлган ва тарихда иккинчи инқилоб, деб ном олган исён бўлиб, у мамлакатда фуқаролар урушининг бошланишидан дарак беради. Ушбу уруш арафасида шимолда 22 миллион нафар, жанубда эса 9 миллион нафар аҳоли яшарди. Қулликка шахсан душман бўлиб қолган президент Линкольн исёнчилар ҳужум қилганидан сўнг бундай деган эди: «Бу курашда кўзлаган олий мақсадим — қулликни кучайтириш ёки бекор қилиш эмас, балки иттифоқни бирлаштиришдир».

Шу ўринда АҚШда бўлган мазкур фуқаролар уруши тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсак. 1861 йилда бошланган уруш жанубий ва шимолий штатлар ўртасида бўлиб, уни келтириб чиқарган асосий сабаб мамлакатда қулликнинг ривожланиши ва кишилар тенг ҳуқуқлилигининг бузилиши бўлди. Фуқаролар урушининг биринчи даври ўз ичига 1861-1862 йилларни олади ва бу даврда шимолликлар мағлубиятга учрайди. Бунга асосан уларнинг қатъиятсизлиги сабаб бўлади. Шундан сўнг, президент Авраам Линкольн 1862 йилнинг сентябрида «Озодлик тўғрисидаги пракаламация» (сиёсий агитация мазмунидаги варақа)ни имзолайди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, исён кўтарган штатлар ва туманлардаги қулларни 1863 йилнинг 1 январидан бошлаб озод қилиш, яъни авф этиш белгилаб қўйилган эди. Линкольн пракаламацияга имзо чекар экан бундай деган эди: «Вақти келиб менинг номим тарихга ёзиладиган бўлса, фақат шу ишим учун



Президент Линкольн нутқ сўзламоқда

ёзилади, чунки мен бутун қалбимни шунга бағишлаганман».

Фуқаролар урушининг иккинчи даври (1863-1865 йиллар)да шимолликларнинг қўли баланд келади ва Линкольннинг юқоридаги ҳужжати кучга киргач, 200 мингга яқин негр авф этилиб, армия ва флот сафига жалб этилади. Урушда генерал Грант, Шериан ва Жексонлар қаҳрамонлик кўрсатишади. Жумладан, шимолликларнинг генерал Шериан қўмондонлигидаги армияси 1864 йилда душманнинг орқа томонига ёриб утиб, Жоржия штатини ишғол қилди ва Атлантика океанига чиқиб, жанубликларни иккига булиб юборади.

Тўрт йил давом этган фуқаролар уруши 1865 йилнинг 9 апрелида жанубликларнинг таслим бўлиши билан тугайди. Уруш тугалгидан бироз олдин Линкольн иккинчи муддатга президентликка сайланади. Линкольннинг ана шу даврда давлат раҳбари сифатида бажарган энг буюк хизмати шу бўлдики, у миллатнинг парчаланиб ва бўлиниб кетишининг олдини олиб, халқни ягона мақсад сари бирлаштирди. Бироқ шундай бўлса-да, уруш асосий масала, яъни мамлакатда давом этаётган қуллик муаммосини узил-кесил ҳал этмади ва у пайтларда уни ҳал этишнинг имконияти ҳам йўқ эди.

Ушбу сайловдан кейин орадан 6 ой ўтгач, Авраам Линкольн АҚШ президентлари тарихида биринчи бўлиб суиқасд қурбонига айланди. Шуниси қизиқки, мазкур мудҳиш қотиллик рўй беришдан 10 кунча муқаддам Линкольн туш кўрган эди. У

тушида «Оқ уй» ичида бораётган эмиш. Шу пайт қандайдир кимсанинг жасадига тўқнаш келибди. Жасад атрофини одамлар қуршаб олган, ҳатто қоровул ҳам саф тортиб турганмиш. Авраам Линкольн бу ҳолдан ҳайратга тушиб, аскарларнинг биридан қизиқсиниб сўрабди: «Оқ уй»да ким дунёдан ўтди?» Аскар қайғуга ботган ҳолда унга тикилганча шундай жавоб берибди: «Бизнинг президентимиз оламдан ўтди». Бу бир туш эди, холос. Бироқ орадан ропла-роса 10 кун ўтиб, у ҳақиқатга айланади. Президент Линкольн ўзининг фожиали тарзда отиб ўлдирилишини олдиндан сезган эди. Шунинг учун у қулоғи остида қуролнинг совуқ тафтини сезганда ҳам, тақдирнинг бу «илтифоти»ни ўта босиқлик билан қарши олади. Ўша куни ҳам Вашингтондаги «Форд» театрига кетиш олдиндан Линкольн хотини Мэри билан қаттиқ жанжаллашиб қолади. Кези келганда шуни айтиш керакки, ҳар сафар эр-хотин бирон-бир жойга боришга отланишса, албатта, ўртада жанжал келиб чиққан. Одатда, бунга кўпроқ хонадон бекаси Мэри хоним сабабчи булган. Бундай пайтда қаттиқ жазавага тушган Мэри ҳеч нарсадан қайтмас, қимматбаҳо чойнак-пиёлаларни чилпарчин қилар, оғзига келган гап билан эрининг юзига тик қараб, сўқинарди. Ҳатто бир сафар қўшнилари Мэри қўлида пичоқ тутганча президент Линкольннинг ортидан қувиб бораётганига гувоҳ бўлишган.

Ўша оқшом президент Линкольннинг стол календари жамланмасидаги 14 апрель саҳифасида шундай сўзлар қайд этилган эди: «Грант билан бирга Тейлорнинг «Бизнинг америкалик тоғамиз» комедияси томошасига борамиз. Мэрига эслатиб қўйиш керак». Бироқ ўша кун томоша бошланишига бир неча соат қолганда генерал Улисс Грант (у аслида Авраам Линкольндан кейин президентликка асосий даъвогарлардан бири эди) кўнғироқ қилиб, узр сўраган ҳолда театрга бирга боролмаслигини маълум қилади. Аммо у бунинг сабабини очик айтмайди. Аслида у Мэри хонимнинг тантиқликларидан азбаройи жони ҳиқилдоғига келганидан театрга боришдан воз кечган эди.

Худо қаргаган ўша оқшом Жон Уилкс Бут деган кимса ҳам қабиҳ ниятда «Форд» театрига ҳаммадан олдин етиб келади. У театр барида ястаниб ўтирган ҳолда вискини бир маромда симираб экан, бундан уч ой олдин юз берган бир воқеани эслайди. Ўшанда у ҳамтовоқлари билан Саррэт исмли аёлнинг

уйига йиғилишиб, президент Линкольнга ўлим тилаб қадаҳ кўтаришган эди. Жон Уилкс Бут мансуб бу жинойи гуруҳ ўша пайтда мамлакатда рўй берган шимол ва жануб ўртасидаги курашда асосан жанубликларни қўллаб-қувватлар, бир сўз билан айтганда, қуллик тузуми тарафдори эди. Табиийки, улар бундан манфатдор ҳам эдилар. Чунки президент Линкольннинг жамиятни қуллик тузумидан озод қилиши натижасида улар текин ишчи кучи, аниқроқ айтганда, беҳисоб бойликдан маҳрум бўлиб қолган эди. Уларнинг барча алами, гина-қудрати, президентни ошкора ёмон кўриши ва охир-оқибатда унинг жонига қасд қилиш пайига тушиб юрганлигининг асосий сабаби ҳам шу эди. Ўша оқшом Бутни театрга ана шундай ёвуз ният бошлаб келди. Томоша бошлангач, у ҳеч қандай қаршиликсиз ичкарига кириб олади ва тўппа-тўғри президент Линкольн ўтирган томон юрди. Линкольн эса саҳнадаги томошадан кўз узмай ўтирган бўлса-да, унинг ўй-ҳаёли умуман бошқа жойда эди. Президент Линкольн давлат ишларидан, айниқса бир неча дақиқа олдин хотини билан рўй бериб ўтган даҳанаки жанжалдан қаттиқ толиққан эди.

Лекин шунга қарамасдан у хотини Мэринин чин кўнгилдан жуда яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам ҳар сафар жанжал бўлиб ўтгач, Линкольн муроса йўлини тутар, ярашиш учун биринчи бўлиб қўл узатар эди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди. У хотини томон ўгирилар экан. «Мэри азизим» дея шивирлади. Бу одатдагидек ярашиш учун ташланган биринчи қадам эди. Айни шу лаҳзада президент Линкольн ўнг қулоғи орқасига кимдир совуқ қурол тақаганини



Президент Линкольн ўйчан ҳолатда

ҳис этди. Аммо у ортидан ким қурол тақаб, жонига қасд қилаётганини кўришга улгурмади, ҳамма-ҳаммаси бир лаҳза ичида рўй берди. Ана шу киприк қоқгулик фурсат ичида унинг хаёлидан бу дунёдаги кечмиш ҳаёти, сайлов арафасидаги курашлар, хотини Мэри билан кечган адоқсиз жанжаллар, ҳатто ўлсам нариги дунёда Уилли билан учрашаман деган ўйлар ҳам кечган эди. Бу унинг қалбини ўртаб келаётган азалий армон эди. У умр бўйи бир неча йил аввал бевақт ҳалок бўлган ўғли Уилли билан қайта учрашиш, дилдан суҳбат қуриш орзусида яшарди.

Залда ўқ овози гумбурлаб янгради... Президент Авраам Линкольн қип-қизил қонга бўялиб ётарди. Қотил Бут эса кўлидаги қуролини ташлаб, ўзини ҳимоя қилганча саҳнага отилиб чиқади-да, бор овози билан бақирди: «Жанубдан қасос олинди. Бу ишга қўл урганларни ҳар бирининг бошига ана шундай кулфат ёғилади». Президент Линкольнни сўнгги йўлга кузатиш маросими Спрингфилд шаҳридаги «Окс Риж» қабристонига бўлиб ўтади.


Албатта, Америка тарихида энг инсонпарвар ва адолатпарвар президент деган улуғ номга сазовор бўлган Авраам Линкольннинг умрига зомин бўлган ёвуз ниятли қотиллар айбларига яраша жазога тортилишди. Хусусан, Линкольнга ўқ узган Жон Уилкс ҳамда унга ёрдам берган Сэррэт исмли аёл билан қўшиб ҳисоблаганда яна тўрт нафар киши 1865 йилда осиб ўлдирилади. Бироқ мана орадан бир ярим асрдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, Авраам Линкольннинг руҳи ҳали-ҳануз ором топгани йўқ. Гап шундаки, ҳар йили апрел ойида бир марта Вашингтондан Линкольн давлат раҳбарлигига сайлангунга қадар яшаган Спрингфилд шаҳри томон поезд шарпаси йўл олади. Бу поезд шарпасини дунёдаги бирон-бир асбоб-ускуна аниқлашга қодир эмас. Аммо кимки ўша тун темир йўл ёнида бўлса, харитадаги икки нуқтани бирлаштириб, қоп-қора мотам либоси ва Америка байроғи билан ўралган вагонни тортиб бораётган локомативни кўради. Бу вагоннинг қоқ ўртасида қоп-қоғи очиқ турган тобут аниқ кўзга ташланади, темир йўлларга эса қоп-қора мотам гилами тўшалганга ўхшайди. Ушбу воқеадан сўнг орадан бир неча кун ўтиб, Линкольннинг шарпаси унинг ўзи дафн этилган қабр тоши тепасида пайдо бўлади.

Бошқа пайтлар эса президент Линкольннинг руҳи «Оқ уй»да кезиб юради. Буюк Британиянинг собиқ бош вазири Уинстон Черчилль ва Голландия қироличаси Юлиананинг хотиралашича,

улар шундай ён атрофларида Линкольннинг руҳини кўришган. Уларнинг айтишига қараганда, шарпа ўзидан аллақандай совуқлик ва зах ҳидини тарқатганча ҳаракат қилган, баъзан эса дераза қаршисида шамдек қотиб қолган. Шуниси ажабланарлики, президент Авраам Линкольн ҳам ҳаётлик пайтида деразадан ташқарига тикилганча ҳаёл суришни одат тусига айлантирган эди. Президент Рейганнинг қизи ҳам бир неча бор ана шу шарпага тўқнаш келган. Рейганнинг ити эса «Оқ уй»да юрган пайтида ҳеч қандай хавф-хатар кўзга чалинмаса-да, аккиллаб ҳураверган.

АҚШда ҳозирги кунда президент Авраам Линкольннинг хотирасига бағишлаб қурилган кўплаб меъморий ёдгорликларни кўриш мумкин. Хусусан, пойтахт Вашингтондаги хотира майдонида оқ мрамрдан ишланган баланд сарой ва унинг ичида қотмадан келган, ориқ гавдали ва ўткир кўзлари билан сизга тикилиб турган президентнинг курсида ўтирган ҳайкали ёки Детройтдаги Линкольн парки ҳамда АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг бомбардимончи самолётлар учиб кўнадиган «Авраам Линкольн» катта ҳарбий кемаси Америка халқининг буюк фарзандига бўлган юксак ҳурмат-эътиборининг тимсолидир.





1808

Andrew Johnson

1875

ЭНДРЮ ЖОНСОН

Америка Қўшма Штатлари тарихида касби тикувчилик бўлган ва муддатидан олдин вазифасидан четлаштирилган биринчи давлат раҳбари Эндриу Жонсондир. Нью-Йорк штатида ҳунармандчилик билан шуғулланган Жекоб Жонсон ва Мэри Макронофларнинг энг кичик фарзанди Эндриу 1808 йилнинг 28 декабрида дунёга келади. Оила бошлиғи Жекоб ҳунармандчилик, Мэри хоним эса бой хонадонларда хизматчилик қилиш орқасидан рўзгор тебратишарди. Эндриу 3 ёшга тулганида отаси тусатдан вафот этади ва орадан маълум вақт ўтгач, онаси касби тикувчи бўлган бошқа бир кишига турмушга чиқади. Ўғай ота Мэрининг етим қолган фарзандларини худди ўз болаларидек кўриб, уларни алоҳида меҳр-муҳаббат билан тарбиялайди ва шу сабабли, Жонсон ҳам уни отаси ўрнида кўриб, ундан бичиш-тикиш ишларини ўргана бошлайди.

Орадан кул вақт ўтмай 13 ёшли Жонсонни онаси махсус тикувчилар мактабига ўқишга олиб боради. Бу ердаги олти йиллик ўқиши мобайнида Эндриу нафақат тикувчилик, балки ҳуқуқ ва сиёсат илмини ҳам яхшигина ўзлаштириб олади. Хуллас, тинимсиз меҳнат самараси ўлароқ Жонсон ўзининг хусусий тикувчилик корхонасини ташкил қилиб, тез орада моҳир тикувчи сифатида халққа, айниқса хотин-қизларнинг эътиборига сазовор бўлади.

1827 йил 17 майда Эндрю Жонсон шотландиялик этикдўзнинг Элиза Мак-Корл исмли қизига уйланади. Тўйларидан кейин, хотини унга математикадан таълим беради ва шу билан бирга улар 5 нафар фарзандли бўлишади. Жонсоннинг ўзи табиатан мард, виждонли ва меҳр-оқибатли инсон бўлгани боис беш нафар фарзандини ҳам ана шундай руҳда тарбиялашга ҳаракат қилди.

Жонсон бутун умри давомида — хоҳ оилада, хоҳ сиёсатда бўлсин — инсон учун зарур бўлган учта асосий масалани устун қўяр ва уларга доимо катта аҳамият берарди. Булар — соғлиқ, таълим-тарбия ҳамда илм ва касб-ҳунар ўрганиш. Унинг таъкидлашича, ана шуларни ўзида жо эта олган инсонгина дунёдаги энг бахтли кишидир. Жонсондан ўрнак олса арзигулик фазилатлардан яна бири шу эдики, у ҳамма нарса тарбия ва яна тарбияга боғлиқ, дея қайта-қайта такрорларди. Эҳтимол, шу сабабли Эндрю узоқ сафарга кетганида ҳам хат орқали болаларига насихат қилиб, уларга онасининг ҳар бир сўзига қулоқ солишни уқтирарди.

Аmmo орадан кўп ўтмай юксак инсоний фазилатлар руҳида камол топзатган Жонсонлар оиласида оғир фожиа юз беради. Эндрюнинг бир ўғли касалликдан, иккинчиси эса отдан йиқилиб бевақт вафот этишади. Бунинг устига, шунча насихатларга қарамасдан учинчи ўғлининг ичкилик ва гиёҳвандликка берилиб кетиши дард устига чипқон бўлади. Албатта, кетма-кет келаётган бундай оғир ғаму-ташвишларга бардош бериш ҳамманинг ҳам кўлидан келавермайди. Лекин иродаси бақувват эр-хотин Жонсонлар қолган икки боласининг келажagini ўйлаб, сабр-тоқат ила бедаво дардни енгилга ҳаракат қилишди.

Жонсоннинг сиёсатда муваффақият қозонишида адаши Эндрю Жексоннинг хизматлари каттадир. Хусусан, Жексон ҳокимият тепасига келгач, Эндрю Тенненси вакиллар палатаси учун бўлган сайловда галаба қозонади. Бу ердаги тўрт ярим йиллик фаолияти мобайнида у асосий эътиборни аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга қаратади. Шундан сўнг Жонсон АҚШ вакиллар палатаси аъзолигини ҳам қўлга киритади. Бу даврда Эндрю президентнинг ваколат доирасини кенгайтириши масаласини ёқлаб чиқади. Шунингдек, у Техаснинг Мексика қармоғидан ажралиб чиқишига ҳам катта ҳисса қўшади. Жонсоннинг вакиллар палатаси аъзоси сифатида амалга

оширган ислоҳоти шу булдики, у жанубдаги фуқароларга ер бериб, кўпчиликнинг меҳрини қозонди.

Бунинг натижаси ўлароқ, Эндрю 1853 йилда Теннесси губернатори этиб сайланди. Ана шу даврда у аҳолини, айниқса ёшларни маърифатли, маънавиятли, бир сўз билан айтганда, комил инсон қилиб тарбиялашда жонбозлик курсатади ва аҳолини мажбурий меҳнатга жалб этишни қатъиян тақиқлайди. Бироқ Жонсон қуллардан ёлланма ишчи сифатида фойдаланиш эркинлигини кўллаб-қувватлайди. Чунки, бир томондан бунга ўша пайтда Конституция ҳам йўл берарди.

1857 йилда Эндрю Жонсон АҚШ сенатори бўлишга муваффақ бўлади. Шуниси қизиқки, ўзи жанублик бўлган қуллик тарафдори Жонсон шимоллик Авраам Линкольнни жуда ёмон кўрар, очиги унга сиёсий адовати бор эди. Шу сабабли у ўзининг мурожаатларидан бирида аҳолига қараб, «Она Ватанга, сиз каби олижаноб ва меҳрибон халқимга, қолаверса, келажагимиз пойдевори Конституцияга муҳаббатим, хурматим чексиздир. Лекин, шуни яхши билингки, қачон ва қаерда бўлмайин, барибир Линкольнга қарши бораман, уни ҳокимиятдан ағдариб ташлаш учун бор кучимни ишга соламан», деганида кўпчиликнинг порозилигини келтириб чиқарган эди. 1861 йилда фуқаролар уруши бошлангач, президент Линкольн сиёсий рақиби Жонсонни ҳеч иккиланмасдан Теннесси армиясига кўмондон қилиб тайинлайди. Президентнинг бундай тушунарсиз қарори ўз даврида аксарият кишиларни ҳайратга солганди. Уруш тугаганидан сўнг мамлакатда президентлик сайлови ўтказилади. Унга кўра, Авраам Линкольн давлат раҳбари, Эндрю Жонсон эса вице-президент этиб сайланади. Жонсоннинг вице-президентлик дастури қўйидаги вазифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди:

Биринчидан- Иттифоқни бирлаштириш;

Иккинчидан- федерал ҳокимиятни қайта ислоҳ қилиш;

Учинчидан- қуллардан ёлланма меҳнат асосида фойдаланишни сақлаб қолиш.

Шунинг билан бирга, ана шу пайтдан эътиборан республикачилар асос солган иттифоқ партияси амалда ўз фаолиятини бошлайди. Иккинчи муддатга қасамёд қабул қилган президент Линкольн олти ҳафта ўтгач суиқасд қурбони бўлади. Қонун бўйича ўша куннинг ўзидаёқ ҳокимият тепасига кейинги

сайловга қадар вице-президент Эндрю Жонсон келади. Шуниси қизиқки, 1963 йилда президент Жон Кеннеди ваҳшиёна отиб ўлдирилганидан кейин ҳам ҳокимият тепасига Жонсон фамилияли вице-президент келган эди.

Президентлик қасамёдини қабул қилган Жонсон дастлаб 1865 йилда узининг «Қайта қуриш», деб номланган дастурини эълон қилади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, «Қайта қуриш» дастури фуқаролар уруши даврида собиқ президент Линкольн томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унинг бош мақсади уруш асоратларини бартараф этиш, жамиятда қуллик ва қул савдосига барҳам бериш, федерал ҳокимиятни қайта ташкил этиш ва энг муҳими, Америка халқига янгича ҳаёт тарзини яратиб беришдан иборат эди. Шунингдек, ушбу дастур жанубий ва шимолий ҳудуд фуқароларининг ижтимоий-сиёсий соҳаларда тенг ҳуқуқлилигини таъминлаб бериши лозим эди. Афсуски, Линкольннинг бевақт ўлими ушбу дастурнинг ҳаётда амалий ифодасини топишини кейинга суриб юборди.

Гап шундаки, 1866 йилда бир қанча шимолий штат фуқаролари «Қайта қуриш» режасини давом эттираётган президент Жонсон сиёсатига қарши чиқа бошлайди. Бунинг бонси шундаки, дастур буйича қуллик бартараф этилиб, жанубий ва шимолий ҳудуд фуқароларига бир хил имтиёз ва имкониятлар яратиб берилиши зарур эди. Бироқ жанублик Жонсон қулликни қўллаб-қувватлаб, жанубликларга кенг имтиёзлар беради. Оқибатда тенгсизлик юзага келиб, шимолликлар бундан қаттиқ азият чекишади.

Бундан ташқари, ҳукуматдаги юксак лавозимларни ҳам жанублик амалдорлар эгаллаб олишган эди. Фуқароларнинг талабини қондириш мақсадида 1868-1869 йилларда Асосий қонун — Конституцияга 14-15- ўзгаришлар киритилади. Чунончи, 14- ўзгаришга мувофиқ ҳар бир инсон ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди ва сиёсий мавқеидан қатъи назар, Америка қўшма штатлари фуқароси деб тан олинади белгилаб қўйилди. Шунингдек, ҳеч ким, ҳеч қайси орган ёки мансабдор шахс фуқароларнинг эрки, ҳаёти ва мулкига зиён етказиш ёки маҳкум этишга ҳуқуқи йўқлиги кафолатланди.

Гарчи Жонсон даврида мамлакатда муайян демократик ислохотлар ўтказилган бўлса-да, аксарият аҳоли, айниқса, конгресс аъзолари унинг юритаётган сиёсатига қарши чиқади.

Бунинг асосий сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

1) Жонсон бир неча штатларнинг иттифоққа бирлашишига тўсқинлик қилади. Булар: Арканзас, Аляска, Миссисипи, Луизиана, Техас, Шимолий Каролина ва Теннесси штатлари эди;

2) Жонсон Конституцияга киритилган янги ўзгартиришларни қаттиқ танқид остига олади.

Хуллас, буларнинг барчаси охир-оқибатда президент Жонсоннинг сиёсий мавқеига путур етказиб, уни ҳокимиятдан четлаштирилишига сабаб бўлади.

Бўлиши кутилаётган импичмент — яъни президентни ваколат мuddати тугамасдан озод этиш юзасидан 1868 йилда ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилардан иборат махсус комиссия ташкил қилинади ва Эндриу Жонсон устидан суд жараёни ўша йилнинг 13 мартда бошланади. Суд жараёнида президент Жонсон мамлакат Конституцияси ва Конгрессга нисбатан ҳурматсизлик қилиб, қонунга зид ҳаракатлар қилганликда айбланади. Ҳатто ўшанда баъзи сиёсий кучлар уни президент Линкольннинг ўлимида ҳам алоқадорликда гумонсирашади.

Охир-оқибатда сенат аъзоларининг кўпчилик овози билан Эндриу Жонсон президентлик вазифасидан мuddатидан олдин четлаштирилади. Гарчи сўнги йилларда президент Жонсоннинг сиёсий мавқеига анча путур етган бўлса-да, у давлат бошлиғи сифатида мамлакат тараққиётни йўлида бир қатор ижобий ишларни ҳам амалга оширди. Жумладан, унинг даврида иқтисодиётга замонавий технологиялар жалб қилиниб, ишлаб чиқариш суръати сезиларли даражада ошади. Шунингдек, мамлакат ички ҳаётига биринчи марта қўлда ёзиш машинкаси ва музлатгич (холодильник)лар кириб келади. Яна бир эътиборли томони шундаки, президент Жонсоннинг фармонига асосан мамлакатда илк бора 1 январда Янги йил байрами кенг миқёсда нишонланадиган бўлди.

Энди бевосита «Қайта қуриш» дастурининг жамият тараққиётни йўлида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, муҳими шуки, у иттифоқни ҳар жиҳатдан қайта тиклади, ижтимоий-сиёсий соҳаларда ҳам баъзи демократик ўзгаришлар юз берди. Масалан, жамиятнинг барча соҳалардаги ислохотлар самараси ўлароқ, Жонсондан кейин республикачилар 40 йилга яқин узлуксиз президентлик сайловларида ғалаба қозонишиб, демократларга навбат беришмади.

Аммо шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ушбу дастур иқтисодий муаммоларни етарли даражада ҳал қила олмади. Линкольн ишлаб чиққан «Қайта қуриш» дастури президент Раттерфорд даврида узининг тўлиқ амалий натижасини беради. Жонсон «Оқ уй»ни тарк этганидан кейин ҳам сиёсий ҳаётдан ажралиб қолмасдан, бу борадаги фаолиятини давом эттиради. Бунинг самараси ўлароқ у АҚШ сенатига сайланиб, сенатор бўлади. Америка президентлари ичида «Оқ уй»ни тарк этиб, кейинчалик ҳам сиёсат билан шугулланиб, сенаторликни қўлга киритган ягона шахс Эндрю Жонсон эканлиги ҳам диққатга сазовордир. Бу эса Жонсоннинг нақадар толмас, шижоаткор ва курашувчан инсон бўлганидан далолат беради. Умрининг сўнгги йилларида Эндрю ҳам хотини сингари фалаж дардига йўлиқиб, 1875 йилнинг 31 июлида ҳаётдан кўз юмади. Собиқ президент ва собиқ сенатор қабрининг бош томонига миллат рамзи бўлмиш АҚШ давлат байроғи ва Конституция қўйилади. Ана шунинг ўзи ҳам Америка халқининг фидойи, мард ва адолатпарвар фарзандига бўлган юксак ҳурмат-эътиборининг ёрқин ифодасидир.





1822

Ulysses Grant

1885

УЛИСС ГРАНТ

Америка президентлари ичида юксак инсоний фазилатлари ва тажрибали ҳарбий киши сифатида ном қозониб, сўнгра давлат раҳбари бўлишга муваффақ бўлган Улисс Грант 1822 йилнинг 27 апрелида Огайо штатида истиқомат қилган Жес ва Хонна Грантлар хонадонида дунёга келади. Оила бошлиғи Жес Грант дастлаб деҳқончилик билан шуғулланади, кейин эса чарм фабрикасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Уй бекаси Хонна хоним эса олти фарзанднинг тарбияси билан машғул эди. Табиатан жуда уятчан ўсган Улисс ёшлигидан жисмоний меҳнатдан кўра отда сайр қилишни кўпроқ хушларди. 1833 йилда Грантлар оиласи ер сотиб олиш мақсадида Жоржтаун шаҳарчасига кўчиб келади ва Улисс шу ерда дастлабки таълимни олади. Ўрта мактабни битиргач, отасининг дўсти, депутат Томас Хаймернинг таклифи билан «Вест-Пойнт» ҳарбий академиясига ўқишга киради ва ўқиши давомида у ҳарбий соҳага оид фанлардан кўра фалсафа ва математикани ўрганишга катта эътибор берарди. Ҳатто ҳарбий академияни тамомлагандан сўнг бир неча йил коллежда математикадан дарс ҳам беради. 1843 йил офицер унвонига сазовор бўлган Грант АҚШнинг тўртинчи пиёда қўшинида хизмат қила бошлайди. Айнан шу ерда у бўлажак қайлиғи Жулия Дент билан танишиб олади. Тўйларига бир йил



Президент Грант оиласи билан

қолганда Мексика билан урушнинг бошланиши Улисс Грантни жанг майдони томон етаклайди. Орадан икки йил утгач, «адолатсиз уруш»дан мағрурона қайтган Улисс, ниҳоят севгилисиз Жулия Дент билан турмуш қуради. Тўйларидан кейин куп утмай Улисс хизмат юзасидан Детройтдаги «Форт» ҳарбий қисмга кетади. Эр-хотин Грантлар Фредрих, Элен ва Жесси исмли бири-биридан азиз фарзандларни вояга етказишади. Шуниси қизиқки, Грант хизмат юзасидан кўпинча оиласидан йироқда бўлар ва бундан фойдаланган унинг душманлари эса хотинига «Эрингиз

ичкиликка ва бегона аёлларга жудаям берилиб кетган», дея унга тўхмат тошини ёғдиришарди. Аммо садоқатли Жулия хоним бу каби ифволарга ишонмасдан, «Агар сиз эримнинг ҳақиқий дўсти бўлсангиз, уни бундай ноҳақ айбламаган бўлардингиз», дея жавоб қайтаради. Чунки Грантлар оиласида бир-бирига ишонч, меҳр-оқибат, севги-муҳаббат сингари фазилатлар ҳамма нарсадан устун турарди. Улисс Грантнинг бошқалар ўрнатган қоидаларни яна бир хислати шу эдики, у сиёсатда йўл кўйган каттаю-кичик хатоларидан ўз вақтида тўғри хулоса чиқариб, уларни қайта такрорламасликка ҳаракат қиларди. «Ўртоқлари»-нинг куракда турмайдиган, тўхтовсиз гап-сўзларидан жуда ҳам



Фуқаролар уруши йиллари

чарчаган Грант 1854 йилда ҳарбийдан бутунлай кетишга қарор қилиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлайди. Бироқ бу ишда унинг омади чопмайди. Шундан сўнг, у отасидан мерос қолган хомашё дўконига икки укаси билан сотувчилик қила бошлайди. Бу орада мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб қолади ва бу 39 ёшли Улисс Грантни яна ҳарбийга қайтишга ундайди. У миллат ва халқ озодлиги учун курашишга аҳд қилиб, президент Линкольннинг фармонида асосан АҚШ миллий армиясига қабул қилинади. Грант жамиятнинг бирлаштириш мақсадида урушда душманга қарши аёвсиз ва қақшатқич жанг олиб боради. Хусусан, 1863 йил июл ойида Виксберг учун бўлган жангларда Грант бошлиқ қўшинларнинг қўли баланд келиб, катта муваффақиятларга эришади. Бунинг эвазига Конгресс уни генерал унвони билан тақдирлаган бўлса, президент Линкольн эса иттифоқ ҳарбий кучларининг бош кўмондони этиб тайинлайди. Улисснинг тез орада бундай катта муваффақиятларга эришаётганига ҳамнафас бўлиш ўрнига ҳасад билан қараган айрим кишилар уни Линкольнга ёмонлашиб, вазифасидан озод этишни сўрашади. Ўшанда президент уларга ҳайрат билан боқиб, «Мен бундай қилолмайман, сабаби — у халқ манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган инсондир. Қолаверса, ўзингиз ҳам бунга жуда яхши биласиз. Шунинг учун ҳам унга нисбатан ҳурматим баланд. Бизга ана шундай фидойи инсонлар керак» дея ганимларга муносиб жавоб қайтаради.

Бундан ташқари, Грантнинг шимолдаги ҳарбий ғалабалари уни миллат қаҳрамонига айлантиради. Маълумки, президент Линкольн отиб ўлдирилгач, ҳокимият тепасига жанублик Эндрю Жонсон келади. Дастлаб Грант президент Жонсоннинг сиёсатини қўллаб-қувватлайди. Лекин кейинчалик улар ўртасида жиддий келишмовчиликлар пайдо бўлади. Бу қарама-қаршиликлар кўпинча Жонсоннинг жанубликлар манфаатини устун қўйиши туфайли келиб чиқади.

1868 йилги сайловда республикачи кучлар катта ишонч билан Улисс Грант номзодини президентликка кўрсатишади. Сайлов олди ташвиқотлар жараёнида халқ назарига тушган Грант шундай мурожаат билан чиқади: «Агар АҚШ президенти этиб сайлансам, ҳамма жойда тинчлик, фаровонлик ва барқарорлик ҳукм суради. Доймо тинчлик учун биргаликда курашайлик».

Ана шундай тинчликпарвар даъватларнинг самараси ўлароқ,

миллат қахрамони Улисс Грант мамлакатнинг ўн саккизинчи президенти этиб сайланади.

Замондошларининг эътироф этишича, президент Грант «Оқ уй» томон биров иккиланиб йўл олади. Лекин президентлик вазифасини амалда бажаришга киришган Грантнинг дастлабки сиёсати асосан шимолий ва жанубий штатлар аҳолисини бирлаштириш ҳамда уларнинг фаровонлигини яхшилашга қаратилди. Жумладан, унинг даврида асосий қонун бўлмиш Конституцияга 15- ўзгартириш киритилади. Мазкур ўзгартиришга мувофиқ, қора танли фуқаролар ҳам оқ танлилар сингари референдум ва сайловларда қатнашишда тенг ҳуқуқга эга бўлди.

Шунингдек, Грант даврида мамлакатда бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. АҚШда минтақавий темир йўлнинг қуриб битказилгани ва Йелловстаун Миллий паркиннинг барпо этилиши шулар жумласидандир. Ташқи сиёсат борасида эса президент Грант Буюк Британия билан ўзаро алоқани яхшилашга ҳаракат қилади. Унинг фаолиятида ана шундай бир қатор ютуқлар бўлиши билан бирга айрим муаммолар ҳам келиб чиқа бошлайди. Чунончи, Грант даврида марказий ва маҳаллий ҳокимият органларида порахўрлик, мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш сингари мансабдорлик жиноятлари кўпайиб кетади. Ҳатто президентнинг энг яқин ишонган дўстлари ҳам шу жирканч ишларга қўл уришади. Лекин шунга қарамай, Улисс Грантнинг ўзи ўта адолатли ва холис давлат раҳбари бўлган. Шу сабабли ҳам Америка халқи уни президентликка иккинчи муддатга ҳам сайлашади. Аммо унинг иккинчи муддатдаги фаолияти муваффақиятсизлик билан ўтади. Яъни 1873 йилнинг сентябр ойида мамлакатдаги бир қанча банклар инқирозга юз тутиб, иқтисодий ўсиш суръати кескин пасайиб кетиб, ишсизлар сони бетўхтов орта боради. Иқтисодий инқирозга қарши президент Грант ўз вақтида зарур чора-тадбирлар ишлаб чиққан бўлса-да, улар кутилган натижаларни бермайди. Шу туфайли 1876 йилги президентлик сайловида Раттерфорд Хейснинг қўли баланд келади.

«Оқ уй»ни кайфиятсиз ва кўнгилхиралик билан тарк этган Грант икки йилга яқин Европа давлатлари бўйлаб хотини билан саёҳат қилади. Саёҳат давомида қасрга бормасин, уни юксак ҳурмат-эътибор билан қарши олишади. Европадан қайтганидан сўнг икки йил ўтгач, яна президентликка номзодини қўяди.

Бироқ бу гал ҳам сайловда Жеймс Гарфилдга мағлуб бўлади. Шундан сўнг Грант сиёсатдан бутунлай кетишга қарор қилиб, ишлаб топган 100 минг долларга яқин пулини бева-бечораларга бўлиб беради.

Умрининг сўнгги йилларида Улисс ижод билан шуғулланиб, уруш таассуротлари ҳақида бир нечта китоблар нашр эттиради. Бундан ташқари, у узи ҳақида ёднома ёзишга ҳам киришади. Аммо кейинчалик бу ишни америкалик машҳур ёзувчи Марк Твен ўз зиммасига олади. Ана шу ёднома туфайли Грантлар оиласи олдиндан 500 минг долларга яқин даромад ишлаб олишади. Афсуски, ушбу ёдномани ўқиш Улисс Грантга насиб этмаган экан. Рак касаллиги оқибатида 1885 йилнинг 23 июлида Грант жон таслим қилади. Дафн маросими Нью-Йорк шаҳридаги «Грант миллий хотира майдони»да бўлиб ўтади.





1822

Rutherford Hayes

1893

РАТТЕРФОРД ХЕЙС

Ўзининг камтарлиги, туғри сўз ва адолатпарварлиги билан Америка халқининг меҳрини қозона олган президентлардан бири Раттерфорд Берчард Хейсдир. АҚШнинг Огайо штатида истиқомат қилган Раттерфорд ва София Бёрчардларнинг ўғли Хейс 1822 йилнинг 4 октябрида туғилади. Оила бошлиғи Раттерфорд тадбиркорлик билан шуғулланган бўлиб, Хейс дунёга келмасдан икки ой олдин тўсатдан вафот этади. Шундан сўнг унинг амакиси Сардес Раттерфорднинг хотини ва беш фарзандини ўз қарамоғига олади. Хейс ёшлик чоғидан ўқиш ва китобга алоҳида меҳр кўзи билан қараб, қаерга бормасин, қаерда юрмасин, китобни яқин дўст деб билиб, доимо ёнида олиб юрар, китобларни ўзидан ҳам ортиқ эъзозлаб, авайларди. Ўрта мактабда таҳсил олиб юрган кезларда Хейс ажойиб ижодкор ўқувчи сифатида ўқитувчиларнинг меҳрини қозонади. Шу туфайли бир куни у мақтаниб, мактабда мендан ўтадиган қаламкаш, билимли бола бўлмаса керак, дейди.

Мактабни битиргач, ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича машҳур Гарвард юридик коллежига қабул қилинади. Гарвардни тамомлаб Огайодаги адвокатурада амалиёт ўтайди. Тўрт йил ичида Хейс бир неча суд жараёнларига қатнашиб, ишни ўз мижозлари фойдасига ҳал этади ва маҳоратли адвокат деган шарафли номга сазовор бўлади. Хейс 1850 йилда Цинцинатида

хусусий адвокатура очиб, мустақил фаолият юрита бошлайди. Олти йилга яқин адвокатлик билан шуғулланиб, катта ҳаётий тажриба орттирган Хейс Раттерфорд 1852 йилда ички ва ташқи гўзаллиги билан ҳурмат қозонган Люси Уоррен исмли қизга уйланади.

Шуниси қизиқки, Америка президентларининг рафиқалари ичида олий маълумотли биринчи аёл ҳам Люси Уоррен хоним бўлиб, у сиёсат бобида



Люси Уоррен хоним

ҳам турмуш ўртоғидан асло қолишмас эди. Шунингдек, у Раттерфорднинг сиёсатда муваффақият қозониши ва давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалалар, хусусан қулликни тугатиш, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситаларини мамлакат ичига олиб киришни таъқиқлаш ҳамда моддий кўмакка муҳтож аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларида катта ёрдам беради. Хейс ва Люси Раттерфордларнинг жами саккиз нафар фарзандлари бўлади, аммо уларнинг учтаси касаллик оқибатида бевақт оламдан ўтади.

АҚШда 1861 йилда бошланган фуқаролар уруши Хейсни ҳам жанг майдони сари етаклайди. Урушда Хейс Огайодаги йигирма учинчи ҳарбий бўлинманинг генерал-майори эди. Беш йилга яқин давом этган ва мамлакатда янгича ҳаёт тарзини қуриш учун бўлган оғир жанглarda Раттерфорд тўрт жойидан яраланиб, урушдан қайтишга мажбур бўлади. Соғлигини тиклаб олган Хейс 1864 йилдан бошлаб Конгресснинг вакиллар палатасида фаолият юритади.

Шуниси эътиборлики, Раттерфорд Конгресс аъзолигига ҳали ўзи жанг майдонида бўлганида сайланган эди. Уни Конгресс

йигилишига чақиришганида, «Шундай бир қийин пайтда жанг майдонини ташлаб кетиб, эртага халқимнинг юзига қандай қарайман» дея таклифин рад этади ва жангда оғир яраланиб, урушга яроқсиз бўлганидан сўнг Конгрессга ишга келади. Икки муддат Вакиллар палатасидаги фаолияти давомида Хейс анча тажриба орттириб, жанубий штатларда ҳам президент Линкольн бошлаб берган «Қайта қуриш» сиёсатини ўтказилишининг тарафдори эди. Шунингдек, у асосий қонунга киритилган 14-15- ўзгартиришларни ёқлаб, Жонсонни президентлик ваколатидан четлаштириш масаласини қўллаб-қувватлайди ҳамда Огайода университет, коллеж ва мактаблар қурилишида бошқош бўлиб, жонбозлик курсатади. Хуллас, ана шундай ташаббуслар натижасида Раттерфорд 1867 йилда Огайо губернаторлигини қўлга киритади. Губернаторлик учун булган ушбу сайловда кўпчилик фуқаролар қатнашади. Чунки, Конституцияга киритилган ўзгаришга мувофиқ оқ танлилар сингари қора танли фуқаролар ҳам эндиликда тенг сайлов ҳуқуқига эга экани мустақкам кафолатланган эди. Бу ерда Раттерфорд 9 йил, яъни 1868-1877 йилларда ишлайди. Губернаторлик вақтида Раттерфорд асосий эътиборни иқтисодиёт ва таълим соҳаларини ислоҳ қилишга қаратади. Жумладан, унинг ташаббуси билан Огайо университети ташкил қилинади.

«Ҳар бир соҳада камтарлик ва адолат асосий мезон бўлиши керак, — дейди Хейс ўзининг нутқларидан бирида».

Ҳақиқатдан ҳам, кўчадами, уйдаи ёки ишдами — адолат, камтарона муносабат бўлмаса, ўзимиздан яхши ном қолдира олмаймиз. Адолатли раҳбарларни эса халқ ҳеч қачон унутмайди. У ўзининг раҳбарлиги фаолиятида ана шундай олижаноб фазилатларга доимо содиқ қолади. Раттерфорднинг губернаторлик даврида унга қарашли ҳудудларда тоғ-кон саноати ривожланади, темир йўл транспортни кучли назорат остига олинади ҳамда қамоқхона ва даволаш муассасаларида шарт-шароитлар анча яхшиланади. Ана шундай илғор фикрлари ва амалга оширган ижобий ислохотлари билан халқ ишончини қозонган уруш қаҳрамони, ҳуқуқшунос Хейс Раттерфорд номзодини республикачилар навбатдаги сайловида президентликка тавсия қилишади. Демократлардан эса Нью-Йорк шаҳри мэри Телдин кўрсатилади. Сайловолди ташвиқот-тарғиботлар жараёнида демократлар давлат аппаратидаги порохўрлик, мансаб вакола-

тини суистеъмол қилиш сингари иллатларга барҳам бериш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришни ваъда беришган бўлса, Раттерфорд бошлиқ республикачилар эса қуйидаги ўзгаришларни амалга оширишни кўзда тутди:

- давлат ҳокимияти ваколатларини партия вакилларига бўлиб бериш тартибини бекор қилиш;
- жанубда барча ҳарбий режим қолдиқларини бартараф этиб, фаровонликни таъминлаш.

Шуниингдек, Хейс сайловчиларга, «Агар президентликка сайлансам, фақат бир муддат ишлайман, иккинчи муддатга номзодимни қўймайман», деб олдиндан ваъда ҳам беради.

Бироқ, сайлов куни мамлакат тарихида илк бор танг вазият вужудга келади. Гап шундаки, ҳар иккала номзод ҳам етарли овоз ололмай, сайланмай қолади. Натижада республикачилар ва демократлар ўртасида жиддий қарама-қаршиликлар вужудга келади. Шундан сунг Конгресс президент сайлови бўйича илк бора келиб чиққан низои ҳал этиш мақсадида 15 кишидан иборат махсус комиссия ташкил қилади. Чунки президент қасамёд қилиш маросими муддати тобора яқинлашгани сайин кўпчилик «Наҳотки, Америка халқи раҳбарсиз қолса» дея ваҳимага тушарди. Ниҳоят, комиссия номзодлар учун берилган овозларни қайта ҳисоблаб чиқиб, қасамёд маросимига 56 соат вақт қолганда ушбу курашда Хейс Раттерфорднинг қўли баланд келганини расмий равишда эълон қилади. Шу билан бирга комиссия аъзолари демократик партия номзоди айрим ҳолларда ноқонуний овоз тўплаганини ҳам аниқлайди. Фақат бир муддат «Оқ уй»да яшайман, деган ниятда президентлик вазифасини бажаришга киришган Раттерфорд ваъдасига вафо қилиб, федерал қўшинларни дастлаб жанубдан, яъни Каролина ва Луизиана ҳудудларидан олиб чиқиб кетишга фармойиш беради ҳамда 1877 йил 24 апрелда конфедерацияни сунгги ҳарбий кучлар тарк этади.

Президент Раттерфорд ўз дастури орқали иқтисодий кўтариш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тақлифи билан чиқади. Чунки уруш тугаганига 10 йилдан ортиқ вақт ўтишига қарамасдан, унинг асорат ва жароҳатлар ҳали давом этар эди. Умуман айтганда, Америка халқининг энг оғир дамларида фаолият олиб борган Раттерфорд мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхши томонга буришга маълум

маънода муваффақ бўлди. Аммо шу билан бирга, унинг даврида ишчи-хизматчилар иш ҳақларининг камайиши боис темир йулчилар томонидан катта иш ташлашлар бўлиб, намоёиш қатнашчилари ва ҳарбий кўшинлар ўртасида қон тўкилишлар ҳам юз беради.

Президент Раттерфорд даврида, яъни 1868 йилда имзоланган «Берлингей» шартномасига асосан хитойликлар АҚШга кўчиб келиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу эса Америка ҳукуматига билимли, интеллектуал салоҳиятли кишиларни жалб этиш имконини беради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Хейснинг яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам унинг энг яқин дўсти, яъни хотини Люси доим ёнида бўларди. Сабаби — эр-хотин бир-бирини жуда яхши тушуниб, ҳурмат қилар, ўрталаридаги меҳр-оқибат шу даражада кучли эдики, турмуш қуришганидан то умрларининг охиригача улар бирор марта ҳам жанжал қилишмаган, келишмовчилик бўлмаган. «Оқ уй» бекаси Люси хоним спиртли ичимликларни шу қалар ёмон кўрардики, уйига меҳмон келса ҳам ароқ қўймас эди. Шу билан бирга Раттерфорднинг президентлик муддати охирига борар, у эса ўйлаган режаларини амалга оширишдан афсусланади, лекин уни охирига етказишга унда вақт ва имконият йўқ эди. Президентлик ваколат муддати тугаш арафасида Раттерфорд «Ҳеч қайси президент «Оқ уй»ни менчалик афсус-надоматда тарк этмаган бўлса керак», дейди хафа бўлиб. Чунки унинг дўстларидан бирортаси кўнгил учун бўлса ҳам ундан яна президентликка номзодини қўйишини ва бошлаган ишларини охирига етказишни сўрамайдди.

Қайсидир маънода Уильям Тафт сингари президент бўлганлигидан афсус чеккан Хейс ҳам «Оқ уй»ни тарк этгач, киндик қони тўкилган Огайо штатига қайтиб, бу ерда у бўш ўтирмай, хотини билан тарих, адабиёт ва бошқа фанларини чуқур ўрганнишга ҳаракат қилади. Лекин хотини Люси Уоррен хоним орадан кўп ўтмай вафот этади.

Шундан кейин орадан тўрт йилга яқин вақт ўтгач Хейс ҳам қаттиқ шамоллаб қолади. Дўстлари унга даволанишни маслаҳат беришганида: «Ўлимим жуда яқин қолди, шундай экан бошқа жойга борганимдан кўра, ўз уйимда тинчгина ёруғ дунёни тарк этганим маъқул эмасми», дейди ва орадан икки кун ўтгач, яъни 1889 йилнинг 17 январида ҳаётдан кўз юмади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, президент Раттерфорд Хейс Американинг ўша пайтдаги оғриқ нуқтаси бўлган шимол ва жануб ўртасида ижтимоий ва сиёсий мувозанатни бир хилда ўрната олмаган бўлса-да, энг муҳими президент Линкольн даврида бошланган «Қайта қуриш» дастурини охирига етказишга муваффақ бўлди.





1831

James Garfield

1881

ЖЕЙМС ГАРФИЛД

Америка президентлари тарихида энг қисқа муддат фаолият олиб борганлардан бири ва иккинчи бўлиб суиқасд қурбонига айланган шахс Жеймс Гарфилддир. Авраам ва Элиза Гарфилдларнинг кенжа угли Жеймс 1831 йилнинг 19 ноябрида АҚШнинг Огайо штатида туғилади.

Жеймснинг ота-онаси асли шарқдан бўлиб, улар оғир меҳнат орқасидан рўзгор тебратишарди. Жеймс Гарфилд 2 ёшга тулганида отасидан айрилиб қолади. Элиза хоним эса беш нафар фарзандини бировдан кам, бировдан ортиқ қилмай тарбиялаб, уйли-жойли қилади. Ёшлигидан қийинчилик ичида ўсган Жеймс 10 ёшида бой табақадаги кишиларнинг хонадонидида ишлаб, пул топа бошлайди. Турли хил ҳикоя ва саргузаштларни кўп ўқигани сабабли, Жеймснинг кўнглида кутилмаганда денгизчи бўлиш орзуси туғилади. Онасининг қаршилигига қарамасдан дўстлари билан денгиз саёҳатига жўнаб кетади. Бироқ Жеймс безгак касаллигига йўлиқиб, уйига қайтишга мажбур бўлади. Даволаниб чиққанидан сўнг Гарфилд киши барибир бирор касбнинг этаси бўлмаса қийин экан, деган хулосага келиб, Честер шаҳарчаси яқинида жойлашган Жега академиясига ўқишга киради. У ўқиши билан бирга мактабда дарс ҳам беради ва 20 ёшга тулганида Жозирги «Хиром» коллежига қабул қилинади. У ерда 3 йил таълим

олгач, билимини янада бойитиш мақсадида Массачусетсдаги «Уильям» коллежига ўқишга киради. Университетда 2 йил таҳсил олгач, Жеймс олдин ўзи ўқиган «Хиром» коллежида ўқитувчи бўлиб ишлай бошлайди. Шу йили у адабиёт ва шарқ тиллари бўйича профессор унвонига сазовор бўлади. Орадан бир йил утгач, 26 ёшли Гарфилд ана шу университет ректори этиб тайинланади.

Жеймс Гарфилднинг шахсий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у 1858 йилнинг 11 ноябрида Лукреция Рудолф исмли фермернинг қизига уйланади. Қизиқ томони шундаки, Лукреция Жеймснинг талабаси бўлган. Яъни, «Хиром» коллежида ўқитувчилик қилган кезлари Жеймс талабаси Лукреция Рудолфни яхши кўриб қолади ва унга бу ниятини айтганда, Лукрецияни ҳаяжон босиб, нима дейишини билмай қолади. Албатта, 26 ёшли университет ректорининг таклифини қиз рад эта олмайди. Кейинчалик улар етти фарзанднинг бахтли ота-оналари бўлишади. Ўғилларининг иккитасига отасидек катта лавозимлар насиб этади. Масалан, биринчи ўғли Гарри университет ректори, иккинчиси эса президент Теодор Рузвельтнинг ўринбосари вазибаларида ишлайди.



Президент Гарфилд туғилган жой

1861 йилда бошланган фуқаролар уруши Жеймсни ҳам четда қолдирмайди. Огайо штати губернатори Уильям Деннисоннинг фармониغا асосан Жеймс штат ҳарбий кучларига бошлиқ этиб тайинланади. Гарфилд ўзининг уруш хотиралари ҳақида шундай ёзган эди: «Мен ўзимни чинакам бахтли инсон деб ҳисоблайман. Чунки она-Ватаннинг тинч-тотув ва фаровонлиги йўлида курашиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди».

Шуниси эътиборлики, уруш даврида Жеймс Гарфилд вакиллар палатасига ҳам сайланиб, мудоффа кўмитасини бошқаради. Ҳокимият тепасига янги раҳбар Хейс келганидан сўнг Гарфилднинг мавқеи, обрў-эътибори янада ошиб кетади. Чунки унинг президент билан муносабати жуда яхши эди. Бу даврда Гарфилд икки гуруҳга бўлишиб кетган республикачилар партиясига раҳбарлик қилади. Партиянинг бўлиниб кетишига асосий сабаб аъзолар ўртасида ҳокимият ва лавозим учун келишмовчилик эди. Гарфилднинг президент бўлиши ҳам қизиқ тарихга эга. Гап шундаки, 1880 йилда Гарфилд сенаторликни қўлга киритади. Ўша йили мамлакатда президентлик сайлови ҳам бошланиши арафасида эди. Сайловнинг биринчи босқичи, яъни республикачиларнинг мажлиси чақирилади. Йиғилишга Огайо депутатларига бошлиқ бўлган Жеймс Гарфилд ҳам қатнашади. Мажлисида Блейн ва Грантларнинг номзодини президентликка тавсия этишга қарор қилинади. Бироқ ҳар иккаласи ҳам етарли овоз ололмай, номзодликдан қолиб кетишади. Шунда миллий мажлис шошилинч суратда Жеймс Гарфилднинг номзодини тавсия қилишга мажбур бўлади ва сайлов натижаси ўлароқ Гарфилд АҚШнинг йигирманчи президенти этиб сайланади. Қасамёд қабул қилган куннинг эртасиёқ айрим сиёсий кучлар Гарфилднинг президент бўлганлигига қарши норозилик намойишлари уюштириб, уни ноҳақ айблашади. Хўш, нима сабабдан президент ва сиёсий партиялар ўртасида бундай келишмовчилик келиб чиқади?

Юқорида айтилганидек, бу пайтда республикачилар партиясини икки гуруҳга ажратиб кетади. Партиянинг Стюверт деб аталувчи биринчи гуруҳининг ҳокимиятдан жой олишига Жеймс Гарфилд йўл бермайди ва вакилларининг юқори лавозимларда ишлашига тўсқинлик қилади. Натижада фракция аъзоларига президентга нисбатан адоват юзага келиб, улар ўч олишга киришади ва 1881 йилнинг 2 июлида уларнинг ўч олишлари

учун кулай вазият туғилади. Чунки Гарфилд шу кун и ўзи таҳсил олган Уилям коллежининг 25 йиллик тўйига қатнашиши керак эди. Пойтахт Вашингтондаги темир йўл вокзалига келганида уни Чарльз Гито исми шахс қарши олиб, унга қарата туппончадан икки маротаба ўқ узиб, «Мен стювертларданман! Бугундан бошлаб Аргур мамлакат президенти», деб бақиради. Президент ёрдамчилари томонидан Гито шу заҳотиёқ қўлга олинади. Кейинчалик аниқланишича суиқасд ижросиси Чарльзни бир вақтлар Гарфилд Парижга элчи этиб тайинлашни рад этган ва сўнг у тарафдорлари билан келишиб, шу разилликка қўл урган экан.

Экспертиза хулосасига мувофиқ Чарльз ақли заиф деб топилади. Бироқ суд экспертларнинг бу хулосасини асосиз ҳисоблаб, Чарльзни улим жазосига ҳукм қилади.

Суиқасд амалга оширилганидан кейин Гарфилд касалхонада 80 кун ётади. Бироқ қонининг заҳарланиши оқибатида 19 сентябрда вафот этади. Энг даҳшатлиси шуки, уни қабрида ҳам тинч кўйишмайди. Яъни, дафн маросимидан сўнг кўп ўтмай унинг қабрини очиб, қўл-оёқларини кесиб олиб кетишади.

Америка Қўшма Штатларининг 20- президенти шу зайд адоват ва разиллик қурбонига айланади.



1829

Chester Arthur

1886

ЧЕСТЕР АРТУР

Президент Жеймс Гарфилд отиб ўлдирилганидан сўнг АҚШ тарихида вице-президентларидан тўртинчи бўлиб президентлик қасамёдини қабул қилган шахс Честер Артурдир. Асли келиб чиқиши шимолий Ирландияга бориб тақаладиган Уильям ва Молвина Стаунларнинг энг катта фарзанди Честер 1829 йилнинг 5 октябрида Вермонт штатининг Фейрфилд шаҳарчасида дунёга келади. Честернинг отаси Уильям сиёсатга алоқадор кишилардан бўлиб, дастлаб ўқитувчи, кейин эса элчи лавозимларида ишлайди. Барча элчилар сингари Артурлар оиласи ҳам хизмат юзасидан тез-тез бир давлатдан бошқасига кўчиб юришар, бу эса Артурга дунёни куриш имкониятини берарди. Честерлар анча зиёли оила экани биле Артурнинг ҳам ёшлигидан билим олишга, жамиятнинг илғор, ўқимшли кишиларидан бири бўлишга қизиқиши ортиб боради. Хусусан, 14 ёшида у «вингилар» партиясининг вакили Хенри Клейга шогирд бўлиб тушади. Шуниси қизиқки, Честернинг ёшлигида энг яхши кўрган одати меҳмон кутиш ва чиройли кийиниш эди. Шу сабабли дўстлари уни «Жентелмен босс», деб чақирарди. Сиёсатдан билими анча ошиб қолган Артур энди ҳуқуқшунос бўлиш мақсадида Нью-Йорк штатидаги ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича «Юнион» коллежига ўқишга киради. У ўқиши давомида юридик фанларни

ўзлаштириш билан бирга коллежда дарс ҳам беради. Олий маълумотга эга бўлгач, Артур адвокатлик лицензиясини қўлга киришиб, маҳоратли адвокат сифатида танила бошлайди. Адвокат Честер асосан қора танлиларнинг манфаатини ҳимоя қилиш учун курашади. Масалан, бир низоли ишда ғолиб чиқиб, ҳозир кулгили туюлса-да, оқ танлилар сингари қора танлиларнинг ҳам Нью-Йорк шаҳри кўчаларида машинада бемалол юриш ҳуқуқини таъминлаб беради.



Элен Льюис хоним

Честер Артурнинг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у 1859 йилнинг 25 октябрида Элен Льюис исмли қиз билан турмуш қуради.

Эр-хотин Артурларнинг тўртта фарзанди бўлиб, уларнинг иккитаси бевақт ҳаётдан кўз юмади. Честернинг давлат ишларида муваффақият қозониши ва халққа танилишида дўсти Мартеннинг хизматлари беқиёсдир. Чунки Мартен Нью-Йорк шаҳри мэри этиб сайланганидан сўнг уни ўз муовини этиб тайинлайди. Фуқаролар уруши бошланиши арафасида Честер штат ҳарбий кучларига кўмондонлик қилади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, президент Грант Артурни Нью-Йорк божхона кўмитасининг солиқ йиғувчиси лавозимига тайинланади.

Кўмитада ишлаган кезлари Честер республикачилар партиясига бир қанча имтиёзлар яратиб беради. Жумладан, партия аъзоларини иш билан таъминлайди ва натижада республикачилар партиясига аъзоларининг мавқеи ортиб, улар давлат ишларида қатнаша бошлашади. Раттерфорд ҳокимият тепасига келгач, бу қондани бекор қилиб, партия ҳеч қачон давлат ишларига аралашмаслиги лозим, деган тамойилга асосланиб иш тутади. Шунингдек, Артур даврида кўмита фаолияти анча орқага сурилади. Бунга сабаб аста-секин порахўрлик ва

маҳаллийчилик каби иллатлар келиб чиқа бошлаган эди. Натижада Артур ишини ташлаб кетишга мажбур бўлади. 1880 йилдаги республикачилар миллий мажлиси президент Грантга учинчи муддатга номзодини қўйиш имкониятини беради. Бироқ сайловда республикачиларнинг қўли устун келиб, Гарфилд президентликка. Честер Артур эса вице-президентликка сайланади.

Маълумки, Гарфилд президент этиб сайланганидан сўнг орадан 4 ой ўтиб суиқасд қурбони бўлади. Шундан сўнг вице-президент Артур кейинги сайловгача президентлик вазифасини бажаришга киришади ва у анъанани бузиб, президент қароргоҳи бўлган «Оқ уй»да яшамайди. Чунки, у бу ерда яшашга ирим қилади, бахтга қарши бу орада хотини Эллендан ҳам ажралиб қолади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Америка президентлари орасида жуда суст ишлаган, халқ учун бирор эсда қоладиган иш ёки фойдали ислоҳотлар қила олмаган ва шу сабабли қаттиқ танқид остига олинган шахс ҳам Честер Артурдир. Бунинг боиси шуки, Честер даврида мамлакатда бюрократизм, порахўрлик, таниш-билишчилик ва ошна-оғайничилик юқори даражада ўсиб кетади.

Мамлакатдаги бу оғир ижтимоий иллатларни бартараф этиш йўлларини топа олмаган президент Честер оғир юрак хасталигига дучор бўлиб қолади. Ана шуларни ўйлаб ва ўзининг имкониятларини чамалаб кўриб, у президентлик учун кейинги тўлиқ муддатга номзодини қўйишни рад этади. Навбатдаги сайловдан сўнг икки йил ўтгач, яъни 1886 йилнинг 18 ноябрида Честер Артур миясига қон қуйилиши оқибатида 57 ёшида вафот этади.



1837

Grover Cleveland

1908

ГРОВЕР КЛИВЛЕНД

Америкада фуқаролар урушидан кейин орадан қирқ йил ўтгач, демократик партиядан биринчи бўлиб президент лавозимини эгаллаган ва кетма-кет эмас, балки турли вақтларда икки марта давлат раҳбари бўлишга муваффақ бўлган ягона шахс Стифен Гровер Кливленддир. Шунинг учун ҳам у АҚШ тарихида 22 ва 24- президент сифатида муносиб ўрин олган.

Ричард Форрей ва Аннаниларнинг ўғли Гровер 1837 йилнинг 18 мартида АҚШнинг Нью-Жерси штатида дунёга келади. Отаси Ричард дастлаб деҳқончилик ишлари билан шуғулланиб, кейинчалик вазир лавозимида ишлайди. Онаси Аннанил хоним эса ижодкор аёл бўлиб, болалар тарбияси билан машғул эди. Оиладаги тўққиз фарзанднинг бешинчиси бўлган Гровер Нью-Йорк шаҳридаги Фейтвел ва Клинтон номли ўрта мактабда таҳсил олади. Ўқиши давомида у фанларни чуқур ўзлаштириши билан бирга, ота-онасига моддий жиҳатдан ёрдам бериш мақсадида дўконда сотувчилик ҳам қилади. Мактабни тамомлаш арафасида Кливлендлар оиласида бахтсизлик юз беради. Огайо штатида жойлашган Кливленд шаҳарчасининг асосчиси бўлмиш отаси Ричард тўсатдан вафот этади. Шундан сўнг Гровер бир йилга яқин Нью-Йоркдаги махсус карлар мактабида ўқитувчилик қилади. 17 ёшли Кливленд (дарвоқе, бу пайтда у Стивен

исмидан воз кечади) бирор яхшироқ иш топиш ниятида ғарбга, амакисиникига йўл олади. Бу ерда унга омад кулиб боқади. Дастлаб амакиси билан қора меҳнат қилиб, ўқишига етадиган даромад ишлаб топганидан сўнг Рожерс исмли адвокатга шогирд тушади. Ўқиши давомида Гровер устозидан ҳам назарий, ҳам амалий билимларни чуқур ўзлаштириб, юридик ташкилотларда хизмат кўрсата бошлайди. Орадан икки йил ўтар-ўтмас Кливленд урушга чақирилади. Бундай вазиятда нима қилишини билмай боши қотган Кливленд ўзининг ўрнига урушга икки акасини юборади. Сабаби — бу пайтда рўзгорни тебратиш масъулияти унинг зиммасида эди.

Гровер Кливленднинг катта сиёсатга кириб келиши ва аҳоли ўртасида танилиши Буффалода демократик партиянинг аъзолигига қабул қилиниши ҳамда адвокат ва шериф лавозимларида фаолият олиб борганлиги билан боғлиқ. Шерифлик даврида Кливленд штатда авж олиб бораётган ўғирлик, талончилик, одам ўлдириш каби жиноятларнинг камайишига муносиб ҳисса қўшади. Шуниси қизиқки, қўшнилари Гроверни «Жумбо амаки», деб чақиришарди. Бир куни улар Кливлендни тўхтатиб, «Бизнинг бақувват, хушфёъл Жумбо амакимиз уйланишни хоҳламайдиларми?», деб ҳазил аралаш сўраганларида Гровер «ҳали қиладиган ишларим кўп, яхши ишга жойлашиб, пул топай, уйланиш эса қочиб кетмас ахир», дея ўша оҳангда жавоб беради.

1881 йилда демократик партия сиёсатини қўллаб-қувватловчи фуқаролар катта ишонч билан Кливлендни Буффало мэри этиб сайлашади. Чунки бу пайтда барча юқори лавозимларни республикачи кучлар эгаллаб олишган бўлиб, мамлакатда порахўрлик, мансаб ваколатини сунистеъмом қилиш сингари мансабдорлик жиноятлари кўпайиб борар, ҳукуматга нисбатан эса халқ ишончи кундан-кунга сусайиб бораётган эди. Мэрлик даврида Гровер шунчалик кўп қонунларга вето қўядики, ҳатто унга замондошлари «Вето мэри» деган ном ҳам беришади. Кливленднинг Буффалода амалга оширган кўплаб ислохотлари унинг сиёсатда муваффақият қозонишида бош омил бўлди. Хусусан, у 1882 йилда Нью-Йорк шаҳри мэригини қўлга киритиб, бу ерда ҳам ҳокимиятни қайтадан ташкил этиб, аҳоли ишончини қозонади.

Навбатдаги, яъни 1884 йилда бўлиши кўзда тутилаётган

президентлик сайлови олдида мамлакат ички ҳаётида бир қанча муаммолар юзага кела бошлайди. Чунончи, ишлаб чиқариш суръати пасайиб, ишсизлар сони ортиб боради, айниқса деҳқон-фермерларнинг аҳволи жуда ёмонлашади. Мамлакатнинг ривожланиш ва халқ фаровонлигининг оширишга тўғаноқ бўлаётган ана шундай жиддий муаммоларни навбатдаги сайлов ҳал қилиши лозим эди. Сайловда республикачилар Жеймс Блейн, демократлар эса Гровер Кливленд номзодини кўрсатишади. Тарғибот-ташвиқотлар жараёнида республикачи кучлар «Кливлендга овоз бериш — кўзғолонга овоз бериш демакдир», дея сайловчиларни ўзларига жалб қилишга ҳаракат қилишади. Бироқ



Ғуи оқиоми

республикачиларнинг бу каби даъватлари аҳолининг кўпчилик қисмининг норозилигига сабаб бўлади. Бунинг боиси шуки, фуқаролар уруши тугагандан буён ҳокимият тепасига республикачи кучлар ўрнашиб олган бўлиб, жамиятда якка ҳокимлик, якка мафкура, якка сиёсат ҳукм сураётган эди. Демократик давлат қуришга интилаётган жамиятда фикрлар хилма-хиллиги устувор бўлиши зарурлигини англаб етган фуқаролар Кливленд бошлиқ адолатпарвар демократчиларга юксак ишонч билдириб, овоз беришади.

Хуллас, сўнгги 40 йил ичида демократик партиядан биринчи бўлиб АҚШ президентлигига сайланган Кливленднинг галабаси бир партиянинг мунтазам якка ҳукмронлиги ҳеч қачон юксалишга олиб бормаслигини яна бир бор тасдиқлайди.

Қасамёд қабул қилган президент Кливленднинг олдида энг асосий масала ҳукумат ва ҳокимиятга нисбатан халқ ишончини қайта уйғотиш эди. Ана шу мақсадга эришиш учун у дастлабки ишини кўплаб мартабали шахсларнинг вазифасидан озод этиб, кучли маъмурий назорат ўрнатиш ва мамлакатдаги порахўрлик, суиистеъмолчилик ва ортиқча исрофгарчиликка қарши курашишдан бошлайди. Замондошларининг хотираларига қараганда, президент Кливленд одатда «Йўқ» деган сўзни яхши кўрган ва ўз фаолиятида шу сўзни тез-тез ишлатиб турган. Гровернинг оилавий ҳаёти ҳақида тўхталадиган бўлсак, у 1886 йил, яъни 49 ёшида Франсес Фолсам исмли ҳуқуқшунос қиз билан турмуш куради. Эътиборли жиҳати шуки, Америка президентлари орасида биринчи бўлиб «Оқ уй»да уйланган шахс ҳам айнан Гровер Кливленддир. Эр-хотин Кливлендларнинг Руз, Ричард, Франсес ва Мария исмли фарзандлари бўлади. Ўша йили 28 октябрда президент Гровер Кливленд француз халқининг Америка халқига юборган тўхфаси, яъни «Озодлик маъбудаси»ни расман қабул қилиб олади. Шу ўринда «Озодлик маъбудаси»нинг яратилиш тарихи хусусида қисқача тўхталиб ўтсак. Аввало шуни айтиш жоизки, Нью-Йоркка денгиз йўли билан келувчиларни кутиб оладиган машҳур «Озодлик маъбудаси» АҚШ мустақиллигининг 100 йиллигига атаб 1886 йилда Франция томонидан тўхфа этилган. Унинг муаллифи франциялик ҳайкалтарош Фредерих Огюст Бартольди эди.

Хўш, бундай тўхфага нима сабаб бўлди?

Гап шундаки, император Наполеон III га муҳолиф бир гуруҳ

француз зиёлилари бир кунни Парижда йиғилишиб, ўзаро суҳбат давомида Америкадаги демократик эркинликларга қойил қолганликларини эътироф этишади. Ҳақиқий ишқибози Эдуард де Лебейль Франция ва АҚШни «опа-сингиллар» деб атайдиган ва АҚШ мустақиллигининг 100 йиллигига озодлик рамзи бўлмиш ҳайкал совға қилинса ёмон бўлмасди, деган фикрни билдиради. Даврада 31 ёшли ҳайкалтарош Фредерик Бартольди ҳам иштирок этаётгани ва бу гоё унга жуда қизиқ туюлади. Бартольди ўзини қизиқтириб қилган гоёни орадан бир йил ўтгач, Лебейлга эслатади ва у этаклифи ерда қолмаганидан руҳланиб, улар 1875 йилда Францияда маъбудага маблағ йиғишга киришишади.

Аммо ҳайкал битишини кўриш Лебейлга насиб этмади ва 1883 йилда у вафот этади. АҚШга ташриф буюрган Бартольди у ерда президент Улисс Грант билан учрашиб, бу ҳақда суҳбатлашади. Америкадан катта таассуротлар билан қайтган ҳайкалтарош дарҳол унга ишониб топширилган «Озодлик маъбудаси» устида ишлаш бошлади. Бироқ белгиланган сана — 1876 йилда унинг машъала ушлаган кўлигина тайёр бўлади ва ўша йилнинг августда бу намуна халқаро Филадельфия кўргазмасида намойиш этилади. Маъбуданинг ўзи бутунча 1884 йилнинг 21 майида тайёр бўлиб, 4 июнда АҚШ элчиси Леви Пирсон Мартонга расман топширилди. Маъбудага аёл чехрасини ҳайкалтарош ўзининг онаси Шарлота Бартольдининг юзидан нусха кўчирди. Озодлик ҳайкали пойдевориغا биринчи ёлпиз 1884 йил 5 августда қўйилади. Уни ўрнатиш учун ҳайкалтарош Беллоу оролини танлаган эди ва АҚШ Конгресси бунга маъқуллайди. Ҳақиқатда бу қисмлар 300 минг бронзани бириктирувчи миҳлар ёрдамида йиғилади. Ва ниҳоят, 1886 йилнинг 28 октябрида президент Гровер Кливленд АҚШ халқи озодлиги ва мустақиллигининг чинакам тимсоли бўлган «Озодлик маъбудаси»ни қабул қилиб олади. Ўз навбатида америкаликлар ҳам 1889 йилнинг 15 ноябрида француз инқилобининг 100 йиллигига ушбу маъбуданинг кичрайтирилган нусхасини ҳадя этишади. Бу эса икки миллат ўртасидаги юксак ҳурмат-эътиборнинг рамзий ифодасини билдиради.

Хуллас, президент Кливленднинг тўрт йиллик фаолияти ана

шундай тарихий воқеалар билан бевосита боғлиқ бўлди. 1888 йилги сайловда Кливленднинг солиқ миқдорини камайтириш сиёсатини республикачилар қаттиқ танқид остига олишади. Гровернинг ноқонуний ижтимоий таъминот олаётган нафақа-хўрлар ва валютага оид қонунларни бузувчиларга қарши кураш аҳоли ўртасида бир қатор норозилик уйғотади. Шу сабабли у сайловда Бенжамин Гаррисонга ютқазиб қўяди ва «Оқ уй»ни тарк этади. Шуниси қизиқки, «Оқ уй»дан кўчиш олдидан Гровернинг хотини Франсес хоним хизматчиларини чақириб, улар зиммасига шундай вазифа юклайди: «Бу ердаги барча жиҳоз ва буюмлардан эҳтиёткорлик билан фойдаланинглар. Тўрт йилдан сўнг келганимда ҳозир қандай топширган бўлсам, шундай ҳолатда қабул қилиб оламан», дейди. Ўшанда Гровернинг хизматкорлари «Оқ уй» бекасининг бу галидан, эҳтимол ажабланган бўлиши ҳам мумкин.

Президентлик вазифасини топширгач, Кливленд оиласи билан Нью-Йоркка кўчиб кетиб, у ерда 4 йил адвокатлик фаолияти билан шуғулланади. Гровер сиёсатининг аксини қилган Гаррисон солиқ ставкаларини кўтариб, катта танқидга учрайди. Президент Гаррисоннинг ваколат муддати тугаши арафасида демократик партия раҳбарлари халқнинг ишончли ва фидойи фарзанди Кливлендни чақириб, навбатдаги президентлик сайловига номзодини қўйишга даъват этади ва улар яна ғалаба қозонишади. Америка тараққиёти тарихида турли вақтларда икки марта сайланган президент Кливлендни янги лавозимда кўплаб янги ижтимоий-иқтисодий муаммолар кутиб турарди. Биринчи галда у солиқ миқдорини камайтириб, аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Ташқи сиёсатда эса Буюк Британия ва Венесуэлага қарашли ҳудудлар ўртасида чегара ўрнатишда катта ҳисса қўшди.

Шундай қилиб, президентликнинг иккинчи муддатини ҳам муваффақиятли ўтказиб, истеъфога чиққан Кливленд умрининг сўнгги йилларини Нью-Жерси штатидаги Принстон университетиде ўқитувчилик қилиш билан ўтказади. Шунингдек, у ижод билан ҳам шуғулланиб, «Президентлар муаммоси» номли китоб чоп эттиради. 1908 йилнинг 24 июнида узоқ давом этган рак касаллиги оқибатида Гровер Кливленд жон таслим қилади. Собиқ президент ўлими олдидан бутун кучини тўплаб, бошини кўтаради ва дона-дона қилиб қўйидаги сўзларни такрорлайди: «Мен ҳаётим давомида ҳар кун, ҳар дақиқа адолат ва фақат адолат учун курашдим».



1833

Benjamin Harrison

1901

БЕНЖАМЕН ГАРРИСОН

Америка Қўшма штатлари тарихида ота-бола президент бўлгани ҳолати икки марта учрайди, яъни ота-бола Адамслар XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида президент бўлиб сайланишган бўлса, катта Жорж Буш ўтган асрнинг охирида ва кичик Жорж Буш ҳозирги кунда фаолият юритаётганини кўпчилик яхши билишади. Лекин АҚШ президентлари тарихида бобо-набира президент бўлганини кўпчилик билмас керак. АҚШнинг 23- президенти Бенжамен Гаррисон шу мамлакатнинг 9- президенти Уилям Гаррисоннинг набираси бўлиб, унинг миллат манфаати йўлида амалга оширган ижобий ишларида баъзи замондошлари бобоси тимсолини кўришган. У 1833 йилнинг 20 августида Огайо штатининг Шимолий Бенд қишлоғида туғилади. Бенжамен оиладаги ўн нафар фарзанднинг иккинчиси бўлиб, отаси Жон Скот асосан деҳқончилик ишлари билан рўзгор тебратар, онаси Элизабет Эрвин хоним эса болалар тарбияси билан банд эди. Шуниси эътиборлики, оила бошлиғи Жон Скот деҳқончилик ишидан конгресс аъзолигигача бўлган йўлни босиб ўтади. Бенжамен Гаррисон уч йилга мўлжалланган «Формерс» коллежида таҳсил олади. Коллежни битиргач, ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Майами университетига қабул қилинади. Ўқиши давомида у бўлажак қайлиғи Каролина Ливин

исми қиз билан танишиб қолади ва орадан бир йил ўтиб, улар турмуш қуришадн ва кейинчалик улар Рузвел ва Мэри исми фарзандларнинг бахтли ота-оналари бўлишади.

Олий маълумотга эга бўлгач, Гаррисон дастлаб адвокат, сўнгра ички ишлар идораларида фаолият юритади. Адвокат Гаррисон турли хил жиноийишлар юзасидан бўладиган суд процесларида иштирок этиб, баъзида голиб чиқса, баъзан мағлуб бўларди. Бу эса Бенжеменнинг келажакда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тажрибали ҳуқуқшунос бўлиб етишишига асосий омил бўлди. Шуниси эътиборлики, Гаррисон юридик ёрдам кўрсатиш орқасидан ҳар куни камида 250 доллар даромад топарди. Бенжаменнинг сиёсатга кириб келиши бобоси Уильям Гаррисоннинг номи билан боғлиқ. Чунки оддий одамлардан тортиб мартабали шахслар ҳам Бенжеменни кўпроқ бобоси орқали билишарди. Шунингдек, ўзининг тинимсиз хатти-ҳаракатлари натижасида Гаррисон бир қатор масъул вазифаларда, жумладан штат марказий комиссиясининг раиси, Олий суд котиби ва Пресс-Буттарин черкови коллежининг декани вазифаларида ишлайди. Фуқаролар уруши бошланганидан сўнг ҳукумат уни ҳарбий қисмга урушга бошлиқ этиб юборади. Урушда аскарлар Гаррисонни «Қўрқмас кичик Бен», деб чақиришарди. Бунинг боиси шуки Бенжеменнинг бўйи калта, бор-йўғи 168 сантиметр эди. Шу ўринда айтиш керакки, Америка президентларининг кўпчилиги халқ ўртасида фидойи ҳарбий киши сифатида танилган ва бу борала Бенжамен ҳам улардан қолишмайди.

Фуқаролар уруши тугагач, Бенжемен Гаррисон уруш қаҳрамони, уддабурон судья сифатида миллат қалбида яхши ном қолдира бошлайди. Бунинг натижаси ўлароқ, у сенаторликка сайланади, Сенатдаги вақтда Гаррисон фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва мудофаз қобилиятини кучайтиришни, мамлакатда ишлаб чиқаришга кенг имкониятлар бериш ҳамда темир йўл қатновини ривожланишини ёқлаб чиқади. У президент Кливленднинг ижтимоий ҳимояга доир қонунларга қўйган вето-сини қаттиқ танқид қилади. Чунки бу қонунлар нафақахўрларнинг нафақасини ошириш ва кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган эди. Ўзининг ана шундай танқидий чиқишлари билан танилган республикачи Бенжемен Гаррисон 1888 йилги президентлик сайловида ўз номзодини қўяди. Сайловолди ташвиқотлар жараёнида Гаррисон сайловчи-

ларга ўз дастурини эълон қилади. Унда келгусида моддий ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кўрсатилган бўлиб, бу масала сайловчиларнинг унга ишончини янада оширди. Демократлар эса Кливленднинг номзодини қайта кўрсатишади. Сайловчилар, айниқса, нафақахўрларнинг ишончига кўпроқ сазовор бўлган Бенжамен Гаррисон 90 минг овоз олиб, АҚШнинг 23- президенти этиб сайланади. Президент Гаррисон даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланади. Ўзининг мурожаатларидан бирида «Ҳар бир давлат раҳбарининг энг асосий бурчи халқини ҳар томонлама, айниқса ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишидир» дейди. У ўз сўзида туриб, мамлакатда ишлаб чиқаришни жонлантириб, аҳолини иш билан таъминлашни яхшилайти. Шунинг билан бирга президент Гаррисон даврида мамлакатни ривожлантириш ва ижтимоий ҳимояга оид уч муҳим қонун қабул қилинади. Булар:

- 1) Нафақахўрлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни янада кучайтириш;
- 2) Солиқларни камайитириш;
- 3) Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш.

Ана шундай қонун ва ислохотларнинг амалий натижаси ўлароқ, Гаррисон миллат қалбидан абадий жой олди. Шуниси эътиборлики, айнан президент Гаррисоннинг фармонида асосан давлат рамзлари бўлмиш байроқ ва герб ҳар бир давлат идорасининг пештоқига осиладиган бўлди. 1892 йилги президентлик сайловда Гаррисоннинг рақиби Кливленднинг яна омади чопади. Сабаби — айрим фермерлар сайлов олдидан Гаррисонга қарши норозилик намойишлари билан чиқишиб, республикачилар обрўсига путур етказишади. Бу эса албатта демократчилар учун ғалаба яқин дегани эди. Устига-устак, Гаррисоннинг хотини Каролин хоним ҳам тўсатдан вафот этади. Ҳам давлат ишида, ҳам оилавий ҳаётида омадсизликка учраган иродали Бенжемен «Оқ уй»ни тарк этгач, адвокатлик фаолиятини давом эттиради. Ёлғизликдан сиқилган Бенжемен 1896 йилда Диммик исмли бева аёл билан ҳаётини боғлашга мажбур бўлади. Шу йили у «Бу — давлат барчамизники» номли китобини нашрдан чиқаради. Хуллас, ажойиб ҳуқуқшунос, халқ қаҳрамони ижодкор Бенжемен Гаррисон 1901 йилнинг 18 мартда бу фоний дунёни абадий тарк этади. Бу адолатпарвар ва халқларвар инсоннинг ёрқин хотираси миллат қалбида абадулабад қолди.



1843

William McKinley

1901

УИЛЬЯМ МАК-КИНЛИ

Америка президентларидан учинчи бўлиб суиқасд қурбони бўлган шахс Уильям Мак-Кинли ҳисобланади. У 1843 йилнинг 29 январида 300 минг аҳолиси бўлган Огайо штатида тадбиркор оиласида туғилади. Мак-Кинлининг отаси Уильям дазмол ишлаб чиқарадиган корхона раҳбари, онаси Ненси хоним эса шу корхона хизматчиси эди. Оиладаги тўққиз фарзанднинг еттинчиси ҳисобланган Мак-Кинли дастлаб Нейл номли ўрта мактабга ўқишга киради. Лекин орадан кўп вақт ўтмай Мак-Кинлилар оиласи тижорат юзасидан бошқа жойга кўчиб кетишига тўғри келади. Бу ерда 9 ёшли Уильям махсус мактаб ва черковда савод чиқаради. Мактабда у тарих, адабиёт сингари фанларни зўр қизиқиш билан ўрганади. Ўрта маълумотга эга бўлгач, Уильям «Эллефан» коллежида ўқишини давом эттиради. Афсуски, уни битиришига бир йил қолганида соғлиги ёмонлашганлиги боис Мак-Кинли коллежни ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бу орада фуқаролар уруши бошланиб, 18 ёшли Уильям Мак-Кинли тенгдошлари орасидан биринчилардан бўлиб жанг майдониغا отланади. Албатта, бу унда фидойилик, ватанпарварлик фазилатлари кучли бўлганлигидан далолатдир. У кейинроқ президент бўлган Раттерфорд Хейс билан урушда биргаликда жанг қилиб, ҳаёти хавф остида қолган бир нечта

аскарларни кутқазишади ва шу тусфайли халқ қаҳрамони деган шарафли унвонга сазовор бўлишади. Уруш тугагач, майор Мак-Кинли ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Албани университетига қабул қилинади ва ўқиши давомида у суд ва адвокатура соҳасида амалиёт утайди.

Олий ўқув юртини тамомлагач, Мак-Кинли олти йилга яқин маҳаллий прокурор лавозимида ишлайди (Огайо). Уильям Мак-Кинлининг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у 1871 йилнинг 25 январида банкирнинг қизи Сэктан исмли журналист билан турмуш қуради. Шуниси ажабланарлики, эр-хотин Мак-Кинлилар ҳаётида бошқа президентларга қараганда ҳам кўплаб бахтсизликлар юз беради. Гап шундаки, уларнинг бир қизи — Катерина 2 ёшида, иккинчиси эса 4 ёшида тўсатдан вафот этишади. Бунинг устига Мак-Кинлининг волидаси Ненси хоним ҳам ўша йили оламдан ўтади. Бир-биридан азиз иккита фарзанди ва қайнонасининг дардида куйиб ёнган Сэктан хоним эса бу гапларга бардош беролмай бир умрга касалманд бўлиб қолади. Энг ачинарлиси, Мак-Кинлилар бошқа фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлишади. Уильям Мак-Кинли инсон сифатида жуда босиқ, тезда ишонувчан, ҳар қандай вазиятда ҳам инсонни тушунадиган ва ҳар доим тўғри йўл кўрсатадиган фазилатлар соҳиби бўлган. Унинг сиёсатда ном қозониши 1876 йилда биринчи бўлиб АҚШ вакиллар палатасига сайланиши билан боғлиқ. Мак-Кинли Конгрессда тўққиз йил фаолият олиб бориб, асосан аҳолининг моддий аҳволи ва турмуш шароитини кутаришга эътибор қаратди. Хусусан, ўзининг чиқишларидан бирида «Америкадаги иш ҳақи америкаликлар учун ва ниҳоят Америкадаги уйлар америкаликлар учун», деган шиорни ташлаганда ҳам ана шу сиёсатни назарда тутган эди. Бундан ташқари, Уильям мамлакатда юқори тарифли божни жорий этиш тарафдорларига ҳам қаттиқ қаршилиқ кўрсатади. 1891 йилда ташаббускор Мак-Кинлига Огайо фуқаролари юксак ишонч билдириб, уни штат губернатори этиб сайлашади. Бу вазифада Уильям асосий эътиборни ҳудудни ободонлаштириш масаласига қаратади. Жумладан, унинг бошчилигида Огайода янги йўллар, каналлар ҳамда фуқароларнинг ҳордиқ чиқариши учун кўплаб дам олиш масканлари барпо этилади. Бундай савобли ва бир умр эса қоладиган ишларни амалга ошираётган губернатор Уильямни кўрган кишилар уни президентликка номзод қилиб кўрсатилишини ёқлаб чиқишади.

Албатта, қисқа вақт ичида халқ ишончи ва ҳурмат эътиборини қозонишнинг ўзи Мак-Кинли учун катта бахт эди.

Сайлов олдидан Уильям АҚШнинг 22-24- президенти бўлган Гровер Кливленд ва Марк Хонна каби мартабали шахсларнинг ҳам назарига тушади. Шуниси қизиқки, айнаи шу икки дўстининг қўллаб-қувватлаши эвазига Мак-Кинли сиёсатда юқори чўққиларга эришади. Энг муҳими, бу пайтда Уильям Мак-Кинли адвокат, депутат, генерал ва губернатор сифатида халқ ичида танилган эди. Сайлов кунига қадар Уильямнинг тарафдорлари норасмий «Мак-Кинли маркази»ни ташкил қилишиб, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришади. Аммо бу галги сайловда халқ Бенжамен Гаррисонга ишонч билдиришиб, уни мамлакат раҳбари этиб сайлашади. Оилада ҳам, сиёсатда ҳам омади юришмаган Мак-Кинлининг ҳаётидаги энг оғир иқтисодий даври ўша - 1893 йилга тўғри келади. Хўш, ўшанда нима бўлган эди?

Бир кун ичунинг дўсти Марк фабрика очиш ниятида Уильямдан қарз сўраб келади. Табиийки, ўша пайтда Уильямда қарз учун ортиқча маблағ йўқ эди. Лекин, илгарилари кўп ёрдами теккан дўстининг раёини қайтаришни лозим кўрмай, Мак-Кинли ўз номига банкдан 100 минг долларга яқин кредит олади. Афсуски, орадан кўп вақт ўтмай дўстининг фабрикаси банкротга учрайди ва оқибатда Мак-Кинли қарзини ололмай, банк кредитини ўз вақтида уза олмай, икки ўт орасида қолади. Гарчи моддий томондан танг аҳволда қолганига қарамай, Америка фуқаролари Уильям Мак-Кинлига яна бир бор юксак ишонч билдириб, уни президентликка даъват этишади.

Шуниси эътиборлики, сайловолди ташвиқотлар жараёнида Мак-Кинлининг маърузасини эшитиш учун ҳар сафар ниҳоятда кўп сайловчилар тўпланишар, бу эса Мак-Кинли қайсидир жиҳати билан Америка халқи меҳрини, эътиборини қозониб улгурганининг билдирарди. Ана шундай ишонч, умид натижасида Уильям Мак-Кинли сайловда мамлакатнинг 14 миллион нафар фуқароси овозини олиб, рақиби Брайнни мағлуб қилади ва АҚШнинг йигирма бешинчи президентлигини қўлга киритади. 1897 йилнинг 4 мартада қасамёд қабул қилади ва ўз вазифасини бажаришга киришади. Президент Мак-Кинли мамлакатдаги иқтисодий муаммоларни бартараф этиш мақсадида жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган ишлаб

чиқариш технологияларини олиб келишга кенг имкониятлар яратиб беради. Хусусан, унинг даврида оғир саноат, автомобил-созлик, матбуот, алоқа ва телефон тармоқлари кенг ривожланиб, ташқи дунё билан «экспорт-импорт» муносабатлари ўрнатилади.

Шунингдек, унинг даврида Аляска ва жанубий Африка ҳудудларида олтин конларининг топилиши иқтисодий кўтаришда муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатда иқтисодий муаммолар аста-секин ўз ечимини топаётган бўлса ҳам, ҳали фуқаролар ўртасидаги ҳуқуқий тенгсизлик камайган эмас эди. Бундан ташқари, Мак-Кинли даврида 113 кун давом этган АҚШ-Испания уруши ҳам бўлиб ўтади. Урушни келтириб чиқарган асосий сабаб икки давлат ўртасидаги ҳудудлар юзасидан келишмовчилик бўлди (1898 йил 19 апрель).

Тарихда «Митти уруш» деб ном олган ушбу жангга АҚШ ҳарбийларидан 379 нафар киши ҳалок бўлади ва 5000 га яқини яралор бўлади. Мазкур уруш натижасида Пуэрто Рико, Гуам ва Филиппин АҚШ тасарруфига ўтади. Ушанда америкаликлар учун Пуэрто Рико қурилиши режалаштирилаётган Панама канали бўйича, Филиппин эса йирик Хитой бозорига олиб борувчи йул сифатида катта аҳамиятга эга, деб қарашарди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, АҚШнинг ўша пайтдаги маъмурияти хаёлига дунёга ягона ҳукмрон бўлиш фикри айнан ана шу «Митти уруш» туфайли пайдо бўлган.

Ташқи сиёсат борасида президент Мак-Кинли очиқ эшиклар сиёсатини амалга ошириб, бир қатор мамлакатлар, айниқса, Хитой билан алоқани мустаҳкамлашга интилади. Чунки ушбу сиёсатдан кузланган асосий мақсад ҳам Хитойга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини олиб бориш орқали Марказий Осиёга кириб боришдан иборат эди. Шунингдек, Мак-Кинли президент сифатида ишчилар манфаатини ҳимоя қиларди ва шунинг учун ҳам ўша давр кишилари уни бежизга «Ишчилар ҳимоячиси» деб аташмаган. Умуман унинг даврида мамлакат иқтисодини кўтариш ва халқ фаровонлигини яхшилаш бўйича бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо сиёсатда муайян хатоликларга ҳам йўл қўйилади. Масалан, Мак-Кинли иқтисодий ва тадбиркорлар устидан кучли давлат назорати ўрнатиш тарафдори эди. Бу эса кўп ҳолларда кутилган натижаларни бермасди. 1900 йилги президентлик сайловида республикачилар Уильямнинг номзодини қайта кўрсатишади,

вице-президентликка эса Нью-Йорк мэри Теодор Рузвельт тавсия этилади. Сайлов олдида Мак-Кинли аҳолига мурожаат қилиб, «Бундан кейин биз америкаликлар нафақат ўз уйимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам ҳар соҳада юксак муваффақиятларга эришамиз», дея халқни яна бир бор ишонтириб, уни ўз ордидан боришга чақиради. Ана шундай ҳаракатлар эъзига президентлик сайловида иккинчи марта ҳам ғалаба қозонган Мак-Кинли мағрур туриб, «Энди мен партия раҳбари эмас, аксинча халқимнинг ҳақиқий президентиман» деган эди. Шундан кейин орадан 6 ой ўтгач, Уильям Мак-Кинли Америка президентлари тарихида учинчи бўлиб суиқасд қурбонига айланади. Шуниси ажабланарлики, собиқ президент Авраам Линкольн ҳам сайловдан сўнг орадан 6-ой ўтгач суиқасд қурбони бўлган эди (ўхшашликни қаранг). Лекин ана шу қисқа вақт ичида президент Мак-Кинли халқ олдида бир неча марта чиқишлар қилиб, хорижий мамлакатлар билан алоқани яхшилаш бўйича шундай деган эди: «Иқтисодиётни юксалтириш ва халқ фаровонлигини оширишнинг асосий йўлларида бири ташқи мамлакатлар билан мустақкам дўстона алоқада бўлишдир».

1901 йилнинг 6 сентябрида президент Мак-Кинли Буффалога «Паанамерика» кўрғазмасини томоша қилишга ташриф буюради. Шунда Леон Жолгош исмли шахс президент билан кўришиш ниятида унга томон яқинлашади. Ҳеч нарсадан гумонсирамаган, содда Мак-Кинли саломлашиш учун қўлини узатган пайтда Леон тўсатдан тўппончадан икки марта унга қарата ўқ узади. Биринчи ўқ президентнинг кўкрагига, иккинчиси эса қорин қисмига ўртача оғир жароҳат етказди. Дастлаб врачлар Мак-Кинлининг ҳаётини сақлаб қолишга умид боғлашади. Бироқ оғир яраланган Уильям Мак-Кинли орадан саккиз кун ўтгач, яъни 1901 йилнинг 14 сентябрида вафот этади. Орадан уч йил ўтиб, унинг хотини ҳам қазо қилади. Эр-хотин Мак-Кинлилар «Миллий қабристон»да дафн этилади. Қотил Леон Жолгош суд ҳукми билан 1901 йил 29 октябр куни электр стулида қатл этилади. Хуллас, Америка тарихида «олтин аср» деб аталган давр кучсиз президент дея эътироф этилган Уильям Мак-Кинли фаолияти билан яқунланади.

Ушбу президентга халқ ҳурматининг рамзи сифатида АҚШнинг Аляска штатида баландлиги денгиз сатҳидан 193 метр баланд бўлган тоғ чўққиси президент Мак-Кинлининг номи билан аталади.



1858 *Theodore Roosevelt* 1919

ТЕОДОР РУЗВЕЛЬТ

Америка Қўшма Штатлари тарихида энг еш давлат раҳбари ва шу билан бирга жаҳон миқёсида тинчликни сақлаш бўйича президентлар ичида биринчи бўлиб Халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган машҳур шахслардан бири Теодор Рузвельтдир. У 1858 йилнинг 27 октябрда Нью-Йорк шаҳрида туғилган Рузвельт Теодор ва Марталарнинг тўртинчи фарзанди эди. Рузвельтнинг отаси Голландиядан, онаси эса Грузиядан эди. Отаси сингари Тедди ҳам (уни шундай чақиришарди) ёшлигидан жисмонан бақувват, билимга қизиқувчан бўлиб вояга ета бошлайди. У китобга ва спортга алоҳида меҳр кўзи билан қараб, 5 ёшидан бошлаб отасининг раҳбарлигида бокс билан мунтазам шуғулланади. Натижада ўсмирлар ўртасида ўтказилган бир қатор мусобақаларда рақибларини «нокаут» билан енгишга муваффақ бўлади. Шунингдек, Теодор ўсмирлигида ота-онаси билан бир неча бор Европа ва Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳатларга ҳам чиқади. Рузвельт ёшлигидан узоқни яхши кўра олмайдиган дардга чалинган эди. Отасининг топиш-тутиши анча яхши бўлгани боис Теодор 18 ёшигача махсус ўқитувчилар қўлида таҳсил олади. Шунинг натижасида Тедди 1876 йилда машҳур Гарвард университетининг талабаси бўлишдек бахтга муяссар бўлади. У дарс вақтлари ўқитувчиларга нисбатан шунчалик талабчан эдики, баъзан турли саволлар билан уларни

шошилтириб қўяр ва шу сабабли айрим муаллимлар унга қараб, «Рузвельт! илтимос, кўп савол беравермагин», дерди.

Университетни тамомлаш арафасида 22 ёшли Теодор бўлажак қайлиги — бостонлик Элис исмли қиз билан танишиб, 1879 йилнинг кузида улар турмуш қуришади. Гарвард университетини муваффақиятли тугатгач, отасидан қолган маълум миқдордаги пул эвазига ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Колумбия университетига қабул қилинади. Ўқиши давомида ижодкорлик билан ҳам шуғулланиб, 1812 йилда АҚШ ва Буюк Британия ўртасида бўлган уруш ҳақида китоб ёзади. Теодор Рузвельтнинг сиёсатга кириб келиши 23 ёшида Нью-Йорк штати ассамблеясига сайланиши билан боғлиқ. У ёш бўлишига қарамасдан, ўзининг билим савияси ва тиришқоқлиги билан кўпчилик мартабали шахсларнинг ҳурмат-эътиборини қозонади.

Рузвельтнинг ҳаётидаги энг бахтсиз кун 1884 йилнинг 14 февралда бўлади. Чунки у шу кун, яъни бир кунда икки меҳрибони — 20 ёшли хотини ва онасидан ажралиб қолади. Натижада, Теодор ота-онасиз, хонадон соҳибасисиз 2 ёшли қизи Элис билан ёлғиз қолади. Шундан сўнг Рузвельт давлат ишларидан узоқлашиб, узини бироз чалғитиш мақсадида Миссури дарёсидаги дала ҳовлисига дам олишга боради. Бу ерда у китоб ўқиш, отда сайр қилиш, дўстлариникига меҳмондорчиликка бориш билан вақтини ўтказди. Шунингдек, у шу ерда тўрт томли «Ғарбнинг ютуғи» номли китобини ҳам ёзиб тугатади. Ўша кезлари Рузвельт қизи билан яқин дўсти Эдит Кермит хонимнинг хонадонига тез-тез бориб турарди. Ана шундай ташрифларнинг бирида Теодор Кермит хонимга анчадан буён айтолмай юрган ниятини баён қилади ва улар 1886 йилда турмуш қуришади. 1888 йилда мамлакатда президентлик сайлови ўтказилади. Бенжамен Гаррисоннинг ишончли вакили сифатида Рузвельт унинг дастурини сайловчилар ўртасида тарғибот қилишда катта ёрдам беради. Бунинг эвазига президент Гаррисон уни фуқароларга хизмат кўрсатиш идорасининг бошлиғи этиб тайинлайди. У асосий эътиборни аҳолини иш билан таъминлашга қартиб, бу борада ижобий натижаларга эришади. Навбатдаги президентлик сайлови олдидан дўстлари Рузвельтга ўз номзодини қўйишни таклиф қилишади. Шунда Теодор уларга эътироз билдириб, «Бундай дейишга қандай журъат этдингиз. Туғри, ҳамма каби мен ҳам президент бўлишни орзу қиламан. Лекин

ҳали мен ўзимни бундай юксак лавозимни эгаллашга тайёр эмасман», дейди. Бу эса Рузвельтнинг теран фикрли, узоқни ўйлаб иш тутувчи, масъулиятли шахс эканидан далолатдир. Ушбу президентлик сайловида республикачи Мак-Кинли ғолиб чиқади ва Рузвельт ундан бирор вазифага тайинлашини илтимос қилганида, гарчи янги сайланган президент уни ёқтирмасда, АҚШ ҳарбий флотининг раҳбари этиб тайинлашга мажбур бўлади. Чунки ўша даврда бу вазифада Теодор Рузвельтнинг урнини босадиган бошқа муносиб номзод йўқлигини президент Мак-Кинли жуда яхши биларди. Бу орада АҚШ ва Испания ўртасида уруш бошланиб қолади. Шу ўринда мазкур урушнинг келиб чиқиш сабаблари тўғрисида қисқача сўз юритсак. Маълумки, XIX асрнинг охирларида АҚШ жаҳонда энг қудратли давлатга айланишга аҳд қилиб, дунёни ҳудудий жиҳатдан бўлиб олиб, уларга эгалик қилишга ва шу мақсадда Испания монархиясидан ҳам унинг мустамлакаларини тортиб олишга ҳаракат қилади. Испанияга қарашли Куба ороли Америка сармоядорларининг жуда ҳавасини келтирарди. Чунки АҚШ унинг иқтисодига анча маблағ сарфлаб қўйган эди. Шу боис АҚШ Испанияга қарши урушга тайёрлана бошлайди ва ўзининг бу мақсадига эришиш учун Кубадаги миллий озодлик кўзғолони ҳамда Испаниянинг бошқа мустамлакалари, масалан Филиппин оролларида европаликлар Испания ҳукмронлигига қарши олиб борилган курашлардан ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади. Кубадаги АҚШ фуқароларининг манфаатларини ҳимоя қилиш баҳонасида ушбу орол соҳилларига 1898 йил 15 февраль кечаси Америка ҳарбий кемаси юборилди. Ушбу ҳарбий кема Гавана кўлтиғида турган жойда портлаб кетади ва унда АҚШ ҳарбийларидан 268 нафар киши ҳалок бўлиб, 100 нафарга яқини ярадор бўлади. АҚШ ҳукумати юз берган бу ҳодисада испанларнинг қўли борлигини айтиб, 1898 йилнинг апрель ойида унга қарши уруш эълон қилади. Бу АҚШ томонидан дунёни бўлиб олиш учун бошланган биринчи уруш эди. Уруш атиги 3 ой давом этади ва Испаниянинг сулҳ тузиши билан тугайди. 1898 йилнинг охирида Парижда урушда қатнашган давлат вакиллари имзолаган шартномага асосан АҚШ Пуэрто-Рико оролларини оладиган, Кубани ҳам ўз тасарруфига киритадиган бўлди ва Испания билан улар ўртасида бирлашган резолюция қабул қилинади. Унга кўра, Гавая

ороллари АҚШ ҳудудининг бир қисми тариқасида қабул қилиниб, уларга нисбатан қўлланилган божлар бекор қилинади ва Гавай оролларидаги хитойларнинг АҚШга келиши таъқиқланади.

Урушдан сўнг мамлакат ички ҳаётида республикачиларнинг маъқеига путур ета бошлайди. Шунда кўпчилик сиёсий кучлар тажрибали сиёсатчи, уруш қаҳрамони Рузвельтга ишонч билдиришиб, уни Нью-Йорк шаҳри мэрилигига сайлашади. Мэр сифатида Теодор тезда ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий соҳада ислохотлар ўтказади. Хусусан, у солиқ ставкаларини камайтириб, тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиб беради. Бунинг натижаси ўлароқ, кишиларнинг Рузвельт бошлиқ республикачилар партиясига бўлган ишончи янада ортиб боради. 1900 йилги сайловда республикачилар Мак-Кинлини президентликка, Рузвельтни эса вице-президентликка тавсия этишади. Сайловда ҳар иккиси ҳам рақиблари (демократлар)ни мағлубиятга учратишади. Бироқ иккинчи муддатга сайланган Мак-Кинли 6 ойдан сўнг суиқасд қурбони бўлади (1901 йил 6 сентябр). Ўша кун и врачлар президентни кўздан кечиришиб, яшаб кетишига умид қилса бўлади, дейишади. Аммо саккиз кун хушсиз ётиб, ўзига келмаган Мак-Кинли лафот этади.

Конституцияга мувофиқ 42 ёшли вице-президент Теодор Рузвельт янги сайловлар ўтказилгунга қадар президентлик вазифасини бажаришга киришади. Шуниси қизиқки, Америка президентлари ичида фақат Теодор Рузвельтгина қасамёд маросимида «Мен» деган сўзни ишлатмаган. У ушбу маросимда марҳум президент Мак-Кинлининг сиёсатини давом эттириб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали ишсизликка барҳам беражagini ваъда қилади. Ана шу сиёсатнинг амалий натижаси ўлароқ, мамлакатда тез орада турли ишлаб чиқариш корхоналари, завод ва фабрикалар барпо этилиб, 140 минг нафарга яқин фуқаролар иш билан таъминланади. Ташқи сиёсатда Рузвельт АҚШ қуролли кучларини кучайтиришга, айниқса, катта ҳарбий денгиз флоти қуришга асосий эътиборни қаратади. Теодор Рузвельт АҚШ ҳукмрон доираларининг вакили сифатида фақат гарбий ярим шарда эмас, балки бутун дунёда АҚШнинг ҳукмрон бўлишини орзу қиларди. Шунингдек, президент Рузвельт мамлакатни ободонлаштириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор билан қарайди. Хусусан, унинг даврида ўрмонлар

учун 150 миллион гектар ер ажратилиб, 5 та миллий парк, 18 та хотира майдони ва 4 та йирик спорт иншоотлари барпо этилади. Шуниси эътиборлики, АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатга айланишида президент Рузвельтнинг қилган энг катта хизматларидан бири «Панама» канали қурилишида жонбозлик кўрсатганлигидир. Шу ўринда, «Панама» каналининг қурилиши тарихига қисқача тўхталсак.

АҚШ Гавая ва Филиппин ороларини ўз тасарруфига олгани ҳамда Тинч океани мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини кучайтиргани сабабли Тинч ва Атлантика океанларини бирлаштирувчи канал барпо этиш ғоясини илгари суради ва бу соҳадаги ташкилий ишларни бошлаб юборади. Маълумки, ушбу канал Колумбия ҳудудидан ўтиб, АҚШнинг бошқа мамлакатлар билан транспорт ва савдо алоқалари учун жуда қулай эди. «Панама» каналини қуришга киришган ва кейинчалик банкротга учраган Франция акциядорларининг барча акцияларини АҚШ компаниялари арзон-гаровга сотиб олишди ва шундан сўнг канал қуриш ҳамда ундан фойдаланиш ҳуқуқи АҚШга тўлиқ ўтади. Аммо Колумбия сенати АҚШнинг бундай талончилик ва зўравонлигига қаршилиқ қилади. Натижада 1903 йилнинг 3 ноябрида президент Рузвельт бошчилигидаги АҚШ ҳукумати Колумбияга қарши ҳарбий юриш бошлайди. Лекин, бунда урушмай таслим бўлган Колумбия ҳукумати Панамани мустақил давлат деб эълон қилишга мажбур бўлади. Шунда АҚШ Панаманинг мустақиллигини дарҳол тан олиб, канал қазиниш, темир йўллар қуриш бўйича зудлик билан икки томонлама шартнома имзолайди. Бунинг эвазига Панама йилига 250 минг доллар рента олиб турадиган бўлади. Канални қуриш учун АҚШ ҳукумати бюджетдан 380 миллион доллар ажратади, минг нафардан ортиқ ишчи кучи жалб қилинади. Ниҳоят, 10 йил деганда «Панама» канали тўла қурилиб, битказилади. Канал АҚШнинг Атлантика океани соҳилларидан Тинч океани соҳилларига борадиган денгиз йўлини анча қисқартириб, АҚШ учун стратегик ва иқтисодий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, АҚШнинг Лотин Американи ўз таъсирига олишга қаратилган «Панамерика» сиёсати АҚШ манфаатларига тўлиқ хизмат қилди. Лотин Америкаси мамлакатларини ўзига бўйсундириш ва бошқа кўплаб давлатларга қарши курашда АҚШ «Монро назарияси»га таяниб иш олиб

борадилар. Жумладан, ана шу назарияга асосланиб Президент Т.Рузвельт Латин Америкаси мамлакатлари билан Европа давлатлари ўртасидаги низоларни бартараф қилиш учун АҚШ бутун масъулиятни ўз зиммасига олиши ва Америка мамлакатларидан биронтасида тартибсизликлар келиб чиққан ҳамда шундай тартибсизликлар натижасида кутилмаган воқеалар юз берган тақдирда халқаро полиция ролини бажариш АҚШнинг бурчидир, дея таъкидлаган эди. Шу ўринда собиқ СССР билан Чили ўртасида 1974 йилдаги муносабатларга АҚШнинг бевосита аралашуви туфайли Сантьягода Луис Карвелан ҳукумати ағдариб ташланиб, Пиночет ҳокимият тепасига келгани эсга олинса, АҚШнинг «Монро назарияси»ни амалда қандай қўллагани маълум бўлади. Т.Рузвельт даврида мамлакатдаги сиёсий порахўрлик жиноятларига қарши «Прогрессивизм», яъни тараққийпарварлик деб аталган сиёсат олиб борилади. Ундан кўзланган асосий мақсад — жамиятни янада демократлаштириш, ижтимоий адолат, масъулиятли ҳокимият, тадбиркорлик соҳасида кучли тартиб ўрнатиш ва шу билан давлат ҳокимияти, хусусан ҳукуматга нисбатан халқнинг ишончини қайта тиклашдан иборат бўлган.

Шунингдек, Рузвельт ўзининг «Адолатли ёндашув» дастури орқали трестларга қарши қаратилган қонунларни тадбиқ этиш учун ҳукуматга кучли назорат ваколатини бериш сиёсатини ўтказиш бошлади. Табиий ресурсларини муҳофазалаш, хомашё қазиб олишнинг талон-тароғлик усулларига чек қўйиш ва чекка, ташландиқ ерларни ўзлаштириб, улардан халқ манфаати йўлида фойдаланиш президент Рузвельт даврининг асосий ютуқлари қаторидан ўрин олди. 1901 йилда Конгрессга йўллаган биринчи йиллик баёнотомасида Рузвельт табиатни муҳофаза қилиш, ерларни қайта ўзлаштириш ва ирригация соҳасига оид узоқни кўзловчи, кенг қамровли дастурлар қабул қилишга давлат этади. Олдинги президентлар 18 млн. 800 минг гектар ўрмон ерларини муҳофазага олган бўлса, Рузвельт уни 59 млн. 200 минг гектаргача кенгайтириб, ўрмонларда ёнғиннинг олдини олиш ва қирқилган дарахтлар ўрнига кўчат экиш билан уларни қайта тиклаш борасида мунтазам чора-тадбирларни бошлаб берди.

Хуллас, ана шундай сиёсат натижаси ўлароқ, айнан Теодор Рузвельт даврида Америка Қўшма Штатлари дунёдаги энг кучли

давлатга айланади. Халқ ишончини қозонган Рузвельт 1904 йилги сайловда икки миллион нафар сайловчининг овозини олиб, иккинчи тўлиқ муддатга президент этиб сайланади. Бу даврда энди мамлакат ички ҳаётида аста-секин айрим муаммолар юзага кела бошлайди. Бунинг асосий сабаби шуки, аҳолининг бир қисми четдан олиб келинаётган истеъмол товарларидан заҳарлана бошлаган ва шу туфайли айрим норозиликлар келиб чиққан эди. Президент Рузвельт бу кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун кескин чоралар кўради ва Конгрессга тегишли қонун лойиҳасини тақдим этади. Ушбу қонунга мувофиқ мамлакатга четдан алкоғолли ичимликлар олиб кириш ман этилади. Рузвельтнинг АҚШ Президенти сифатида амалга оширган яна бир катта хизмати Рус - Япон урушини тўхтатганлигидир. 1905 йилда президент ҳар икки томон вакилларини бир жойга туплаб, ўзаро музокара олиб боради ва натижада ушбу уруш улар учун оғир оқибатлар олиб келиши мумкинлиги тушунтирилиб,



Президентлик ваколатининг сўнги йиллари

ўртадаги низони тинч йўл билан ҳал этишга муваффақ бўлади. Айнан ана шу хизматлари эвазига Теодор Рузвельт Америка президентларидан биринчи бўлиб халқаро Нобель мукофоти соҳиби бўлади.

Шунинг учун ҳам у «Оқ уй»ни тарк этиш олдидан (1909 йил) «Президентлар ичида «Оқ уй»да яшаб, ундан менчалик чинакам баҳра олган инсон бўлмаса керак» дейди. Истеъфoga чиққач, хотини билан Африка бўйлаб саёҳатга йўл олади. 1912 йил 14 октябрь кунин Висконсин штатининг Милуоки шаҳрида Гилпатрик меҳмонхонаси ёнида Жон Шрэнк томонидан Рузвельт ҳаётига суиқасд амалга оширилди. Айнан шу кезларда у учинчи мuddатга президентиликка ўз номзодини илгари сураётган эди. Қаттиқ жароҳат олганига қарамай Рузвельт сайловчилар билан учрашади ва шундан сўнггина врачларга мурожаат қилади. У тез орада тузалиб кетади, аммо сайловда рақибига ютқазиб қўяди. Президентга ўк узган Жон Шрэнк суд томонидан руҳий касал деб топилди, руҳий касалхонага ётқизилади.

Шундан сўнг орадан бир қанча вақт ўтгач, Теодорнинг қулоғи ва кўзидан яра чиқиб, бир вақтнинг ўзида эшитиш ва қўриш қобилиятини йўқотади. Врачлар операция қилишиб, уни бу дарддан халос этишади. Аммо орадан кўп ўтмай, юрак хуружи оқибатида 1919 йилнинг 6 январь кунин Теодор Рузвельт тўсатдан вафот этади. Дафн маросими Нью-Йорк шаҳридаги «Ёшлар хотира майдони»да бўлиб ўтади. Унинг хотини Кермит хоним эса ундан кейин салкам 30 йил яшаб, 1948 йилда ҳаётдан кўз юмади.

Америка халқи президент Теодор Рузвельт хотирасига бағишлаб бир қатор ёдгорликлар барпо этган. Жумладан, АҚШ қуrollи кучлари тизимида муҳим аҳамиятга эга бўлган. АҚШнинг кейинги йиллардаги барча ҳарбий ҳаракатларини муваффақиятли якунланишида Океанда туриб ўз қатнашаётган ва жанговар самолётлар учиб қўнадиган «Теодор Рузвельт» ҳарбий кемаси (Авианосец) ҳам ана шу буюк инсон хотирасини эслатиб туради.



1857

William Taft

1930

УИЛЬЯМ ТАФТ

Америка Қушма Штатлари президентларининг кўпчилиги, аниқроқ айтганда, йигирма тўрт нафари ҳуқуқшунослар бўлишган. Аммо шундай туғма ҳуқуқшунослар ҳам бўлганки, улар ўз касбини бутун вужуди билан севиб, қадрлаган ва эъзозлаган. Ана шундайлардан бири узлуксиз йигирма йил судья лавозимида ишлаган, чинакам фидойи инсон Уильям Хоуард Тафтдир.

АҚШнинг Огайо штатида ҳаёт кечирган Алфонса ва Луиза Торрейларнинг иккинчи ўғли Уильям 1857 йилнинг 15 сентябрида ҳуқуқшунослар оиласида туғилади. Отаси Алфонса Тафт штатда обрўли ҳуқуқшунослардан бири бўлган. Оиладаги ички муҳит сабаб Уильямнинг ёшлиқдан ҳуқуқшунослик касбига бўлган қизиқиши кундан-кунга орта боради ва 13 ёшга тўлганда Огайодаги «Вудверд» номли ўрта мактабга ўқишга киради. Мактабни тамомлагач ҳуқуқшунослик йўналиши буйича Йел университетига қабул қилинади (1878 йил). Университетда ўқиш билан бирга юридик ташкилотларда ҳуқуқий маслаҳатчи бўлиб ишлайди. Уильямнинг ҳуқуқшунослик касбига қизиқиши шу қадар баланд эдики, у барча фанларни зўр иштиёқ билан ўзлаштириб, бир вақтнинг ўзида адвокатлик фаолияти билан ҳам шуғулланарди.

Олий маълумотли бўлгач, икки йил прокурор ёрдамчиси лавозимида ишлайди. 1882 йилда президент Честер Артур уни

солиқ идорасининг бошлиғи этиб тайинлайди. Аммо кўп ўтмай у бу ишни ташлаб кетади. Уильям Тафтнинг оиласига тўхталадиган бўлсак, у 1886 йилнинг 19 июнида ўзи сингари ажойиб ҳуқуқшунос Эллен исмли қизга уйланади. Эр-хотин Тафтлар уч нафар ўғилларни вояга етказишади. Уильям табиатан сиёсатни унча ёқтирмасди. Лекин, отасининг республикачилар партияси вакили экани уни қайсидир маънода сиёсат билан шуғулланишга мажбур этади. 1865 йилнинг эрта баҳорида Тафт Гамильтон округи судьяси этиб тайинланади, орадан икки йил ўтгач, у Огайо штати судьялигини қўлга киритади. 1892 йилга келиб у Цинцинатига қайтиб келади ва саккиз йилга яқин Қўшма Штатларнинг сайёр судида судьялик қилади. 1900 йилда мамлакатнинг янги раҳбари Мак-Кинли Тафтни Филиппиннинг биринчи губернатори этиб тайинлаш ҳақида фармон беради.



Президент Мак-Кинли ва губернатор Тафт

Губернатор сифатида Тафт Филиппинни ҳар жиҳатдан ривожлантиради, давлат идоралари, хусусан, суд тизимини қайта ислоҳ қилиб, соғлиқни сақлаш муассасалари ташкил этади. Шунингдек, кўпгина қишлоқ жойларида мактаб ва боғчалар қуриб, аҳолини, айниқса ёш авлодни саводли, касб-хунарли қилишга катта аҳамият беради. Энг муҳими, бу даврда Филиппин Тафт



Элен Херрон

раҳбарлигида ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ривожланади. Ана шу хизматлари туфайли халқ орасида обрўси ошган Уильямга Олий судга номзодини кўйишни таклиф қилишади. Чунки у ёшлигидан Олий суд судьяси бўлишни орзу қиларди. Бироқ, дўстларининг таклифига жавобан Тафт, «Йўқ, ҳали Филиппинда қиладиган ишларим кўп», деб айтди. Филиппинда амалга оширган таҳсинга сазовор ислоҳотлари билан Тафт президент Теодор Рузвельтнинг назарига тушади ва унинг илтимосига кўра пойтахт Вашингтонга қайтиб келади. Бу ерда уни президент Рузвельт юксак ҳурмат-эҳтиром билан қарши олиб, ўз муовини этиб тайинлайди. Дастлабки кунлардан бошлаб Уильям президент Рузвельтнинг ишончини қозона боради. Жумладан, «Панама» каналининг қурилиши ва Рус — Япон урушини тинч йўл билан ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшади. Шунда президент Рузвельт мақтаниб, «Ҳамма ишларимиз жойида. Чунки Уильям Тафтдек тажрибали кадрларимиз бор», дейди. Теодор Рузвельт ва Уильям Тафтларнинг феъл-атвори бошқа-бошқа бўлса-да, аммо оилавий ва сиёсий ҳаётда улар бир-бирларига жуда яқин эди. Рузвельт Тафтнинг оққўнғиллиги, вафодорлиги, садоқати ва ўткир ҳуқуқий зеҳнига қойил қоларди.

Тафт эса дўстликнинг қадрига етмаган ва ишончни суиистеъмол қилган кишиларни ҳеч қачон кечира олмас эди. 1908 йилда бўлиши кутилаётган навбатдаги президентлик сайловида

Рузвельт ўз номзодини қўймаслигини эълон қилади. Лекин шу билан бирга амалга оширилаётган ишларнинг давомчилиги сифатида шогирди Тафтнинг номзодини кўрсатиш гоёси билан чиқиб, унинг муваффақият қозонишига катта ёрдам беради. Бошида Уильям президентнинг таклифига рози бўлмагандек кўринади. Сабабини сўрашганда у «Мен



Сайловда ташвиқотлар

президент эмас, Олий суд судьяси бўлиш учун тугилганман. Бу — менинг бир умрлик орзуимдир», дея жавоб қайтаради. Онаси Луиза хоним ҳам ўглининг бу фикрини маъқуллаб, «Ўғлимнинг президент бўлишини истамайман. Чунки у отаси каби ҳар жиҳатдан эл севган судья бўлишга лойиқдир», дейди. Бироқ шунга қарамасдан хотини ва жиянининг қистови билан Тафт президентликка ўз номзодини қўйишга рози бўлади. Сайловда Рузвельтнинг бегараз ёрдами туфайли Уильям Тафт демократлар устидан ғалаба қозонади. Чунки Америка халқи фидойи фарзанди Теодор Рузвельтга қаттиқ ишонарди.

Ниҳоят, қасамёд маросими куни ҳам етиб келади. Амалда ўз вазифасини бажаришга киришаётган президент Тафт қасамёдни умуман бошқача ҳолатда, шу пайтгача президентлар тарихида бўлмаган тарзда қабул қилади. Гап шундаки, ўша дақиқаларда Тафт қўлга киритган ғалабасидан яна бир бор хурсанд бўлиш ўрнига, жуда ғамгин ва хафа эди. Маросим қатнашчиларига қараб: «Мен жаноб Рузвельт сингари президент бўлолмасам керак. Чунки менинг йўлим, мақсадим бошқадир», дейди. Шу дақиқаларда унинг вужудини қандайдир қўрқув ва асоссиз шубҳалар қамраб олганга ўхшарди. Эҳтимол, бунга ҳаяжон ва прези-

дент сифатида олдида турган чексиз масъулият сабаб булгандир. Йўқ, ундай эмас. Тўғрироғи, Уильям ақлини танибдики, фақат олдидаги ягона бир мақсад, у ҳам бўлса Олий суд судьяси бўлиш сари бутун вужуди билан интилар, президентлик эса унинг бу азалий орзусининг амалга ошишига тўсқинлик қиладиганга ўхшарди. Уильям Тафтнинг ҳуқуқшунослик касбини бу қадар виждонан севгани ва уни бошқа касблардан устун қўйганига ҳайратда қолмай иложимиз йўқ. Шундай бўлса-да, президентлик ваколатини бажаришга киришган Тафт бошқалар сингари асосий эътиборни мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига қаратади. Хусусан, у иқтисодиётни ривожлантиришда собиқ президент Рузвельтнинг сиёсатини қўллаб-қувватлаб, бир қатор иқтисодий ислохотлар ўтказди, тадбиркорлар ҳамда хусусий мулк эгаларига кенг имкониятлар яратиб, мамлакатда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайишига эришди. Энг муҳими, Тафт даврида АҚШда ҳам, жаҳон миқёсида ҳам тинчлик, осойишталик ва барқарорлик ҳукм сурди. Тафт трестлар ҳукмронлигини чегаралашни давом эттириб, штатлараро тижорат комиссиясининг ваколатларини янада кучайтирди, почта жамғарма банки ва почта жўнатмалари тизими (почта хизмати)ни таъсис этди, фуқаро хизмати доирасини кенгайтирди ва Конституцияга иккита қўшимча киритиш ташаббускори бўлди. Конституцияга киритилган 16-қўшимча билан федерал даромад солиғи жорий қилинган бўлса, 1913 йилда киритилган 17-қўшимчага асосан шу пайтгача амалда бўлган АҚШ сенаторларини штат қонун чиқарувчи идоралари томонидан тайинлаш тартиби бекор қилинади, яъни сенаторлар ҳам бевосита халқ томонидан сайланадиган бўлишди.

Шунингдек, президент Тафт почта алоқаларини яхшилаш, темир йўл компаниялари устидан давлат назоратини кенгайтириш ва меҳнатга яраша ҳақ тўлаш каби ижобий ўзгаришларни ҳам амалга оширди. Шуниси эътиборлики, унинг президентлиги даврида спортга ҳам эътибор кучайиб, Америка тарихида баскетбол бўйича илк маротаба миллий чемпионат айнан Уильям Тафт томонидан тантанали равишда очиб берилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, АҚШ халқи президент Тафтдан устози Рузвельтнинг барча соҳадаги сиёсатини қўллаб-қувватлаб, уларни давом эттиришини кутган эди. Лекин у бундай қилмайди. Сайланганидан сўнг кўп ўтмай, аста-секин Рузвельтга

тегишли одамларни пазифа ва ҳокимиятдан четлатиб, уларнинг ўрнига ўз яқинларини олиб кела бошлайди. Унинг Рузвельт билан келишмовчиликнинг биринчи сабаби ҳам маъмуриятнинг янги таркиби бўлди. Қисқаси, бора-бора амалдаги ва собиқ президентлар, яъни устоз ва шогирд ўртасида бир-бирига нисбатан душманлик ва адоват келиб чиқиб, уларнинг муносабатлари бузилади. Президент Тафт ташқи давлатларга нисбатан эса «доллар дипломатияси» сиёсатини қўллайди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади миллий валюта, яъни долларнинг қадрини ошириш ва у билан дунё бозорини эгаллаб, мамлакат иқтисодитини янада кўтариш эди.

1912 йилда бўлган навбатдаги сайловда республикачилар президентликка яна Теодор Рузвельт ва Уильям Тафтни, демократлар эса Вудро Вилсон номзодларини кўрсатишади. Сайлов натижасига кура Вилсон ғалаба қозонади ва 1913 йилнинг мартада Тафт «Оқ уй» билан хайрлашади. Тафт президентлик ваколатини янги сайланган Вилсонга топширар экан, унинг қўлини қисиб ва унга кулимсираб қараб, хурсандчилик билан «Мен энди бахтиёрман, жуда бахтиёрман», дейди. Шундан кейин Уильям Йел университети ректори, АҚШ ҳуқуқшунослар Ассоциациясининг раиси ва Меҳнат ишлари вазири каби юксак лавозимларда ишлайди. Бундан ташқари, тинимсиз ижод билан шуғулланиб, «Халқ ҳокимияти — унинг моҳияти, барқарорлиги ва хавфсизлиги», «Қонун ва олий суд трестларга қарши», «Бизнинг бош судьямиз» сингари бир қатор ижтимоий-сиёсий мавзуларда китоблар чоп эттиради.

Ниҳоят, 1921 йил Тафтининг бутун умр орзу қилган дамлари етиб келади, яъни шу йили у Олий суд судьяси этиб сайланади. Ўшанда Тафт хурсанд бўлиб, «Бу менинг бутун умрим давомида эришган энг катта ютуғимдир», дейди. Судья Тафт доимо бир сўзни, яъни «Адолат — бу ҳаётим мазмуни», дейишни яхши кўрар ва тез-тез такрорлаб турарди. Шуниси эътиборлики, тиниб-тинчимас Тафт кексайганда ҳам уйдан судгача бўлган 5 километрлик масофани ҳар куни пиёда босиб ўтарди. Орадан 9 йил утгач, соғлиғи ёмонлашгани боис Тафт судьяликдан истеъфога чиқади ва 1930 йилнинг 8 мартада ҳаёт билан видолашади. Дафн маросими Вашингтондаги машҳур «Арлингтон» миллий қабристонига бўлади. Шуниси қизиқки, Америка президентларидан ҳозиргача фақат икки киши, яъни

Уильям Тафт ва Жон Кеннеди ана шу қабристонга дафн этилган. Бу қабристон пойтахтнинг энг кўркам жойида жойлашгани ва унга мамлакатнинг жуда обрўли, нуфузли ва халқ ҳурматига сазовор бўлган кишиларнинг дафн этилишининг узи ҳам Америка халқининг бу икки буюк фарзандларига бўлган алоҳида ҳурмат-эътиборининг ифодасидир.

АҚШнинг йигирма тўртинчи президенти Уильям Тафтнинг машаққатли ҳаёт йўлини ўрганиб, шундай хулосага келдикки, инсон ўз мақсади йўлида ўқиб-ўрганиб, тинмай ҳаракат ва меҳнат қилсагина унга эришиш мумкин экан. Зеро, буюк мақсад тинимсиз меҳнат, ҳаракат ва изланиш мевасидир.





1856

Woodrow Wilson

1924

ВУДРО ВИЛСОН

Америка халқининг оғир кунларида раҳбарлик қилган ва ана шу меҳнатлари эвазига АҚШ президентлари орасидан иккинчи бўлиб (биринчиси Теодор Рузвельт эди) Нобель мукофотиغا сазовор булган давлат бошлиғи Томас Вудро Вилсондир.

Вудро Вилсон 1856 йилнинг 29 декабрида Стаунтан шаҳарчасида диндорлар оиласида туғилади. У Жозеф Руглес ва Жанет Вудроларнинг учинчи фарзанди эди. Унинг отаси Жозеф ёшлигида Огайо штатида вояга етиб, вазир лавозимида ишлайди, онаси эса англиялик бўлиб, тўрт нафар фарзандлари тарбияси билан машғул булган. У икки ёшга тўлганда хизмат юзасидан Вудролар оиласи Огасто (МЭН штати)га кўчиб кетишга мажбур бўлишди. Вилсон ёшлик чоғидан диний муҳитда камол топгани сабаб дастлаб ўқишдан кўра динга кўпроқ эътибор берарди. Вудро Вилсоннинг болалиги фуқаролар уруши даврига тўғри келади. Шу боисдан 9 ёшгача мактабга бора олмайди. Чунки уруш оқибатида кўпгина таълим муассасалари вайронага айланган, баъзилари эса вақтинча ёпиб қўйилган эди. Лекин шунга қарамасдан, отаси уни уйда тарбиялайди. Дам олиш кунлари эса отаси билан далага, пахта майдонларига чиқарди. Уйга қайтгач ота-бола кўрган-билганлари ҳақида бир-бирлари билан савол-жавоб қилишарди. Бу эса ёш Вилсонга ҳаётни ўрганиш, мустақил фикрлашга катта ёрдам берарди. 1870 йилда

17 ёшли Вилсон уруш оқибатида вайронага айланган Нью-Йоркдаги «Девидсон» номли коллежга ўқишга киради.

Аmmo шу йили оила бошлиғи Жозеф Вудро хизмат юзасидан бошқа жойга кўчиб кетади. Бир томондан ўқиши тугамагани, иккинчи томондан Принстон университетига (ҳозирги Нью Жерси коллежи) кирмоқчи бўлгани боис Вилсон онаси билан кетмайди. 1875 йилнинг сентябрида Вилсон Принстон университети талабалигига қабул қилинади. Ўқиши давомида у турли хил



Талабалар ишлари

музокараларда чиқини қилиб, профессор-ўқитувчилар ва талабалар орасида ажойиб нотик талаба сифатида ном қозонади. Шунингдек, у университет газетасининг бош муҳаррири ҳам бўлади. Принстонни қизил диплом билан тугатган Вилсон энди юридик соҳани ўрганиш ниятида Виржиния ҳуқуқ мактабига ўқишга киради. Бироқ, соғлиги тўғри келмагани сабаб мактабни ташлаб кетишга мажбур бўлади.

Кейинчалик у Коннектикут штатидаги Веслейн университетининг тарих, сиёсат ва иқтисод йўналишлари бўйича профессорлик унвонини олади. Шу билан бирга футболга, спортга қизиққани боис талабалар ўртасида махсус терма жамоа ташкил этади. У шогирдларига қараб, «Ўйинни бошлашдан аввал фақат галаба учун деб майдонга кириб келинг», дея руҳий далда берарди. Университетда ишлаган кезлари Вилсон «Ҳуқумат» номли иккинчи сиёсий китобини ҳам ёзиб тугатади.

Вудро Вилсон асосан икки йўналиши бўйича халқ назарига тушиб, юксак мавқеига эга бўлган:

- 1) Ўқитувчи, олим ва университет ректори сифатида;

2) Кучли сиёсатчи сифатида.

Шуниси эътиборлики, Америка президенти орасида умрини илм-маърифатга бағишлаган шахс Вудро Вилсон бўлиб, бу ҳам АҚШ президенти ҳаётининг алоҳида, ўзига хос бир жиҳатидир. Принстон университети раҳбарияти 1890 йилда Вилсонни чақириб олади ва у бу ерда узлуксиз 12 йил иқтисод, сиёсат ва ҳуқуқ фанларидан талабаларга дарс беради. 1902 йилнинг 9 июнида эса Вудро Вилсон Принстон университетининг ректори этиб тайинланади. Ректор сифатида у ўзи яратган «Устозлик тизими» дастури орқали университетда кўплаб ижобий ислохотларни амалга оширади. Вилсоннинг ушбу дастурига мувофиқ, ҳар бир талабага махсус ўқитувчилар тайинланиб, уларнинг билим олиши учун барча қулай шароитлар яратилди. Энг асосийси, Вилсон камбағалнинг ҳам, бойнинг ҳам университетда бир хилда билим олишини амалда таъминлади.

Принстон университетининг ректори лавозимида 10 йилга яқин ишлаган Вудронинг номзодини демократчилар Нью-Жерси шаҳри мэригига кўрсатишади. Хўш, нима учун айнан Вилсоннинг номзоди тавсия этилади? Сабаби шуки, бу даврда демократик кучларнинг мавқеи ижтимоий ҳаётда пасайиб кетган эди. Бу мавқени тиклаш фақат Вилсондек қобилиятли, ўқимишли, тажрибали кишиларнинг қўлидан келар, қолаверса, халқ ҳам унга эргашарди. Мэр сифатида у мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига оид бир қанча қонунларни таклиф этиб, Конгрессга чиқади. Жумладан, таълим тизимини ислох қилиш, сайлов қонунларига ўзгартириш, қўшимчалар киритиш ва бошқалар. Вудро Вилсоннинг Нью-Жерсида амалга оширган ишлари унинг номзодини президентликка қўйишга замин яратди десак, хато бўлмайди. Демократчиларнинг сайлов олди биринчи миллий мажлиси Миссуридаги Балтимор шаҳарчасида бўлади. Мажлисида президентликка номзод қилиб республикачилардан Теодор Рузвельт ва Уильям Тафт, демократчилардан эса Принстон университетининг ректори, тарих ва ҳуқуқ профессори Вудро Вилсонлар кўрсатилади. Албатта, Рузвельт ва Тафт сингари мартабали шахслар турганда Вилсон учун ушбу сайловда ғолиб чиқиш амримаҳол эди. Лекин кутилмаганда республикачилар партияси ичидаги келишмовчиликлар демократ Вилсоннинг сайловда ғалаба қозонишига ёрдам берди (1912 йил).



Вилсонлар оиласи

1913 йилнинг 4 мартида қасамёд маросимида Вилсон собиқ президент Тафт билан отда сайр қилади ва келажакда амалга оширадиган ишлар тўғрисида у билан маслаҳатлашиб олади. Президент Вилсон ўзининг фаолиятини янги қонунлар қабул қилиш билан бошлайди. Хусусан, биринчи жаҳон уруши арафасида божхона тарифлари ва заҳира банкларининг федерал тизими тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниб, бу соҳалар бўйича бир қатор янгиликлар жорий этилади. Шуниси аҳамиятлики, Вилсоннинг президентлик даврини тарихчилар Америкада «эскиликдан янгиликка ўтиш» даври дейишади. Чунки бу пайтга келиб мамлакатда кўп соҳалар бўйича янги қонунлар қабул қилиниб, замонавий ишлаб чиқариш технологиялари жорий этилди, меҳнатга муносабат ўзгарди. Халқ манфаати йўлида амалга ошириладиган бу ижобий ишларнинг ташаббускори президент Вилсон эди. У бу соҳадаги ишни тариф нархларни

қайта кўриб чиқишдан бошлади. «Тариф солиқларини ўзгартириш лозим. Айрим фуқароларга баъзи имтиёзга йўл очиб берувчи ҳар қандай қонидани ман этишимиз керак», дейди президент ўз нутқларидан бирида. 1913 йил 3 октябрда имзоланган Андер - Вуд тарифи мамлакатга олиб кириладиган хомашё ва озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан пахта, жун, темир ва пўлат импортига тариф солиқларини сезиларли даражада пасайтириб, шуларга ўхшаш халқ эҳтиёжи учун жуда зарур бўлган юздан ортиқ номдаги товарларни мамлакатга бож тўловларисиз олиб киришга рухсат берилди. Шунингдек, президент Вилсон банк, пул муомаласи ва молия соҳаси бўйича ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар қилди. Бу масалалар бўйича у ўз фикрини шундай баён қилади: «Назорат (молия ва банк соҳасида) хусусий бўлмасдан, албатта давлат томонидан амалга оширилиши ва унинг натижаси ҳукумат қўлига топширилиши керак. Шундагина молия ва банклар бизнес ёхуд шахсий ишбилармонлик билан шуғулланмасдан, ўзларини шу соҳанинг хўжайинлари деб эмас, балки оддий бир воситачи деб ҳис қилишлари мумкин». 1913 йилнинг 23 декабрида қабул қилинган «Федерал заҳира банклар тўғрисида»ги қонун банк соҳасида Вилсон даврида қабул қилинган энг барқарор ҳуқуқий ҳужжатлардан бири эди. Унга мувофиқ мавжуд банк тизими янгилашиб, мамлакатни шартли равишда 12 ҳудудий туманга бўлиб, уларнинг ҳар бирида Федерал заҳира банки ташкил этилиб, улар Федерал заҳира бошқармаси томонидан назорат қилинадиган бўлди. Мазкур банкларга нақд пул билан ишлатиш ваколати берилиб, уларнинг маблағи тизимга кирувчи банклар пуллари йиғиндисидан иборат бўлиши белгилаб қўйилган. Бу билан мамлакатда шу пайтгача нақд пул муомаласида хусусий банклар томонидан йўл қўйилаётган тартибсизликларга барҳам берилиб, халқнинг банк ва давлатга нисбатан ишончи ортди. Чунки мамлакатда пул-товар айирбошлашнинг расмий воситаси олтин бўлса-да, аксарият қарзлар ва тўловлар олтин билан эмас, балки қоғоз банкнотлар орқали амалга ошириларди.

Кейинги пайтларда ана шу банк қоғозларига банкнинг ишончи камайиб, уларда мазкур банкнотлар ҳақиқатдан ҳам олтин билан кафолатланганига шубҳалар пайдо бўлиб, натижада жамиятда беқарорлик ва саросималик келиб чиқа бошлади. Федерал заҳира банклари тўғрисидаги қонуннинг қабул

қилиниши билан мамлакатда пул таъминоти тартибга солиниб, бизнес талабларига тўла мос келувчи федерал заҳира банкнотлари чиқарилди ва шу билан халқ ўртасидаги саросималикка чек қўйилди. Президент Вилсон томонидан амалга оширилган яна бир муҳим масала — трестлар фаолиятини тартибга солиш ва корпорациялар йўл қўяётган суиистеъмолчиликларга барҳам бериш бўлди. Шунингдек, президент назаридан шаҳар ва қишлоқларнинг оддий фуқаролари, фермер ва ишчилар манфаатлари ҳам четда қолмади. Федерал қарз (кредит) тўғрисида қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ фермер ва деҳқонларга жуда паст фоизларда қарз (кредит) бериш тартиби жорий қилинди. 1916 йилда қабул қилинган федерал ходимларга бадал тўлаш ҳақидаги қонунга мувофиқ иш жойида жароҳатланган ишчи ва ёлланма ходимларга меҳнатга қобилиятсизлик нафақаларини тўлаш тартиби тасдиқланди. Ҳана йили қабул қилинган «Адамсон қонуни»га мувофиқ АҚШда биринчи бўлиб темир йўл ишчиларига 8 соатлик иш куни жорий қилинди. Президент Вилсон ҳам ўзидан олдинги президентлар каби АҚШнинг дунёга ягона ҳукмрон бўлишини орзу қиларди. Шу сабабли ўз мурожаатларининг бирида «Янги давр арафасида турибмиз, бу даврда биз америкаликлар бутун дунёни бошқаришимиз керак», деган эди. Биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Вилсоннинг оилавий ҳаётида бахтсизлик юз беради. Гап шундаки, хотини оғир касалликдан сўнг жон таслим қилади. Орадан бир йил ўтгач, Вилсон вашингтонлик заргар Эдит Голт исмли бева аёл билан оилавий ҳаётини қайта бошлайди.

1914 йилда биринчи жаҳон урушининг бошланиши барча давлатлар сингари АҚШни ҳам хавотирга соларди. Ҳанада кўпчилик америкаликлар «Келинг, урушдан йироқ бўлайлик», шиори билан чиқишади. Хўш, кўпчиликнинг ҳаётига зомин бўлган биринчи жаҳон урушининг келиб чиқишига нима сабаб бўлган эди? Бунга биринчидан, Европа давлатларининг икки ҳарбий сиёсий гуруҳи — Антанта (Буюк Британия, Франция ва Россия) ва учлар иттифоқи (Германия, Австра, Венгрия, Италия) ўртасида дунёни қайтадан бўлиб олишга интилиш; иккинчидан, жаҳон бозорида таъсир доираларини қайтадан бўлиш, янги ҳудудларни забт этиш учун кураш сабаб бўлган эди. Ўз халқининг тинч-тотувлигини ўйлаган президент Вилсон дастлаб бу урушда бетараф бўлиб туради. Шу орада Германия



Турталик

қушинлари 128 нафар америкаликни ваҳшиёна ўлдиришади. Шунда ҳам Вилсон ўзини урушдан тийиб туриб, немислар билан музокара олиб боришга интилади. Президентнинг бундай ҳаракати, аниқроғи ҳаракатсизлигини кузатиб турган айрим сиёсий кучлар уни қўрқоқликда ҳам айблашади.

1916 йил мамлакатда навбатдаги президентлик сайловлари ўтказилади. Сайловчилар «Тинчликсевар Вилсон бизни урушдан эсон-омон сақлаб келмоқда», дея унга овоз беришади. Иккинчи томондан уруш хавф солиб турган бир пайтда давлат раҳбарини алмаштириш ҳам унчалик тўғри бўлмас эди. Орадан кўп ўтмай, яъни 1917 йилда Германия ҳарбийлари америкаликларни урушда иштирок этишга мажбур қилади. Шунда АҚШ ҳукумати Герма-

нияга қарши уруш бошлади. Олти йилга яқин давом этан уруш Версаль шартномасини тузиш билан якунланади. 1919 йил январ ойида Париждаги Версаль саройида Антанта иттифоқига кирган ғолиб мамлакатлар вакиллари урушга якун ясаш ва тинчлик шартномасини имзолаш учун йиғилишади. Ушбу Конференция ишида дунёнинг 27 мамлакатидан минг нафардан ортиқ делегатлар иштирок этишади. Аммо амалда барча асосий масалалар беш давлат томонидан ҳал этилади. Булар: АҚШ (Вудро Вилсон), Англия (бош вазир Дэвид Ллойд-Жор), Франция (бош вазир Жорж Клемансо), Италия (бош вазир Витторио Орландо) ва Япония (барон Макино) эди. Мазкур конференция бир йил давом этади. (1919 йил 18 январдан 1920 йил 21 январгача). 1919 йилнинг 28 июнидан Версаль саройининг Ойнали залида Германия билан тинчлик шартномаси имзоланади.

Германия ва унинг иттифоқчилари уруш айбдорлари деб эълон қилинди. Германиядан дунёдаги энг бой темир конларига эга бўлган Эльзас-Лотарингия ажратиб олиниб, Францияга берилади. Германиянинг Рейн дарёсидан ғарбдаги ҳудуди Франция четараларигача, шарқда 50 километргача ҳарбийлардан холи зонага айлантрилиши, Рейн дарёсининг ғарбий қирғоғида 15 йил мобайнида иттифоқчиларнинг қўшинлари туриши зарур деб белгиланади. Германиянинг Африкадаги мустамлакалари Англия, Франция ва Белгия ўртасида тақсимланди. Бундан ташқари, Англия ва Франция Таго ҳамда Камерунни, Англия Танганьикани, Бельгия эса Луанда Урунди ва Намибияни эгаллашга келишилади. Президент Вудро Вилсоннинг ушбу тинчлик шартномасидаги энг катта хизмати Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўша пайтдаги «уқаси» Миллатлар Лигасини ташкил этиш ғояси билан чиққани бўлди. Миллатлар Лигаси (1919 - 1946 й.) — халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлигини амалга оширувчи халқаро ташкилот сифатида ташкил этилиб, унинг низоми 44 мамлакат томонидан имзоланади. Миллатлар Лигаси биргаликда халқаро сиёсат олиб бориш ва умумманфаат йўлида, айниқса, уруш хавфи туғилганда маслаҳатлашишга рози бўлган мустақил давлатларнинг умумий ташкилоти сифатида фаолият юртиши режалаштирилган эди. Шунингдек, Миллатлар Лигаси конвенциясида унинг аъзолари зиммасига «Барча аъзоларнинг ҳудудий яхлитлиги ва дахлсизлигини ҳурмат қилиш ҳамда асраш» юклатилган эди. Аммо кейинги

воқеалар шуни кўрсатадики, кўпчилик унинг Низомида кўрсатилган шартларни бажаришга жиддий киришмайди. Боз устига, Германия ва Россиянинг ушбу Лигадан чиқариб юборилиши мазкур халқаро ташкилотнинг нуфузини пасайтириб, унинг фаолиятини фақат мунозара ва музокаралар билангина чеклаиб қоладиган йигинга айлантириб қўйди. Бир сўз билан айтганда, Миллатлар Лигаси тинчлик ва фаровонликни соғинган дунё аҳлининг «нажот қалъаси»га айланмади ва охир-оқибат ўз ўрнини бошқа халқаро ташкилотга бўлиштириб беришга мажбур бўлди. Гарчи Миллатлар Лигаси халқ ишончини оқламаган бўлса-да, унинг асосчиларидан бири Вудро Вилсон миллатлар ишончи ва ҳурмат-эътиборини қозона олди. Шунинг учун ҳам унинг дунё халқларининг тинчлиги ва осойишталиги йулида қилган катта хизматлари халқаро Нобель мукофоти билан тақдирланди.

Давлат бошлиқлигининг иккинчи муддати охириги йилларида президент Вилсон негадир баланд жойларда, яъни уй айвони, минораларда туриб, халққа қарата нутқ сўзлашни одат қилиб олади. Ана шундай чиқишларнинг бирида эҳтиётсизлик туфайли минорадан қалқиб кетиб, оғир жароҳат олади ва натижада оёқ-қўллари ишламай, шол бўлиб қолади. Шундай бўлса-да, истеъфога чиқишни хоҳламайди.

1921 йил президентлик ваколат муддати тугагач, Вилсон «Оқ уй»ни тарк этади ва шундан кейин ҳам уч йил Вашингтонда яшайди. Вудро Вилсон 1924 йил нинг февралида эрталаб уйқудан уйғонмайди ва яқинлари қарашса, собиқ президент ҳеч кимга ҳеч нарса демасдан абадий уйқуга кетган экан. Фалсафа ва ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор, машҳур давлат арбоби Вудро Вилсон пойтахт Вашингтондаги «Сатедрал» қабристонида дафн этилган ягона президентдир.



1865

Warren Harding

1923

УОРРЕН ГАРДИНГ

Президент Вилсоннинг ваколат муддати тугатиш билан мамлакат ички ҳаётида демократларнинг мавқеига путур етиб, сайловда республикачилар партияси устунликка эришади ва уларнинг вакилларидан бири Уоррен Гардинг муваффақият қозонади. Лекин кўпчилик уни ҳозиргача Америка тарихидаги энг фақир президентлардан бири сифатида эслашади.

Асли келиб чиқиши англиялик булган Жорж Трион ва Фиоба Гардингларнинг энг катта фарзанди Уоррен 1865 йилнинг 2 ноябрида Огайо штатида туғилади. Отаси Жорж асосан деҳқончилик орқасидан рўзғор тебратар, аҳён-аҳёнда эса табиблик ҳам қиларди.

Онаси Фиоба хоним уй юмушлари ва саккиз фарзанд тарбияси билан шуғулланарди. Дастлаб Уоррен Корсика ва Калидониядаги ўрта мактабларда таҳсил олади. У мактабда ижод билан ҳам шуғуллангани учун ҳафталик мактаб газетасининг бош муҳаррири этиб тайинланади. Уорреннинг ёшлик ва ўсмирлик йиллари асосан газета, журналлар нашр этиш билан ўтади ва ўрта мактабни тугатгач, у Огайо марказий коллежига ўқишга қабул қилинади. Бу ерда ҳам ижодий ишларини давом эттириб, коллеж газетасини таъсис этади.

Хуллас, Уоррен Гардинг ажойиб, фидойи журналист сифатида аҳоли ўртасида ҳурмат қозонади. 1882 йилда ўқишни тамом-

лагач, Уоррен малака имтиҳонини топшириб, мактабда дарс бера бошлайди. Уоррен ўқитувчилик жараёнида ўқувчи-талабалар билан очиқ мулоқот олиб борар, бу эса талабанинг эркин фикрлашига катта ёрдам берарди. Шунингдек, у бир вақтнинг ўзида юридик фанларни ҳам ўзлаштиришга киришди. Бироқ кейинчалик Уоррен «Мен билган энг машаққатли ва масъулиятли касблардан бири ўқитувчилик экан», дея ўқитувчиликни ташлаб, узил-кесил журналистика соҳасини танлайди. Оддий мухбирликдан иш бошлаган Уоррени орадан кўп ўтмай, яъни 1884 йилдаги прези-



Флорис Кинг ҳошим

дентлик сайловида республикачи Жеймс Блейннинг номзодини қўллаб-қувватлагани учун газетадан ҳайдаб юборишади. Шундан сўнг Уоррен «Маршон стар» газетаси таҳририятида фаолият юритади. Гардингнинг оилавий ҳаёти ҳақида гапирадиган бўлсак, у 1891 йилда бир банкирнинг Флорис Кинг исмли эридан ажралган қизи билан турмуш қуради. Хотини Уорренни «Дагтис» деб чақиришни яхши кўрарди. Эр-хотин иноқ ва бахтли ҳаёт кечиршиб, биргаликда мақолалар таҳрир қилар, газетада янги-янги руқналар очишарди. Бироқ бахтга қарши Гардингларнинг бирорта ҳам фарзанди бўлмайди ва бундан эр-хотинлар жуда афсусланишади. Уоррен Гардингнинг сиёсий ҳаётга кириб келиши, энг аввало, ажойиб журналист ва истеъдодли нотик сифатида ҳурмат-эътибор қозониши билан боғлиқ. Чунки Гардинг ўзининг танқидий мақолалари, мазмунли нутқлари ва шунга ўхшаш чиқишлари билан кўпчилиكنинг назарига тушиб улгурган эди. Бунинг натижаси ўлароқ, у дастлаб сенатор, кейинчалик мэр лавозимларида ишлайди. Сиёсатда муваффақият

қозонишида эса дўсти Гаррининг хизматлари катта бўлган. 1912 йилдаги сайловда Уоррен президент Тафтнинг ишончли вакили этиб тайинланади. Сайловолди ташьяқотлар жараёнида ажойиб нотик Уоррен Гардинг ўзининг оташин чиқишлари ва нутқлари, қатъий фикрлари билан сайловчиларнинг меҳрини қозониб, халқни ўз изидан эргаштиришга муваффақ бўлади. Дўсти Гарри Дофер ва хотинининг тинимсиз қистовлари билан Уоррен сенатга номзодини қўйиб, сенаторликка сайланади. У сенаторлик ишига қизиқмагани ва бу вазифага тасодифан келгани туфайли олти йил давомида қонунчилик фаолияти билан шуғулланиш ўрнига кўпинча дўстлари билан балиқ овига чиқиб, дам олишни афзал кўрар ва ўзининг асосий вақтини бекорчилик ва ишга алоқаси бўлмаган беҳуда масалаларга сарф қилиш билан ўтказарди. Шундай бўлса-да, 1919 йилнинг охирларида АҚШ оммавий ахборот воситаларида «Гардинг — президентликка даъвогарлардан бири», деган мазмунда бир неча мақолалар чоп этилади. Бундан ҳайрон бўлган ва бундай гапларни ўзи ҳам олдин эшитмаган Гардинг «Сенатда мендан бошқа одам қуриб қолдими», дея жавоб қайтаради. Лекин кейинчалик бир неча дўстларининг қистови билан ўз номзодини президентликка кўрсатишга рози бўлади. 1920 йилда Чикагода республикачиларнинг президентлик сайловига бағишланган миллий мажлиси бўлиб ўтади. Йиғилишда кўпчилик овоз билан Уоррен Гардингни номзоди президентликка тақдим этилади. Демократлар эса президентликка Жеймс Кока, вице-президентликка Франклин Рузвельтнинг номзодларини кўрсатишади.

Шуниси эътиборлики, бу сайлов ўзининг янги демократик қоида-мазмуни билан олдингилардан тубдан фарқ қиларди. Чунки ана шу сайлов арафасида мамлакатда сайлов тўғрисида янги қонун амалга киритилиб, унга биноан эндиликда аёллар ҳам эркаклар сингари келиб чиқиши, ижтимоий-сиёсий мавқеи ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга бўлган эди. Сайловда Уоррен ўзининг «Яхши яшаш» номи дастури орқали ғалаба қозонади. Бошқа томондан қайсидир маънода унинг ғалабасига демократик кучлар мавқеининг пасайиб кетгани ҳам ёрдам беради. Мутахассисларнинг фикрича, ушбу сайловда республикачилар кучлилик қилиб, голиб чиққан эмас, аксинча демократлар жуда бўш бўлгани сабабли ютқазишган. Уоррен Гардинг президентлик қилган давр Америка иқтисо-

диётининг энг гуллаб-яшнаган даврларига тўғри келди. Шунинг учун ҳам президент ҳеч қийинчиликсиз тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, қушимча фойда солиғи ва нархнаво устидан назоратни бекор қилди ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб берди.

Бироқ Уоррен Гардинг оилада ҳам, сиёсатда ҳам омади чопмайдиган, жуда кўнгилчан, бировларга озор бермайдиган, буш ва ношуд киши эди. Энг ачинарлиси, президент сифатида уз олдига қўйган мақсадларга эриша олмайди ва бунинг учун қатъий чоралар ҳам кўрмайди. Айтишларича, унинг «боши»га дўстлари етишади, яъни яқин дўст ва биродарларининг ўта виждонсизлиги, нопоклиги ва порахўрлиги сабабли мамлакатда президент ва унинг «командаси»га нисбатан норозилик кучайиб кетади. Боз устига, Уорреннинг айрим маслакдошлари унга сотқинлик қилишиб, ўзларининг барча нопок ишларини унга аяғлариб, президентни халқ кўзига ёмон кўрсатиб қуйишади. Бир суз билан айтганда, президент уз атрофига туплаган ва вазифага қўйган одамларнинг нопоклиги, сотқинлиги ва фирромлиги туфайли бундан кейин давлат бошлиғи сифатида миллатга раҳбарлик қилишга ўзини маънавий жиҳатдан ҳақ-ҳуқуқи йўқ, деб ҳисоблайди. Шу туфайли охир-оқибатда сайловчилар ҳам президент Гардингнинг муддатидан олдин истеъфога чиқишини талаб қила бошлайди. Лекин масала бу даражагача бориб етмайди. Омадсиз президент Уоррен бу воқеалардан жуда тушкунликка тушиб, ғам чекиб, орадан кўп ўтмай вафот этади. Бироқ Уоррен ўлимининг ҳақиқий сабаби ҳанузгача аниқ эмас. Эҳтимол, у ҳам душманлари қурбонига айлангандир...



1872

Calvin Coolidge

1933

КАЛВИН КУЛИЖ

АҚШнинг 24- президенти Уоррен Гардингнинг сирли ўлимидан сўнг президентлик қасамёдини республикачи вице-президент Калвин Кулиж қабул қилади. Калвин Кулиж 1872 йилнинг 4 июлида Вермонт штатининг Плимут-Ноч қишлоғида деҳқон оиласида туғилади. Ота-онаси унга бошида Жон деб исм қўйишади. Лекин бу исм Калвинга кейинчалик ёқмай қолиб, уни ўзгартиради. Асли келиб чиқиши Буюк Британиялик булган Кулижлар оиласи ер сотиб олиб, деҳқончилик қилиш мақсадида океан ортига кучиб келишади. Бошқа бир неча президентлар сингари Калвин ҳам ёшлигида йўқчилик сабабли куп қийинчиликларни бошидан кечиради. Калвиннинг отаси дастлаб деҳқончилик билан шуғулланади, кейинчалик эса почта ва савдо дўконларида ишлайди. 1885 йилда Кулижлар оиласида бахтсизлик юз беради. Гап шундаки, бир йил ичида онаси Виктория Жозеф ва синглиси тусатдан вафот этишади. Иродали ота-бола Кулижлар кутилмаган кўргуликдан анча вақтгача узларига келиша олмайди. Орадан бироз ўтгач, 13 ёшли Кулиж «Қора дарё» номли академияга ўқишга киради. Академияни тугатгач, олий маълумотга эга бўлиш учун Эрмест коллежига ҳужжат топширади. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтгач, тўрт йил шу ерда ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича таҳсил олади. Тез орада у Норт Хемптонда (Массачусетс) хусусий адвокатура

очиб, маҳоратли адвокат сифатида танилади. Доимо ҳақиқатни севган ва ҳурмат қилган Калвин Кулижнинг сиёсатда ном қозониши республикачилар партиясига аъзо бўлиши билан боғлиқ. 1898 йилда у Массачусетс қонунчилик органига сайланиб, беш йилга яқин шу ерда фаолият юритади.

Калвин 1904 йилда давлат ишларидан биров узоқлашиб, қар ва соқовлар учун мўлжалланган «Кларк мактаб»да ўқитувчилик қилади. Аннан шу ерда у бўлажак қайлиғи Грейс Анна исмли қиз билан танишиб, улар кейинчалик турмуш қуришади. Анна хоним ҳаётда жуда хушчақчақ,



Грейс Анна хоним

сўзга чечан ва ҳар доим юзидан беғубор табассум ёғилиб турадиган аёллардан эди. Унинг бу жиҳати манамаман деган эркакларни мафтун этмай қўймасди, албатта. «Келиннинг оёғидан, чўпоннинг таёғидан» деганларидек, уларнинг никоҳ тўйларидан кейин Калвинга ҳам сиёсатда, ҳам шахсий ҳаётда устма-уст омад кулиб боқаверади. Ёш эр-хотиннинг биринчи ва иккинчи фарзандлари ўғил бўлади. Ўғилларидан бири Жон кейинчалик мамлакат молия вазири лавозимигача кўтарилади.

Калвиннинг ўзи эса 1916-1918 йилларда сенатор ва вице-губернатор лавозимида ишлайди. 1919 йили Бостонда ишчилар ҳукуматдан норозиг бўлиб, қўзғолон кўтаришади ва оммавий иш ташлашлар юз беради. Бу пайтда штат губернатори бўлган Калвин аҳолини тинчлантириш мақсадида бир неча бор уларга мурожаат билан чиқиб, «Ҳеч ким, ҳеч вақт ва ҳеч қерда фуқароларнинг ҳуқуқларини поймол қилишга ҳақли эмас», дея хитоб қилади. 1920 йилда республикачиларнинг миллий

мажлисида ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиси сифатида Калвин Кулиж вице-президентликка номзод этиб кўрсатилиб, сайловда республикачи кучларнинг қўли баланд келади.

Вице-президент Калвиннинг ўзига хос алоҳида жиҳатларидан бири шу эдики, у ёшлигидан уятчан, тортинчоқ бола бўлгани боис жуда кам кулар, доимо қовоғини солиб юрадиган оғир ва босиқ феъл-атворли инсон булган. Отасининг дала ҳовлисида ҳордиқ чиқараётган Калвин Кулиж 1923 йилнинг 3 августида президент Гардингнинг тўсатдан вафот этганини эшитиб, бу кутилмаган воқеадан тушқунликка тушиб қолади ва ўша куннинг ўзидаёқ президентлик қасамёдини қабул қилади. Маросимда Кулиж Гардингнинг сиёсатини давом эттириб, иқтисодиётни ривожлантириш ва ижро ҳокимиятини Уоррен даврида авж олган ғайриқонуний иллатлардан тозалашга ваъда беради. Шунингдек, у ўзининг «Иқтисодиётни қайта қуриш» дастури орқали «Американинг иши — тижорат» деган шиорни илгари суради ва президент Кулижнинг ушбу ғояси Америка ҳукмрон доираларининг бош тамойилига айланади. Шуниси қизиқки, янги президентнинг қасамёд маросими Плимутдаги отасининг уйида бўлиб ўтади. Мойчироқ ёруғлигида Кулиж муқаддас китоб — Инжилни қўлига олиб, қасамёд қилади. Америка президенти тариҳида жуда камтарона ўтган ушбу маросим радио орқали бутун мамлакатга эшиттирилади. Президент Калвин Кулиж даврида ишлаб чиқаришга Америка жамияти тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, деб қаралади. Чунки бу кезларда Европада айрим муаммолар ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўли билан ҳал этилаётган бўлса, АҚШда бошқа йўлдан борилди, яъни бу йўл «Ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик», деб аталиб, у ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш ва мамлакатнинг иқтисодини мустаҳкамлашда жуда катта ижобий аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, шу тадбир туфайли 1928 йилда Америкада 28 миллион автомобиль мавжуд бўлиб, мамлакатдаги деярли ҳар бир оила XX асрнинг бу ноёб канифётидан фойдаланиш имкониятини қўлга киритади. Президент Калвин Кулиж даврида жамиятнинг автомобиллаштириш Америка ҳаётининг энг муҳим томони саналарди. Шунинг учун ҳам мамлакатда «Ҳамма филдиракларга, ҳамма нарса филдираклар учун» деган шиор оммалашиб кетади. Шу билан бирга Калвиннинг раҳбарлигида кенг истеъмол товар-

лари, турли радиоприёмниклар, электр жиҳозлари, тайёр кийим-кечак ҳамда йўловчи самолётлар ишлаб чиқариш жадал суръатда ривожлантирилди, мамлакатда ялпи телефонлаштириш тизими кенг жорий этилди. Шуниси қизиқки, Америка президентларидан ўз сиёсатини оммага етказишда радиодан кенг фойдаланган ва биринчи бўлиб эфир орқали халқ ичига кириб борган шахс ҳам айнан Калвин Кулиждир.

Президент Кулиж ички сиёсатда марҳум Гардингнинг изидан бориб, иқтисодий ҳаётга давлат аралашувини чеклаш, суд тизимини ислоҳ қилиш ва фермерлар учун ажратилаётган кредитларни тартибга солиш тарафдори эди. Хуллас, ана шундай ўзгаришлар ташаббускори бўлиб, вақтинча президентлик вазифасини бажариб келган Калвин Кулиж 1924 йилда бўлган навбатдаги президент сайловида катта устунлик билан рақибидан ўзиб кетиб, тўлиқ муддатга президентликка сайланади. Ўшанда собиқ президент Уильям Тафт ана шу сайлов якунлари хусусида гапириб, шундай деган эди: «Бизнинг мамлакат радикализм кайфиятидаги жамият эмас. Мен ўйлайманки, АҚШ дунёдаги энг консерватив давлатдир».

Кулиж ўзининг тўрт йиллик президентлик фаолияти давомида ички ва ташқи сиёсатда ижобий ўзгаришларни амалга ошириши билан бирга айрим хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйди. Жумладан, унинг даврида Американинг туб халқи бўлган ҳиндуларга фуқаролик берилиб, уларнинг бошқалар билан тенг ҳуқуқлилиги эълон қилинган бўлса-да, уни амалга ошириш қийин кечди. Айрим ҳолларда йирик тadbиркорларни назорат қилиш ҳукумат эътиборидан четда қолди, фермер ва шахтёрларнинг манфаати ҳимояси ҳамда табиатни муҳофаза қилиш ишларига етарли аҳамият берилмади.

Шунингдек, президент Конгресс томонидан таклиф этилган «Уруш қатнашчилари учун қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қонунга вето қўйди ва уни қабул қилинишига розилик бермади, 1924 йилда «Иммиграция тўғрисида»ги қонуннинг кучга кириши АҚШга келувчилар сонининг кескин камайишига сабаб бўлди. Боз устига, ташқи ишлар вазири Хьюзнинг қаршиликка қарамай, Япониядан иммиграция умуман тўхтатилиб, бу ўз навбатида Япон-Америка муносабатларининг анча ёмонлашувига олиб келди ва охир-оқибатда булар президентнинг обрусига салбий таъсир қилди.

Калвин Кулижнинг ташқи сиёсатда эришган энг катта ютуғи 1928 йилда «Урушдан воз кечиш тўғрисидаги Пакт»га қўшилиши бўлди. Шу йили Кулиж маъмурияти Хитойни расман тан олади. Шу билан бирга у Латин Америкаси ва Кариб денгизи худудларида анъанавий ҳарбий интервенция, яъни халқаро тамойилларга зид равишда бошқа давлатларнинг ички ишларга куч ишлатиб аралashiшни давом эттириб, улар ҳисобидан ўз худудини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Президентлик ваколатининг сўнгги йилларида Калвиннинг ҳаётида бахтсизлик юз беради. Гап шундаки, бир йил ичида Кулиж отаси ва ўғлидан ажралиб қолади. Бундай оғир жудоликка учраган президент юрак хасталигига чалиниб, иккинчи муддатга ўз номзодини қўймаслигини эълон қилади. «Оқ уй»ни тарк этгач, Калвин туғилиб ўсган жойига кетади ва 1933 йилнинг 5 январия юрак хуружи оқибатида вафот этиб, отаси ва ўғлининг ёнига дафн этилади.

Президент Калвин Кулиж АҚШни бошқарган даврини умумий нуқтаи-назардан таҳлил қиладиган бўлсак, мамлакат ҳам ички, ҳам ташқи томондан анча ривожланиб, халқ манфаати учун қатор ижобий ишлар амалга оширилгани ва шу туфайли аҳолининг турмуш тарзи сезиларли даражада яхшиланиб, давлатнинг қудрати анча ошганлигини кўрамайз.



1874

Herbert Hoover

1864

ГЕРБЕРТ ГУВЕР

Президент Кулиж «Оқ уй»ни тарк этгач, «Буюк депрессия» деб ном олган жаҳон иқтисодий инқироzi бошланиб, бу бошқалар сингари Америка халқини ҳам четлаб ўтмади. Халқ ва мамлакат учун ана шундай огир ва мураккаб бир вазиятда ҳокимият тепасига республикачи Герберт Гувер Кларк келади. Америка президентлари ичида ягона миссисипилик, Жесси ва Хилда Кларкларнинг уғли Гувер 1874 йилнинг 10 августида ҳунармандлар оиласида дунёга келади. Оила бошлиғи Жесси Кларк темирчилик ва ерга ишлов берувчи қурол-асбоблар савдоси билан шуғулланган. Лекин, шунга қарамасдан Гувернинг ёшлиғи жуда огир кечган. Айниқса, ота-онасининг бевақт ўлими 9 ёшли Гувер ва акаси учун катта йўқотиш эди. Ота-онасиз етим қолган Герберт Миссисипи дарёси қирғоқларида балиқ тутиш билан кун кечириб, ҳаёт ва яшаш учун тинмай курашади. Энг муҳими, қийинчилик ва ота-онасизлик ёш Гуверга ўз-ўзини тарбиялаб, сабр-тоқатли инсон бўлиб вояга етишига, ҳар қандай қийинчиликни чидам билан енгишни ўргатди. Яхшиямки, бахтига тоғаси Эллен бор экан ва у уни ўз қарамоғига олади. Тоғаси Гуверни «Нью-Бепт» коллежига ўқишга олиб боради. Шуниси эътиборлики, ўқиш давомида Герберт пиёз сотиб, тушган фойда ҳисобидан ўзини-ўзи маблағ ва ўқув қуроллари билан таъминлар эди. Коллежда у алгебра ва геометрия

фанларини чуқур ўзлаштиради. Муҳандислик касбига қизиқиши юқори эканлиги боис коллежни тамомлагач, 1890 йилда Калифорниядаги Станфорд университетининг геология факультетига қабул қилинади. Университетда ўқиши билан бирга геология кафедрасида ассистент бўлиб ишлайди. Ёзги таътилларни эса Арканзас ва Невада штатларида ўтказади. Геология кафедрасида ишлаган кезларида Гувер бир банкирнинг Лу Генри исмли қизи билан танишиб қолади ва 1899 йилнинг



Лу Генри хоним

10 февралда Калифорния шаҳрида уларнинг никоҳ туйлари бўлади. Гувернинг хотини Генри хоним жуда қобилиятли аёл бўлиб, бир неча чет тилларини мукамал билишидан ташқари, адабиёт ва санъатнинг ашаддий шайдоси бўлган. Эр-хотин 5 йилга яқин таржимонлик билан ҳам шуғулланишади. Уларнинг икки нафар ўғиллари бўлиб, улардан бири Жон кейинчалик президент Эйзенхауэрнинг маслаҳатчиси лавозимида ишлаган. Олий маълумотли муҳандислик дипломини олган Гувер салкам 20 йил Сан-Франциско тоғларида муҳандислик қилиб, қисқа вақт ичида тоғ-кон ишлари бўйича машҳур халқаро миқёсдаги мутахассис сифатида дунёга танилади. Шу орада австрияликлар уни тоғдан олтин қазиб олиш учун маслаҳатга чақирдишади. Орадан икки йилдан сўнг Хитой ҳукумати Гуверни ўз юртига олиб кетади. Шу сабабли ёш келин-куёвлар «асал ойи»ни Хитойда ўтказишларига тўғри келади. Бу орада ушбу имкониятдан унумли фойдаланган Лу хоним дунёда энг мураккаб ҳисобланмиш Хитой тилини ҳам ўрганиб олишга муваффақ бўлади. Хитой сафари тугагач, Герберт Лондонга

жўнаб кетади ва у ерда хусусий кончилар бошқармасини ташкил қилади. Хуллас, Герберт Гувернинг кончилик касби орқасидан тез орада ўзи ҳам, дунё ҳам бойида.

1914 йилда бошланган биринчи жаҳон уруши Европадаги минглаб америкаликларни мушкул аҳволга солиб қўяди. Шундай оғир вазиятда АҚШнинг Буюк Британиядаги вакиллари машҳур муҳандис Гувердан ёрдам сўрашади. «Шундай оғир дамларда халқимга ёрдам бермасам, қачон ёрдамим тегади», деб Герберт тезда махсус комиссия ташкил қилиб, 120 минг нафардан ортиқ турли миллатга мансуб фуқаролар ва аскарларни ўз ҳисобидан уй-жой, озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлайди. Энг асосийси, Гувер 200 минг нафарга яқин аҳолининг ҳаётини ўз вақтида очликдан, сувсизликдан ва асирликдан сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам АҚШ 1917 йил урушга киргач, президент Вилсон уни мамлакатни озиқ-овқат билан таъминловчи ташкилот раҳбари этиб тайинлайди.

Уруш тугагач, чет элдан бутунлай қайтган халоскор Гуверни Америка халқи катта интизорлик ва ҳаяжон билан кутиб олади. Чунки Герберт Гувер ўзининг инсонийлиги, фидойилиги ва меҳр-оқибати сингари олижаноб фазилатлари билан нафақат АҚШ, балки дунё халқлари қалбидан ҳам муносиб жой олишга улгурган эди. Шунинг учун ҳам ҳозирда кўлчилик уни моддий ва маънавий жиҳатдан энг бой ва етук президентлар сафига киритишади. АҚШдаги оддий кишилардан тортиб, ҳар икки партия раҳбарлари ҳам халқ халоскори Гуверни ўз сафига қўшиш, унга яқин бўлиш учун курашишади. Чунки бу пайтларда Гувернинг президент бўлиши муқаррар бўлиб қолган, аммо Гербертнинг ўзи буни хоҳламасди. Ҳокимият тепасига Уоррен Гардинг келгач, уни савдо вазири этиб тайинлайди. Вазир сифатида Гувер саноат, ишлаб чиқариш, меҳнатни ташкил этили, аҳолини иш билан таъминлаш, ёш авлодни тарбиялаш ва уларнинг билим олиши учун қулай шароит яратиб беришга катта эътибор беради. 1927 йилнинг кузида президент Калвин Кулиж навбатдаги сайловда ўз номзодини қўймаслигини расмий эълон қилгач, республикачилар президентликка Герберт Гуверни, демократлар эса Нью-Йорк мэри Альфред Смит номзодини кўрсатишади. Гуверни сайлов олди дастурининг асосий мақсади мамлакатни қашшоқликдан олиб чиқиш эди. Сайловчилар билан учрашувларда Гувер «Бундан кейин ҳар бир

америкаликнинг уйида товуқ гўшти ва автомобиль бўлади», деб 6 миллион нафар фуқаронинг ишончини қозониб, АҚШнинг 31- президенти этиб сайланади (1928 йил 6 ноябрь).

Қасамёд маросими куни президент Герберт аҳолига яна бир бор мурожаат қилиб, «Биз ҳар томонлама бой халқмиз. Демак, ақлимизни ишлатиб, бойлигимиздан оқилна фойдаланиб, тўғри сиёсат олиб борсак, ишончим комилки, ҳар қандай танг аҳволни бемалол енгиб ўтишимиз мумкин» дейди. Чунки, бу пайтда «Буюк депрессия» деб аталган жаҳон иқтисодий инқирози бошланиб, у кўп мамлакатлар иқтисодини фалаж қилиб ташлаётган эди.

Шу ўринда ўринли савол туғилади: Хўш, бу инқирознинг юз беришига нима сабаб бўлди? Нима учун ана шу иқтисодий бўҳрон Америка тараққиёти тарихида энг буюк инқироз дея, эътироф этилади?

Авалло шунини айтиш жоизки, Америка Қушма Штатлари тарихида шу кунгача бешта иқтисодий инқироз бўлиб ўтган. Булар 1837, 1873, 1893, 1907 ва ниҳоят 1929 йиллардаги инқирозлардир. Лекин мамлакат учун серталофат оқибатлар олиб келган даҳшатли инқироз 1929 йилдаги иқтисодий бўҳрондир. Бу иқтисодий талофат 1929 йилининг 24 декабрида Нью-Йорк биржасидаги ваҳимадан бошланади ва унда акциялар нархи кескин пасайиб кетади. Бир ҳафтадан сўнг акцияларнинг умумий қиймати тўрт-беш бараварга тушиб, барча қимматли қоғозлар, шу жумладан пул (доллар) ҳам шунга яраша қадрсизланиб қолади. Бир неча ҳафта мобайнида кўплаб завод-фабрикалар, шахталар, темир йўл ва банклар фаолиятдан тўхтайдди, саноат ишлаб чиқариши деярли ярмига қисқаради. Автомобиллар ишлаб чиқариш 80 фоизга, экспорт-импорт ва чакана савдо айланмаси эса икки баробарга камаяди.

1929-1932 йилларда 130 мингга яқин савдо корхоналари банкротга учраб, ишсизлар сони 12 миллион нафарга етади. Инқироз кезларида минглаб фуқаролар уй-жойини ташлаб, кулбаларда яшашга мажбур бўлади. Қишлоқ хўжалигидаги вазият ҳам кескин ёмонлашиб, маҳсулотларнинг харид нархи жуда пасайиб кетгани туфайли деҳқон, фермер хўжаликлари оилавий инқирозга учрайди ва миллион нафардан ортиқ деҳқон-фермерлар бор-будини сотиб, уй-жой, ер, от-улов ва техникадан ажралиб ишсизлар сафидан жой олишади. Ишсизлик

америкаликлар учун ҳақиқий бало-офатга айланади. Энг даҳшатлиси, АҚШда суғурталаш тизимининг мавжуд эмаслиги боис ҳеч ким бир-бирига, шу жумладан давлат ҳам уларга ёрдам беролмайди, зарарни қопламайди ва айрим кишилар очликдан жон таслим қила бошлайди. Масалан, 1931 йил биргина Нью-Йоркнинг ўзида икки минг нафардан зиёд одам очликдан nobud бўлади. «Буюк депрессия» ишчилар ва фермерларнинг оммавий намоёниши ва чиқишларига сабаб бўлди. 1931 йил декабрда ана шундай намоёниш ва юришлар пойтахт Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтади ва бу ҳаракатлар тарихда «очарчилик юришлари» деб аталди.

Хуллас, Америка тарихида юз берган бу даҳшатли ва беаёв инқироз миллат, халқ ва оилаларни бир-биридан ажратиб ташлашга олиб келди. Бу кўргиликларнинг олдини олиш мақсадида президент Гувер ўз вақтида зарур чора-тадбирлар кўрган бўлса-да, аммо инқирозни енга олмади. Бунинг оқибатида демократчиларнинг мавқеига путур етиб, 1932 йилги сайловда мағлуб бўлишади. Президентлик ваколатини топширганидан сўнг Герберт асосий вақтини ижод билан ўтказди. Чунончи, унинг қаламига мансуб «Эркинликка чақирув», «Тинчликни йўқотиш муаммолари» ва шунга ўхшаш бир қатор китоблари айни шу вақтда битилган асарлардир. Шуниси қизиқки, Герберт Гувер ҳаёти охирида бутун умри мобайнида йиққан ва орттирган маблағи, даромади ва барча мол-мулкни бева-бечора ҳамда камбағалларга улашиб беради. Бошқа президентларга нисбатан анча узоқ умр кўриб, 90 йил яшаган Гувер 1964 йилнинг 20 октябрида Нью-Йорк шаҳрида вафот этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, гарчи Герберт ўша вақтдаги айрим иқтисодий қийинчиликлар туфайли президент сифатида халқ ўртасида унча ҳам шуҳрат қозонмаган бўлса-да, аммо ажойиб фазилатли киши, юксак маънавиятли инсон сифатида Америка халқининг меҳрини қозонишга эришди ва эҳтимол, ана шундай юксак инсоний хислатлари учун Герберт Гувер Кларк номи тарих зарварақларидан муносиб жой эгаллади.



1882

Franklin Roosevelt

1945

ФРАНКЛИН РУЗВЕЛЬТ

Америка Кўшма Штатлари тарихида икки нафар Рузвельт фамилияли кишилар давлатни бошқарган. Улардан бири йигирма олтинчи президент Теодор Рузвельт булса, иккинчиси президентлар ичида энг ҳурматлиси ва буюғи, ўттиз иккинчи президент Франклин Делано Рузвельтдир.

Франклин Рузвельт Америка президентлари ичида узлуксиз тўрт муддатга (қонун бўйича фақат икки муддатга сайланиш мумкин) сайланган ва АҚШдек буюк давлатни сурункали 12 йилдан ортиқ муддат бошқарган ягона давлат раҳбари ҳисобланади. Жеймс ва Сара Рузвельтларнинг ёлғиз фарзанди бўлган Франклин 1882 йилнинг 30 январиди Нью-Йорк штатининг Спрингвуд шаҳарчасида дунёга келади. Франклиннинг отаси Жеймс Олевейр ва Хюдсан темир йўл станциялари бошлигининг муовини лавозимида ишлаган. Онаси Сара хоним эса анча бой, ўзига тўқ оила фарзанди бўлган. Франклин дунёга келганида ота 53, онаси эса 26 ёшда эди. Оилада ёлғиз фарзанд бўлгани сабабли Франклин ҳар томонлама ўзига тўқ бўлиб ўсди. Шунга қарамасдан отаси унинг билим олишига алоҳида эътибор бериб, келажакда масъулиятни ҳис этадиган, етук инсон бўлиб камол топишини истар эди. Чунки Жеймснинг бор-йўқ умиди ана шу якка-ю ягона фарзандидан эди. Франклин 3 ёшдалигида ота-онаси Европа бўйлаб саёҳат қилишади. У 14 ёшигача

малакали профессор-ўқитувчилар қўлида таълим олади. Энг асосийси, у бу пайтга келиб немис ва француз тилларида бемалол гаплаша оладиган бўлади. Шундан сўнг Франклин Массачусетс штатидаги Гротан мактабига ўқишга киради. 1900 йили у мактабни тамомлагач, машҳур Гарвард университетига қабул қилинади. Университетда таҳсил олиб юрган кезларида у ўзининг қобилияти ва тиришқоқлиги билан профессор ҳамда талабалар ўртасида яхши таъсурот қолдиради. Шу сабабли Франклин университетда чоп этиладиган «Гарвард Кримсан» газетасининг бош муҳаррирлигига тайинланади.

Университетни тамомлаган Рузвельт отасининг қистови билан Колумбия университетининг ҳуқуқшунослик бўлимига ҳужжат топширди ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талабаликка қабул қилинди. Аммо диплом олишга бир йил қолганда ҳуқуқ идораларида ишлашни унчалик ёқтирмаслиги сабабли ўқишни ташлаб кетади. Шундан кейин у уч йил давомида Нью-Йорк штатидаги юридик ташкилотларнинг бирида хизматчи бўлиб ишлайди. Франклиннинг оиласи ҳақида тўхталадиган бўлсак, у ёшлигидан амакисининг Элиноор исмли қизини яхши кўрарди. Бироқ унинг онаси нима сабабдандир Элиноорни ёқтирмасди. Ҳатто ўғлини қиздан совитиш мақсадида «иссиқ-совуқ» қилдириб, Франклинни 3-4 ой саёҳатга ҳам олиб бориб келади. Бироқ онасининг бу уринишлари Франклин ва Элиноорни бир-биридан айира олмайди. Ниҳоят, 1905 йилнинг баҳорида Рузвельтлар оиласида катта тўй бўлиб ўтади. Шуниси қизиқки, Франклиннинг хотини Элиноор собиқ президент Теодор Рузвельтнинг акасини қизи эди.

Эр-хотин тўрт нафар ўғил ва икки нафар қизли бўлишади. Ўғилларидан Жеймс ва Жон кейинчалик мамлакат Вакиллар палатасида ишлашади. 1910 йилда демократлар Франклинга Нью-Йорк сенаторлигига ўз номзодини қўйишни таклиф этишади. Шу тариқа сайловга номзодини қўйган Рузвельт унда голиб чиқади ва демократларга болчилиқ қила бошлайди. Уч йилдан сўнг АҚШнинг ўша пайтдаги президенти Вудро Вилсон Франклинни Невия штатининг котиби этиб тайинлайди. Штат раҳбари Жозеф Франклинга сиёсатдан чуқур дарс беради. Бу даврга келиб биринчи жаҳон уруши бошланади ва бир қатор тенгдошлари сингари Рузвельт ҳам армияга боришга қарор қилади. Уруш йилларида у денгиз вазирининг ёрдамчиси



Ф. Рузвельт сув хавласида

лавозимида ишлайди. Урушдан қайтгач, Рузвельт ота-онаси билан Канадага дам олишга боради. 1921 йилда Рузвельтлар оиласида бахтсизлик юз беради. Аниқроғи, 39 ёшли Франклин бир куни совуқ сувда чўмилганидан сўнг, қутилмаганда фалаж дардига мубтало бўлиб қолади. Кундан-кунга аҳволи оғирлашаётган Франклинни кўрган кишилар шу билан унинг сиёсий фаолияти ҳам тугади, деб ўйлашади. Бироқ бир жойдан иккинчи жойга юриш эмас, ҳатто кўзғалишини қийинлаштириб қўйган оғир касалликка дучор бўлганига қарамай, Рузвельт сиёсий ҳаётга фаол қатнашиб, мунтазам бадантарбия машқларини ҳам бажаради. Айтишларича, Рузвельтнинг бундай оғир дардга йўлиқишига кўпроқ ўзи сабабчи бўлган. Чунки у ёшлигида чўмилишни жуда яхши кўрар ва ҳатто қиш чилласида ҳам ёздагидек совуқ сувда бемалол чўмиларди. Бир куни даволовчи врачларга қараб у «Мени совуқ сув шундай аҳволга солдим, демак фақат сувгина ундан халос этади», дейди ва кунт билан эринмасдан соғлигини тиклашга ҳаракат қилади.

Франклин мустақил ҳаракатланиш қобилиятидан маҳрум

бўлса-да, буюк ишбилармонлик фазилатлари ва сиёсий истеъдо-ди туфайли катта сиёсатга яна қайтади ва 1928 йили Нью-Йорк штати губернатори (ҳокими) этиб сайланади. Ҳокимлик даврида Франклин штат қонунчилигининг эркинлаштирилишига катта ҳисса қўшди. Хусусан, фуқаролардан олинадиган солиқлар миқдорини камайтириб, ишсизликка қарши курашда ўз вақтида зарур чора-тадбирларни кўрди. У доимо «Дунёда иккита нарса муқаррар: биринчиси ўлим бўлса, иккинчиси солиқдир» деган сўзни такрорларди. Хуллас, ана шундай ғоя ва демократик ислохотлар натижаси ўлароқ, Франклин 1930 йилда кўпчилик сайловчиларнинг овозини олиб, Нью-Йорк ҳокимлигига қайта сайланди. Шундан сўнг унинг дўстлари энди президентликка номзодини қўйишга даъват эта бошлади ва бунга у ҳам рози бўлади. Сайловолди ташвиқотлар жараёнида 51 ёшли, ўзи эркин туролмайдиган ва юролмайдиган Рузвельт 38 штатда бўлиб, ўзининг «ЯНГИ ЙУНАЛИШ», деб номланган дастури орқали мамлакатни иқтисодий бўҳрондан олиб чиқиш ва қутқаришга ваъда беради. Чунки бу пайтда мамлакатда иқтисодий инқироз айна кучайган паллада эди. Президентлик сайловида Франклин Рузвельт 23 миллион сайловчининг овозини олиб, АҚШнинг 32- президенти этиб сайланади. Ўшанда кўпчилик Рузвельтга катта ишонч билдириб, «Бахтли кунлар яна келди» деган шиор билан қўшиқ айтиб чиқишади.

Қасамёд маросимида Франклин Рузвельт Америка халқига мурожаат қилиб, «Мен янги йўналиш дастурим орқали сизларни бу фалокатдан олиб чиқаман» деб ваъда беради.

Демак, Рузвельтнинг асосий мақсади «Буюк депрессия» иқтисодий инқирозидан халқини ва мамлакатни омон-эсон олиб чиқиш эди. Хўш, президент Рузвельт ўз мақсади йўлида қандай кескин чоралар кўрди? «Янги йўналиш» дастурининг моҳияти нималардан иборат эди?

Бунга жавобан шунини айтиш лозимки, дастлаб Рузвельт тарихда «100 кун» деб ном олган махсус сессия чақиради. 99 кун давом этган ушбу мажлисда мамлакат учун зарур ислохотларни амалга ошириш режалаштирилиб, бир нечта қонунлар қабул қилинади. «Янги йўналиш»нинг асосий мазмуни ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликни тўлиқ сақлаган ҳолда, иқтисодиёт ва ижтимоий муносабатларга давлат бошқару-вини жорий этишдан иборат эди. Бу борада Рузвельт ва унинг тарафдорлари дадил ва ҳал қилувчи қадам ташлай олишди, яъни йўналишда мамлакат иқтисодиётини бошқаришнинг

давлат дастурларини қўллаш кўзда тутилар, меҳнат қонунчилигини жиддий қайта қуриш, ишсизликка қарши курашга катта маблағлар ажратиш ва ниҳоят ижтимоий суғурта асосларини яратиш (турли пенсиялар, касаллик нафақалари тайинлаш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими тизимини такомиллаштириш ва ҳоказо) режалаштирилганди.

Шундай қилиб, Президент Рузвельтнинг «Янги йўналиши»даги асосий вазифа давлатнинг иқтисодий фаолият жараёнига фаол аралашуви ва уни оқилона бошқаруви орқали мамлакатни инқироздан қутқариш эди. Президент Рузвельт ўз йўналишини амалга оширишни Америка банк тизимини такомиллаштириш ва кўтаришдан бошлади. Чунки инқироз туфайли мамлакатдаги деярли барча банклар ёпилган эди. Сессияда қабул қилинган «Фавқулодда банк қонуни»га мувофиқ энг йирик банкларгагина давлат заёмлари очиши ва олишига рухсат берилди. Оқибатда банклар сони қисқартирилди. Масалан, 1929 йили АҚШда фаолият юритган 25 минг банкдан фақат 15 мингтаси қолди ва шу тариқа Америка банклари сақлаб қолинди.

1933 йил 16 июнда кучга кирган «Саноатни қайта тиклаш ҳақидаги қонун» «Янги йўналиш» доирасидаги яна бир муҳим ислоҳот бўлди. Бу қонун саноатнинг давлат томонидан бошқарилиши тизимини жорий қилди. Саноатнинг ҳар бир соҳаси учун давлат қонун сифатида тадбиқ қилинган «Халол рақобат кодекслари» ишлаб чиқилди. Мазкур кодекслар ҳар бир корхона учун муайян ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулот нархи ва савдо бозорини белгилаб борарди. Ушбу қонун ишбилармонларга иш ҳақининг энг кам даражаси ва иш ҳафтасининг метёрий вақтини аниқ белгилаб берди. Шунингдек, ушбу қонун бўйича ишсизларга ёрдам чоралари ҳам белгилаб қўйилди. Мамлакатда ижтимоий ишлар бўйича махсус қўмита тузилиб, унинг ихтиёрига йўллар қуриш, мактабларни таъмирлаш, спорт мажмуалари ва бошқа иншоотлар барпо этиш учун катта миқдорда маблағ ажратилади. Ана шу тадбирларнинг натижаси ўлароқ, 8 миллион нафардан ортиқроқ америкаликлар янги иш ўринлари билан таъминланади. Президент Рузвельт фермерларнинг фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор қаратди. Чунки, инқироз пайтида кўплаб фермерлар ўз ерларини ташлаб, бошқа штатларга иш ва ер топиш учун кўчиб кетишганди. 1933 йилнинг 12 майида «Фермерларга ёрдам ҳақида» қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга кўра, фермерларнинг қарзлари давлат ҳисобига ўтиб,

уларнинг маҳсулотларига бўлган харид нархлар оширилди юз минглаб фермерларга ишини ўнглаш учун имтиёзли кредитлар ажратилди.

«Янги йўналиш» АҚШдаги ижтимоий муносабатларни либераллаштириш учун ижтимоий қонунчилик соҳасида ҳам муҳим силжишни амалга оширди. Хусусан, 1935 йили АҚШ Конгресси «Ватнер қонуни»ни қабул қилди. Ушбу қонун бўйича ишчилар жамоавий шартномалар тузиш ва иш ташлаш ҳуқуқига эга бўлишди. Яъни бундан буён иш ташлашда қатнашгани учун уларни таъқиб қилиш ман этилди. Шуниси аҳамиятлики, худди шу йили АҚШ тарихида биринчи марта ижтимоий суғурталаш ҳақида ҳам қонун қабул қилинди. Бу қонунда кексалар таъминотини яхшилаш, фуқароларга ишсизлик бўйича толов (компенсация) тўлаш, кўзи ожиз, мажруҳ кишилар ва ёлғиз оналар ҳамда етимларга давлат томонидан ёрдам (нафақа) бериш кўзда тутилди.

Франклин Рузвельт президентлиги даврида ички сиёсатнинг либераллаштирилгани ташқи сиёсатда ҳам ўз ифодасини топди. Ушбу маъмуриятнинг ташқи сиёсатдаги биринчи йирик иши — 1933 йилнинг ноябрида Совет Иттифоқи билан дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши бўлди. Шу билан бирга АҚШ ҳукумати Латин Америкаси мамлакатларига нисбатан яхши қўшничилик сиёсатини олиб борди ва Гантидан Америка қўшинларини чиқиб кетди.

Ана шундай сиёсат натижаси ўлароқ, Рузвельт 1936 йилги сайловда ғолиб чиқиб, иккинчи муддатга президентликка сайланади. Афсуски, унинг иккинчи муддатдаги президентлик фаолияти миллионлаб одамларнинг ҳаётига зомин бўлган иккинчи жаҳон уруши бошланиш даврига тўғри келди. Бу даврда президент бутун уй-фикри ва фаолиятини мамлакат барқарорлиги ва фаровонлигига қаратди. Жумладан, Рузвельт 1937 йил 5 октябр куни Чикагода сузлаган нутқида агрессорлар атрофида «карантин» ўрнатишга чақириб, фашистлик йўлини танлаган давлатларнинг босқинчилик ҳаракатларини кескин қоралади. АҚШ ҳукумати ўзининг барча имкониятларини ишга солиб, урушга жиддий тайёргарлик кўра бошлади. Шу мақсадда қурол ишлаб чиқариш кенгайтирилиб, уларнинг сифати яхшиланди. Тинч океани оролларида шошилиш равишда ҳарбий базалар қуришга киришилди. 1939 йил 26 июль куни АҚШ Япония билан илгари тузилган савдо шартномасини бекор қилди. Иккинчи жаҳон уруши бошланганидан сўнг ўша йилнинг 4 ноябрида

бетарафлик ҳақидаги қонун қайта кўриб чиқилди ва бу Англия ҳамда Францияга АҚШдан қурол-яроғ сотиб олиш имкониятини берди. 1941 йил 11 мартда Конгресс президент Рузвельтга қурол ва ҳарбий анжомларни қарз (Ленд) ёки ижарага (Лиз) бериши учун имкон яратган «Ленд-Лиз ҳақида»ги қонунни қабул қилди. АҚШ «Ленд-Лиз» қонуни бўйича Англия, Совет Иттифоқи ва Хитойга қурол бериб, уларга ҳарбий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатади. Ушбу қонун АҚШнинг иккинчи жаҳон урушига киришидан саккиз ой олдин мамлакат ҳарбий саноати ривожланишини тезлаштиришга имконият тугдириб, кенг шарт-шароит яратди.

Шундай мураккаб вазиятда Франклин Рузвельтнинг иккинчи президентлик муддати ҳам тугаб борарди. Унинг номзодини учинчи муддатга президентликка қўйиши АҚШ Конституциясига хилоф бўлса-да, Америка халқи мамлакат ва бугун дунё учун шундай оғир кунларда тажрибали давлат раҳбарига яна бир бор юксак ишонч билдиришни маъқул кўришади. Шу тариқа Рузвельт 1940 йилда учинчи муддатга президентликка сайланди. Франклин Рузвельт бу даврда ўзи ва давлатнинг асосий эътиборни урушни тезроқ тугаллаш ва унинг оқибатларини бартараф этишга қаратади. Жумладан, шу масала юзасидан 1943 йилнинг 28 ноябридан 1 декабрига қадар Эрон пойтахти Техронда уч давлат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтиб, унда И.В.Сталин, Ф.Рузвельт ва У.Черчилъ қатнашади. Ушбу учрашув кун тартибидаги асосий масала ғарбий Европада иккинчи фронтни очиш ва урушни тезроқ тугатиш эди. Конференция якуни бўйича ҳар учала давлат раҳбарлари гитлерчилар Германиясига қарши урушда биргаликда ҳаракат ва ҳамкорлик қилиш тўғрисида келишиб олишади.

Шунингдек, Франклин Рузвельтнинг президентликнинг учинчи муддатида қилган энг катта ишларидан яна бири шу бўлдики, у мамлакатларни тинчлик йўлида бирлашишга чақиритиш баробарида Буюк Британия бош вазири Уинстон Черчилъ билан «Атлантика хартияси», деб номланган тарихий-сиёсий ҳужжатни имзолади. Шуниси аҳамиятлики, ушбу ҳужжатни кейинчалик тинчлик учун курашувчи 26 та давлат расман тан олди ва ана шу халқаро ҳужжат асосида урушдан сўнг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ташкил этилди. Шунинг учун дунё халқларининг тинчлиги, осойишталиги ва ҳамкорлиги учун кураш олиб бораётган БМТ ҳам айнан Рузвельтнинг бевосита ташаббуси билан ташкил этилган десак хато қилмаган бўлаемиз.

АҚШда 1944 йилда навбатдаги президентлик сайлови ўтказилиши лозим эди. Унда демократик партиядан Франклин Рузвельтнинг тўртинчи марта президентликка номзоди қўйилди ва шу туфайли республикачилар демократларга қарши жуда катта норозичилик билдиришди. Ушанда республикачилар партиясининг вакиллари Америка тарихида ҳеч ким Рузвельтдек 16 йил президент бўлиб фаолият олиб бормаган, қонунга зид, дея демократларни жуда қаттиқ танқид остига олишди. Бироқ сайловда Америка халқи қонунга хилоф бўлса-да, яна ўзининг ишончли ва фидойи фарзандини танлади.

Қасамёд маросимидан кейин Рузвельт 1945 йилнинг 4-11 феврал кунлари гитлерчиларга қарши иттифоқчиларнинг Крим (Ялта)да бўлган Конференцияда қатнашади. Конференцияда уч давлат ҳукумат бошлиқлари (Англия, СССР, АҚШ) урушдаги ҳужум ҳаракатларининг йўналишлари ҳақида келишиб олишади. Ингиландан асосий мақсад герман милитаризмининг йўқ қилиш ва дунё халқларининг хавфсизлигини таъминлашдан иборат эди. 1945 йилнинг 12 апрел куни эрталаб президент одатдагидек газета ўқиб, нонушта қилаётган эди. Тўсатдан ўтирган жойидан қалқиб кетиб, боши билан ерга йиқилади ва миясига қон қуйилиши оқибатида Франклин Рузвельт вафот этади. Миллионлаб америкаликлар кўзларида дув-дув ёш билан Нью-Йоркнинг «Хайд Парк» қабристонига содиқ ва фидойи фарзандини сўнгги йўлга кузатиб қўйишди. Зеро, оғир дамларда халқ билан бирга бўлиб, унга одилона раҳбарлик қилиб, дардига дармон бўлган, тинчлиги ва осойишталиги йўлида тинимсиз меҳнат қилган, бир суз билан айтганда, элим деб, юртим деб, ёниб яшаган йўлбошчини халқ ҳеч қачон унутмайди.



1945 йил 12 апрел. Сўнгги дамлар



1884

Harry Truman

1972

ГАРРИ ТРУМЭН

Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида Америка Қўшма Штатларининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида устма-уст қийинчиликлар келиб чиқаётган бир пайтда давлат раҳбари булган Гарри Трумэн Жон Эндерсон ва Марта Элленларнинг ўғли бўлиб, у 1884 йилнинг 8 майида тadbиркорлар oilасида туғилади. Унинг ота-онаси бобосининг хотираси учун фарзандларига Гарри деб исм қўйишади. Ёшлигидан бошлаб Гаррининг бир кўзи унча яхши кўрмас эди. У 6 ёшга тўлганида Трумэнлар oilаси Индепенденсга кўчиб кетишади ва шу ерда ўрта мактабда таҳсил олади. Гарри Трумэн ёшлигидан билим олиш ва чет тилларини ўрганишга қизиқувчан тиришқоқ бола бўлиб ўсади. Бир сўз билан айтганда, ёшлигидан у халққа фойдаси тегадиган инсон бўлишни орзу қиларди. Мактабни битиргач, 18 ёшли Трумэн АҚШ ҳарбий академияларидан бирига ўқиш учун ҳужжат топширмоқчи бўлади. Лекин бир кўзи яхши кўрмаслиги боис унинг ҳужжатларини академияга қабул қилишмайди. Шундан кейин у Канзас штатидаги бизнес мактабида ўқиб, укаси билан биргаликда банк йўналиши бўйича ишлай бошлайди.

Шунингдек, уддабурон иқтисодчи Гарри хусусий фирма ҳам ташкил қилиб, oilавий шароитини анча яхшилаб олади. Лекин биринчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Трумэнлар хона-



Президент Трумэн хотини Элизабет Уоллес ва қиз Маргарет билан

дони моддий ва руҳий инқирозга учрайди, яъни отаси Эндерсон вафот этиб, уларнинг тadbиркорлиги банкротликка юз тутади. Бунинг устига бу орада уруш ҳам бошланиб, Гарри ҳарбий хизматга кетади. Биринчи жаҳон урушида у генерал Лернинг бошчилигидаги Франция fronti жангларида қатнашиб, лейтенант унвонига сазовор бўлади.

Гарри Трумэннинг оилавий ҳаётига тухталсак, ёшлигидаги яқин ўртоғи Элизабет Уоллес исмли қиз билан турмуш қуради ва улар Маргарет исмли ягона фарзанд кўришди. Маргарет адабиётга қизиққани сабабли кейинчалик АҚШнинг машҳур ёзувчиси бўлиб етишади. Унинг отаси Гарри Трумэннинг фаолиятига эътибор берадиган булсак, бўлажак президент тadbиркорликдан омадсизликка учрагач, энди ўз омадини сиёсатда синаб кўришга қарор қилади ва шу мақсадда демократик партиёга аъзо бўлади. Трумэннинг сиёсий ҳаётда муваффақият қозонишида дўсти Том Пендерчестнинг хизматлари катта бўлди. Чунки унинг кўмаги билан Трумэн 2 йилга Жексон графлигининг судьяси этиб тайинланади. Шунингдек, Гарри маҳаллий партиянинг раҳбари Том билан ҳамкорликда ишлаб, улар округ бошқарувининг замонавий механизмини яратишади.

1934 йилда эса Трумэн АҚШ сенатига сайланади. Бу пайтда мамлакат миқёсида «Буюк депрессия» иқтисодий инқирози ҳукм сурарди. Конгрессда Гарри савдо алоқалари қўмитасида фаолият олиб борди. Сенатор сифатида у жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшди. Темир йўл орқали савдо алоқаларини тартибга солиш мақсадида «Транспортиция қонуни»нинг қабул қилинишига эришади. Шуниси эътиборлики, АҚШ Конгрессида мудофаа қўмитасининг ташкил этилиши ҳам айнан Гарри Трумэн номи билан боғлиқ. Чунки иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида Трумэннинг таклифи билан мудофаа қўмитаси таъсис этилган бўлиб, уни ҳозиргача «Трумэн қўмитаси», деб аташади. Трумэн 50 ёшида Миссури штати сенаторлигига сайлангач, пойтахт Вашингтонга келади. Бу ерда ҳам у «Янги йўналиш» тарафдори сифатида қонунчиликни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшиб, президент Рузвельтнинг эътиборига тушади. Франклин Рузвельт тўртинчи муддатга президент этиб сайлангач, (1944 йил) купчилик унинг узоқ ишлай олмаслигини биларди. Шу сабабли ҳар икки партия раҳбарлари уз номзодини вице-президентликка кўрсатиш учун қаттиқ кураш олиб боришди. Чунки қонун буйича ваколат муддати тугамасдан истеъфога чиққан (вафот этса ёки ҳокимиятдан четлаштирилса) президентнинг урнига кейинги сайловга қадар вице-президент келади. Шу сабабли вице-президентликка номзод этиб олий суд судьяси Уильям Дуглес ва сиёсатчи Жеймс кўрсатилади. Бироқ, президент Франклин Рузвельтга уларнинг номзодлари маъқул келмайди. Бу даврга келиб Гарри Трумэн ўзининг амалга оширган демократик



Вице-президент Трумэн қасамёд қилмоқда.

ислохотлари ҳамда мамлакатдаги таниқли қонуншунос сифатида президентнинг назарига тушган эди. Ана шуларнинг натижаси ўлароқ, у Рузвельт сиёсатининг давомчиси сифатида вице-президентликка сайланади.

Аммо Гарри Трумэн бу лавозимда жами бўлиб 83 кун ишлайди, холос. 1945 йилнинг 12 апрель тонгида Трумэнни зудлик билан «Оқ уй»га чақирдишади. Трумэн у ерга борса, Рузвельтнинг хотини Элинор хоним йиғлаб ўтирган экан. Шунда Гарри гап нимадалигини дарров тушунади на собиқ президентнинг хотинига қарата, «Мендан бирор ёрдам керак эмасми?» деб суради. Унга жавобан шу пайтгача «Оқ уй»га бекалик қилган Элинор хоним ҳам «Биздан сизга бирор ёрдам керакми?» дея Трумэннинг саволига савол билан жавоб қайтаради. Бу сиз энди марҳум президент Рузвельтнинг ўрнини эгаллайсиз, деган фикрга ишора эди. Уша заҳоти, яъни 1945 йил 12 апрель куни эрталаб соат 7-30 да Гарри Трумэн президентлик қасамёдини қабул қилади.

Унинг президентлик фаолияти икки муҳим сиёсий воқеа, яъни иккинчи жаҳон урушининг якунланиши ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тузилиши билан боғлиқ. Гап шундаки, 1945 йилнинг 17 июлидан 2 августигача Потсдамда (Берлин яқинида) СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумати бошлиқларининг учинчи конференцияси бўлиб ўтади. Потсдам конференцияси урушдан кейин дунёнинг тузилиши ва халқаро миқёсда тинчликни ўрнатишга бағишланган эди. Конференция қарори билан фашист ҳарбий жиноятчиларини суд қилиш учун Халқаро ҳарбий трибунал тузилади. Ньонбергда бўлган судда гитлерчиларнинг инсониятга қарши содир қилган оғир жиноятлари фош қилиниб, улар муносиб жазога ҳукм этилади. Шунингдек, айнан Потсдам конференциясида президент Трумэн Японияга қарши атом бомбаси ишлатилиши ҳақида сўзлаб, шундай деган эди: «Биз инсоният тарихида жуда ҳам даҳшатли қурол яратдик. Бу қуролдан фақат бир давлат — Японияга қарши фойдаланамиз. Бунда ҳарбий объектлар, аскарлар ва денгиз кучлари нишонга олинади, аммо болалар ва аёллар эмас. Майли, японлар ёввойи, қаттиққўл ва раҳмсиз миллат бўлса ҳам биз дунё раҳбарлари халқ манфаати йўлида на янги, на эски пойтахтга бу бомбани ташлай олмаймиз».

Шундан кейин 1945 йил 6-9 август кунлари Америка ҳаво

кучлари Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбаси ташлади. Бу билан айнан Трумэн президентлиги даврида ўта мудҳиш ҳодисага йўл қўйилди, яъни тарихда биринчи бор инсониятга қарши мислсиз оммавий қирғин қуроли ишлатилди. АҚШ ҳукумати бунини америкаликлар оғир йўқотишларни олдини олиш, «япон оролларига тушиш ва ундан кейин бўладиган жангларда бой бериладиган қурбонлар сонини камайтириш мақсадида шундай қилинди», деб ўзларини оқламоқчи бўлишди. Ваҳоланки, жуда катта моддий йўқотиш ва миллионлаб тинч аҳолининг қирилиб кетишига сабаб бўлган бу атом бомбасининг ташланишини ҳеч қандай ҳарбий зарурият тақозо этмас эди. Шундан сўнг 1945 йилнинг 2 сентябрида Токио қўлтиғида Япониянинг сўзсиз таслим бўлгани ҳақидаги ҳужжат имзоланади ва 1948 йилги сайловда Гарри Трумэн иккинчи муддатга президентликка сайланади. Унинг президентлигининг иккинчи муддатдаги фаолияти ҳам бир қанча муҳим сиёсий воқеалар билан боғлиқ кечади. Хусусан, 1949 йилнинг баҳорида АҚШ, Канада, Буюк Британия ва Франция давлатлари уртасида «Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти» (НАТОни) тузиш ҳақида ҳужжат имзоланади. Мазкур шартномага мувофиқ, бирор давлатнинг ушбу ташкилотга аъзо давлатлардан бирига ҳужум қилиши, унинг барча аъзоларга ҳужум қилиш сифатида қаралиши ва унга нисбатан тегишли чора кўрилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Президент Трумэн даврида мамлакат ички ҳаёти ҳам анча яхшиланади. У ўзининг «Адолатли йўл», номли дастури орқали жамият ҳаётида бир қатор ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширди. Президент Трумэннинг ушбу дастури қўйидаги назифаларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди:

- 1) Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- 2) Таълим соҳасига жиддий эътибор қаратиш;
- 3) Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш;
- 4) Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва ривожлантириш;
- 5) Ирқий камситилишларга барҳам бериш;
- 6) Кредит бериш, экспорт-импорт ва уй-жой тўловлари устидан назорат ўрнатиш.

Бундан ташқари, Трумэн президент сифатида қора танли фуқароларнинг бошқалар сингари билим олиш ва касб-ҳунар

эгаллаш ҳуқуқини янада кафолатлади. Ташқи сиёсатда Трумэн Шимолий ва Жанубий Корея уртасида юзага келган урушнинг бартараф этилишига катта ҳисса қўшади. 1952 йилнинг 29 мартида Гарри Трумэн навбатдаги президентлик сайловида номзодини қўймаслигини расман эълон қилади ва 1953 йил 20 январда «Оқ уй»ни тарк этиш олдида у шундай дейди: «Мен қисқа вақт ичида нафақат ўз Ватаним, балки дунё халқлари учун ҳам тарихда қоладиган ишларни амалга оширдим деб ўйлайман».

1951 йил куз ойларида «Оқ уй»ни таъмирлаш ишлари бошлангани сабабли президент Гарри Трумэн Вашингтондаги «Пенсильвания авеню» қароргоҳига жойлашади. 1 ноябрь куни тушликдан сўнг Трумэн ўз хонасида дам олиб ўтирганида пуэрто-риколик икки айирмачи — Оскар Кольязо ва Гризелио Торресоло уни ўлдириш мақсадида уйга бостириб киришга ҳаракат қилади. Қўриқчилар ва бостириб кирганлар ўртасида 3 дақиқалик отишма бўлиб ўтади. Бунинг натижасида Торресоло ва қўриқчилардан бири ҳалок бўлади. Кольязо эса ҳибсга олинади. Суд Кольязони ўлим жазосига ҳукм қилади. Бироқ Трумэн уни авф этиб, электр стул орқали қатл этишни умрбод қамоқ жазоси билан алмаштиради.

Шундан кейин собиқ президент Трумэн умрининг охиригача демократик партиядан фаолият олиб боради. Шунингдек, Гарри икки томли «Йиллар хулосаси» номли китобини ҳам нашр эттиради. 1972 йилнинг охирида Трумэн ўпка касаллигига чалингани сабабли 16 кун беҳуш ётгач, ўша йилнинг 26 декабрда вафот этади.

«Оқ уй»да президент Гарри Трумэннинг хотирасига бағишланиб «Трумэн кутубхонаси» ташкил қилинган.



1890 *Dwight Eisenhower* 1969

ДУАЙТ ЭЙЗЕНХАУЭР

Америка президентлари орасида ўттиз йиллик катта ҳарбий маҳорат ва тажрибага эга бўлган ҳамда ўз даврида «халқ қаҳрамони» деган улуғ номга сазовор бўлган давлат раҳбари Дуайт Дейвид Эйзенхауэрнинг алоҳида ўрни бор.

Техас штатининг Деннисон шаҳарчасида истиқомат қилган Дейвид Жекоб ва Стовер Эйзенхауэрларнинг учинчи уғли Дуайт 1890 йилнинг 14 октябрида диндорлар оиласида туғилади. Оила бошлиғи Дейвид Жекоб диний ишлар билан шуғулланиб, сут сотиш билан рўзгор тебратар, Стовер хоним эса беш нафар фарзанднинг тарбияси билан машғул эди. Бўлажак президентнинг ёшлиғи АҚШнинг қоқ марказида жойлашган, 10-15 минг нафар аҳолиси бўлган гўзал Абилин шаҳарчасида ўтади ва ана шу шаҳарчада ҳозирги кунда Дуайт Эйзенхауэрнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган меъмориал марказ ташкил этилган.

Шуниси қизиқки, мактабда ўқиб юрган кезлари ташқи кўринишидан анча кичик ёшдаги болага ўхшаган Дуайт синфдошлари орасида «митти Дуайт» лақаби билан машҳур эди. Аммо кичкина, ҳамisha кулиб турадиган Дуайт фикрлаши, билими ва айниқса тарих фанига ўта қизиққонлиги билан дўстларининг кўплаб таҳсинларига сазовор бўларди. Дуайт ўрта мактабни тамомлаши арафасида дўстларидан бири унга мамлакат Миллий ҳарбий академиясига ҳужжат топшириб,

омадини синаб кўришини, қолаверса. отаси ҳам бир вақтлар ҳарбий киши бўлганини айтиб, уни кўндиришга муваффақ бўлади. Ҳарбийлик азалдан қонида борлигиданми, Дуайтнинг ҳам ҳақиқий ҳарбий бўлиш истаги айнан академияга ўқишга кириб, таҳсил олиб юрган кезлари тобора орта боради. Дуайтнинг ҳарбий соҳага бундай фидокорона қизиқишини кўрган академия раҳбарлари бўлажак лейтенантнинг келажакгини ҳарбий ишга боғлаш, билим ва тажрибасини янада бойитиш мақсадида Техас штатидаги «Форт сем» номли махсус ҳарбий



Ёш келин-куёв Эйзенхауэрлар

бўлинмага юборишади. У ерда лейтенант Эйзенхауэр Мэри Женева Роуд исмли қиз билан танишиб қолиб, 1916 йилнинг 1 июлида улар турмуш қуришади. Ўшанда Дуайт ҳаётининг мазмуни бўлган, яхши кўрган кишисига уйлангани ва айниқса, биринчи фарзанди уғил бўлганидан жуда бахтиер бўлиб, ўзини кўярга жой топа олмай юрар эди. Бироқ бахт кетидан бахтсизлик ҳам изма-из юради деганларидек, ушбу қувончли дамлар узоққа чўзилмади — ёш ота-она тўсатдан 3 ёшли боласидан ажралиб қолади. Бу орада кутилмаганда иккинчи жаҳон уруши ҳам бошланиб, АҚШ ҳукумати тажрибали Дуайт Эйзенхауэрни уруш режаси ва стратегиясини ишлаб чиқиш учун пойтахт Вашингтонга чақириб олади. Режага мувофиқ АҚШ Германияга қарши урушда Буюк Британия билан иттифоқчи бўлиши лозим эди. Шу мақсадда Эйзенхауэр Англия пойтахти Лондон яқинида ҳарбий штаб ташкил этиб, инглиз ҳарбийларига қарата, «Биргалашиб ҳаракат қилсак, бизни ҳеч қандай куч енга олмайди» дея уларни бирлашишга чақиради. Шундай қилиб,



Совет уруш ишлари

Эйзенхауэрнинг режасига биноан немис-фашист босқинчиларига қарши ҳужум денгиз орқали амалга ошириладиган бўлди. Аммо кутилмаганда денгизда об-ҳавонинг бузилиши ҳужумни бошлашга тўсқинлик қилади. Мабодо белгиланган вақтда ҳужум бошланмаса, кейин кеч бўлиши мумкин эди. Нима қилишини билмай боши қотган Дуайт Эйзенхауэрнинг олдида бу пайтда иккита масала турарди:

1) миллионлаб одамларнинг ҳаётини хавф

остига қўйиб, ҳужум бошлаш;

2) ҳужумдан воз кечиб, бутунлай ҳарбийдан кетиш.

Бундай танг ва масъулиятли вазиятда Эйзенхауэр қатъий фикрга келиб, «Яхши, биз кетдик» дея шиддатли ҳужум бошлайди (1944 йил 6 июнь). Шундан кейин уруш 11 ойга яқин давом этиб, Германиянинг узил-кесил таслими билан тугайди. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айнан Эйзенхауэрнинг «ОВЕРЛОРД» ҳарбий операцияси (керагидан ортиқ қушин ташлаш) ёрдамида АҚШ шу ва бошқа кўплаб урушларда муваффақият қозонади. (2003 йил мартда бошланган Ироққа қарши озодлик ҳаракатларида ҳам айнан ана шу усул билан ғалабага эришилди).

Ана шундай юксак ҳарбий маҳорат ва тажрибаси билан дунё халқлари орасида довруқ қозонган, миллат қаҳрамони, генерал-майор Дуайт Эйзенхауэрнинг урушдан қайтишини Америка халқи сабрсизлик билан кутиб турарди. Иккинчи жаҳон урушини муваффақиятли якунлашга узининг катта ҳиссасини қўшган Дуайт ҳарбийдан кетиб, 1948 йилда Нью-Йорк шаҳридаги Колумбия университетининг ректори лавозимида ишлай

бошлайди. У бу даврда ўзининг ҳарбий юришлари ҳақида «Европа бўйлаб юриш» номли китобини ҳам чоп эттиради. Орадан 2 йил ўтгач, яъни 1950 йилда президент Трумэннинг таклифига кўра, Дуайт Эйзенхауэр НАТОнинг Европадаги ҳарбий кучларига бошлиқ этиб тайинланади. Бу даврда Жанубий ва Шимолий Корея уртасида аёвсиз уруш кетаётган эди. Президент Трумэн Жанубий Корея халқига ёрдам бериш мақсадида ўз кўшинларини у ерга юборишга қарор қилади. Аммо президентнинг бу фикрини кўпчилик консерватив-республикачилар қаттиқ танқид остига олиб, бу урушга АҚШ аралаш-



Президент Трумэн оила аъшлари билан

маслиги керак, деган фикрни билдиришади. Дуайт Эйзенхауэр эса бунга жавобан, «Ўзга юртда нотинчлик, беқарорлик бўлаётган бир пайтда Америка халқи четдан қараб тура олмайди, тинч-тотув ҳам яшай олмайди», дейди.

Натижада республикачилар ва консерватив-республикачилар ўртасида келишмовчилик келиб чиқа бошлайди. Шунда кўпчилик Эйзенхауэрга «бу зиддиятни фақат сиз олдини олишингиз мумкин», дея уни 1952 йилда бўладиган президентлик сайловига номзодини қўйишга даъват этишади. Устига-устак республикачилар 20 йилдан буён президентлик сайловларида мағлубиятга учраб, уларнинг вакили давлат бошлиғи бўлолмаётган эди. Шунинг учун улар катта умид ва ишонч билан Дуайт Эйзенхауэр номзодини президентлик сайловига қўйишади. Сайловнинг биринчи bosқичидаёқ Эйзенхауэр муваффақият қозониб, 34 миллион нафар сайловчининг 55 фоиз овозини олади ва АҚШнинг 34- президенти этиб сайланади. Шуниси эътиборлики, Эйзенхауэр президентлик қилган давр АҚШда «Замонавий республикачилар даври», деб аталади. Чунки бу даврда уруш асоратлари бартараф этилиб, АҚШ ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий юксалишнинг янги палласига қадам қўяди. Бир сўз билан айтганда, дунё миқёсида тинч-фаровон ҳаёт кечириш учун кураш бошланади. Шунингдек, мамлакатда ҳарбий-саноат комплекси вужудга келиб, унинг асосини йирик ҳарбий-саноат фирмалари ташкил этади. Уларнинг ичида АҚШ Мудофаа Вазирлиги — Пентагоннинг 12 та асосий пудратчиси юқори маъқега эга бўлади. Ташқи иқтисодий алоқаларда Транснационал корпорациялари муҳим аҳамият касб этди.

1955 йилнинг сентябр ойида Колорадо штатидаги Рокки оромгоҳида ҳордиқ чиқараётган 65 ёшли президент Эйзенхауэрнинг юраги тўсатдан хуруж қилиб қолади. Лекин бу президентнинг номзодини кейинги сайловга қайта қўйишга тўсқинлик қилмайди. 1956 йилги президентлик сайлови олдидан Дуайт Эйзенхауэр учун қутилмаган воқеалар юз беради. Гап шундаки, Англия, Франция ва Исроил давлатлари ўзаро биргалашиб, Мисрга қарши уруш бошлашади. Буни эшитган Эйзенхауэр «Қандай қилиб учта иттифоқчимиз биздан яширинча уруш бошлаши мумкин?», дея ҳайратга тушади. Энг ёмони, бу уруш минглаб беғуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлиши мумкин эди. Ана шуларни ўйлаб, президент Эйзенхауэр тезкор

музокаралар олиб бориб, келиб чиққан низони тинч йўл билан ҳал этишга муваффақ бўлади. Бундан миннатдор бўлган Америка халқи узининг фидойи фарзанди Эйзенхауэрнинг бу қаҳрамонлиги учун уни яна президент этиб сайлайди. Унинг президентлиги иккинчи муҳдатдаги фаолияти ҳам анча мураккаб кечади. Айниқса, мамлакатда ишсизлар сонининг ўсиб бориши, ташқи сиёсатда эса Куба билан дипломатик муносабатларнинг бузилиши бир ҳатор қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Шу ўринда бир масалага алоҳида тўхталиш лозимки, президент Дуайт Эйзенхауэр иккинчи жаҳон урушида собиқ СССР қуролли кучлари бош қўмондони, немис-фашист босқинчиларининг тор-мор этилишида катта ҳисса қўшган Георгий Константинович Жуков билан қалин дўст бўлгани тўғрисида жуда кўп илиқ ва ижобий фикрлар бор. Иккинчи жаҳон урушида Фарбий Европа иттифоқчи қўшинларнинг Олий бош қўмондони бўлган Д.Эйзенхауэр Г. Жуков билан биринчи марта 1945 йил май ойининг охирларида Германиянинг Венденшлосси шаҳарчасидаги Совет қўшинлари штабида учрашади.

«Биз солдатчасига, айтиш мумкинки жуда дўстона кучоқлашиб кўришдик», деб эсади Г.Жуков ўз эсдаликларида, — Эйзенхауэр менинг қўлимни бир оз ушлаб туриб, менга бошдан оёқ разм солди ва сўнгра «Мана, сизни ҳам кўрар кун бор экан-ку?», деди. Ташқи кўринишдан Эйзенхауэр



*Д. Эйзенхауэр ва Г. Жуков,
1945 йил май, Берлин.*

менга жуда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, унинг камтарлиги, оддийлиги ва хушчақчақлиги менга жуда маъқул бўлди.

Шу пайтгача ҳаёт тарзи бир-бирига жуда ўхшайдиган (чунки иккаласи ҳам бир ўн йиллик (Д.Эйзенхауэр — 1890 йил, Г.Жуков — 1896 йил) да дунёга келган, иккаласи ҳам қишлоқда вояга етиб ҳарбий бўлишган, иккисини ҳам иккинчи жаҳон уруши дунёга танитган ва ниҳоят, иккиси ҳам кейинчалик юрак хуружини бошидан ўтказиб, деярли бир (Д.Эйзенхауэр — 79 ва Г.Жуков — 78) ёшда вафот этишган буюк саркардалар ана шу учрашувдан кейин жуда ҳам яқин дўст ва ошна бўлиб қолишади.

1945 йил август ойида И.Сталиннинг таклифи билан генерал Д.Эйзенхауэр ўғли Жон ва бошқа бир неча яқинлари билан маршал Г.Жуковнинг расмий меҳмони сифатида собиқ СССРга ташриф буюради. Москва ҳамда Ленинград шаҳарлари бўйлаб сафарда Г.Жуков унга ҳамроҳлик қилади. Бу билан улар ўртасидаги дўстона муносабат янада мустақкамланади. Шундан кейин улар тез-тез хат ва телеграмма йўллаб, бир-бирини байрамлар билан табриқлаб, узлуксиз совға-салом юбориб туришади. Айк (кўпчилики америкаликлар Эйзенхауэрни эъзозлаб, шундай чаҳиришар эди) Георгий Жуковни бир неча бор АҚШга меҳмонга таклиф этади. Лекин унга океан ортига бориш насиб этмайди. Улар охири марта АҚШ, Англия, Франция ва СССР ҳукумат бошлиқларининг 1955 йил Женевада ўтказилган конференциясида учрашишади.

Айрим сиёсатшуносларнинг фикрича, маршал Г.Жуковнинг 1957 йилнинг октябрида собиқ СССР Мулофаа вазири лавозимидан тўсатдан бўшатилиб, сиёсатдан четлаштирилишига ҳам айнан Д.Эйзенхауэр билан яқин дўст экани сабаб булган. Чунки иккинчи жаҳон урушидан сўнг мамлакат ичида ҳам, унинг ташқарисида ҳам Г.Жуковнинг обрў-эътибори ниҳоятда зўр бўлиб, айрим мамлакатларда унга давлат бошлиқидан ҳам ортик ҳурмат-иззат кўрсатила бошланади. Бундан ташқари, АҚШдек буюк, қудратли давлатга дўсти Д.Эйзенхауэрнинг президент бўлиши Г.Жуковнинг салоҳияти ва обрў-эътиборини янада ошириб юборади. Буларнинг ҳаммасини кўриб, эшитиб билиб юрган собиқ СССРнинг ўша пайтдаги энг юқори лавозимли раҳбарлари, айниқса Никита Хрушчев, Георгий Жуков тимсолида ўзининг ашаддий рақиби, вазифасига биринчи даъвогарни кўради ва шу туфайли уни Югославия ва Албания сафарига жўнатиб, ўзининг маккорона мақсадига эришади.

Шуниси қизиқки, манбаларга қараганда собиқ СССРдаги катта-кичик барча воқеа-ҳодисаларни синчковлик билан узлуксиз кузатиб туриб, сабабини чуқур таҳлил қиладиган АҚШнинг Марказий Разведка Бошқармаси ҳам олдинга Хрушчёвнинг бу ҳийласини тушунмасдан Д.Эйзенхауэрга «Г.Жуковни юқори партиявий лавозимга кўтариш учун вазифасидан озод этишди», деб нотўғри маълумот беради.

Собиқ президентнинг набираси Сюзен Эйзенхауэрнинг яқинда айтишича, Г.Жуковга нисбатан қилинган бу адолатсизликлардан сўнг орадан икки йилча ўтиб Никита Хрушчев расмий визит билан АҚШга ташриф буюради. Музокаралар жараёнида президент Д.Эйзенхауэр протоколдан ташқари бўлса-да, ундан Г.Жуков тўғрисида сўрайди: — «Дўстингиз Жуков соғ-саломат, омон-эсон, мазза қилиб юрибди. Зерикса, Украинанинг жанубига бориб балиқ овлайди, баъзан уйига кириб олиб хотиралар ёзади», дея масхарамуз оҳангда жавоб қайтаради Н.Хрушчев. Д. Эйзенхауэр эса собиқ СССРдаги адолатсизлик ҳамда ҳамсуҳбатининг ўта анлишасизлигидан ҳафа бўлиб, бу мавзуда бошқа гаплашишни истамайди...

Эйзенхауэрнинг сиёсий соҳадаги яна бир энг катта ютуғи шу бўлдики, 1957 йилнинг мартада Конгресс «Эйзенхауэр назарияси» деб номланган сиёсий ҳужжатни тасдиқлайди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ ҳар қандай миллат иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича бир-бирига ёрдам бериши ва ўз навбатида агрессияга қарши ҳамкорликда курашиши лозим эди. 1961 йилда 71 ёшли Дуайт Эйзенхауэр нафақага чиқишга қарор қилади. Орадан 7 йил ўтгач, яъни 1968 йилнинг 28 мартада юрак хуружи оқибатида Эйзенхауэр ҳаётдан кўз юмади.



1917 *John Kennedy* 1963

ЖОН КЕННЕДИ

АҚШ президентлари орасида Жон Кеннеди энг ёш ва қисқа муддат фаолият олиб борган давлат раҳбарларидан биридир. Шу билан бирга Жон Кеннеди ўзининг ана шу қисқа вақт ичидаги фаолияти давомида Америка халқи қалбидан абадий жой олишга муяссар бўлган президент ҳисобланади. Унинг ваҳшиёна отиб ўлдирилиши нафақат Америка халқи, балки бутун дунё аҳлини чуқур қайғуга солган эди. Ана шундай юксак ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган инсоннинг кимлиги, у қандай оилада тарбиялангани, фаолияти ва тақдири қандай кечгани, шубҳасиз кўпчиликини қизиқтиради.

Аввало шунга айтиш лозимки, Кеннедилар авлодининг асли келиб чиқиши жанубий Ирландияга бориб тақалади. Жон Фитсжеральд Кеннеди Жозеф Патрик ва Роуз Кеннедиларнинг иккинчи ўғли эди. Жозеф Патрик президент Франклин Рузвельт даврида хавфсизлик хизматининг бошлиғи, кейинчалик АҚШнинг Буюк Британиядаги элчиси лавозимларида ишлаган. Роуз Кеннеди ҳам маърифатли, сиёсатга алоқадор кишилар оиласидан чиққан аёл эди. Жон Кеннеди 1917 йилнинг 29 майида Массачусетс штатида туғилган. Кеннедининг ака-укалари ҳам мартабали ва нуфузли инсонлар бўлишган. Масалан, укаси Роберт Кеннеди дастлаб адвокат, кейинчалик Нью-Йорк шаҳри сенатори ва мамлакат Адлия вазири лавозимларида ишлаган.

Жозеф Кеннеди ўта ишончли, садоқатли, самимий ва меҳроқибатли инсон бўлгани учун болаларини ҳам шу руҳда тарбиялади. Жон ёшлигида анча босиқ, уятчан бола бўлган. У Бруклиндаги (Массачусетс) мактабни тамомлаб, 13 ёшида Коннектикут штатидаги Кантербури мактабига ўқишга киради ва кейинчалик ўқишини шу штатдаги академияда давом эттиради. Жон Кеннеди 18 ёшида академияни тамомлаб, Англияга дам олишга кетади. Орадан бир йил ўтганидан сўнг, Кеннеди дунёдаги машҳур Гарвард университетининг талабаси бўлишдек бахтга эришади. Ўқиш давомида у турли миллат вакиллари билан танишиб, яхши дўстлар орттиради. Кеннеди кўпинча баҳор ва ёз фаслларида Европа мамлакатларида ўтказиб, саёҳат мобайнида Жон турли хил сиёсатчилар, давлат арбоблари билан бевосита мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. 1939 йилда иккинчи жаҳон уруши бошланиши арафасида «Нега Англия уйқуда?» номли китобни нашр эттиради. Гарвард олий ўқув юртини тамомлагач, «Жон Станфорд» бизнес мактабига ўқишга киради. Аммо ушбу билим даргоҳини тамомлашга 6 ой қолганда ташлаб кетади. Бу орада эса Кеннеди армия сафида хизматга чақирилади. Урушда Кеннеди АҚШнинг энг йирик ҳарбий базаси — Пёрл-Харберда Япония билан бўлган жангда кўрсатган жасорати учун унвон билан тақдирланади. Шунингдек, иккинчи жаҳон уруши даврида Жон Кеннеди PT-109 соқчи кемасига сардорлик қилиб, душман ҳарбий кемаларига қарши жангларда суя йўллари минаяштириш, уриб туширилган ҳарбий самолётларнинг учувчиларини қутқариш ва разведка ишларида жонбозлик кўрсатади. 1943 йил 2 августда Кеннеди бошқараётган кемага японларнинг бомбаси тушиб, кемани иккига бўлиб ташлайди ва кемадаги ҳарбийлардан икки нафари ҳалок бўлиб, қолган ўн нафар денгизчилар билан Кеннеди 15 соатда Соломонов пролига сузиб боради. Шунингдек таъкидлаш жоизки, ярадор бўлиб ҳолдан тойган бир матросни Кеннеди сувга ташлаб кетмасдан, унинг қутқарув камзулини эгиндан маҳкам тишлаб, оролгача тортиб сузиб боради. (Дарвоқе, Роберт Боллард, яъни 1985 йилда сув остидан машҳур «ТИТАНИК»ни топган денгизчи яқинда Кеннедининг ана шу кемаси қолдиқларини ҳам топди).

Шу сабабли Кеннеди умуртқасидан жароҳат олиб, кейинги қисқа ва мазмунли ҳаётида ана шу жароҳат жабрини жуда кўп тортади.

Урушдан сўнг орадан 10 йил ўтгач, Жон Кеннедининг умуртқасини операция қилишади. Ана шу сабабли у доимо махсус белбоғ билан белини маҳкам боғлаб, оғриқни қолдирувчи укол олиб юришга мажбур бўлади. Бостондаги Жон Кеннеди номидаги меъмориал кутубхонадаги махфий ҳужжатлар билан танишган профессор Даллек президент ҳар куни саккизтагача оғриқни қолдириб, ором берувчи дорилар истеъмол қилганини тасдиқлади. Америка тарихида ёрқин фаолият олиб борган президентлардан бири Жон Кеннеди муҳим учрашувлар олдидан қабул қиладиган «демидрол» ва «митадон»дан ташқари яна 7- 8 тадан кўшимча укол олганига бугунги кунда кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Аммо бу ҳақиқат. Унинг белидаги оғриқ шунчалик кучли бўлганки, ҳатто Жон мустақил ўзи оёғига пайпоқ ёки пойабзал ҳам кийлмаган. Бундан ташқари, буйрагининг ҳам яхши ишламагани Кеннедига бир қатор кўшимча дардлар келтириб чиқаради.

Хуллас, профессор Даллакнинг фикрича, Кеннедининг ҳаёти кундалик оғриқ ва азоб-укубатларни мардоновор енгиб ўтишдан иборат бўлган. Бироқ шундай бўлса-да, «Қария Жек» (уни яқин дўстлари ва қариндошлари эркалаб шундай ном билан чақиришарди) аёлларнинг кўнглини олишда ҳеч ҳам қийналмаган. Масалан, профессор Даллекнинг ёзишича, ўша пайтда «Оқ уй» ходимларидан бири Мэрион Бэрдсли хонимнинг узи яқинда (2003 йил май ойида) президент Жон Кеннеди билан кечирган ишқий муносабатларини тан олган. Лейтенант Жон Кеннедининг кейинги ҳаёти ҳақида тўхталадиган бўлсак, у армиядан қайтгач, газетада журналист бўлиб ишлай бошлади. Отаси Жонни келажақда ёзувчи ёки ўқитувчи бўлса керак деб ўйлаб юарди, акаси Жоо эса унинг сиёсатчи бўлишини истарди. Бироқ акаси Жоонинг бевақт вафот этиши Кеннедининг фикрини бутунлай ўзгартириб юборади ва эндиликда у сиёсат билан шуғулланишга қарор қилди. Шу тариқа 1946 йилда Жон Кеннеди ўзининг дастлабки сиёсий фаолиятини бошлаб, вакиллар палатасига номзодини қўяди. Жоннинг вакиллар палатасига сайланишида онаси ва ака-укаларининг хизматлари катта бўлди. Гап шундаки, Жоннинг онаси Роуз сайловчилар билан деярли ҳар куни учрашувлар ташкил қилиб, уларни ўғли учун овоз беришга даъват қиларди. 1951 йилда Кеннеди Жорж Вашингтон университетининг талабаси Жаклин исмли қизни



Президент Кеннеди оиласи билан

яхши кўриб қолиб, унга уйланади. Жаклин ўқишни битириб, «Washington Times» газетасида фотомухбир бўлиб ишлай бошлайди. Эр-хотин Кеннедиларнинг Каролина, Жон ва Патрик исмли фарзандлари бўлган (ҳозирги кунда уларнинг ҳаммаси тасодифий ва турли тушунарсиз сабаблар билан бу дунёни тарк этишган. Унинг яқинларидан фақат укаси, собиқ сенатор Эдвард Кеннеди ҳаёт). Жон Кеннеди сенаторлик фаолияти давомида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини кутаришга муносиб ҳисса қўшди. Чунончи, у ишлаб чиқаришни рипожлантириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, аҳолини иш билан таъминлаш борасида катта ижобий ишларни амалга оширди. Ана шундай ислохотлар натижаси улароқ, 1957 йилда у Сенатнинг халқаро алоқалар қўмитаси раиси этиб сайланади. Шу йили демократлар Кеннедининг номзодини вице-президентликка кўрсатишади. Аммо Чикагода бўлган сайловнинг биринчи босқичида устунликни рақибига бериб қуяди. Шундан сўнг у олдинги ишига қайтиб, 1960 йилда бўладиган президентлик сайловига жиддий тайёргарлик кўра бошлайди. Шу мақсадда у деярли ҳар ҳафта сайловчилар билан учрашувлар ташкил қилиб,

турли мавзуларда чиқишлар қилади. Ниҳоят, кўз очиб юмгунча 4 йил ҳам ўтиб кетади. Ўшанда сайлов олдида айрим сиёсий кучлар Кеннеди президентликка мос шахс эмас, деган фикрларни ҳам билдиришади. Бироқ Кеннеди бу каби гап-сўзларга асло эътибор бермай, ташвиқот-тарғибот ишларини жадал суръатда олиб боради. Дарвоқе, Кеннеди ўзининг «Янги чегара» дастури орқали президент бўлишга муваффақ бўлган. 1960 йилги президентлик сайлови ҳар учала номзод учун ҳам анча қийин кечди. Чунки, сайловолди ташвиқотлар жараёнида экспертлар сайловда Кеннедининг рақиблари Линдон Жонсон ёки Ричард Никсон ютиб чиқади, деб тахмин қилишади. Бироқ Жон Кеннеди кўпчилик сайловчиларнинг овозини олиб, 43 ёшида АҚШнинг 35- президенти этиб сайланди. Қасамёд қилиш (инагурация) маросими 1961 йил 20 январда бўлиб ўтди. Белгиланган тартиб-қоидага кўра Президент қасамёди Сенат ёнидаги мрамор тошлар ётқизилган баланд супада амалга оширилади. Бунинг учун президент маҳаллий вақт билан эрталаб соат 10-ларда ўз қароргоҳи — «Оқ уй»дан рафиқаси ва бошқа яқинлари билан чиқиб, Пенсилвания кўчаси бўйлаб яёв Капитолия томон юради ва бир мил (1 км 600 метр) лик масофани босиб ўтиб, белгиланган жойда Америка Қўшма Штатлари Олий суди раиси, вице-президент ҳамда бошқа қатнашчилар иштирокида тантанали равишда қасамёд қилади ва ўзининг сайловолди дастурини баён этади. Сўнг келган йўлидан пиёда «Оқ уй»га қайтиб бориб, шу дақиқадан бошлаб амалда президент ваколатини бажаришга киришади. Эътиборли томони шуки, қасамёд қабул қилаётган президент енгил кийимда, яъни оқ кўйлак, яланғош ва костюм-шимда бўлиши лозим. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Америка тарихида шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, айрим президентлар, хусусан, Уильям Гаррисон қасамёд маросимида қаттиқ шамоллаб қолиб, орадан бир ой ўтгач вафот этган.

Қасамёд маросимида Кеннеди фуқароларга мурожаат этиб, «Сиз америкаликлар, Ватаним менга нима берди, деб эмас, мен ўзим она-Ватанга нима бердим, деган руҳда яшанг», дея хитоб қилади. Президентлик даврида Жон Кеннеди асосан ёшларга эътибор бериб, уларга алоҳида меҳр кўзи билан қарайди. Шу мақсадда у «Peace Corps (Писс Корпс, яъни «Тинчлик корпуси»)ни таъсис этади. Буни қарангки, президент Кеннеди

ташкил этган «Тинчлик корпуси» бугунги кунда дунё ёшлари, шу жумладан, Ўзбекистон ёшларини ҳам ҳар жиҳатдан билимли қилиб тарбиялашга хизмат қилмоқда. Бу эса президент Кеннедининг нафақат уз мамлакати ёшларига, балки бутун дунё ёшларига бўлган гамхурлиги ва эътиборидан далолат беради. Фақат узоқни кўра биладиган, эртани ўйлайдиган буюк шахсларгина халқ ва мамлакат келажagini ўйлаб аҳоли, айниқса, ёш авлодни маърифатли, касб-ҳунарли қилишни биринчи ўринга қўяди. Шундай қилиб, Кеннеди даврида мамлакат иқтисодий жиҳатдан юксалиш томонга юз тутди. Айнан шу даврда Америка олимлари ойга чиқишга муваффақ бўлишди. Президент Жон Кеннедининг шахсан ўзи амалга оширган энг катта, оламшумул ишлардан яна бири шуки, у Совет Иттифоқи билан атом урушининг келиб чиқиш хавфининг ўз вақтида олдини ола билди. Жон Кеннедини узоқни ўйлаб фикр юритадиган, халқ манфаатини ўйлайдиган раҳбар бўлганини 1962 йил 16-28 октябр (тарихга «Кариб кризиси» номи билан кирган) воқеалари ҳам яна бир бор исботлади. Ана шу воқеалар тўғрисида батафсилроқ тўхталадиган бўлсак, президент Жон Кеннеди 1961 йил 20 январда ўз ваколатини бажаришга киришгач, Эйзенхауэрнинг сиёсатини давом эттириб, Кубага қўшин киритмоқчи бўлади ва ўша йили ноябрь ойида Фидел Кастро тузумини ағдариш учун ўта махфий «Мангуста» режасини тасдиқлайди. Бундан ўз вақтида хабар топган Фидел Кастро ёрдам сўраб собиқ СССРга мурожаат қилади. СССР эса Кубани ҳимоя қилиш мақсадида АҚШ қирғоқларига қарата яширинча ядровий ракета­лар ўрнатади. Маълумотларга қараганда, 1962 йил 22 октябрда АҚШнинг 183 та жанговар кемалари Кубани ҳар тарафдан қамал қилган бўлса, уларга қарши СССРнинг 162 дона ядровий зарядлар жойлаштирилган жанговар ракеталари шай қолга келтирилган. АҚШ ҳам бунга жавобан ўзининг Туркиядаги ҳарбий базасига ядровий ракеталарни жойлаштириб, уларни собиқ СССР ҳудудига тўғри­лаб қўяди. Хуллас, шу тариқа дунёда ядровий урушнинг бошланиб кетиш хавфи келиб чиқади. Кеннеди ушбу воқеаларга бағишлаб кейинчалик ёзган «Ўн уч кун» номли асарида таъкидлаганидек, «ҳаммани ҳар томондан ядровий сиртмоқ бўғиб кела бошлайди». Нафақат икки давлат, балки бутун дунё халқлари учун жуда ҳам оғир бўлган ана шу дамларда халқпарвар

президент Кеннеди кечаю-кундуз уйлаб, масалани тинч йул билан ҳал этиш йўллари қидиради ва уз зиммасига катта масъулият олиб, юксак матонат билан ана шундай бир қалтис вазиятда ягона туғри йўлни танлайди. У қанчалик оғир бўлмасин, Кубага ҳужум қилиш режасидан воз кечади ва бу ҳақда 1962 йил 28 октябрь эрталаб Никита Хрушчевга хабар қилади. Бу хабарни нафақат Хрушчев, балки бутун дунё халқлари сабрсизлик билан кутиб турарди. Шу сабабли томонларнинг бу қарорини жаҳон авгор оммаси чексиз шод-у хуррамлик билан қарши олишади. Шундан сўнг зудлик билан Куба қирғоқларидан Совет, Туркиядаги ҳарбий базадан эса АҚШ ядровий ракеталари олиб чиқиб кетилиб, шу билан энг даҳшатли ядровий урушнинг олди олинади.

1963 йилнинг июл ойида Совет Иттифоқи, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари ядровий синовлар бўйича шартнома имзолашади. Ушбу шартномага мувофиқ бундан кейин атом бомбасини ерда, сувда ва ҳавода синаб кўриш қатъиян таъқиқланади. Шундан кейин Жон Кеннеди навбатдаги президентлик сайловида ҳам ғолиб чиқишни режалаштира бошлайди. Сайлов арафасида президент Кеннедига сиёсий реклама зарур эди. Шу боисдан у 1963 йил 22 ноябрда Даллас (Техас)да сайловчилар билан илк учрашуя белгилайди. Ўша куни Кеннедининг президент сифатида фаолият юритаётганига 2 йилу 10 ой бўлганди. Президент Техасга учиб кетиши олдидан унинг яқин маслақдошлари Далласнинг жуда хавфли жой эканини билдиришиб, иложи бўлса у ерга бормасликни маслаҳат беришади. Хусусан, сенатор Губерт Хаммери билан конгрессмен Хейл Баггс шу мақсадда «Оқ уй»га махсус ташриф буюришади. «Мистер президент, — дея огоҳлантирди Баггс — эҳтиёт бўлинг, сиз газандалар уясига бораяпсиз».

Бу каби ваҳимали гаплар «Оқ уй» раҳбарини ташвишлантирмаслиги мумкин эмасди, албатта. «Далласга боришни ўзим ҳам унчалик истамайман. Аммо техаслик вице-президент Линдон Жонсонга ваъда бериб қўйганман. Ваъдамни бажаришим керак», дея президент рафиқаси Жекки билан 22 ноябрда Далласга ташриф буюрди. Шу куни Далласнинг тонгги газеталарида олий мартабали меҳмон ўтадиган йўл маршрути белгиланган шаҳар кўчалари чизмаси эълон қилинди. Эҳтимол, шу нарса унинг душманларига суиқасд қилиш имконини берган бўлса ажаб эмас.



1963 йил 22 ноябр. Даллас. Президент Кеннеди ҳаётининг сўнги давлари

Чунки, одатда давлат бошлиқлари юрадиган маршрут ва кўчалар сир сақланиб, фақат зарур кишиларгагина олдиндан маълум қилинади. Лекин бу сафар негадир ундай булмайди.

Президентга суиқасд маҳаллий вақт билан соат 12 : 30 минут ўтганда амалга оширилади. Кеннеди ўтирган машина Техас китоблар омбори жойлашган етти қаватли бино ёнидан ўтаётганда тўсатдан президент кетаётган машинага қарата уч марта ўқ узилади ва отишма бошланиб, президент Жон Кеннеди қаттиқ яраланади. Суиқасд амалга оширилгач, жони узилаётган президент билан ярадор губернатор Каннэлини зудлик билан госпиталга олиб боришади. Шу куни соат 1:00 да шифокорлар президент Жон Фитсжеральд Кеннедининг вафот этганини эълон қилишди. Унинг ўлими нафақат Америка, балки бутун дунё аҳли қалбини ларзага солади. Унинг ҳаёти ва ўлими билан боғлиқ турли хил гап-сўзлар роса авжига чиқиб, улар Жон Кеннедининг ҳаётини афсонага айлантиришди. Орадан 15 йил ўтгач, яъни 1978 йил ўз номзодини президентликка қўйишга ҳаракат қилаётган Жон Кеннедининг укаси Роберт Кеннеди ҳам Лос-Анжелос штатида ваҳшиёна отиб ўлдирилади. Шунингдек, Кеннедининг айрим фарзандлари ва яқинлари ҳам турли-туман тасодифий ўлимлар туфайли бу дунёни аста-секин тарк этишмоқда. Хўш, нима учун Кеннедилар оиласи аъзолари суиқасд қурбони бўлишди? Буларнинг бошида ким турибди,

уларнинг мақсади нима, деган саволларга ҳозиргача аниқ жавоб йўқ. Бу ҳақда минглаб тахминлар билдирилган, кўплаб мақолалар ва китоблар ёзилган. Лекин Кеннедиларга оид жумбоқлар ҳамон сирлигича қолмоқда. Ҳатто ўтган йили экспертлар Кеннедининг ўлимига доир янги видео лавҳаларни топишга муваффақ бўлишгани тўғрисида ҳам хабарлар тарқалди. Балки, ана шу далил президентнинг сирли ўлимини фош этишга ёрдам берар?

Жон Кеннедининг ўлиmidан сўнг орадан кўп ўтмай унинг рафиқаси гўзал Жаклин хоним грек мултимиллионери Аристотел Онанисега турмушга чиқади ва у билан бир неча йил яшаб, 1992 йилда вафот этади. АҚШ халқи ўзининг буюк президенти Кеннедининг ҳурмати юзасидан унинг суюкли рафиқаси Жаклинни ҳам Вашингтондаги «Арлингтон» миллий қабристонига, эрининг ёнига дафн этишади.

Бугунги кунда АҚШ (айниқса Массачусетс штати)да Жон Кеннедининг хотирасига бағишланган ўнлаб меъморий ёдгорликлар, кутубхона ва театрлар барпо этилгани Америка халқининг буюк фарзандига бўлган юксак ҳурмат-эътиборидан дарак беради. Айниқса, Массачусетс университетининг ёнида, шаҳарнинг океан соҳилида бир қисми сувга теккизиб қурилган ва сузиб кетаётган баланд елканли оқ кемани эслатувчи Жон Кеннеди уй-музейи кишининг диққатини ўзига тортади. Унга кирганлар Кеннедилар шажарасининг келиб чиқиши, оилавий ҳаёти ва меҳнат фаолиятига оид ҳужжатлар билан танишишдан ташқари президент Жон Кеннедининг ҳаёт йўли, президентлиги ва ваҳшийларча отилиши пайтида туширилган видео лавҳа ҳамда фотосуратларни ҳам томоша қилиши мумкин.



1908

Lydon Johnson

1973

ЛИНДОН ЖОНСОН

Америка Қўшма Штатларида ўзининг камбағалликка қарши кураш ва буюк жамият тузиш хусусидаги дастури билан ном қозонган президентлардан бири Линдон Жонсон 1908 йилнинг 27 августида Техас штатида яқин Стоунвел шаҳарчасида, зиёлилар оиласида дунёга келади. У Самюел ва Ребека Жонсонларнинг катта фарзанди эди. Отаси Самюел дастлаб деҳқончилик, кейинчалик ўқитувчилик билан шуғулланган, онаси ҳам мактабда дарс берган. Линдоннинг Сем исмли укаси ва уч нафар синглиси бўлади. Айтишларича, Линдон туғилганда буvasи суюниб, «Ҳадемай катта неварам сенатор бўлади», дея яхши ният қилган экан. Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин, дейди деганларидек, кейинчалик унинг бу нияти ортиғи билан амалга ошади. Лекин унғача ҳали анча вақт бор эди.

Линдон ёшлигида тиришқоқ, ҳар нарсага қизиқувчан бола бўлиб ўсади. У онаси айтиб берадиган эртаклар ва ҳикояларни мароқ билан тинглаб, ўзича хулоса чиқарарди. Икки ёшидан бошлаб онаси унга алифбони ўргатади. 5 ёшга тўлганида Линдонлар оиласи бобоси асос солган Жонсон шаҳрига кўчиб кетишади. Бу ерда у ўрта мактабда таълим олади ва 1924 йилда 15 ёшли Жонсон мактабни тугатади. Шунда ота-онаси уни коллежга ўқишга қўймоқчи бўлишганда Линдон ўқишни хоҳламай, дўстлари билан Калифорнияга саёҳатга йўл олади.

Шуниси қизиқки, Линдон ёшлик чоғларидан бошлаб ўқиш ўрнига осон йўллар билан пул топишни афзал кўрар ва шу мақсадда у баъзан одамларнинг машинасини ҳам юварди. Бир куни отаси уни чақириб, «Ўғлим, ақлли кишилар ҳамisha билим олиш ва ҳунар ўрганишга интилади. Сен келажакда бадавлат, обрўли инсон бўлмоқчисан. Лекин пул топиш ёки мартабали инсон бўлиш учун ҳам энг аввало, ақл ва билим керак-ку? Наҳотки, шуни тушунмасанг?», деб койийди. Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи деганларидек, отасининг бу гапларидан таъсирланиб, тўғри хулоса чиқарган Линдон банкдан кредит олиб, жанубий Техас университетига ўқишга киради ва ушбу қарзни тўлаш учун эса кечаси қоровуллик қилади. Кундузи ўқиб, кечаси ишлаётган Жонсон профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида жамоатчи, ҳаракатчан ўқувчи ва фаол инсон сифатида ҳурмат-эътибор қозона бошлайди. Хусусан, у коллеж газетаси ва «Оқ юлдуз» деган сиёсий гуруҳнинг ташкил этилишида фаол иштирок этади. Битиришга бир йил қолганида Линдон коллеждаги ўқишни вақтинча ташлаб кетишга мажбур бўлади. Бунинг боиси шуки, шартнома асосида таҳсил олаётган Жонсон белгиланган пулни вақтида тўлолмай қолади. Шундан сўнг у пул ишлаб топиш мақсадида бир йил мактабда ўқитувчилик қилади. Ўқиши учун етарли пул топгач, Линдон яна коллежга қайтиб, ўқишини давом эттиради. Университетни тамомлагандан сўнг ҳам у Хьюстон мактабларида ўқувчиларга билим бериш билан шуғулланади.

1931 йилда Линдон Жонсон мамлакат сиёсий ҳаётига кириб келади. Ўша йили ёш ўқитувчи вакиллар палатаси учун курашаётган дўсти Кинг Ренгнинг ишончли вакили сифатида бир неча бор сайловчилар олдида маъруза қилади. Сайловда галиб чиққан Кинг дўсти Линдонни Конгресс котиби этиб тайинлайди. Бу ерда ишлаган вақтда Жонсон иш юзасидан бир неча марта Техасга келади. Ана шундай ташрифларининг бирида бадавлат оиладан чиққан Клаудий Тейлор исмли қиз билан танишиб, уни яхши кўриб қолади. Бошида мисс Тейлор Жоннинг у билан оила қуриш тўғрисидаги таклифига рози бўлмагандай бўлади. Аммо Линдон деярли ҳар куни унга телефон қилиб, хат жўнатиб, уни кўярда-қўймай ўз таклифига кўндиришга муваффақ бўлади. Ва ниҳоят икки ёш 1934 йилнинг кузида турмуш қуришади. Ёш келин-куёвлар тўйдан кейинги «асал ойи»ни



Президент Жонсон отбаси билан

Мексикада ўтказишади. Линдон ва Клаудио Жонсонлар кейинчалик Линда ҳамда Лусси исмли қизли бўлишади.

1935 йилда ҳокимият тепасига келган президент Франклин Рузвельт 26 ёшли Линдон Жонсонни Техас миллий ёшлар ташкилотининг бошлиғи қилиб тайинлайди. Ўшанда Жонсон узини жуда бахтиёр ҳисоблайди. Чунки ҳали ўттизга ҳам кирмай Рузвельтдек буюк шахснинг эътиборига тушиб, унинг ишончини қозонишнинг ўзи катта муваффақият эди. Ёшлар ташкилотининг бошлиғи сифатида Жонсон қарийб 12 мингдан ортиқ ёшларни ўқиш ва иш билан таъминлашдек масъулиятли масала билан шуғулланар, бу эса ўз навбатида Жонсоннинг ёшларга булган эътибори, меҳр-оқибати ва ғамхўрлигини билдирарди. Шу билан бирга бу иш унга ишчанлик, ташкилотчилик, раҳбарлик ва кўпчилиги билан муомала қилиш сирларини ўргатди. 1937 йилда Вакиллар палатаси учун бўладиган сайловда Линдон Жонсон Рузвельтнинг «Янги йўналиш» дастурини қўллаб-қувватлаб, ўз номзодини кўрсатади. Сайловга икки кун қолганда у юрак хасталиғи билан касалхонага тушиб қолади ва сайловни шу ерда кутиб олади. Шундай бўлса-да, сайловда ғолиб чиққан Жонсон Вакиллар палатасида асосан аҳолининг моддий ерданга муҳтож табақаси ва фермерларга эътибор қаратиб, уларга муайян имти-

ёзлар яратиб беради. Хусусан, уларга бепул электр токи беришни жорий этади. Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, Жонсон Япония қўшинлари билан бўлган жангда бевосита қатнашиб, қахрамонлик намуналарини кўрсатади ва «Кумуш юлдуз» ордени билан тақдирланади.

1948 йилда Сенат учун булган сайловда Линдон Жонсон асосий номзодлардан бири сифатида курсатилади ва сайловда ғолиб чиқади. 44 ёшида сенаторликни қўлга киритган Жонсон Конгрессда 24 йилга яқин фаолият олиб боради. Шунингдек, у Конгрессда муҳофазат ишлари бўйича қўмита раиси этиб сайланиб, демократларга раҳбарлик ҳам қилади. Сенатда ҳаво йўллари комиссиясини ташкил этади. 1960 йилги президентлик сайловида Жон Кеннеди рақибларини мағлубиятга учратиб, ҳокимият тепасига келгач, Линдон Жонсон унинг тақлифига биноан вице-президентликни қабул қилади. У бунгача бир қанча вазифаларда, чунончи, «Тинчлик корпуси» ва «Миллий хавфсизлик хизмати» идораларида ҳам ишлайди.

1963 йилнинг 22 ноябри. Ўша машғум кунда Линдон Жонсон Техасда президент автомашинасидан кейинги машинада эди (ўрнатилган тартибга мувофиқ президент ва вице-президент битта транспортда юриши мумкин эмас). Кеннеди хотини Жаклин ва Техас штати губернатори Жон Каннели билан бирга эди. (У ерда нима булганини сал илгарироқ ҳикоя қилганлигимиз боис такрорлаб ўтирмаймиз.) Хуллас, президент Жон Кеннедининг вафот этганини расман эълон қилиниши Линдон Жонсон учун «Оқ уй» эшигини очади ва у Техас аэропортида Жаклин хоним ҳамда Сара исмли Олий суд судьясининг ёнида қасамёд қабул қилиб, АҚШнинг навбатдаги президенти бўлади. Техасда бўлиб ўтган фожиали воқеадан Америка халқи ҳали қарахт аҳволда эди. Қасамёд маросимидан сўнг 3 дақиқа ўтар-ўтмас 36- президент Линдон Жонсон ўз халқига қарата биринчи мурожаат билан чиқади. «Мен қўлимдан келган барча ишларни қиламан. Аввало, худодан, қолаверса, сизлардан куч, мадад сўрайман», дейди ўз мурожаатида. Янги президент олдида ҳам ички, ҳам ташқи соҳада бир қатор муаммолар пайдо бўла бошлайди. Бир томондан ишсизлик ва камбағаллик тинимсиз ўсиб бораётган бўлса, иккинчи томондан Вьетнам билан муносабатларнинг ёмонлашуви уни жуда ўйлантириб қўяди. Чунки, Вьетнам билан бўлаётган уруш Америка халқи бошига



Линдон Жонсон қасамёд қилмоқда

кўплаб талафотлар келтириб чиқараётган эди. Бу орада вақтинчалик президентлик вазифасини бажариб турган Линдон Жонсон тўлиқ муддатга президент этиб сайланади. Қасамёд маросимида Жонсон фуқароларга қараб, «Биз шунчаки жамият эмас, балки келажаги буюк жамият қурмоғимиз даркор», деган ғоя билан чиқади.

Жонсон сайловда ўзининг «Камбағалликка қарши кураш» ва «Буюк жамият тузиш» дастури орқали президентликка зришади. Линдон Жонсоннинг «Буюк жамият тузиш» дастурининг мазмуни қуйидагилардан иборат эди:

— соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасига жиддий эътибор қаратиш;

— аҳолини, айниқса уларнинг моддий ёрдамга муҳтож тоифасини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш;

— ишсизликнинг олдини олиш;

— ташқи дунё билан алоқани мустаҳкамлаш.

Хуллас, президент Жонсон орзу қилган буюк жамият қуриш учун биринчи навбатда ана шундай муаммоларни ҳал этиш лозим эди. Президентлик ваколат муддати тугашининг охириги

йилларида Линдон Жонсоннинг мавқеига путур етади. Чунки Вьетнам билан уруш Америка халқининг бошига оғир ташвишлар ва жуда кўплаб мусибатлар келтириб чиқарди. Шу сабабли у кейинги сайловда номзодини қўймасликка қарор қилади. «Оқ уй»ни тарк этган Жонсон ўзи туғилиб ўсган Техасга кетади ва 1973 йилнинг 23 январидида учинчи юрак хуружи оқибатида ҳаётдан кўз юмади ва шу ерга дафн этилади.

Бугунги кунда Линдоннинг хотирасига бағишлаб Техас университетида «Жонсон кутубхонаси» ташкил қилинган. Шунингдек, президентга ҳурмат нуқтаи-назаридан 27 август Жонсоннинг туғилган куни сифатида кенг миқёсда нишонланади.





1913

Richard Nixon

1994

РИЧАРД НИКСОН

Америка тарихида фақат икки нафар президент давлат бошлигидек улуғ номга мос келмайдиган хатти-ҳаракатларни содир этгани учун Конституция талабларига мувофиқ ваколат муддатидан олдин лавозимидан мажбуран четлаштирилган. Улардан бири 17- президент Эндрю Жонсон бўлса, иккинчиси 37- президент Ричард Никсондир. Ричард Никсон 1913 йилнинг 9 январида Калифорния штатининг Ёрба Линда шаҳарчасида ҳонарманд оиласида туғилади. Отаси Франчес Антони деҳқончилик ва дурадгорлик билан шуғулланар, онаси Хонних Милхоус хоним эса асли ҳиндистонлик бўлиб, беш нафар уғлининг тарбияси билан машғул эди. 1922 йилда Никсонлар оиласи Виттер шаҳарчасига кучиб кетишади. Бу ерда Ричард ёғ дўкони очиб, тадбиркорлик билан шуғулланади. Шуниси эътиборлики, Ричард вояга етгунга қадар сотувчи, дурадгор ва қоровул бўлиб ишлайди. Шу билан бирга у ўқишни ҳам эсдан чиқармасдан, ушбу шаҳарчадаги ўрта мактабга ўқишга бориб, тарих, фуқаролик ҳуқуқи сингари фанларни катта қизиқиш билан ўрганади. У 17 ёшида мактабни тамомлагач, «Виттер» номли коллежда ўқишини давом эттиради. Коллежни битиргач, ҳуқуқшунослик йўналиши буйича Дюк университетига қабул қилинади. Ушанда ўқишнинг биринчи куни университет ректори Никсон билан суҳбатлашиб, уни синаб кўриб шундай деган

эди: «Ишончим комилки, Никсон сингари талабаларимиз келажакда ўзларининг нималарга қодир эканлигини кўрсата олишади. Америка халқининг келажак тақдири ана шундай ёшлар қулида».

Университетда Ричард ҳуқуқшунос талабалар ассоциациясининг раиси ҳам бўлади. Ўқув юртини тамомлаш арафасида Никсонга бирор жойдан иш топиш масаласи қийин кечади. Чунки иқтисодий инқироз оқибатида минглаб одамлар иш тополмай сарсон бўлиб, корхона, ташкилот, завод-фабрикаларнинг бир қисми банкротга учраган эди. Никсон нима қилишини билмай, охири университетда ўқитувчи бўлиб қолишга қарор қилади. Бир томондан шуниси ҳам яхши бўлган экан, дейди кейинчалик Ричард. Чунки у шу ерда бўлажак қайлиғи Катеринни учратиб, уни яхши кўриб қолади ва 1940 йилнинг 21 июнида турмуш қуришади. Эр-хотин Никсонлар Патриция ва Жулли исмли қизли бўлишди. Шуниси қизиқки, Никсоннинг иккинчи қизи Жулли президент Дуайт Эйзенхауэрнинг неварасига турмушга чиқади. Тўйдан кейин кўп вақт ўтмай Ричард иккинчи жаҳон уруши сари йўл олади. Урушда у АҚШнинг



Никсонлар оиласи

ҳарбий ҳаво кучлари сафида хизмат қилади. Ричард Никсоннинг сиёсатда танилиши АҚШ вакиллар палатасининг аъзоси бўлиши билан боғлиқ. Конгрессда икки муддат ишлагач, у сенаторликни қўлга киритади ва Сенатда меҳнат ишлари бўйича қўмитада фаолият олиб боради. Бундан ташқари, Ричард республикачилар партиясининг фидойи вакилларида бири ҳам эди. Бунинг натижаси ўлароқ, 1952 йили мамлакатда бўлиб ўтган сайловда республикачилар вице-президентликка Ричард Никсон, демократлар эса Гарри Трумэн номзодини кўрсатишади. Сайловда Никсоннинг қўли баланд келади. Шуниси қизиқки, Америка тарихида Ричард Никсон энг ёш вице-президентлардан бири бўлган. Бу пайтда иккинчи муддатга сайланган президент Дуайт Эйзенхауэрнинг соғлиғи ёмонлашади ва шунда кўпчилик кейинги раҳбар Никсон бўлиши мумкин, деган хаёлга боришади.

Бироқ сайловда Жон Кеннеди муваффақият қозонади. Шундан сўнг Ричард бир қанча вақт Сенатдан узоқлашиб, Лос-Анжелосда судья бўлиб ишлайди. Орадан кўп ўтмай, Калифорния губернатори этиб сайланади. Бу эса Ричард Никсоннинг яна катта сиёсатга қайтганидан дарак берарди. 1968 йилги сайловда республикачилар партиясининг томонидан Никсоннинг номзоди қўйилиши эълон қилинади. Сайлов олдидан Ричард «Мен агар сайловда галаба қозонсам, мамлакатда тинчлик ўрнатаман» деб аҳолини ишонтиради.

Чунки бу пайтда Вьетнам билан давом этаётган уруш оқибатида халқ жабр кўраётган эди. Дарвоқе, Никсоннинг президентлик дастури «Янги бирлик ва ҳамкорлик» деб аталар эди. Сайловнинг биринчи босқичида Ричард рақиби Рональд Рейгандан ўзиб кетади ва АҚШнинг 37- президенти этиб сайланади. Шундан сўнг қасамёд маросими куни Ричард Никсон фуқароларга мурожаат қилиб, «Ҳар бир давлат раҳбарининг асосий бурчи ва вазифаси халқининг тинч-тотувлиғи ва фаровонлигини таъминлаб беришдир» дейди.

Шунинг учун ҳам у президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан асосий эътиборни мамлакат тинчлиғи ва барқарорлиғига путур етказётган АҚШ — Вьетнам урушини тўхтатишга қаратади. Шуниси қизиқки, Америка тарихида энг узоқ, яъни 18 йил давом этган уруш ҳам айнан Вьетнам билан бўлган урушдир. (1957-1975 йиллар). Бу уруш 60 минг нафарга яқин

Америка ўғлонлари ҳаётига зомин бўлиши билан бирга, иқтисодийга 150 миллиард доллар миқдорда зарар етказди. Охир-оқибатда уруш Шимолий ва Жанубий вьетнамликларнинг таслим бўлиши билан тугайди. Президент Никсон даврида мамлакат ички ҳаётида сезиларли даражада кенг қўламли иқтисодий ислохотлар амалга оширилади. Чунончи, ҳар бир америкалик оилага, айниқса ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга бепул моддий ёрдам ажратилади. Шунингдек, мамлакатда демократик-сиёсий ўзгаришлар ҳам бўлиб, фуқароларнинг сайловда қатнашиш ҳуқуқи 18 ёш қилиб белгиланади. Бундан ташқари, собиқ Совет Иттифоқи билан дўстона ҳамкорлик ҳам мамлакатнинг муҳофаза қобилиятини анча мустаҳкамлайди. Ташқи сиёсат борасида эса Никсон Хитойга нисбатан «Очиқ эшиклар» сиёсатини қўллаб-қувватлаб, ушбу давлат билан дўстона алоқани янада кучайтиради. Ричард Никсоннинг президентлик фаолиятида ушбу ютуқлар билан бирга бир қатор камчилик ва муаммолар ҳам бор эди. Жумладан, бу даврда мамлакатда экологик аҳвол ёмонлашиб, бу соҳада қатор муаммолар келиб чиқади ва бундан табиат ҳам, инсонлар ҳам, жуда катта зарар кўради.

1972 йилда бўлган сайловда Ричард Никсон 18 миллион нафар сайловчининг овозини олиб, иккинчи муддатга президентликка сайланади. Иккинчи муддатдаги фаолияти давомида бўлган энг муҳим воқеа АҚШ – Вьетнам давлатлари ўртасида ўзаро тинчлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши бўлди десак, муболага булмайди. Бироқ, кейинги йилларда президент Никсон билан Конгресс аъзолари ўртасида турли келишмовчиликлар келиб чиқади. Бунинг асосий сабаби шуки, ҳукумат Конгресснинг фаолият юритиши ва ислохотларни амалга ошириши учун бюджетдан маблағ ажратмайди. Шу сабабли президентнинг бундай сиёсати кўпчиликнинг норозилигига сабаб бўлади. Сайловдан кейин бир йил ўтар-ўтмас, мамлакат тарихида катта шов-шувга сабаб бўлган сиёсий инқироз «Уотергейт иши» нинг фош этилиши фуқароларнинг демократияга, давлат раҳбарига, ҳукуматга бўлган ишончини сўндириб юборади. Хўш, «Уотергейт иши», деб аталган сиёсий инқироз ўзи нима эди ва у қандай юз берди?

Гап шундаки, 1972 йилги сайловолди ташвиқотлар вақтида Ричард Никсонни президентликка қайта сайлаш қўмитаси фаолияти билан боғлиқ бир гуруҳ шахслар сиёсий рақиблари

— демократик партия қароргоҳи (штаб квартираси) жойлашган Вашингтондаги «Уотергейт» меҳмонхонасида яширин эшитиш қурилмасини ўрнатаётганида қўлга тушди. Ушбу жиноят чуқур текширилганда унинг бир томони «Оқ уй»га бориб тақалади. Бешала қулфбузарнинг демократик партия штаб-квартирасида нима қилиб юрганини ошкор этиш жуда қийин кечди. Жиноят ишини хаспўшлаш учун нақд «Оқ уй»нинг ўзида кенг миқёсли тадбир бошланган эди. Одатдаги уғрилиқ содир этилган, деган тахмин зўр бериб илгари сурилди. Аммо журналистлар Боб Вудворд ва Карл Бернштейннинг қатъий ҳаракатлари туфайлигина дунё аҳли бу ҳақиқатдан бохабар бўлди. АҚШ Бош прокурори Жон Митчелл 1969 йилдаёқ президент Никсоннинг атрофидагилар суднинг санкциясиз унинг сиёсий муҳолифларининг телефондаги суҳбатларини эшитишлари тўғрисида гапирган эди. Бошқа бир сигнал 1970 йилнинг июлида янграган. Айнан ўша пайтда Никсон махфий хизмат ходимларига демократ-конгрессменларнинг мақомларини кўздан кечириш ва санкциясиз тинтув ўтказиш тўғрисида топшириқ берган эди.

Ҳокимят иштиёқи билан ёнган Никсон шу тариқа кўплаб пинҳоний қутқулар иштирокчисига айланиб қолганди. «Оқ уй»даги телефон ёзувларидан маълум бўлишича, унинг топшириғига биноан жинорий гуруҳларнинг каллақесарлари урушга қарши намойишларни тарқатиш билан шуғулланишган. «Бу пацифистларнинг калласини мамнуният билан узиб ташлайдиган йигитлар бор», деган эди яқин ўтмишда ўзи ашаддий пацифист бўлган президент. Сайловнинг навбатдаги туридан олдин Никсон айрим давлат амалдорларининг солиқ тўловлари тўғрисидаги маълумотни талаб қилади. Ёрданчилари бу маълумотларни солиқ департаментидан қандай олиш мумкинлиги ҳақида сўраганида, президент Никсон «Каллаварамлар, тунда яширинча киришлар!», деб жавоб берган. «Уотергейт» билан боғлиқ биринчи воқеа 1971 йили Пентагоннинг махфий маълумотлари матбуотда эълон қилинганидан сўнг юз берган эди. Қандайдир йўллар билан «Нью-Йорк таймс»нинг қулига тушиб қолган бу ҳужжатлар илгариги маъмуриятнинг Вьетнамга оид сиёсатига тааллуқли бўлса-да, буларнинг бари ўзига қарши қаратилганига Никсоннинг ишончи комил эди. Буларга барҳам бериш учун у махсус махфий хизмат ташкил этади. «Водопроводчилар» номи билан танилган бу тузилмага унинг яқин маслак-

дошлари ва ёрдамчилари киришди. Сантехник сифатида иш курган уларнинг барчаси кейинчалик «Уотергейт» можаросининг иштирокчилари булиб қолди. Хусусан, ҳукумат аъзоларидан 40 га яқини ушбу жиноятга бевосита алоқадорликда айбланиб, қамоққа олинади. Ўша пайтда Никсоннинг ёрдамчиси булган Жон Эрлихманнинг асосий вазифаларидан бири президентнинг энг фаол йигирма нафар сиёсий муҳолифининг рўйхатини тузиш эди. Мазкур рўйхатнинг бошида сенатор Эдвард Кеннеди турарди. Махфий хизмат ҳатто президент учун ноқулай булган кишиларни йўқ қилиш, шунингдек, демократларнинг митингларини барбод қилишни ҳам муҳокама қилган. Демократик партия миллий қўмитасининг штаб-квартираси яширин эшитиш қурилмалари билан жиҳозлангани аниқлангач, оммавий ахборот воситалари ходимлари можаронинг мудҳиш тафсилотларини ошкора эълон қила бошлашди.

«Мен фирибгар эмасман», деган эди ушанда президент Никсон телевидение орқали чиқишида. Аммо яширинча магнитофонга ёзиб олинган суҳбат ва сўроқ протоколлари умуман бошқа нарсадан дарак берарди. Сенат ва Вакиллар палатаси президентни ҳокимиятдан четлаштириш йўлидаги дастлабки қадамларни ташлади. Вакиллар палатасининг қонунчилик комиссияси импичментни маъқуллади. Унинг хулосаси Америка халқининг ишочини оқламаган президент номига қатъий айбнома сингари янгради. Унда Ричард Никсон узини президентга хос бўлмаган тарзда тутгани, АҚШ Конституцион тузуми асосларини бузгани айтилиб, қўйидаги ҳолатлар буйича айбдор деб топилди:

- 1) Президентлик вазифасини суиистеъмол қилган;
- 2) «Уотергейт иши»га бевосита алоқадор булган;
- 3) Била туриб ушбу ишга алоқадор далилларни яширган.

Шундай оғир айблов қўйилаётганлигига қарамай, дастлаб Никсон истеъфога чиқишни рад этиб, «Нима булган тақдирда ҳам истеъфого чиқмоқчи эмасман, чунки мени бу лавозимга Америка халқи сайлаган», деди. «Оқ уй» маъмурияти ходимларидан бири Баттерфилд Никсон 1970 йилдан бери «Оқ уй» хоналаридаги барча суҳбатлар ва телефон орқали мулоқотларни яширинча ёзиб олиб келаётгани тўғрисида хабар берди. Конгресс барча ёзувларни беришни талаб қилди, аммо Никсон ижро ҳокимияти бу ваколатга эга эканини пеш қилиб, буни қатъий



Импимент куни

рад этди. Бироқ бошқа йўли қолмаганлигини англаб, Конгрессга ёзувлардан парчаларни тақдим этмоқчи бўлди. Тергов учун масъул этиб тайинланган давлат айбловчиси Арчибальд Кокс эса ен беришни хоҳламади. Ҳазаби қайнаган Никсон уни ишдан четлатиб, ўрнига айтганини бўйин товламай бажарадиган Бош прокурор Роберт Бортни тайинлади. Бу курашда президентнинг мағлубиятга учраши аниқ бўла бошлаган эди. Охир-оқибат ёзувларнинг ҳаммаси Конгресс ихтиёрига топширилди. Улар Никсоннинг ўз халқи ишончини суиистеъмол қилганини тасдиқлади. 1973 йилнинг феврал ойи охирига келиб «Уотергейт иши» юзасидан тергов олиб борувчи комиссия президентнинг айбини тасдиқловчи барча зарур ҳужжатларни қўлга киритди.

Бунга қўшимча равишда Никсоннинг солиқ тўлашдаги қонунбузарликлари, шунингдек, Флорида ва Калифорния штатларида дала ҳовли қуриш учун давлатнинг жуда кагта миқдордаги маблағидан фойдалангани маълум бўлиб қолди. 1974 йил июнь ойидан Никсон амалда «Оқ уй»дан ташқарига чиқолмай қолди. Жон Эрлихман ва бошқа «водопроводчи»лар фитнакашликда айбландилар. АҚШ Олий суди яқдиллик билан Никсоннинг яшириб қўйган олтмиш тўртта магнитофон ёзувини топшириш лозимлиги тўғрисида қарор чиқарди.

Шундай қилиб, 1973 йил 9 августда Конгресснинг Вакиллар палатаси аъзолари президент Ричард Никсонни вазифасидан четлаштиради. «Оқ уй»ни жуда ғамгин ва ўта хафа бўлиб тарк этган Никсон Калифорния томон йўл олади. Ўша пайтда уни кечаси ҳам, кундузи ҳам фақат битта нарса тинч қўймас, у ҳам бўлса сеvimли халқи ишончини йўқотгани эди. Калифорнияга келгач, Ричард Никсон бутунлай сиёсатдан кетиб, умрининг қолган қисмини ижодга бағишлашга қарор қилади. Бу ерда у «Ричард Никсон хотиралари», «Ҳақиқий жанг», «Ҳақиқий танглик», «Раҳбарлар», «Бошқа Вьетнам эмас», «Ғарбдаги фожиа» каби кўпчиликда яхши таассурот қолдирган ўнлаб китоблар ёзади. 1990 йил Калифорнияда Никсон шарафига «Ричард Никсон кутубхонаси» очилади. Ричард Никсон 1994 йил 22 апрелда 81 ёшида Калифорнияда бандаликни бажо келтиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, гарчи президент Ричард Никсон ҳокимиятдан мажбуран четлаштирилган бўлса-да, у фақат ўзига хос ижобий ва инсоний фазилатлари, Америка халқи манфаати ва эзгулик йўлида қилган кўплаб яхши ишлари билан миллат қалбида абадий яшайди. Чунки яхшилик ҳеч қачон, ҳеч бир вақт унутилмаган ва унутилмайди ҳам.



1913

Gerald Ford

ЖЕРАЛД ФОРД

Америка Қушма Штатлари тарихига назар солсангиз, ушбу давлатни турли вақтларда ҳар хил касб эгалари бошқарганига гувоҳ бўласиз. Жумладан, уларнинг кўпчилигини ҳуқуқшунослар ташкил этса, баъзилари ҳарбий, журналист, педагог ва ҳатто тикувчи ҳам бўлган. Лекин уларнинг ичида айримлари ёшлигида умуман бошқа соҳада ўз қобилияти билан халққа танилиб, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Ана шундай давлат раҳбарларидан бири Жералд Форд Рудолф ёшлик чоғидан моҳир футболчи бўлиб, кўплаб ишқибозларнинг олқишларига сазовор бўлган.

Жералд Форд 1913 йилнинг 14 июлида дунёга келади. Унинг ота-онаси Форд туғилганидан сўнг икки йил ўтгач, оилавий можаролар сабабли ажралишади ва шундан кейин она-бола Мичиган штатига кўчиб кетишади. Бу ерда Жералднинг онаси Дароси буёқ компаниясининг Жералд Форд исмли бошлиғи билан танишиб қолиб, у билан турмуш қуради. Форд болани ўз фарзанди каби қабул қилиб, унга ўз исмини беради. Оилада уни Жерри, деб чақирришади. Жерри ўғай отасининг Жеймс, Ричард ва Томас исмли ўғилларига акалик қилади. Гарчи тўртта ўғил бўлишига қарамасдан, оила бошлиғи Рудолф ўғай ўғли Жеррини алоҳида эътибор ва меҳр кўзи билан тарбиялайди. Форд ёшлик чоғидан спортга, айниқса футболга жуда қизиқарди.

Кўшни болалар билан биргаликда футбол жамоаси ташкил этиб, мусобақаларда қатнашиш арди. Ўғлининг спортга бундай қизиқишини курган Рудолф уни футбол мактабига ўқишга беради. Бир куни Жерри ўқишдан қайтаётиб, йўлда бир нотаниш кишига дуч келади. Шунда ҳалиги киши тўсатдан «Жерри, ўғлим, мен сенинг ҳақиқий отанг бўламан», дейди. Жерри олдинига у кишини унча танимайди. Лекин унинг кўзларидан, ташқи қиёфасидан бу одам ўзининг ҳақиқий отаси эканини сезади. Отаси унга «Жерри, мен билан яшашни хоҳламайсанми» дея умидворлик билан тикилиб қолади. Жерри эса унга «Сиз вақтида мен ва онамга беролмаган меҳр-оқибатни ўгай отам бераяпти-ку? Ахир, энди қайси юз билан уни ташлаб кетишимиз



Даррозабон Форд футбол майдонинда

мумкин?» деб жавоб қайтаради. Ўглининг бу гапидан таъсирланиб, пушаймон бўлган ота бир умр виждон азобида қолиб, ўглига бошқа кўринмайди. Ўрта ва футбол мактабларини яхши تامомлаган Форд 1931 йилда Мичиган университетига ўқишга киради. Бу ерда ўқиши мобайнида у 3 йил Мичиган терма жамоасида тўп суради. Университетни тугатиш арафасида бир неча футбол жамоаси тренерлари уни ўз командасига қабул қилиш учун таклиф қилишади. Аммо Жералд ҳуқуқшунос бўлмоқчиман, деб барча таклифларни рад этиб, Йел университетига ўқишга киради. Бу ерда ҳам у ўқиши билан бирга футбол ва бокс билан мунтазам шуғулланиб, қатор муваффақиятларга эришади ва шу билан бирга бир неча шогирдлар ҳам тайёрлайди. Шулнингдек, моддий таъминотини яхшилаш мақсадида Нью-Йорк модалар уйида ҳам ишлайди. Дўсти Гарри билан хусусий модалар уйи очиб, футбол ва бокс учун зарур бўлган кийим ва анжомлар олди-сотдисини йўлга қўяди. Хуллас, бу даврга келиб Жералд Форд машҳур футбол юлдузи сифатида катта ҳурмат-этиборга сазовор бўлади. 1941 йилда ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Йел университетини тугатган Жералд Мичигандаги юридик ташкилотларининг бирида ҳуқуқшунос бўлиб ишлай бошлайди. Аммо орадан кўп вақт ўтмай, АҚШнинг иккинчи жаҳон урушига кириши уни жанг майдони сари етаклайди. Урушдан қайтгач, лейтенант Жералд Форд хусусий адвокатура очиб, фуқароларга юридик ёрдам кўрсатади.

Форднинг оилавий ҳаётига тўхталадиган бўлсак, у 1947 йилда чикаголик Элизабет Блумер исмли қизга уйланади. Элизабет хоним рақс санъати бўйича ном қозонган эди. Эр-хотин Фордлар Жони, Майкл, Стиван ва Сузан исмли фарзандларни тарбиялаб, вояга етказишади. Жералд Форднинг сиёсатга кириб келиши Конгресс аъзоси бўлиши билан боғлиқ. Конгрессда ишлаган вақтда у сенаторлар орасида ўз ишининг моҳир устаси сифатида катта эътибор қозонади. Ҳатто баъзи республикачилар унинг номзодини вице-президентликка кўрсатамиз, деган фикрни ҳам илгари суришади. Аммо Форднинг ўзи буни хоҳламайди. 1963 йилда президентлик ваколатини қабул қилиб олган Линдон Жонсон Жон Кеннедига қилинган суиқасднинг сабабларини аниқлаш ва ижрочиларини топиш бўйича махсус комиссия ташкил қилади. Жералд ҳам ана шу комиссия аъзолигига қабул қилинади. Шулнингдек, у Вьетнам билан бўлган

урушда ҳам жон-бозлик кўрсатади. Маълумки, 1968 йилда ҳокимият тепасига янги раҳбар — Ричард Никсон келади, Форд эса Никсоннинг энг ишонган садоқатли дўстларидан бири эди. Шу сабабли президент унинг номзодини вице-президентликка тавсия этади. Конгресс Форднинг номзодини кўриб чиқиб, бир овоздан маъқуллайди. Бироқ кутилмаганда Конгресс аъзолари президент Никсонни вазифасидан четлаштириш масаласини кўтариб



Президент Форд оиласи билан

чиқишади. «Уотергейт иши» туфайли Ричард Никсоннинг муддатидан олдин истеъфога чиқиши кундан-кунга яқинлашаётган бир пайтда вице-президент Форд халққа бир неча бор мурожаат қилиб, президентнинг бу ишда айби йўқлигини қайта-қайта таъкидлаб, уни ўз ўрнида сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Аммо у ҳар қанча уринмасин, Никсоннинг лавозимидан четлаштирилиши аниқ бўлиб қолади. 1974 йилда «Уотергейт иши» бўйича ташкил этилган махсус комиссия Ричард Никсоннинг истеъфога чиққанини эълон қилади.

Шундан сўнг вице-президент Жералд Форд «Оқ уй»да президентлик қасамёдини қабул қилади. Шуниси қизиқки, Америка президентлари ичида фақат Фордгина вице-президент ва президент бўлиб бир неча йил ишлагани билан вице-президентликка ҳам, президентликка ҳам сайланмаган, яъни вице-президентликка сайлов билан эмас, балки тайинлов йўли билан ўтган ва Никсон президентликдан кетгандан сўнг Конституцияга асосан кейинги сайловга қадар вақтинчалик президентлик вазифасини

бажариб туради. Президент Форд «Оқ уй»га келганида дастлаб ўзининг асосий мақсади халқнинг ҳукуматга, умуман айтганда давлатга ишончини қайта тиклаш деб билди. Чунки «Уотергейт иши» ҳокимиятга нисбатан халқнинг ишончсизлигини келтириб чиқарган эди. Бундан ташқари, Форднинг бир неча



Вице-президент Форд қасамёд қилмоқда

бор Никсонни очикчасига асоссиз ҳимоя қилгани аҳоли ўртасида норозиликни келтириб чиқариб, унинг обрўсига путур етказди. Чунки, охир-оқибат Никсон ўз айбига тўлиқ иқроор бўлади ва бу билан Форд унинг айбини билатуриб ҳимоя қилгани аёнлашади. Президентни ҳимоя қилиш учун у қилган барча ҳаракатларининг асоссизлиги ўз-ўзидан исботлангач, табиийки, унинг обрўси тўкилади. Жералд Форд даврида мамлакатда ишсизлар сони ортиб, пул қадрсизланиши кучаяди. Бу муаммоларни ечишнинг ягона тўғри йўлини танлаган президент мамлакатда кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиб, аҳолини иш билан таъминлашга эътибор қаратади. Форднинг президентлик вақтида қилган энг катта иши шу бўлдики, у Вьетнам урушидан асирга тушган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиб, уларни озод этади. 1975 йил сентябрь ойида Жералд Форд ҳаётига икки маротаба суиқасд уюштирилади. Шуниси қизиқки, ҳар иккала суиқасднинг ҳам ижрочилари аёллар бўлган. Биринчиси 5 сентябр куни Калифорния штатининг Сакроменто шаҳрида амалга оширилади. Эрталаб президент ўзининг кўриқчилари билан «СЕНАТОР» меҳмонхонасидан иш юзасидан учрашув белгиланган бинога қараб йўл олади. Тўпланган оломон орасидан ўтиб бораётган президент

чўзилган қўлларни сиқиб чиқарди. Тўсатдан оломон орасидан бир ёш аёл отилиб чиқиб, президентга қараб тўппончасини тўғрилади. Бироқ ўқ узилмади. Хавфсизлик хизмати ходимлари аёлни қўлга олишганида у «Тўппонча отилмади, отилмади» деб бақирарди. Кейинчалик қурол кўздан кечирилганда унинг ўқлангани, лекин ўша пайтда бахтли тасодиф туфайли ўқ отилмай қолгани маълум бўлди. Қўлга олинган аёл бутун Американи ларзага солган «Чарльз Мэнсон» террорчилик гуруҳининг аъзоси 24 ёшли Линетт Фром экан. Ушбу жиноий гуруҳ кўплаб қонли ишлар, хусусан, таниқли киноактриса Шарон Тейтга нисбатан қотилликни амалга оширган эди. Воқеа содир бўлганидан сўнг президент Форд Калифорния штати қонунчилик органида жиноятчиликка қарши кураш ва қуроолларни назорат қилиш юзасидан маъруза ўқийди.

Сакроментода бўлиб ўтган нохуш ҳодисадан сўнг орадан уч ҳафта ўтгач, яъни 1975 йил 21 сентябр кuni президент Форд Лос Анжелосдаги меҳмонхоналардан биридан чиқиб келаётганида унинг ҳаётига нисбатан иккинчи мартаба суиқасд уюштирилади. Мазкур ҳолатнинг шоҳиди бўлганлардан бири воқеани қуйидагича баён этган: «Президент меҳмонхонадан чиқди. Кутиб олгани чиққан оломон ҳаракатга келди ва бирдан ўқ овози эшитилди. Биз йўлнинг нариги тарафида тутун тўпланганини кўрдик. Президент қатъиятсизлик билан тўхтади. Махфий хизмат ходимлари тезда уни машинага ўтиргизинди ва машина зудлик билан жойидан қўзғалди». Хавфсизлик хизмати ходимларининг бир гуруҳи ҳайратда қолган президентни олиб кетар экан, иккинчи гуруҳи қўлида тўппонча ушлаган 45 ёшли аёлни қўлга олди. Қўлга олинган аёл Сан-Францискода таниқли бўяган сўллар партиясининг фаоли Сара Жейн Мур эди. Президент Фордга суиқасд амалга оширган ҳар икки жиноятчи узок муддатга озодликдан маҳрум этилди.

1976 йилги сайловда Форднинг асосий рақиблари Рональд Рейган ва Жимми Картер эди. Сайловда Жимми Картер устунликка эришди. «Оқ уй»ни ҳамгин кайфиятда тарк этган Жералд Форд қолган умрини ўқитувчилик ва ижодга бағишлайди. 1979 йилда Форд ўзининг жўшқин ва серташвиш ҳаёт йўли ҳақида китоб чоп эттиради.

Ҳозирги кунда АҚШда президент Жералд Форд номига музей ва кутубхона ташкил этилган.



1924

Jimmy Carter

ЖИММИ КАРТЕР

Америка Қўшма штатларининг 39- президенти Жимми Картер 1924 йил 1 октябрда Гавайи штатида туғилади. Унинг Глория ва Роус исмли сингиллари ҳамда Алтан исмли укаси бор эди. Отаси ерэнғоқ етиштирувчи консерватив сиёсий кайфиятдаги деҳқон, онаси Лилли Горди эса дастлаб болалар тарбияси билан машғул бўлиб, 68 ёшида «Тинчлик корпуси» орқали икки йилга яқин Ҳиндистонда ишлайди. Картер волидасидан сиёсий фаолликни чуқур ўрганиб, ўз президентлиги даврида уни «биринчи она» деб атаганди. Жимми 4 ёшга тўлганида Картерлар оиласи тадбиркорлик қилиш ниятида Арчери қишлоғига кўчиб кетишади. Шу ерда Жимми улғайиб, отаси олиб берган дўконда сотувчилик қилади. Шуниси қизиқки, 5 ёшли Картер кўчаларда ерэнғоқ сотиб, ҳар куни 5 доллар ишлаб, оилавий бюджетга даромад келтирарди. Жиммининг ўқиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, у Арчеридagi ўрта мактабга боради. Синфдошлари уни «Мактабдаги энг ақлли, билимли болалардан бири эди», дея эслашади. Мактабда Жимми тарих ва ашула фанларини севиб ўқирди. 1941 йил ўрта мактабни тамомлаб, у Жоржия штатидаги техника коллежига киради. Орадан икки йил ўтгач эса иккинчи жаҳон уруши даврида улғайган Картер Аннаполисдаги ҳарбий-денгиз академиясига қабул қилинади.

1946 йилда ўқишини тугатган Картер синглиси Роуснинг энг яқин дугонаси Розолия Смит билан турмуш қурди. Картерлар Жон, Уильям, Жеймс, Жефрей ва Лин исмли бир-биридан азиз фарзандли бўлишди. Тўйларидан сунг мутахассислиги бўйича ҳарбий флотда икки йил чироқ устаси бўлиб ишлайди. Жимми Картер ўзининг ҳаётидаги энг бахтсиз йил деб 1953 йилни ҳисоблайди. Чунки айнан шу йили отаси рак касаллиги туфайли вафот этади. Шундан сўнг оиланинг катта ўғли сифатида Картер хотинининг қаршилигига қарамасдан, отасидан мерос қолган Плейнсдаги ер томорқасини ўз тасарруфига олиб, деҳқончилик ишларини давом эттиради. Қарабсизки, қисқа вақт ичида Жимми ерэнгоқ етиштириб,



Картернинг болалиги

шунинг орқасидан ҳудуднинг энг бой кишиларидан бирига айланади. У диний эътиқодини ўзгартириб, ўзини «Қайта туғилган Христиан», деб ҳисобларди. Шунингдек, Картер бир вақтнинг ўзида ижтимоий-сиёсий фаолликни ҳам бўшаштирмай «Сандей» номли мактабнинг директори бўлиб ҳам ишлайди. Директорлик пайтида Картер одамларнинг келиб чиқишига қараб имтиёз берувчи қонунларни қаттиқ қоралайди. Масалан, ўша вақтларда «Сандей» мактабида фақат оқ танли фуқаролар таҳсил олиши мумкин эди. Бундай камситиш ва тенгсизликни кўрган Жимми бу каби қонунларни бекор қилиш таклифи билан чиқади. Натижада оқ танлилар сингари қора танли фуқароларнинг ҳам билим олишда тенг ҳуқуқлилигини кафолатланади. Ана шундай демократик ислоҳотларнинг тарафдори Жимми Картер 1962 йилда Жоржия штати сенаторлигига номзодини



Президент Картер хотини ва невараси билан

қуйишга муваффақ бўлади. Сайлов куни Картернинг рақиблари қонунга хилоф равишда очиқдан-очиқ ташвиқот олиб боришади. Рақибларининг сайлов қонунларига зид ҳаракатлари юзасидан Картер Марказий сайлов комиссиясига шикоят билан мурожаат қилади. Аммо комиссия аъзолари шикоятни асоссиз деб топиб, унинг талабини қаноатлантирмайди. Шундан кейин Картер Марказий сайлов комиссиясининг қарори устидан Олий судга шикоят қилади. Олий суд иш ҳолатларини тўлиқ ўрганиб чиқиб, даъвони қаноатлантиради.

Штат сенатори даврида у асосий эътиборни таълим соҳасини ислоҳ қилишга қаратади. 1966 йилда демократлар уни Жоржия штати губернаторлигига номзод этиб кўрсатишади. Бироқ, сайловда мағлуб бўлиб, олдинги ишига қайтади. Орадан тўрт йил ўтгач, Картер ҳокимлик учун яна бир бор ҳаракат қилади

ва бу сайловда у мутлақ ғолиб деб эълон қилинади. Картер губернаторлик вазифасини қабул қилиб олар экан, «Энди қашшоқлик, фуқароларнинг келиб чиқиши, диний эътиқоди ва ижтимоий мавқеига қараб ажратиш, камситиш ёки имтиёз бериш даври ортда қолди», дея аҳоли эътиборини ўзига жалб қилади. Бундан ташқари, у ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва таълим соҳаларида таҳсинга сазовор ўзгаришларни амалга оширди. Айтишларича, Картер халқ манфаати йўлида амалга оширган битта муҳим инсонпарвар демократик ислоҳоти эвазига юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган. Бу аҳолининг келиб чиқишига қараб ажратишнинг қатъиян ман этилиши эди. Яқинларининг айтишига қараганда, Картернинг онаси бир куни Жиммини чақриб, ундан келгусидаги режа ва орзу-умидлари ҳақида сўраганда Картер мағрур туриб, «Мен Америка Қўшма Штатларининг 39- президенти бўлмоқчиман», деб жавоб қайтаради. Дарҳақиқат, 1974 йил губернаторлик муддати тугаши арафасида у ўз номзодини президентликка қўяди. Сайловолди ташвиқотлар вақтида Картер сайловчиларга шундай мурожаат билан чиқади: «Нега энди энг яхши номзодни эмас? Негача энди Америка халқи ерёнғоқ орқасидан кун кечириб, шу даражагача етган Картерни танламаслиги керак экан?» - дея аҳоли эътиборини ўзига тортади. Сайловнинг биринчи тури Жимми учун омадли кечади. Буни кузатиб турган экспертлар сайловда Картер ғолиб чиқиши муқаррар, деган хулосага келинади. Рақиби Форд эса озчилик овоз олади. Бунинг сабаби шуки, бу пайтда Форд бошлиқ ҳукуматга нисбатан халқда ишончсизлик ва норозичилик юзага келган эди. Хуллас, 1976 йилги сайловнинг якуний ҳисоб-китобларига қараганда Жимми Картер рақиби Форддан атиги 2 фоиз овоз фарқ билан ғолиб чиқиб, АҚШнинг 39- президенти этиб сайланади. Қасамёд маросимида у «Ҳар бир давлат раҳбарининг асосий бурчи халқининг тинч-тотувлиги ва фаровонлигини таъминлашдан иборат. Халқ бугун биз каби раҳбарлардан ана шуни кутиб турибди», дея таъкидлайди. Шунингдек, президент Картер сайловчиларга жамиятда порахўрликни чеклаш, ҳокимият тизимини қайта ислоҳ қилишни ваъда берган эди. Шу сабабли унинг даврида мамлакат ички ҳаёти анча яхши томонга ўзгаради. Хусусан, ишсизлар сони кескин камайиб аҳолининг турмуш шароити сезиларли даражада яхшиланади. Лекин ички сиёсатдаги ютуқлар билан

бирга бир қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилади. Масалан, 1978 йилда Картернинг энергияга оид дастури конгресс томонидан бекор қилинади. Чунки, ушбу дастур АҚШнинг энергия импортидан воз кечишига қаратилган эди. Шунингдек, унинг аҳоли соғлигини сақлаш ва ижтимоий таъминот соҳасида амалга оширмоқчи булган режалари ҳам кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмайди. Демак, бундан кўриниб турибдики, президент Картернинг мамлакат ичкарисисидаги баъзи ислохотлари самарасиз яқунланади. Ташқи сиёсатда Картер асосан Совет Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси билан ўзаро муносабатларни янада мустақкамлаш ва ривожлантиришга ҳаракат қилади. Унинг президентлиги давридаги муҳим воқеа 1978 йилда Панама давлати билан янги шартнома имзоланишида рўй берди. Мазкур шартномага кўра Панама давлати ўз ҳудудий дахлсизлигини сақлаб қолади. Шунинг билан бирга АҚШ ва Совет Иттифоқи ўртасида химиявий қуролларни



Кэмп Дэвид қароргоҳи. Тинчликсевар Картер Миср ва Исроил вакиллариини муросасага келтиришда

қўлламаслик ҳақида ўзаро шартнома имзоланади. Президент Картернинг ташқи сиёсатдаги сезиларли муваффақиятларидан яна бири Исроил ва Миср ўртасида тинчлик битимининг имзоланиши бўлди. 1979 йилда АҚШ билан Эрон ўртасида айрим масалалар бўйича жиддий келишмовчиликлар юзага келиб, ўртадаги барча алоқалар тўхтатилади. 1979 йил декабрда Совет қўшинларининг Афғонистонга бостириб кириши муносабати билан Картер маъмурияти ҳам унга қарши норозилик ҳаракатига қўшилади ва шу сабабли 1980 йили Москвада бўлган ёзги Олимпиада ўйинларига «бойкот» эълон қилади ва уларнинг спортчилари мусобақаларда қатнашмайди.

1980 йил ноябрда бўлган сайловда Жимми Картер устидан республикачи Рональд Рейган ғалаба қозонади. «Оқ уй»ни тарк этгач, Картер оиласи билан туғилиб ўсган жойига қўчиб кетади. Бу ерда Жимми Картер ҳам собиқ президентлар сингари ижод билан шуғулланиб, «Ишончли оқланг — Президент», «Линкольннинг қони» номли китобларни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этади. Бугунги кунда АҚШда «Картер маркази» ҳамда «Картер кутубхонаси» каби илмий муассасалар фаол хизмат кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда 80 ёшни қоралаб қолган бўлса-да, қария Жимми Картер уйда ўтириб қолган эмас. Турли халқаро ташкилот ва жамғармаларнинг топшириғи билан дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, жаҳон халқлари ўртасида тинчликни ўрнатиш, демократия ва эркинликни ривожлантириш учун бор кучини аямайди. Шунинг учун ҳам Жимми Картер АҚШ тарихида истеъфога чиққан президентларидан биринчи бўлиб, 2002 йилнинг 11 октябрида дунёда тинчлик ўрнатишга қўшган буюк хизматлари эвазига Нобель мукофоти билан тақдирланди. Бу эса нафақат Америка, балки бутун дунё аҳлининг Жимми Картерга бўлган юксак ҳурмат-эътиборининг рамзий ифодасидир.



1911

Ronald Reagan

РОНАЛЬД РЕЙГАН

Америка Қушма Штатлари тарихида турли вақтларда, ҳар хил касб вакиллари президент бўлгани ҳақида олдинги ҳикояларимизда айтиб ўтган эдик. Эҳтимол, бу узок тарих айнан ана шу жиҳати билан ҳам кишини беҳад ҳайратга солади. Лекин улар ичида шундай касб эгаси ҳам бўлганки, у умрининг ярмини артистлик билан кино ва театрда ўтказиб, сўнг бу буюк давлатни бошқариш шарафига муяссар бўлган. Ўттиз йилдан кўпроқ театр сахнаси ва суратга олиш майдончаларида турли мавзуларда рол ўйнаб, 69 ёшида президентликка сайланган ягона шахс — Рональд Рейган Вилсондир. АҚШнинг Иллинойс штатида истиқомат қилган Жон Эдвард ва Нелли Вилсонларнинг ўғли Рейган 1911 йилнинг 6 февралда камбағал оилада туғилади. Оила бошлиғи Жон Эдвард этикдўзлик орқасидан рўзгор тебратар, онаси Нелли хоним эса савдо-сотиқ билан шуғулланарди. Рейган туғилганда отаси уни қулига олиб, «Вой ўлмасам, бу нега бунча семиз, балки катта бўлса президент бўлар», дея яхши ният қилган эди. Рейган 9 ёшта тўлганида отаси уни ўрта мактабга қўяди. Мактабда ўқиш билан бирга, у баскетбол ва сузиш бўйича штатлараро мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллайди. Ёзги дам олиш кунларида эса пул топиш учун гаввос бўлиб ҳам ишлайди. 1928 йил ўрта мактабни тугатгач, «Юрека» номли коллежга шартнома асосида қабул

қилинади. Шартномада кўрсатилган маблағни Рейган гаввослик ва балиқ сотиш билан тўплайди. Коллежда асосан иқтисод ва жамиятшунослик фанларини зур қизиқиш билан чуқур ўзлаштиради. Шуниси қизиқки, Рейганда ёшлиқдан актёрлик қобилияти бўлиб, коллежда турли хил кулги томошаларида қатнашиб, ўқитувчи ва талабаларни хурсанд қиларди. 1932 йилда университетни имтиёзли диплом билан тугатгач, Рональд Айова штати радиосида



Рейган кино аламида

спорт шарҳловчиси бўлиб ишлай бошлайди. Куп утмай у театрларда роль ўйнаб, тез орада ажойиб актёр сифатида танилади. Шуниси эътиборлики, 30 йилга яқин вақт мобайнида Рональд Рейган 54 та кинода роль ўйнайди. Масалан, «Халқаро ҳаво флоти» (1941), «Тенненсилик улфат» (1955), «Санта Фе Трейл» (1940), «Шошқалоқ юрак» (1949), «Тошбақанинг овози» (1947) кабилар шулар жумласидандир. Лекин у ўйнаган кино ва роллар Голливудда олдинги ўринларда турмасди. Рейганга хос яна бир жиҳат шу эдики, ёши анча катта бўлса-да, ташқи кўринишидан худди ёш йигитларга ўхшар ва доимо юзидан беғубор кулги аримасди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Рейган ҳам АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига чақирилади. Аммо кўзи яхши кўрмаслиги сабабли у урушда бевосита қатнаша олмайди. Уруш тугатгач, Рейган «Скрин Эктарс Гилд» номли театрга раҳбар этиб тайинланади. Энди Рональднинг оилавий ҳаётига тўхталсак, у дастлаб ҳамкасби Жейн исмли актриса қиз билан турмуш қуради. Эр-хотин Рейганлар Элизабет ва Майкл исмли фарзанд кўришади. Лекин Рейган Жейн билан узоқ яшай олмайди. Сабаби

— хотини ундан томошабинларни кўпроқ жалб қиладиган катта-катта роллар ижро этиб, кўпроқ пул толишни талаб қилар, Рональд эса бу талабни ҳамиша ҳам бажара олмас эди. Айниқса, хотини Жейн «Жонни Белинда» фильмида гунг қизнинг ролини қойилмақом ижро этиб «Оскар» мукофотига сазовор бўлгандан сўнг улар ўртасидаги муносабат янада ёмонлашиб, охи-роқибатда эр-хотиннинг ажралишига сабаб бўлди. Шундан кейин 1949 йилнинг кузида Рейган ёш актриса Нэнси Дейвис билан танишиб қолиб, унга уйланади. Дарвоқе, уларнинг танишиш-лари ҳам жуда қизиқ кечган. Рональд Рейган ёшлигидан коммунистларни жуда ёмон кўрар (буни у кейинчалик президент бўлгандан сўнг собиқ СССР билан бўлган муносабатларда бир



Эр-хотини Рейганлар

неча бор очиқ-ойдин тан олган) ва ўша пайтда Голливудда ёш актриса Нэнсини коммунистларнинг айғоқчиси, деган гап тарқалади. Нэнси Дейвис эса уни бу бўхтонлардан ҳимоя қилиш учун ашаддий антикоммунист Рейгандан ёрдам сўрайди ва улар биринчи учрашувдаёқ бир-бирини севиб қолишади. Турмуш қурганларидан сўнг Нэнси актрисалик фаолиятидан воз кечиб, бутун ҳаётини оиласи ва Рейганга бағишлайди. Айнан хотинининг таклифи билан Рейган кейинчалик Голливуддаги фаолиятига чек қўйиб, сиёсат билан шугуллана бошлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Рейган президентлик даврида ҳам хотини Нэнсининг унга таъсири жуда кучли бўлган. Буни яхши билган собиқ СССР ташқи ишлар вазири А.Громико 1984 йилда Нэнсига қарата хазил аралаш «Эрингизнинг қулоғига «Тинчлик», «Тинчлик» деган гапни кўпроқ такрорласангиз яхши буларди» дейди. Унга жавобан президент рафиқаси жуда жиддий оҳангда «Унга-ку бу гапни айтишим мумкин, лекин Брежнев билан сизга нима дейишни билмайман», деб вазирни мот қилади.

Рейганнинг сиёсий ҳаётга кириб келиши республикачилар партиясига аъзо бўлиши билан боғлиқдир. У 1964 йилги президент сайловида республикачи Голдуотернинг ишончли вакили сифатида унинг номзодини қўллаб-қувватлайди. Лекин сайловда унинг номзоди ўтмаган бўлса-да, бу тadbирлар Рейган учун бесамар кетмади. Аксинча, уни моҳир сиёсатчи сифатида халққа танита бошлади. Ваҳоланки, бу пайтда у машҳур кино юлдуз сифатида кўпчилиكنинг ҳурмат-эътиборини қозониб улгурган эди. Шунингдек, Рейганнинг сиёсатда муваффақият қозонишида унинг журналистик қобилияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. У деярли ҳар куни телевидение орқали мамлакат ҳаётига оид танқидий кўрсатувлар билан чиқиб, кўпчиликда яхши таассурот уйғотади. Бунинг натижасида у 1966 йилда Калифорния штати губернатори этиб сайланади. Губернаторлик вақтида Рейган бошқарув штатларини қисқартириш ва солиқлар миқдорини камайтиришни ёқлаб чиқиб, тadbиркорларга кенг имтиёзлар яратиб беради. 1980 йилда бўладиган президентлик сайловига Рейган жиддий тайёргарлик кўради. Сайловолди ташвиқот-тарғиботлар жараёнида Рональд Рейган рақиблари йул қўйган хато ва камчиликларни очиқ-ойдин танқид қилади. Ўзининг ана шундай танқидий чиқишларидан биринда «Картер мамлакатнинг иқтисодий муаммоларини еча олмади, пул

қадрсизланиши ва ишсизлар сонининг камайиши урнига ошиб кетди» дея таъкидлайди. Мамлакат иқтисодини яхшилаш ва халқ фаровонлигини кўтариш учун эса «Ишлаб чиқаришда давлат назоратини камайтириш, тадбиркорларга қонун доирасида ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий эркинликлар бериш лозим. Шундагина, халқ ҳам, давлат ҳам бонийди» деган таклифни илгари суради.

Ушбу сайловда Рейганнинг рақиблиари сифатида катта Жорж Буш ва Жимми Картернинг номзодлари кўрсатилган эди. Сайлов натижасига кўра Рональд Рейган сайлов тарихида энг кўп - 44 миллион сайловчининг овозини олиб, 69 ёшида Америка Қўшма Штатларининг 40- президенти этиб сайланади. Янги сайланган президентнинг олдида асосий иккита муаммо, яъни иқтисодиётни кўтариш ва халқ фаровонлигини ошириш турарди. Бунинг учун эса Рональд Рейган маъмурияти иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, пул қадрсизланишининг ўсишига йўл қўймаслик ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда давлатнинг иқтисодиётга бевосита аралашувини чеклаш йўлини тутди.

Хусусан, ўтган асрнинг 80-йилларида соф фойда ва даромаддан олинадиган солиқлар таърифи анча пасайтирилди, капитал қўйилмалар учун солиқ имтиёзлари берилди. Давлат антитрест (трестларга қарши) қонунчиликнинг қўлланиш миқёсини кескин қисқартирди, хусусий ташаббуслар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиб берди. Шунингдек, «Рейганизм» шаронтида Америка саноати илмий-техника тараққиётининг янги ютуқларини самарали жорий этди, уларнинг рақобатга чидамлилиги халқаро миқёсда кучайди. Аҳолини иш билан таъминлаш даражаси ўсишининг асосий манбаи хизмат кўрсатиш соҳаларининг кенгайиши бўлди. Инфляция ва ишсизлик даражасининг пасайиши истеъмолчилар талабининг ортишига олиб келди.

Шуниси эътиборлики, президент Рейган даврида давлатнинг асосий маблағи мамлакат мудофаа қобилиятини мустақамлашга сарфланади. Масалан, 8 йил ичида ҳарбий мақсадларга 2,5 триллион доллар маблағ ажратилади. Бу эса харажатларнинг даромаддан ошиб кетишига олиб келди. Бундан ташқари, жамиятда ижтимоий ва мулкий табақаланиш кучайиб борди. Хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари очилган бўлса-да, бу соҳада иш ҳақи халқ ҳўжалигидаги ўртача даражадан паст эди. Бу даврда америкаликлар ўз аҳолисини бешта асосий гуруҳга

бўлишади: бойлар, уч тоифадаги ўрта синф ва қуйи синф (яъни камбағаллар, қашшоқлар, уйсизлар).

Шу билан бирга Рональд Рейган даврида мамлакатда аҳоли ўртасида норозилик кучайди. Бунинг боиси шуки, президентнинг олиб бораётган сиёсати кўпроқ оқ танлилар манфаатига хизмат қиларди. Оқибатда қора танлилар ва оқ танли фуқаролар ўртасида тенгсизлик юзага келади. Бундан норози бўлган фуқаролар 1981 йилнинг 30 март куни Рейганга қарши суиқасд уюштиришади. Қурувчилар касаба уюшмасининг съездида нутқ сўзлаган Рональд Рейган Вашингтоннинг «Хилтон» меҳмонхонасидан кўчага чиқди. Меҳмонхона йўлагидан президент машинасигача бўлган масофа йигирма қадамдан ошмасди. Ёмғир ёғаётган бўлса-да, давлат бошлиғини кўраман, деб кўчага чиққан одамларга президент жилмайганча қўл силтаб борарди. Бирдан кимдир унинг эътиборини жалб этади: «Муҳтарам президент!». Рейган бошини ўгиради ва шу пайтда тўрт марта ўқ овози эшитилади. Президентни ўраб олган кўриқчилар шу заҳоти уни машинага ўтиргизишади. Отилган ўқлар кўп одамни жароҳатлайди. Қонга беланган президентни зудлик билан Жорж Вашингтон университетининг касалхонасига келтиришди. Бу ерда энг тажрибали жарроҳлар бир соат мобайнида президент юрагидан икки дюйм нарида туриб қолган ўқни чиқариб ташлайди. Жарроҳлардан бирининг таъкидлашича, ўшанда президент ҳаёти қил устида турган эди.

Президентга ўқ узган шахс йигирма беш ёшли Жон Хинкл деган киши бўлиб чиқди. У АҚШ президентининг ҳаётига суиқасд қилганликда айбдор деб топилди, аммо руҳий касал бўлгани боис жиноий жавобгарликдан озод қилинди.

Ташқи сиёсат борасида эса президент Рейган Совет Иттифоқи билан алоқани мустаҳкамлашга катта эътибор беради. Шуниси қизиқки, Америка тарихида биринчи бўлиб Рональд Рейган Олий суд раислигига аёл кишини, яъни Сандра Дейни тайинлайди. Бу эса президент Рейганнинг аёлларга бўлган алоҳида ишончи-ю, эътиборидан далолат берарди. Рейганнинг келажакка сўнмас ишончи, Америка халқининг ютуқлари ва орзу-ниятларини олқишлаш ҳамда кўкларга кўтарини қобилияти унинг икки муддат президентлик даврининг ўзига хос белгиси бўлди. Кўп америкаликлар учун Рейган ўзига ишонч, гурур ва барқарорлик рамзи эди. Уйламай-нетмай турли баёнотлар

беришга ўч бўлганига қарамай, ойнаи жаҳон орқали маҳорат ила суҳбат қуриши туфайли Рейган «Буюк воситачи», деб ном чиқарди. Кўпчилиكنинг эътирофига кўра, у кенг омма эътиросларига сазовор буюк давлат арбоби Дуайт Эйзенхауэр президент бўлган ўтган асрнинг эллигинчи йилларнинг охиридаги халқ фаровонлиги ва нисбий ижтимоий барқарорлигини ўзида мужассамлаштирган сиёсатчи бўлган. Рейганнинг фикрича, ҳукумат Америка жамиятининг ҳаётига жуда чуқур сингиб кетган. Шунинг учун иқтисоднинг хусусий секторига эрк берилиб, уни ҳар томонлама ривожлантирган тақдирдагина, давлат фаровон ва бой бўлиши мумкин. Таъминот-таклиф этувчи, деган иқтисодий назария тарафдори бўлган Рейган истеъмолчиларнинг харажатларини ошириш, жамғарма яратиш ва сармоя ажратишни рағбатлантириш мақсадида солиқларни қисқартиришга интилган. Ушбу назарияга асосан, кўпроқ мол-мулк, маҳсулот ва хизмат турларини таклиф этиш иқтисодий равнақ сари энг самарали вазифасини ўтайди. Таъминот таклиф этувчи иқтисодий назария тарафдорларининг фикрича, солиқларни қисқартириш бизнес соҳасига сармоя киритилишининг ортишига ва даромаднинг ўсишига олиб келади. Бу даромадлардан олинadиган солиқлар ҳисобига эса ҳукуматнинг йиллик даромади ҳам ортади.

Рейган президентлигининг дастлабки йиллари иқтисоднинг деярли барча соҳаларига сезиларли зарба берган инқироз билан ўтди. Ҳақиқий ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) 1982 йили 2.5 фоизга тушди, ишсизлар сони эса 10 фоизга ўсди ва Америка саноат корхоналарининг деярли



Буюк Британия бosh вазира Маргарет Тетчер ва АҚШ Президенти Рональд Рейган

учдан бир қисми ёпилди. «Женерал электрик» ва «Интернешнел Харвестер» каби асосий фирмалар ўз ишчиларининг бир қисмини ишдан бўшатди. Нефть таъминотида юз берган инқироз ҳам тангликнинг ошишига қисман сабабчи бўлди. АҚШ ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожини секинлашгани сайин унинг Германия ва Япония каби иқтисодий рақиблари дунё миқёсидаги тижорат соҳасида кўпроқ муваффақиятга эришиб борди. Хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган халқ истеъмоли товарларининг Америка дўконларидаги салмоғи кескин ошиб кетди. 1982 йилда юз берган инқироз нефть маҳсулотлари нархларининг пасайишига олиб келиш билан бирга иқтисодга муҳим фойда ҳам келтирди, яъни у Картер президентлиги даврида бошланган сакровчи инфляцияни жиловледи. 1984 йилнинг бошига келиб иқтисодда аста-секин ижобий ўзгаришлар юз бера бошлади ва айнан ана шу даврдан бошлаб АҚШ иккинчи жаҳон урушидан сўнг энг узоқ муддатли иқтисодий-ижтимоий раванқ палласига қадам қўйди. Япония АҚШ га автомобиль экспортига квота чеклашлари ўрнатишга кўнгилли равишда рози бўлди, федерал солиқларнинг қисқариши натижасида истеъмом харажатлари ошди ва харид ўсиши оқибатида қимматбаҳо қоғозлар бозори тикланди.

Қайта тикланиш бошланганидан сўнг ўтган беш йил ичида ЯММ (ялпи миллий маҳсулот) йиллик 4,2 фоизга ўсди, йиллик инфляция 1983 йилдан 1987 йилгача 3-5 фоиз миқдорда сақланиб қолди ва фақат 1986 йиллагина бу кўрсаткич 2 фоиздан ошмади. 1982-1987 йилларда АҚШ ишлаб чиқариш корхоналарида 13 миллиондан ортиқроқ янги иш ўринлари очилди. Бироқ хавотирли томони шу эдики, мазкур ривожланишларнинг бир қисм улуши бюджет ҳисобидан қоплангани боис Рейган президентлиги даврида давлат қарзи ва бюджет камомати салкам 3 баробар ўсди. Солиқларни муштазам равишда камайтириш туфайли Рональд Рейган ўз президентлигининг иккинчи муддатида, сўнгги 75 йил ичида биринчи марта энг собит федерал солиқлар ислоҳоти ўтказди. Демократлар ҳам, республикачилар ҳам маъқуллаган ушбу ижобий тадбир натижасида аҳолидан олинадиган даромад солиқлари кескин камайтирилиб, солиқ тизими соддалаштирилди ва ундан бўйин товлаш имкониятлари бартараф этилди. Рейган томонидан иқтисодий соҳада амалга оширилган ижобий ўзгаришларга қарамасдан, жамиятда жиддий

муаммолар сақланиб қолди. Жумладан, мамлакат фуқароларининг иқтисодий аҳволи бироз яхшилангани билан бу ижобий тадбирлар аҳолининг энг паст тоифаси бўлмиш камбағалларгача етиб бормади. 1986-1988 йилларда АҚШ да юз берган қаттиқ қурғоқчилик туфайли қишлоқ аҳолиси, айниқса фермерларнинг аҳволи ёмонлашди, давлат эса уларга етарли ёрдам бера олмади.

Рональд Рейган президентлиги даврида АҚШда амалга оширилган ташқи сиёсатга эътибор қаратадиган бўлсак, давлатнинг янада фаол бўлишига интилган Рейган учун Марказий Америка минтақаси ташқи сиёсат бўйича дастлабки синов майдонига айланди. Маълумки, Рейган жуда қатъий фикрли ва ўз сўзидан қайтмайдиган сиёсатчи бўлган. У бутун кучи ва имконияти билан дунёда АҚШ ҳукмронлигини ўрнатиш учун қаттиқ кураш олиб борди ва унга бу йўлда қаршилик қилувчиларни аёвсиз жазолади. Бу йўлдаги асосий рақиби ҳисобланган Совет Иттифоқи билан гоёпий курашни бир дақиқа ҳам тўхтатмади.

Сальвадор ҳукуматини ағдаришга таҳлика туғдирган исёнчилар ҳаракати жонланганида Америка Қўшма Штатлари Сальвадорга иқтисодий ва ҳарбий жиҳатидан ёрдам қўлини чўзди. Совет Иттифоқи билан алоқаларда президент Рейган «Куч орқали тинчлик ўрнатиш» сиёсатига амал қилди.

Совуқ уруш даври анъаналарида тарбияланган Рейган собиқ СССРни «Ёвузлик империяси» деб атаб, унга нисбатан қатъий ва ён бермаслик мавқеини эгаллашни афзал билди. Ўша пайтда юз берган икки қутилмаган ҳодиса АҚШ - Совет Иттифоқи алоқаларидаги тангликни янада кучайтирди. Булар 1981 йилнинг декабрида СССР томонидан Польшада «Солидарность» («Бирдамлик») ҳаракатини зўравонлик билан бостириш ва 1983 йилнинг 1 сентябрида 007- рақамли ҳаво рейсини бажараётган ва йўналишидан адашган Кореяга қарашли «Боинг» самолётининг Совет реактив қирувчи самолёти томонидан Узоқ Шарқда уриб туширилиши эди. Шунингдек, АҚШ ҳукумати Совет Иттифоқининг Афғонистонга қўшин киритишига ҳам жиддий норозилик билдириб, афгон муҳожирларининг қаршилик ҳаракатига ёрдам берди. 1983 йилнинг 23 мартда Рейган «Стратегик Мудофаа ташаббуси» (СМТ) тадқиқот дастурини эълон қилди. Унинг мақсади континентлараро баллистик ракеталардан

мудофаа мақсадлари учун лазерлар ва юксак энергияли қурол каби ривожланган технологияларни жорий этиш эди.

Кўп олимлар СМТ дастурини технологик жиҳатдан тадбиқ этишнинг мумкинлигига шубҳалангани, иқтисодчилар эса мисли кўрилмаган кўп маблағ сарфланишини башорат қилишларига қарамай Рейган маъмурияти ушбу дастурни тадбиқ этиш учун бор кучини аямади. Стратегик мудофаа ташаббуси Рейган маъмурияти учун жуда муаммоли кечган бўлса-да, космосда бир қатор оламшумул муваффақиятлар қўлга киритилди. Жумладан, 1981 йили АҚШ ҳукумати «Колумбия» космик шатли (орқа-олдинга бирдек учувчи кема)ни фазога чиқаради. Рейган маъмурияти учун энг жиддий муаммо иккинчи муддатининг тугаши арафасида юзага келди. 1987 йили Президент тарафдорлари Ливанда гаровга олинган америкаликларни озод этиш учун Эронга махфий равишда қурол сотганидан Америка жамоатчилиги хабар топиб қолади. Вакиллар палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида «Эрон-контрас» иши муҳокама этилиб, унда президент тарафдорларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлар билан бир қаторда Америка ташқи сиёсатининг яқин Шарқ ва Марказий Америкадаги манфаатлари ҳам кўриб чиқилади. Кенг маънода, «Эрон-контрас» иши худди 14 йил аввал Сенатда курилган ва АҚШ сиёсий ҳаётида аялчанчи оқибатларга сабаб бўлган «Уотергейт иши» каби масалаларни кўтарди, яъни, бунда ҳам ҳукумат ўзининг нотўғри қилган ишлари юзасидан жамоатчилик олдида ҳисоб бериши лозим эди. Бироқ Америка Қўшма Штатлари 1987 йилнинг 19 октябрида кутилмаганда иқтисодий ларзага дуч келади. «Қора душанба», деб аталган ушбу инқирозда қимматли қоғозлар қиймати 22 фоизга жўшиб кетди. Ўшанда ҳамманинг кўз ўнгига 1929 йилги акция биржасининг қулаши ва ундан кейин мамлакатда рўй берган «Буюк депрессия» даври қайта такрорланадигандек тавдаланди. 1987 йил инқирози АҚШ халқаро тижорати, федерал бюджет камомади, корпорациялар ва айрим шахсларнинг катта қарзлари борасидаги ҳаракатлари натижасида келиб чиқди. Шунга қарамай, давлат хайратомуз тезлик билан ўзини ўнглаб олади ва инқирознинг олди олиниб, иқтисодий ўсиш яна ўз ўрнига тушиб кетади. Ана шу даврга келиб президент Рейганнинг ўзи ҳам анча кексайиб, касалманд бўлиб қолади. Шифокорлар унда рак касаллигининг айрим аломатлари мавжудлигини аниқлашади ва шу тарзда 1989

йилнинг январида у «Оқ уй»ни тарк этиб, оиласи билан Калифорнияга кўчиб кетади. Бу ерда у рафиқаси билан қариллик гаштини суриб, айрим пайтлари ижод билан ҳам шуғулланиб, 1990 йилда «Америка ҳаёти» номли китоб ёзади. Шуниси қизиқки, Рональд Рейган ташқи сиёсатда куч ишлатиш усулини яхши курадиган президент бўлса-да, амалда соvuқ урушни тугатган раҳбар сифатида тарихдан жой олди. У президентлик ваколатини топшириш олдидан шундай дейди: - «Мен президент бўлиб бир халқнинг тақдирини ўзгартирмоқчи эдим. Лекин бутун дунёни ўзгартирдим».

Рейган кейинги вақтларда альцгеймера, яъни бошқача айтганда, эсидан чиқариб юбориш ёки эсдан оғиш касаллигига дучор бўлиб, кўрган-билганлари, қилган ишлари ва ҳатто бирга ишлаган энг яқин дўстларини ҳам унутиб, эсидан чиқариб юборган. Айтишларича, ҳозирги кунда у фақат хотини Нэнсини аҳён-аҳёнда танийди. 2003 йилнинг баҳорида унинг олдинги хотинидан бўлган катта қизи Элизабет вафот этган. Лекин у қизининг оламдан ўтганини ҳали-хануз билмайди. Туғрироғи ўшанда Рейган нима бўлганини англаб етмаган эди. Шундай бўлсада, Рональд Рейган Америка президентлари ичида энг узoқ умр кўрган (ҳозир у 92 ёшда) шахс сифатида кексаларимиз айтганидек, «тупроқдан ташқарида» юрибди.



1924 *George Bush*

ЖОРЖ БУШ

Президент Рональд Рейган даврида вице-президент лавози-мида 8 йил фаолият юритган катта Жорж Буш 1924 йилнинг 12 июнида Массачусетс штатининг Мелтон шаҳарчасида тadbиркорлар оиласида дунёга келади. У Прескот Шелдон ва Уолкер Бушларнинг энг катта фарзанди эди. Жоржнинг отаси Прескот Шелдон тadbиркорлик билан шуғулланар, онаси эса Жанатон ва Уильям исмли болаларини тарбиялаш билан машғул эди. Жорж 6 ёшга тўлганида уларнинг оиласи Коннектикут штатига кўчиб кетишади. Шу ерда у Гринвиг хусусий мактабига шартнома асосида ўқишга киради. Мактабни тугатгач, Массачусетсдаги «Филип» академиясига ўқишга қабул қилинади ва мазкур академияни тамомлаши билан иккинчи жаҳон урушига йўл олади.

Урушда у ҳаво ҳужумлари эскадриясига хизмат қилади. 1944 йилнинг 2 сентябрида Жоржнинг қирувчи самолёти япон жангчилари томонидан уриб туширилади. Самолёти портлаши арафасида Буш ўзини сувга ташлайди ва бундан ўз вақтида хабар топган АҚШ ҳарбийлари уни қутқаришга муваффақ бўлишади. Уруш тугагач, Жорж Буш янги ҳаёт бошлайди. У Нью-Йорклик Барбара Пиррс исмли қиз билан турмуш қуради. Эр-хотин Бушлар кейинчалик Жорж (АҚШнинг ҳозирги президенти) Робин, Жон, Нейл ва Марвин каби фарзандларининг бахтиёр ота-оналари бўлишади.

Тўйларидан кейин «асал ойи»ни Миссисипи дарёси бўй-ларида ўтказишгач, катта Жорж Буш иқтисодиёт йўналиши бўйича Йел университетига ўқишга киришга қарор қилади. Коллежда ўқиши билан бирга бейсбол бўйича бир неча мусобақаларга қатнашиб, совринли ўринларни олади. Иқтисод йўналиши бўйича университетни тамомлаган Бушга отаси бирор бир банкда ишлашни таклиф қилади. Аммо Жорж нефть соҳаси бўйича омадин синаб кўриш ниятида Техас сари йўл олади. Бу ерда у отасининг дўсти Меллонга шогирд тушиб, ҳамкорликда ишлашади. Орадан 3 йил ўтар-ўтмас катта Жорж Буш нефть соҳаси бўйича катта мутахассис бўлиб етишади. Бундан ташқари, Бушнинг ўзи ҳам нефть компаниясини ташкил этиб, қисқа фурсат ичида мамлакатнинг энг бой кишиларидан бирига айланади. Жоржнинг бундай катта муваффақиятларга эришаётганини кўрган амалдор сиёсатчилар уни ўз партиялари фаолиятига жалб этишга ҳаракат қилишади. 1962 йилда Буш Харрис округида республикачиларнинг раҳбари этиб тайинланади. Шунингдек, у олти йилга яқин Вакиллар палатасида ҳам ишлайди. 1970 йилда президент Ричард Никсоннинг таклифи билан вакиллар палатасидаги ишини ташлаб, сенаторликка номзодини кўяди. Бироқ, бу гал омад ундан юз ўгиради. Шундан сўнг ўзини маълум маънода айбдор ҳис этган президент Никсон Бушни АҚШнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидagi вакили этиб тайинлайди. БМТдаги фаолияти даврида у асосий эътиборни Хитойни ушбу ташкилотга аъзо давлат сифатида сақлаб қолишга қаратади. Чунки бу пайтда Хитой БМТнинг аъзолигидан чиқиб кетиш арафасида эди. Иккинчи муддатга президентликка сайланган Никсон Бушни чақириб олиб, республикачилар миллий мажлисининг раиси этиб тайинлайди. Лекин кўп ўтмай «Уотергейт иши» бўйича Никсоннинг президентликдан четлаштирилиши Жорж Бушнинг ҳам мавқеига путур етказди. Миллий мажлис раиси сифатида бир йил ишлаган катта Буш Хитой Халқ Республикасига элчи қилиб юборилади.

Маълумки, Никсон муддатидан олдин истеъфога чиққач, АҚШда ҳокимият тепасига вице-президент Жералд Форд келади ва у Жоржни ХХРдан чақириб олиб, уни Марказий Разведка Бошқармаси бошлиғи этиб тайинлайди. Ушбу нуфузли идорага бошлиқ сифатида Жорж Бушнинг асосий мақсади халқнинг ҳокимият идораларига нисбатан ишончини янада ошириш эди.

Чунки «Уотергейт иши» воқеалари туфайли халқнинг ҳокимиятга бўлган ишончи анча сўнган ва давлат раҳбарларининг айрим ишларидан халқ норози эди. Навбатдаги президентлик сайлови олдидан Жорж Буш Бошқармани тарк этиб, сайловга тайёргарлик кура бошлайди. Сайловнинг биринчи босқичида омад у тарафда бўлади. Лекин кейинги босқичларда рақиби Рональд Рейган устунликка эришади. Сайловда Рейган ғолиб бўлгач, гарчи сиёсатда рақиби бўлса-да, ҳаётда энг яқин дўсти булган Жорж Бушни вице-президентликка тавсия этади. Чунки Рейган Бушни энг ишонган вакили ва яқин қадрдони деб биларди. Президент Рейган унга жуда ишонарди ва шунинг учун ҳам у йўқ пайтлари асосий ишни вице-президент Буш бажарарди. Масалан, Рейганга суиқасд уюштирилганда Жорж Буш саккиз кун президентлик вазифасини ҳам бажариб, унинг ишончини оқлайди. Хуллас, икки мuddат вице-президентлик лавозимида ишлаган ва давлатга раҳбарлик қилиш бўйича унча-мунча тажриба орттирган Буш тез орада халқ ичига кириб боради. 1988 йил янги Орлеанда бўлган республикачиларнинг миллий мажлисида президентликка бўладиган навбатдаги сайловда Бушнинг номзоди ҳам кўрсатилади. Ўшанда кўпчилик Рейган сингари катта Жорж Буш ҳам консерватив демократчилар ёрдамида сайловда ғолиб чиқиши мумкин, деган тахминни илгари суришади. Сайловолди ташвиқотлар жараёнида Буш ўз сайловчиларига солиқ миқдорини камайтириш, иш ҳақини ошириш ва шу каби бир қатор имтиёзлар яратиб беришни ваъда қилади. Шунингдек, Жорж Буш Рейган бошлаб берган халқ фаровонлигини яхшилаш ишларини давом эттириш ва ўз ҳаётий тажрибаси асосида АҚШ мудофаасини демократик партия номзоди Майкл Дугласга қараганда яхшилаш ва кучайтиришга сайловчиларни ишонтиради.

Рональд Рейганнинг сиёсий издоши бўлган катта Жорж Буш саккиз йил мобайнида вице-президент бўлиб, давлатни бошқариш соҳасида орттирган тажрибаси ва обрўси туфайли сайловчиларнинг 54 фоиз овозини олиб, АҚШнинг 41 - президенти бўлади.

Президентлик қасамёдини қабул қилган янги раҳбарни мамлакатда авж олган иқтисодий муаммолар кутиб турарди. Чунончи, 1989 - 1990 йилларга келиб, АҚШда пул қадрсизланиши кучайиб, кўпчилик ишлаб чиқариш корхоналари,

фабрика- заводлар банкротлик ҳолатига келиб қолади. Натижада ишлаб чиқариш ва меҳнатдан манфаатдорлик пасайиб, мамлакат иқтисодий инқироз ботқоғи томон юз тута бошлайди. Боз устига, айти шу даврда жуда катта миқдордаги нефть маҳсулоти Аляска портида тўкилиб кетиб, мамлакат ва табиий муҳитга жуда катта иқтисодий ва моддий зарар етказилади.

Мамлакатни ушбу қийинчиликлардан олиб чиқиш учун Жорж Буш президентликнинг биринчи йили консерватив-молия дастурини қўллаб-қувватлайди.

Солиқлар, харажат ва қарз масалаларида Рейган маъмуриятининг иқтисодий дастурига бироз ижобий ўзгариш киритиб, асосан ўша сиёсатни давом эттиради. 1990 йилнинг ноябрида катта Буш Аляскада нефть тўкилиши оқибатида табиатга етказилган зарарни қоплаш, шаҳарлардаги тутун, автомобилларнинг чиқинди газлари, ҳавони токсик ифлослантириш ва кислотали ёмғирларга янги федерал чеклаш мезонларини киритувчи «Ҳавони тозалаш бўйича қонун»ни имзолайди. Табиатни муҳофаза қилиш масалаларида тартиб ўрнатиш мақсадида атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш бўйича сарфланадиган харажатларнинг аксарият қисми шунга йўл қўйган фирма ва корхоналар ҳисобидан қопланадиган бўлди ва бюджет тақчиллигини камайтириш учун федерал солиқлар миқдори оширилди.

Ташқи сиёсатда президент Буш Япония билан алоқани



Буш тар. оидиси

мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратди. Чунки бу пайтда Япония иқтисодий жиҳатдан дунёдаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланган эди. Президент Буш дунёнинг 21 давлат раҳбари билан 1990 йил 19 ноябрда ўтказилган Европа Хавфсизлиги ва Ҳамкорлиги конференцияси доирасидаги олий мақомдаги уч кунлик учрашувда Европада оддий қуроли кучлар (ЕО) битимини имзолайди. Мазкур битим қуролланиш соҳасида энг мураккаб ва истиқболли келишувлардан бири бўлиб, НАТО ва собиқ Варшава шартномасига аъзо бўлган давлатлар томонидан Атлантика океани соҳилларидан Урал тоғларигача жойлаштирилган минглаб танклар, ҳарбий самолёт ва артиллерия ускуналари тақдирини ўз ичига олади. Бундан ташқари, 1991 йилнинг 31 июлида Вашингтон ва Москва ўртасида «Стратегик қуролини камайтириш» тўғрисидаги битимнинг имзоланиши шу пайтгача амалда давом этиб келаётган совуқ урушга хотима ясади. Совуқ уруши тугаши муносабати билан дунёда юзага келган хушнудлик, мусоффо ва тиниқлик 1990 йилнинг 2 августида Ироқ Қувайтга бостириб кириши билан кескин губорлашди. Ироқнинг Қувайт устидан назорат ўрнатиши ва унинг бу тажовузи Саудия Арабистонни ҳамда Форс кўрфазининг бошқа кичикроқ давлатларига ёйилиш хавфи АҚШнинг ушбу минтақадаги муҳим манфаатларига зарар етказарди. Чунки АҚШ ва бошқа Фарб мамлакатлари бу минтақанинг нефть қувурларига кўз тикиб туришарди. Президент Буш Ироқнинг бу хатти-ҳаракатларини кескин қоралади ва Қувайтдан Ироқ қўшинларини дарҳол олиб чиқишни талаб қилади. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фавқулоддаги сессияси ҳам Ироқни яқдиллик билан қоралаб, урушни дарҳол тўхтатишга чақирди. Аммо, жаҳон жамоатчилигининг бу хоҳиш-иродасини назар-писанд қилмаган Ироқ ўша йили августда Қувайтни ўз ҳудудига қўшиб олганини расман эълон қилди ва Саддам Хусайн Қувайтдаги мавжуд барча чет эл элчихона ва дипломатик ваколатхоналарни ёпишга амр берди ҳамда Қувайтдаги АҚШ ҳамда Британия фуқароларини гаровга ола бошлади. Бундай аҳволдан безовта бўлган президент Буш 8 августда телевидения орқали чиқиш қилиб, АҚШ қуроли кучларини Яқин Шарққа юборилишини расман эълон қилди. Шундан сўнг катта Жорж Буш ҳозирги замоннинг мисли кўрилмаган кенг қамровли ҳарбий ва сиёсий коалициясини тузиш устида иш бошлади. Унга Осиё, Европа, Африка ҳамда

Ўрта Шарқ давлатларининг қуролли кучлари қўшилди. Босқиндан кейинги кунлар ва ҳафталар давомида БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши бу масалани бир неча бор муҳокама қилиб, Ироқ босқинини қораловчи ва Ироққа нисбатан кенг қамровли иқтисодий чеклашлар киритувчи 12 та қарор қабул қилди. 29 ноябрда қабул қилинган 12 - қарорга биноан 1991 йилнинг 15 январига қадар Ироқ ўз кўшинларини олиб чиқмаса БМТга аъзо давлатларнинг куч ишлатишига рухсат берилади деб, қатъий белгиланди. АҚШ ва Совет Иттифоқи ўртасидаги янгича алоқалар Ироқ босқинини жиловлаш учун БМТнинг бундай иш юритишига зарурий замин тайёрлади. Чунки икки давлат ўртасида ўзаро розилик ва ҳамфикрлик бўлмаганида, БМТ Ироққа қарши ҳарбий чора кўришга бундай ваколат бера олмаслиги ҳам мумкин эди. Конгресс аъзолари Форс кўрфази инқирозини тинч йўл билан ҳал этиш учун президент Буш халқаро ҳамжамиятнинг барча воситаларни қўллаш зарурлигига даъват этди. Бироқ асосий масала Конституция бўйича уруш эълон қилиш ҳуқуқи Конгресс ваколатига киритилган бўлса-да, XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ қуролли низоларга Конгресс ваколатисиз ҳам бир неча мартаба журъат этган эди. Фикримизнинг далили сифатида Вьетнам урушини мисол қилиб келтирса бўлади. Конгресснинг баъзи аъзолари Буш уруш бошлашидан аввал ваколатли идоранинг розилигини олиши шарт, деб таъкидлади. Бошқалар эса Конгресс аслида уруш эълон қилиш масъулиятини эмас, балки қаерда, қачон ва қайси шароитларга кўра АҚШ уруш бошлашда ўз овозига эга эканини далил келтиришди. Шундай қилиб, 1991 йилнинг 12 январида БМТ белгилаган охириги муддат тугашидан 3 кун олдин Конгресс президент Бушга ўзи истаган ваколатни берди. Бу ҳуқуқ сўнгги ярим аср мобайнида АҚШ президентига уруш олиб бориши борасида биринчи марта берилган кенг қамровли ваколат бўлди. БМТ белгилаган сўнгги муддат тугагач, орадан 24 соат ўтмасданоқ уруш бошланди. АҚШ, Буюк Британия, Италия, Саудия Арабистони ва Кувайт қуролли кучлари қатнашган бу ҳарбий ҳаракатлар тарихда «Саҳродаги бўрон» номини олиб, унда АҚШ бошчилигидаги коалициянинг қақшатқич ҳаво зарбалари натижасида бир ойдан сал ошиқ муддат ичида Кувайтни озод этишга муваффақ бўлинди. Сўнгра Кувайт ва Ироққа зирхланган ҳаво десант пиёда аскарлари ёрдамида ердан Ироққа бостириб

киришди. Тезлик, ҳаракатчанлик ва катта жанговар тайёргарлик туфайли иттифоқчи қуролли кучлар атиги 100 соат давом этган ер жанглирида Ироқ қўшинларини тор-мор этишди.

Америка Қўшма Штатлари ва унинг иттифоқчилари ўз ҳарбий мақсадига эришгани билан тўлиқ ғалабани қўлга кирита олмади. Саддам Хусайн ҳокимият тепасида қолиб, урушдан сўнг шимолда кўзғолон кўтарган курдлар ва жанубдаги шиаларни ёвузларча қийнаб, уларни кўз кўриб қулоқ эшитмаган қийноқларга солди. Қувайтда Ироқликлар қасддан ёндириб юборган юзлаб нефть қувурларининг алангасини ўчириш 1991 йилнинг ноябригача давом этди. Саддам режими Хавфсизлик Кенгашининг қарорларига мувофиқ Ироқнинг оммавий қиргин қурол турлари, шу жумладан, ядро воситалари ва кимёвий қуролларининг улкан захираларини аниқлаш ҳамда вайрон қилиш устида иш олиб борган БМТ назоратчиларининг фаолиятига халақит беришга ҳам уринди. Шундай қилиб, жаҳон халқларининг кўпчилигини эрк-иродасига хилоф равишда демократия ва озодликка қарши гайриқонуний ҳаракатлар Ироқ ҳудудида 2003 йил 20 мартгача яъни «Ироққа озодлик» ҳарбий юришнинг бошланишигача давом этди.

Буш ҳукумати Мексика ва Канада билан Шимолий Америка эркин савдо битими (ШАЭСБ - NAFTA) юзасидан музокаралар орқали иқтисодий жабҳада тараққиётга эришди. Бу битим кейинчалик Клинтон маъмуриятининг ҳам диққат-марказида турди. ШАЭСБ натижасида АҚШ ўзидаги мавжуд иш жойларини экспорт қилади, деб айбнома қўйишди. Касаба уюшмалари, атроф муҳитни муҳофаза этувчилар эса, бу битим саноат корхоналарини ва табиий муҳитни ифлос этиш устидан назорат заиф бўлган минтақаларга силжишга ундайди, деб хавотирланишди. Бироқ, Буш маъмурияти ҳам, Клинтон маъмурияти ҳам ушбу битим туфайли АҚШга арзонроқ нархдаги маҳсулотлар ва хизмат турлари кенг оқимда кириб келиши муқаррарлигини ҳамда учала мамлакатни дунё бозорида янада рақобатбардор қилишини эътироф этишди. Хуллас, умумдавлат миқёсидаги қизгин баҳс-мунозаралардан сўнг ШАЭСБ 1993 йилнинг охирида Конгресс томонидан тасдиқланади.

1991 йилнинг майида Жорж Буш юрак хасталиги билан касалхонага тушиб қолади. Бу пайтда мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши бироз сустлашиб, мамлакатда наркотик моддалар

билан шуғулланиш кўпайиб, иқтисодий жиноятларнинг сони кундан кунга ошиб борарди. Бундан норози бўлган Буш сиёсатига қарши айрим кишилар исён кўтариб, Лос Анжелос ва бошқа бир қатор шаҳарларда тўс-тўполон қилиб, жамоат жойлари ва айрим транспорт воситаларига жиддий зиён етказди. Кейинги ҳисоб-китобларга қараганда, шу бузғунчиликлар туфайли 53 нафар киши қурбон бўлади ва иқтисодиётга 1 миллиард доллардан ошиқроқ зиён етказилади. Хуллас, буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда президент Бушнинг бусиз ҳам аста-секин заифлашиб бораётган обрўси ва мавқеига путур етказди.

1992 йилги президент сайловида консерватив журналист Патрик Бюкененнинг ўз вақтида танқидий огоҳлантиришига қарамай, президент Буш ва вице-президент Дэн Куэїл республикачилар партиясидан осонлик билан ўз номзодларини кўрсатишади. Президентликка у билан бирга Билл Клинтон ва техаслик Перонинг ҳам номзоди кўрсатилади. Сайловда Арканзас штатининг губернатори демократ Билл Клинтон ғолиб чиқади. Шунинг билан АҚШни бошқариш шарафига муяссар бўлган иккинчи жаҳон урушининг сўнгги иштирокчиларидан бири 68 ёшли Жорж Буш истеъфога чиқиб кетади.



1946

Bill Clinton

БИЛЛ КЛИНТОН

Америка тарихида энг ёш губернатор ва XX асрнинг машхур президентларидан бири сифатида ном қозонган Билл Клинтон 1946 йилнинг 19 августида Арканзас штатида тадбиркорлар оиласида туғилади. Оила етакчиси Уильям Жефферсон автомобиль олди-сотдиси билан шуғулланарди. Аммо у Билл туғилганидан сўнг 3 ой ўтгач, автоҳалокат оқибатида фожеали тарзда ҳаётдан куз юмади. Оғир жудоликдан кейин Виржиния хоним (Биллнинг онаси) ўғлини олиб ота-онаси Элриж ва Эдит Кэссидиларникига йўл олади. Бу ерда бобоси ҳали эс-ҳушини таниб улгурмаган невараси Биллни ўз қарамоғига олиб, унга доимо «Ўғлим, халқ назарига тушадиган олижаноб инсон бўлишни истасанг, бой ва камбағалга, оддий кишиларга бирдек муносабатда бўлгин, ким бўлишидан қатъи назар, халқ билан бирга юргин» дея қайта-қайта насиҳат қиларди. Ёшлигидан ана шундай юксак фазилатли киши тарбиясида камол топган Билл бобосининг ушбу ўғитларини бутун умрга ўз ҳаётининг мазмунига айлантирди.

Билл 4 ёшга тўлганида онаси Рожер Клинтон исмли бир тадбиркорга турмушга чиқади. Ўшанда падарининг ўлганини билмаган ва тушуниб етмаган Билл ўғай отасини ҳақиқий ота деб қабул қилади. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, эр-хотин яна бир ўғилли бўлишади. Энди вафот этган эрини унутиб, янги

турмуш ўртоғи билан бахтли ҳаёт нашидасини суриш ниятида бўлган **Виржиния** хонимнинг оилавий ҳаётида яна муаммолар юзага кела бошлайди. Сабаби — эри **Рожер Клинтон** ичкиликка муккасидан кетган шахс бўлиб, деярли ҳар куни ичиб келар, нималарнидир баҳона қилиб хотинини айблаб, ҳатто она-болага бир неча бор қул кўтаришгача ҳам боради. Охир-оқибатда ана шу тинимсиз ичкиликбозлик оқибатида **Рожер** кўп ўтмай ёруғ дунёдан кўз юмади.

Кичик Клинтоннинг ўқиши ҳақида тўхталадиган бўлсак, у бошланғич таълимни икки йилга яқин **Рим** католик мактабида олади. Мактабда у энг фаол жамоатчи ўқувчилардан бири эди. Мактабдош дўстларидан бири «Қачон қарамай, **Билли**ни кутубхонадан топардим», дея эслайди. Бу эса унинг ўз устида ишлайдиган, изланувчан ўқувчи бўлганлигидан далолатдир. Бундан ташқари, **Билл** ёшлигида собиқ президент **Жералд Форд** сингари моҳир тўпурақ футболчи сифатида ҳам ном қозонади. Қизиғи шундаки, 1962

йилда **АҚШ**да мактаб ўқувчилари ўртасида футбол бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилиб, ҳал қилувчи ўйин пойтахт **Вашингтон**да бўлиб ўтади. Унда **АҚШ**нинг ўша пайтдаги президенти **Жон Кеннеди** фахрий меҳмон сифатида қатнашиб, ўйиндан сўнг кўп минг кишилик томошабинлар ҳамда фото ва телемухбирлар кўз ўнгида голиб жамоанинг 17 ёшли сардорига тантанали равишда голиблик кубогини топширади. Президент **Кеннеди**нинг голиб жамоа

*Билл 5 ёшда*



1962 йил. Президент Кеннеди 17 ёшли Биллини ажойиб ғалаба билан қўшни табрикламоқда.

сардорини қўлини қисганча, ажойиб ғалаба билан қизгин табриклар, соврин топшираётгани тўғрисидаги сурат ҳамда лавҳалар газета саҳифаларида чоп этилади ва телевидение орқали кўрсатилади. Лекин у пайтда ушбу суратда нафақат Америка халқи, балки дунё аҳли ҳурмат-эътиборига сазовор бўладиган ҳамда АҚШ тарихида ўчмас из қолдирадиган икки буюк президентлар қўл ушлашиб тургани тўғрисидаги фикр ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Чунки президент Кеннедидан ғолиблик совринини олаётган футбол жамоаси сардори биз ҳикоя қилаётган Билл Клинтон эди. Ким билади дейсиз, Клинтоннинг ҳам оддий инсон, ҳам обрў-эътиборли давлат раҳбари бўлиб камол топишида президент Кеннеди билан бўлган ана шу тарихий учрашувнинг ҳам маълум маънода ўрни бўлса, не ажаб?..

Ўрта мактабни тамомлагач, 1964 йилда Клинтон Вашинг-

тондаги Жорж Таун университетининг халқаро ҳуқуқ факультетига ўқишга киради. Тўрт йиллик бакалавр дипломини олиш арафасида эса турли хил мавзулар юзасидан талабалар ўртасида утказиладиган халқаро конференцияларда фаол иштирок этганлиги эвазига Родса номли давлат стипендияси совриндори бўлади ва дунёнинг машҳур Оксфорд университетига имтиҳонсиз қабул қилиниб, ўқишни давом эттириш имкониятини қўлга киритади. Оксфордни ҳам муваффақиятли якунлаб кайтгач, тиниб-тинчимас Билл ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича Йел университетига ўқишга қабул қилинади. Бу ерда у Иллинойслик Хиллари Родем исмли курсдоши билан яқиндан танишиб, 1975 йилнинг 11 октябрида улар турмуш қуришади ва орадан 5 йил ўтгач, эр-хотин Клинтонлар фарзандли бўлишади. Қизларига Челси деб исм қўйишади.

Бўш вақтлари Клинтон китоб мутолаа қилишни, айниқса кроссворд, сканвордлар ечишни жуда яхши кўрарди. Ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича ўқишни тамомлагач, Билл бир неча йил Вакиллар палатасининг қонунчилик қўмитасида амалиёт ўтаб, тажриба ва малакасини оширади. Сўнгра оиласи билан Фейтвелл шаҳрига кўчиб келиб, Арканзас университети талабаларига ҳуқуқ фанларидан сабоқ беради.

Билл Клинтоннинг катта сиёсатга кириб келиши Конгресснинг вакиллар палатасига номзодини қўйиши билан бошланади. Бироқ сайловда рақибни Жон Паул устуликка эришганлигига қарамасдан, Клинтон ўзининг сиёсий фаоллигини тўхтатмай, аксинча кучайтириб, президент Жимми Картернинг ишончини қозониб, унинг сайловолди кампаниясига раҳбарлик қилади. Ана шундай самарали саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ, у Арканзас штатининг бош прокурори этиб тайинланади. Прокурор сифатида Клинтон хусусий тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратади. 1978 йилда эса Клинтон Арканзас штати губернаторлигига номзод этиб кўрсатилади. Сайлов арафасида у аҳоли ўртасида бир неча бор чиқишлар қилиб, ижтимоий-иқтисодий фаровонликни кўтариш ва таълим соҳасида муҳим ислохотлар ўтказишга паъла беради. Натижада энди бор-йўғи 32 ёшга тўлган Билл Клинтон тўрт рақибини мағлуб этиб, сайловда галабага эришади. Америка тарихида энг ёш губернатор Клинтоннинг биринчи муддатдаги фаолияти штатдаги ижтимоий муаммоларни етарли даражада ҳал эта

олмайди. Шу боисдан кўпчилик танқид остига олиб уни куруқ ваъдабозликда ҳам айблашади. Бундай танқидий гап-сўзлардан тўғри хулоса чиқарган Клинтон йўл қўйган хато ва камчиликларини тан олиб, кейинги муддатларда албатта ана шу хатоларни такрорламасликка сўз бериб, яна бир бор сайловчилар ишончини қозонишга муваффақ бўлади. Иккинчи муддатда ишни дастлаб иқтисодий ўсишга эришиш ҳамда таълим соҳасини ислоҳ қилишдан бошлайди. Хусусан, штатга хориждан янги ишлаб чиқариш технологиялари олиб келиниб, турли хил мулк шаклидаги корхоналар ташкил этилади. Таълим тизимидаги муаммоларни ечиш ва аҳоли саводхонлигини оширишни эса аввало мактаб ва коллежлардан бошлайди. Ана шундай ижобий ўзгаришларнинг ташаббускори Билл Клинтон яна икки марта губернаторлик учун бўлган сайловларда ғолиб бўлади. Бундан ташқари, у 1985 йилда Жанубнинг сиёсий ривожлантириш ассоциациясининг раиси, 1986 йилда эса мамлакат губернаторлари Миллий ассоциациясининг бошлиғи лавозимларида фаолият кўрсатади. Хуллас, қисқа фурсат ичида ёш ва шижоаткор Билл Клинтон мамлакат сиёсий ҳаётига тулиқ кириб бориб, ўз сўзи ва мавқеига эга бўлади. Бу эса унинг президентлик курси учун бўладиган сайловда даъвогарлардан бири эканидан дарак берарди. 1992 йилги сайловда демократчилар Клинтонни республикачи катта Жорж Буш, Калифорния губернатори Эдмонд Браун ва удабурон талбиркор Росс Пероларга қарши президентликка номзод этиб кўрсатишади. Демократик партиянинг вакили Клинтон ўзининг «Америкага янгиланишлар зарур» номли сайловолди дастури билан чиқади. Мазкур дастурда таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида туб ислохотлар ўтказиш, солиқлар миқдорини ва ҳарбий соҳа учун сарфланадиган маблағларни камайтириш орқали ижтимоий фаровонликни таъминлаш сингари масалалар кўзда тутилган эди.

1992 йилнинг 3 ноябрида бўлиб ўтган сайловда АҚШнинг 100 миллион нафар, яъни 55 фоиз аҳолиси қатнашади. Сайлов натижасига кўра Б.Клинтон 43 фоиз, Ж.Буш 37 фоиз ва Р.Перо эса 19 фоиз сайловчилар овозини олади. Шуниси эътиборлики, Америка давлати тарихида Билл Клинтон Жон Кеннеди ва Теодор Рузвельтлардан кейин учинчи ёш президентлардан бири эди. Қасамёд маросими куни 46 ёшли президент Билл Клинтон ўз халқига мурожаат қилиб, шундай деган эди: «Америка



Сайловда учрашувлар

барқарор мамлакат бўлиши учун йил сайин ижобий узгаришлар қилишимиз шарт. Ҳаёт, озодлик ва бахт сари интилиш, яъни Америка анъаналари ва идеалларига содиқ қолиб, уларни сақлаб қолиш учун ҳам шундай узгаришлар лозим. Биз замонамиз талабига қараб қадам ташлашимиз мумкин, лекин мақсадимиз абадий ва ўзгармасдир». Ана шундай улуғ ғоя билан президентлик вазифасини амалда бажаришга киришган Клинтон ва унинг маъмурияти мамлакат ичида асосий эътиборни таълим соҳаси ва соғлиқни сақлаш тизимида ижобий узгаришлар қилишга қаратди. Президент сифатида Клинтоннинг узига хос жиҳатларидан бири шу эдики, у давлат ишларида доимо аёл сиёсатчиларни жалб этишни хуш кўрарди. Масалан, унинг даврида давлат котиби лавозимида Мадлен Олбрайт фаолият олиб борган бўлса,

«Оқ уй» бекаси Хиллари хоним эса соғлиқни сақлаш тизимида ташкил қилинган махсус комиссияга бошчилик қилган ва бошқа кўплаб аёллар турли масъул лавозимларда фаолият юритишган. Ташқи сиёсат борасида президент Клинтон нафақат ўз мамлакати, балки бошқа давлатларнинг ҳам хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашга бел боғлади. Жумладан, 1994 йил демократик бошқарув тартибини ўрнатиш мақсадида Хавфсизлик кенгашининг рухсати билан Гаитидаги подемократик тузумни ағдаришга муваффақ бўлди. Шунингдек, у Саддам Хусайн бошлиқ Ироқ ҳукуматининг Кувайтга нисбатан олиб борган агрессив ҳаракатларини қаттиқ қоралаб, Ироқ кўшинларини Кувайт ҳудудидан олиб чиқиб кетишга эришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айнан президент Клинтон даврида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва айниқса, таълим соҳаларида Америка-Ўзбекистон муносабатларига асос солинади. Хорижий давлатлар ичида АҚШнинг мустақиллигимизни тан олиши ва биринчилардан бўлиб мамлакатимизда уз элчихонасини очгани ҳам фикримизнинг ёрқин ифодасидир (1992 йил 16 март). Бугунги кунда мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги икки томонлама сиёсий ва иқтисодий муносабатлар бир нечта ҳукуматлараро шартнома ва битимлар асосида тартибга солиб турилади. «Ҳамжиҳатлик ҳақидаги меморандум», «Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақидаги шартнома», «Савдо битими, маслаҳатлашувлар ўтказиш тўғрисидаги қўшма баёнот», «Консуллик муносабатларига оид қўшма ахборот» ва яқинда имзоланган «Стратегик ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида»ги асосий келишувлар шулар жумласидандир. Шу билан бирга 1996 йилнинг 23-28 июнь кунлари Президент Ислам Каримовнинг Қўшма Штатларга қилган ташрифи ва президент Билл Клинтон билан илк расмий учрашуви бўлиб ўтганлиги икки давлат ўртасидаги дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришга кўмаклашган муҳим тарихий-сиёсий воқеа бўлди десак муболаға бўлмайди. Ташриф давомида мамлакатимизнинг АҚШдаги элчихонасининг янги биноси очилди. Турли соҳаларга оид икки томонлама ҳужжатлар мажмуи имзоланди. Хусусан, Бухоро вилоятидаги газ конларини ўзлаштириш лойиҳасини маблағ билан таъминлаш, қўшма корхоналарга лизинг хизмати кўрсатувчи қўшма корхона ташкил қилиш тўғрисидаги баённомалар, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият



*Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов ва
АҚШ Президенти Б. Клинтон*

Миллий банки билан АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги ўртасида Тошкент авиация ишлаб чиқариш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосламасини тайёрлаш учун Америка томонидан грант ажратиш ҳақидаги битим, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан «Банк ОФ Америка» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан «Ньюмонт-Майнинг» компанияси ўртасидаги ҳамжиҳатлик ҳақидаги меморандум Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан «Ньюмонт майнинг» ҳамда «Мицуи» корпорациялари ўртасида «Қизил олмасой» ва «Кўкбулоқ» руда конларини биргаликда ўзлаштириш тўғрисидаги битимларни киритиш мумкин. Ана шу битимлар туфайли иқтисодий алоқалар жадал ривожланиб, 1999 йилга келиб, Ўзбекистон билан Америка ўртасидаги товар айланмаси 282 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон

АҚШдан халқ истеъмол товарлари ва кўплаб асбоб-ускуналар сотиб олмоқда, экспорт эса асосан пахта толасидан иборат бўлмоқда. Президент Клинтон даврида Ўзбекистон-Америка ҳамкорлигига хусусий бизнес намоёндалари ҳам салмоқли ҳисса қўшишди. Чунончи, 1997 йилда АҚШнинг «Кейс интернейшенл» компанияси ёрдамида Тошкент трактор заводи қайта қурилиб, шу фирманинг замонавий тракторларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. «Боинг» компанияси эса ўзаро манфаатли шартномалар асосида йўловчи самолётлар стказиб берди. Дунёдаги энг кучли IBM компьютер компанияси Мамлакатимиз банк тизимини компьютерлаштириш соҳасида катта амалий ёрдам берди. Бугунги кунда АҚШ IREX, Accels ва Soros сингари илмий муассасалари ўзбекистонлик ёшларнинг ҳар жиҳатдан маърифатли, етук мутахассис кадрлар бўлиб камол топишига катта ҳисса қўшмоқда. 1997 йилнинг 9-11 июнь кунлари Ўзбекистон-Америка қўшма комиссиясининг тузилгани икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришга асосий туртки бўлди. Қўшма комиссия йўғилишида минтақавий сиёсий муаммоларни ўз ичига олган масалалар, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлардаги силжиши, ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилиши ҳамда мамлакатимизга хорижий инвестициялар киритиш учун янада яхшироқ шароитларни яратиш муҳокама қилинди. 1998 йил 26 - 27 февралда Вашингтон шаҳрида қўшма комиссиянинг бириччи, 1999 йил 24 - 26 май кунлари эса пойтахтимиз Тошкентда иккинчи мажлиси бўлиб ўтади.

1997 йилнинг ноябрь ойида АҚШ президенти рафиқаси Хиллари Клинтоннинг мамлакатимизга қилган ташрифи икки давлат ўртасидаги дўстона ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этади. «Биз сизлар билан ҳамкор ва дўст бўлишдан фахрланамиз», - дея уз ватанига кагта ижобий таассуротлар билан қайтган «Оқ уй» вакили шундай деган эди: «Бу ерда ўтказган икки ярим куним мобайнида мен Тошкентда жуда кўп соҳаларда ишлайдиган ишбилармон аёллар билан менинг бу ёшлар ва Ўзбекистон ҳақида фикримни сўраб берган саволларига жавоб қайтардим. Уларга таҳсинлар айтдим. Чунки, мен дунёнинг турли бурчакларида таҳсил олаётган талабалар билан учрашганман. Мен бу гапларни Ватанимга қайтиб борганимдан сўнг ҳам такрорлайман - бирон жойда Тошкент ва Бухородаги ёшлар сингари астойдил тайёр



Татьяна Каримова ва Хиллари Клинтон. 1997 йил, ноябрь.

гарлик кўрган, мазмунли саволлар берган йигит-қизларни учратмаганман. Мана шундай бир-бирига нисбатан ҳурмат-эҳтиром билан қараш руҳи жамиятимизнинг барча соҳаларига сингиб кетган. Турли илдизларга эга бўлган халқлар минг йиллардан буён тишчилик ва дўстликда яшаб келган ва бугун ҳам шундай яшамоқда.

Бухородаги мактабда атрофимда ўтирган болалар менга узбек, тожик ва рус тилларида куп саволлар беришди. Уларнинг қизиқиши шу қадар катта эдики, суҳбатимиз имкон қадар чўзилишини исташар эди. Мен уларнинг даврасини ноиложликдан, мана шу болалар мансуб бўлган давлатнинг келажаги буюклигига амин бўлган ҳолда тарк этдим».

Умуман олганда, президент Клинтон даврида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқалари ўзининг энг юқори босқичига чиқди десак, хато булмайдди. Б.Клинтон 1996 йил 5 ноябрда бўладиган президентлик сайловида иккинчи муддатга уз номзодини қўяди ва сайловчиларнинг 45,6 миллион овозини тўплаб, ғолиб чиқади (унинг рақиблари - республикачи Доул - 37,8 ва мустақил номзод Росс Перо - 7,8 миллион овоз олишади). Бу кейинги 50 йилдан кўпроқ вақт

ичида, яъни президент Франклин Рузвельтдан сўнг демократик партия вакилларининг биринчи марта иккинчи муддатга сайланиши эди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, АҚШ президентлигига номзодларнинг саломатлиги ва ёшининг катталиги бўйича чекловлар қонунда кўрсатилмаган. Тўғри, сайлов комиссияси номзодларни рўйхатга олишдан олдин уларнинг саломатлиги ва ёши ҳақида маълумотнома талаб қилади, лекин ушбу сабаб билан (касали ёки ёши давлатни бошқаришга монелик қилмайдиган бўлса) номзодни рўйхатга олмаслик мумкин эмас. Масалан, Ф.Рузвельт оёғи шол булса-да, президентликка номзодликка рўйхатга олинган ва сайловда устма-уст 4 марта ғолиб чиққан. Билл Клинтоннинг иккинчи муддат учун курашдаги рақибларидан бири Доулнинг эса ўнг қўли ишламаган ёки Рейган 69 ёшида президентликка сайланган бўлса, Доул 74 ёшида бу юксак лавозим учун курашга киришган ва ҳоказо.

АҚШ президентлари сайловининг яна бир ўзига хос хусусияти шуки, унда кўпчилик мамлакатларда учрамайдиган бир имконият, яъни сайлов олди кампаниясида номзоддан ташқари унинг яқинлари (рафиқаси, ота-онаси, болалари, ака-укалари ва вакиллари) га сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, унинг номидан уларга турли ваъдалар бериш ва номзод учун овоз беришга чақаришга рухсат этилади. Президент Билл Клинтоннинг иккинчи муддат учун сайлов кампанияси даврида ана шундай учрашувлардан бири 1996 йил 6 октябрь куни Бостон шаҳрида ўтказилади ва унда президентнинг рафиқаси Хиллари Клинтон сайловчилар билан учрашиб, уларни Билл Клинтон учун овоз беришга чақиради. Шуниси эътиборлики, ана шу учрашувда мамлакатимиз адлия ва суд идоралари вакиллари, хусусан Адлия вазирининг ўринбосари Бахтиёр Мирбобоев, Республика Олий ҳўжалик суди судьяси Ақида Қосимова, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирини Фарҳод Низомов, Наманган вилояти адлия бошқармаси бошлиғи Ўктам Иноятов, Қашқадарё вилояти ҳўжалик суди раиси Мирза Турсунов ва бошқалар қатнашадилар. Уларнинг ҳикоя қилишларича, ушбу учрашув Бостон шаҳрининг чеккароғида, дарахтлар билан ўралган, кенг очиқ майдонда пухта тайёргарлик ва зўр кўтаринкилик билан ўтказилиб, юқори томонда катта баланд саҳна бўлиб, юзлаб телекамералар нигоҳи ва минглаб

сайловчиларнинг гулдурос қарсақлари остида саҳнага Хиллари Клинтон, демократик партиянинг фаолларидан сенатор Эдвард Кеннеди (собиқ президент Жон Кеннедининг укаси) ва бошқалар чиқиб келишади. Кўпчиликда «Билл Клинтон», «Билл Клинтон учун овоз берайлик», «Демократик партия голиб», - деган юзлаб шиорлар ва турли ёзувлар бўлиб, президент рафиқаси Хиллари Клинтон, сенатор Эдвард Кеннеди ва бошқаларнинг чиқишларини сайловчилар гулдурос қарсақлар билан олқишлаб, сайловда Клинтон учун овоз беришга ваъда беришди ва ушбу учрашув мамлакат телевидениеси орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди.

Сайловчиларнинг бундай учрашувларга бепарқ эмаслиги, у фақат расмийчилик учунгина ўтказилмаслигини шундан ҳам билса бўладики, учрашув очиқ майдонда, ҳамма тик турган холда ўтказилганига қарамай, унинг охиригача (икки ярим, уч соат) ҳеч ким ҳеч қасққа кетмасдан диққат билан тинглашади ва учрашувдан сўнг унинг қатнашчилари бу ерда бўлган гап-сўзларни бир-бири билан қизгин муҳокама қилишиб, сўнг аста-секин тарқалишади.

Билл Клинтоннинг иккинчи тўрт йиллик фаолияти ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, у Исроил ва Фаластин ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан бартараф этиш ҳамда ядро қуролига эга бўлган давлатлар сонини камайтиришга ҳаракат қилди. Шу билан бирга Клинтон президентлигининг иккинчи муддатининг охириги йилларида унинг маиший бузуқлиги, «Оқ уй»нинг хоналаридан бирида шу ердаги амалиётчи Моника Левински билан айш-ишрат қилгани тўғрисида халқ ўртасида турли гап-сўзлар тарқалиб, унинг обрўсига салбий таъсир қилади. Ҳар ишга ҳозир-у нозир айрим журналист ва конгресменлар унинг бу ишлари давлат бошлиғи шаънига тўғри келмаслигини таъкидлаб, Клинтонни президентлик ваколатини муддатидан олдин бекор қилиш учун ушбу масалани Конгрессга олиб чиқишади. Бироқ унда президент тарафдорлари кўпчиликни ташкил этиб, уларнинг таклифи ўтмайди ва Билл Клинтон бу номуносиб ҳаракатлари учун миллатдан расман кечирим сўраб, ўз вазифасини давом эттиради.

Ваколат муддати тугагач, Билл Клинтон 2000 йил 19 январда «Оқ уй»ни тарк этади. Ҳозирги кунда собиқ президент Клинтоннинг нима билан машғуллиги кўпчиликни қизиқтириши

мумкин. Айтиш жоизки, Клинтон президентликни топширган булса-да, бекор юрмасдан яхшигина даромад топмоқда. У турли университетларда турли хил қизиқарли маърузалар билан чиқиб, ҳақ олаятти. Бундан ташқари, у СПИДга қарши кураш ва она табиатни асраш борасидаги чиқишлари билан ҳайрия маблағлари ҳам тўпламоқда. Шунингдек, йирик халқаро учрашувларда фаол иштирок этиб, бу тадбирларни ташкиллаштириш эвазига ҳам катта миқдорда қалам ҳақи олмақда (Айрим мамлакатларда бир соатлик маърузаси учун 100 минг АҚШ доллари миқдорида гонорар тўланаркан). Қолаверса, Клинтон ўтган кунлари, иш фаолияти ва ҳаётий тажрибалари ҳақида хотира китоби ҳам ёзишни бошлаб юборган. Булардан ташқари, Билл Клинтон табиий офат оқибатида уй-жойсиз қолган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш мақсадида махсус ҳомийлик ташкилоти ҳам тузган. Албатта собиқ президент рафиқаси Хиллари хоним ва ягона қизи Челсини ҳам унутмаётгани йўқ. Дарвоқе, Хиллари хоним 2003 йилнинг май ойида «Тирик тарих» номли китобини чоп эттирди. Бунинг учун мамлакатнинг собиқ биринчи хонимига 8 - миллион доллар ваъда қилиниб, унинг 2,85 миллиони олдиндан аванс тариқасида берилди. Баҳоси 28 доллар турадиган ушбу китобни ўзларида чиқариш учун бир ой ичида 16 мамлакатдан буюртмалар келиб тушди. Нашриёт ходимларнинг фикрича, мазкур китоб муаллифнинг «Оқ уй»даги саккиз йиллик ҳаёти тўғрисидаги ўзига хос ҳисобот бўлиб, ана шу даврда Клинтонлар оиласи, уларнинг қароргоҳи ва умуман, мамлакатда юз берган баъзи воқеалар жуда қизиқарли баён қилинган. Айниқса, Билл Клинтон ва Моника Левински ўртасидаги ишқий алоқаларга Хиллари хонимнинг қандай муносабатда экани кўпчилик ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши, шубҳасиз. Хиллари хоним бу воқеаларга китобда ҳолисона баҳо берган. «Мен ҳаётим давомида қабул қилган қарорлардан энг қийини — деб ёзади Хиллари ўзининг ушбу китобида — Билл билан ажралишиб кетмаслик ва Сенатга номзодимни қўйиш тўғрисидаги қарорлар бўлди». Хилларининг ёзишича, унинг Нью-Йорк штатидан Сенатга номзодини қўйиш тўғрисидаги қарори нафақат ўзини, балки Билл Клинтонни ҳам анча таъвишга солиб қўяди.

Шуни аълоҳида таъкидлаш жоизки, Хиллари Клинтон 2000 йилда бўлиб ўтган сайловда рақиби Дик устидаги ишончли

галаба қозониб, президент рафиқаларидан масъул лавозимга сайланган биринчи аёл сифатида АҚШ тарихидан жой олди. Шуниси қизиқки, Хиллари хоним сенаторлик қасамёдини эри Билл Клинтон президентлик лавозимини топширган ойда, яъни 2001 йил январда қабул қилган.

Хуллас, ҳозирда Билл Клинтон хотини ва қизи билан кўплаб мамлакатларда бўлиб, жамоат ишларида фаол иштирок этмоқда.





1946

George Bush

2008

КИЧИК ЖОРЖ БУШ

Америка Қўшма Штатлари мустақил давлат сифатида ташкил этилгандан буён утган 215 йилдан кўпроқ вақт ичида унинг фарзандларидан фақат 42- нафари халқнинг юксак ишончига сазовор бўлиб, президентлик сайловларида ғолиб чиқиб, ушбу қудратли, буюк ва ҳуқуқий демократик давлатни бошқариш шарафига муяссар бўлишган. (Шу ерда бир масалага аниқлик киритиш лозимки, АҚШнинг 22 ва 24- президенти бир киши, яъни Гровер Кливленд бўлган ва шунинг учун кичик Жорж Буш расман АҚШнинг 43- президенти деб эълон қилингани билан аслида мамлакатни бошқараётган 42- шахсдир). АҚШ президентларидан тўрт нафари ота-бола, икки нафари бобонабира бўлишган. АҚШнинг ҳозирги, яъни 43- президенти Жорж Буш 41- президент Жорж Бушнинг катта ўғлидир. Уларнинг исми фамилиялари бир хил бўлгани учун ҳозирги президент давлат раҳбарлиги учун 2000 йил ноябрда бўлган сайлов кампаниясига номзод сифатида рўйхатга олингандан бошлаб, ота-болаларни чалкаштириб юбормаслик ва уларнинг қайси бири тўғрисида фикр юритилаётганини аниқлашни осонлаштириш мақсадида жаҳон оммавий ахборот воситалари отаси тўғрисида сўз юритганда унинг исмига «Катта», уғлига эса «Кичик» сўзларини қўшиб аташадиган бўлди.

Биз ҳам ана шу анъанага амал қилиб таъкидлаймизки, кичик

Жорж Уокер Буш 1946 йил 6 июнда Коннектикут штатининг Нью-Хей шаҳарчасида туғилади. У пайтлари унинг отаси - катта Жорж Буш Йел университетининг талабаси бўлиб, у ўқишни битиргач, яъни 1948 йилда Жорж ва Барбара (кичик Жоржнинг онаси) Бушлар оиласи Техас штатининг Одесса шаҳрига кўчишади. Кичик Жорж шу ерда мактабга боради. Катта Жорж Буш у ерда нефт бизнеси билан шуғулланиб, тезда жуда бойиб, йирик мулкдор (магнат)га айланади. Бушлар оиласининг моддий таъминоти яхши ва бадавлат эканини шундан ҳам билса бўладики, у пайтларда бошқа кўпчилик аҳоли учун камёб ҳисобланган ваннади хона ва катта совутич (холодильник) фақат Бушлардагина бўлиб, шунинг учун ҳамшаҳарлари уларга ҳавас билан қарашар, кўни-кўшилари эса аҳён-аҳёнда улардан фойдаланиб ҳам туришарди. Бушлар оиласи Одесса шаҳарчасида узоқ яшамай, 2 - 3 йилдан сўнг, Мидленд шаҳарчасига кўчиб ўтишади ва кичик Жоржнинг болалик йиллари ана шу шаҳарчада ўтади. Бу пайтга келиб, уларнинг оиласида яна уч нафар ўғил ва икки нафар қиз фарзандлар дунёга келади.

Уларнинг бойлиги кундан-кун ортиб, оиласи кенгайиб Мидленд шаҳарчасидаги уй-жойи Бушларга торлик қила бошлайди. Шу боис оила штат маркази Хюстиндан катта ҳовли-жой сотиб олиб, у ерга кўчиб ўтишади ва Бушлар оиласининг кейинги ҳаёти ана шу шаҳар билан боғлиқ. Бу вақтга келиб катта Жорж Буш мамлакатдаги йирик ва таниқли нефть саноатчиларидан бирига айланади. Агар у нефть соҳасидаги меҳнат фаолиятини 375 доллар ойлик иш ҳақи билан бошлаган бўлса, 1966 йилда давлат хизматида ўтишда ўз акцияларини миллион долларга сотади. Чунки АҚШ қонунчилигига мувофиқ давлатнинг масъул вазифаларида ишлайдиган хизматчилари тadbиркорлик билан шуғулланиши, шу жумладан акциядор ҳам бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, давлат хизматчилари, шу жумладан президент ҳам қиймати 15 доллардан ортадиган совға-салом олиши ҳам мумкин эмас, агар унга хизмат нуқтаи- назаридан юқори қийматли совғалар берилса, уни ўзига олмасдан, давлатта топшириши шарт. Кичик Жорж Буш ўн беш ёшга тўлганида ота-онаси уни мамлакат шарқида ўғил болалар учун энг яхши ўқув юрти ҳисобланадиган ва бир вақтлар отасининг ўзи ҳам таълим олган Массачусетсдаги Филлипес академиясига ўқишга кўяди. Бироқ отасидан фарқли ўлароқ, бу ерда у ўқишдаги муваффақиятлари

ёки спорт мусобақаларидаги ютуқлари билан унчалик мақтана олмас эди. Шундай бўлса-да, кичик Жорж ўқув юртида жуда кўп дўстлар орттириб, мактаб спорт жамоаси ишқибозларининг йўлбошчисига айланиб, ўқув юрти ҳаётида унутилмас ном қолдирди.

Ушбу академияни битиргач, кичик Жорж Буш отаси изидан бориб, АҚШдаги энг обрўли олий ўқув юртларидан бири ҳисобланмиш Йел университетига ўқишга кирмоқчи бўлади. Лекин у унча яхши ўқимагани сабабли, академияда унга сабоқ берган айрим устозлари ушбу университетга уни қабул қилишмайди деб ўйлашиб, уни бу фикридан қайтармоқчи бўлишади. Аммо кичик Бушни мазкур университетга қабул қилишади. Кичик Жорж Буш университетда ўқиш билан бирга талабалар қардошлиги (FRATERNITY) жамияти президенти ҳам бўлади. Бу жамият талабалари одатда бир ётоқхонада яшаб, вақтларини бирга ўтказишар ва ҳар бир ишни бамаслаҳат биргаликда амалга оширишарди. Ўқишни битиргач, кичик Буш ҳамма йигитлар қатори ҳарбий хизматга чақирилади. Ўша пайтларда кўпчилик Вьетнамга урушга юборилаётган эди. Лекин унга Вьетнамга бориш насиб этмайди. Чунки у яна отаси изидан бормоқчи бўлиб, Техасдаги учувчилар Миллий гвардия мактабига ўқишга киради. Бу ўқув юрти курсанти ва битирувчилари урушга жўнатилмас эди. Учувчилар мактабини битиргач, кичик Жорж Буш яна отасининг изидан бориб, АҚШ ҳарбий Ҳаво Кучларида хизмат қилади. У ҳам отасидек матонатли учувчи бўлиб етишади. Айтишларича, ўша пайтлар «Ф-112» русумли қирувчи самолётни бошқаришда унинг олдига тунадиган учувчи бўлмаган экан. 1977 йилда кичик Жорж ва Лаура Уэлчларнинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтади. 1981 йилда эса уларнинг уйига қўшалоқ шодлик кириб келади, яъни Буш ва Лаура эгизак қизли бўлади ва уларни бувилари шарафига Барбара ва Жанна деб аташади. Лаура Уэлч хоним асли Техаслик бўлиб, университетни битиргач, дастлаб Даллас жамоатчилиқ мактабларида мураббийлик қилган ва кейинчалик техасдаги кутубхонада ишлаган. Уэлч хоним жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Ҳатто, Техас штатидаги қаровсиз болалар учун «Камалак хоналари» ташкил этган. Кичик Жорж Буш бу пайтларга келиб, ўз омадини нефть соҳасида синаб кўрмоқчи бўлиб, оиласининг яқин дўстларидан бирига қарашли нефть савдоси билан шуғулланувчи фирмага иш

ўрганувчи бўлиб жойлашади ва бу ерда нефть савдосининг сирлари ва ўзига хос хусусиятларини ўрганмоқчи бўлади. Бу соҳа ва умуман бизнесни назарий жиҳатдан пухтароқ ҳамда чуқурроқ ўрганиш мақсадида 1973 йилда Гарвард бизнес мактабига ўқишга киради. Бироқ бизнес соҳасини ўрганишга қанча ҳаракат қилмасин, «Бўлмаганга бўлишма» деганларидек, катта бизнес кичик Буш учун бегоналигича қолади ва у бу соҳада кўзлаган мақсадига эришаолмайди.

Бизнесда омади чопмаган кичик Жорж яна кадрдон Техасига қайтади, шу сабабли Йел ҳамда Гарвардда бирга ўқиган курсдошларини ҳар йили ўтказадиган учрашувларига бирор марта ҳам бормайди. Катта Жорж Бушнинг сиёсатда омади чолиб, мансаб пиллапоясидан дадил юқорилаб, давлат бошқарувида иккинчи шахсга айланиб, вице-президент бўлган бир пайтда кичик Жорж Буш ўзига қарашли нефть компаниясини касодга учратиб, аста-секин ичкиликка берила бошлайди. Айтишларича, унинг бу ножўя йўлдан қайтиши ва охир-оқибатда давлат раҳбаригача бўлган қийин, аммо шарафли йўлни чидамлилиқ билан босиб ўтишида рафиқаси Лаура хонимнинг хизматлари бениҳоя катта бўлганини Америка халқи жуда яхши билади. Халқимизнинг «Эрни эр қиладиган ҳам, қора ер қиладиган ҳам хотин» деган мақолини Лаура хоним эҳтимол эшитмаган бўлиши ҳам мумкин, аммо турмуш ўртоғига айнан ана шу мақол мазмунини бўйича муносабатда бўлган Лаура хоним охир-оқибатда кичик Жоржнинг ичкилик деган балойи-офатдан қутқзади. Кичик Буш хотинининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари туфайли ичкиликни ташлаб, бутунлай бошқа одам бўлиб қолган кунни жуда яхши эслайди. Ўзининг айтишича, ўшанда, яъни 1986 йил 28 июлда ичкиликбоз улфатларининг ёнига бормаслик ва уларга қўшилмаслик тўғрисидаги хотинининг ялиниб-ёлворишига қарамасдан, уйдан ўзича чиқиб кетади ва бир гуруҳ тенгдошлари билан 40 ёшга тўлганликларини жамоа бўлиб нишонлашади... Эрталаб «Колоридо-Спринг» меҳмонхонасининг хоналаридан бирида ўзига келиб уйғонади ва қилиб юрган ишлари, пияниста ва бебош дўстлари ҳамда хотинининг панд-насиҳатлари бирма-бир кўз олдидан ўтиб, ҳақиқатдан ҳам нотўғри йўлдан кетаётганини, агар ундан тезда қайтмаса, охири «вой» бўлишини тушуниб етади ва шу кундан бошлаб ичкиликбоз дўстлари билан

бир умрга хайрлашади. Шундан кейин оғзига бир қултум ҳам спиртли ичимлик олмайди ва ўзининг бизнеси билан жиддийроқ шуғулланишга киришади. Натижада унинг ишлари бироз яхшиланиб, фирмаси оёққа тура бошлайди. Қулай имкониятдан фойдаланиб, ўзининг кичик ва камқувват, энди жонланаётган фирмасини ўзаро манфаатли шартларда, йирик ва молиявий жиҳатдан бақувват ҳамда яхши ишлаётган иккинчи бир фирмага қўшишга эришади. Шу билан бирга ташкилотчилик қилиб, «Техас Рейнджерс» бейсбол жамоасини сотиб олувчи инвесторлар гуруҳини тўплайди ва бу унинг ҳаётидаги энг муваффақиятли ҳамда омадли битими бўлади. Чунки кичик Жорж Буш бу битим учун қарз олиб 600 минг доллар тўлаб, бир неча йилдан сунг 15 миллион доллар фойда олади. Албатта, кичик Жорж Буш ҳаётидаги бу ижобий ўзгаришлар унинг учун бесамар кетмайди. Эндиликда у сиёсий ишлар учун ҳам ўзини пишиб етилган ҳисоблайди.

Айниқса, 1988 йилда отасининг президент этиб сайланиши сиёсий ишларда унга катта туртки бўлади. 1994 йилда кичик Буш Техас штатининг губернаторлигига ўз номзодини қўяди. Бу унинг сайловлардаги биринчи иштироки бўлса-да, у ишончли ғалабга эришади. 1998 йилда эса бу вазифага қайта сайланади. Кичик Жорж Буш Техас штатига 5 йил муваффақиятли раҳбарлик қилгач, энди янада юқорироқ чўққи, яъни давлат бошлиғи лавозимини эгаллашга ҳаракат қилади ва навбатдаги президентлик сайловига ўз номзодини қўйиш тўғрисида 1999 йилда расман эълон қилади. Унинг сайловолди кампаниясидаги асосий шиори Вашингтоннинг «қиёфаси»ни ўзгартириш, Билл Клинтон «Америка президентлари уйини маишатхонага айлантиргани» туфайли «Оқ уй»нинг тушиб кетган «шон-шухрати»ни қайта тиклашдан иборат эканлигини қайта-қайта тақрорлайди. Шунини қизиққи, президентликка номзоди қўйилган Жорж Буш сиёсатда ҳам отаси ёки рақиб Альберт Гор каби пишиб етилмаган, шу пайтгача фақат икки марта, у ҳам бўлса қўшни Мексикага хорижий сафарга чиққан ва бошқа жойни курмаган, баъзи учрашувларда ҳатто айрим давлатларнинг номини ҳам тезда тополмаган номзодни сиёсий курашда ғалаба қозонишига айрим кишилар унчалик ишонмаса, бошқалар АҚШда энг машҳур Йел ва Гарвард университетини тамомлаган, иқтисодиёт магистри соҳиб бўлган моҳир учувчининг сайловда ғалаба қозонишига ишониварди.

2000 йилнинг июль ойида республикачилар партиясининг Филадельфия шаҳрини «Ферст юнион сентер» спорт мажмуасида бўлиб ўтган съездида кўп минг кишилик делегатлар президентликка номзод кичик Жорж Бушнинг сайловолди дастурини катта қизиқиш билан тинглаб, юксак ишонч билан уни навбатдаги сайловда Кўшма Штатлар президентлигига номзод сифатида расман тасдиқладилар. Шунингдек, ушбу съездда АҚШнинг собиқ Мулофаа вазири Ричард Чен мазкур партиядан вице-президентликка номзод этиб рўйхатга олинади. Кўпчилик кузатувчи ва мутахассислар ана шу съезддан кейиноқ бу галги сайловда республикачилар ғалаба қозонишини башорат қилишган эди. Чунки демократик партиядан президентликка номзод бўлган Клинтон ҳукуматининг вице-президенти Альберт Гор ўзининг ўрнига 58 ёшли ҳуқуқшунос Жозеф Либерманни танлаган эди. Очиги, унинг бу танлови президент Билл Клинтон ва бошқа айрим партиядошларига маъқул келгани билан кўпчилик америкаликлар учун қутилмаган ҳол бўлди. Чунки Ж.Либерман америкалик яҳудийлардан бўлиб, мамлакат тарихида илк бор бу миллат вакиллари шундай юксак лавозимни эгаллашга номзод этиб рўйхатга олинган ва у мазкур вазифага сайлангандан сунг президент билан бирор тасодиф юз берса (бундай ҳолат АҚШ тарихида бир неча бор бўлган) Конституцияга мувофиқ давлат бошлиғи лавозимини ҳам эгаллаши мумкин эди. Лекин Америка халқининг кўпчилиги ўзларининг қудратли ва буюк давлатини яҳудий миллатига мансуб президент бошқаришини асло-асло юрагига сиғдиролмас ва шунинг учун ҳам ушбу сайловда демократларнинг ғалабасига ишонмас, республикачилар катта устунлик билан ғалаба қозонади, деб ўйлашарди.

Башоратчиларнинг бу тахминларини Бостон шаҳрида бўлиб ўтган номзодлар иштирокидаги телевизион мулоқот ҳам биров тасдиқлагандай бўлди. Маълумки, ўрнатилган тартибга мувофиқ президентликка номзодлар сайловдан олдин 2-3 марта телевизион мулоқотда қатнашиб, унда ҳар бир номзод ўзига берилган саволга ҳеч қандай китоб, дафтар ёки бошқа ҳужжатларга қарамасдан 2 минут ичида батафсил жавоб бериши керак ва телетомошабинлар, яъни сайловчилар жавобларнинг тўғрилиги аниқлиги ва мазмунига қараб, номзоднинг билим даражаси, савияси, нутқи ва бошқа жиҳатларига баҳо бериб, сайлов куни кимнинг номзодини ёқлаш масаласини ҳал этади. Бостон

шаҳридаги 2000 йил июль ойида бўлиб ўтган мулоқотда кичик Буш Альберт Горга нисбатан телетомошабинларда яхши таассурот қолдиргандай бўлди. Аммо маълумки башоратчиларнинг тахминлари ҳамиша ҳам тўғри чиқавермайди. Бу сафар ҳам улар сал бўлмаса адашаёзди. Чунки сайловда кичик Жорж Буш катта устунлик билан ғалаба қозона олмади.

Тўғри, бу гал ҳам одатдагидек сайловнинг эртаси кунини кичик Бушнинг ғалаба қозонгани эълон қилинди. Лекин кейинчалик англашилмовчилик юз бергани аниқланиб, ғалабани нишонлаш тўхтатилди. Чунки Флорида штатида Жорж Буш рақиби Альберт Гордан бор-йўғи 224 та кўп овоз олгани аниқланди ва мазкур штат қонунига кўра олинган овозлар нисбати ярим фоиздан кам бўлса, ҳамма бюллетенлар қайта ҳисобланиши керак эди. Энди АҚШ президенти сайловлари тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодиса, яъни сайлов натижасини суд ҳал қилиши лозим бўлди. Суд сайлов бюллетенларини ўрганиб чиқиб, кичик Жорж Буш фойдасига қарор чиқарди. Шундай қилиб, кичик Жорж Буш АҚШнинг 43- президенти бўлди. Сайловда айрим шахсларнинг номзодларга берган овозлари якунига қарасак, куйидагиларни кўришимиз мумкин. Жумладан, сайловда оқ танли эркакларнинг 60 фоизи Ж.Буш, 36 фоизи эса А.Гор учун, йилига 100 минг доллардан ошиқ даромад қилувчилар, яъни бадавлат америкаликларнинг 54 фоизи Бушга, 43 фоизи Горга, аёлларнинг эса ярмидан кўпроғи Горга овоз берган ва ҳоказо. Шундай қилиб, кичик Жорж Буш иккинчи марта «Оқ уй»да яшайдиган бўлди (биринчи марта отаси президентлиги даврида яшаган). Сиёсатчиларнинг фикрича, унинг бу ғалабасида отасининг сафдошлари, яъни «эски гвардия»нинг хизматлари жуда катта бўлган ва шунинг учун ҳам Америка халқи унинг дастлабки президентлик кунларидан бошлаб унга катта умид кўзи билан қаради. Таъкидлаш жоизки, у бу ишончнинг бир қисмини шараф билан оқламоқда.

Март ойининг бошланиши АҚШда нафақат баҳор келиб, дов-дарахтларнинг кўм-кўк бўлиб барг чиқариши, балки фуқаролар учун кўм-кўк долларларда солиқ тулайдиган вақт келганини ҳам билдиради. Ўрнатилган тартибга мувофиқ ҳар бир вояга етган АҚШ фуқароси ана шу ойда 1040-сонли декларацияни тўлдириб, унда ўтган йили олинган барча даромадларни аниқ кўрсатиб, унинг 31 фоизини солиқ сифатида давлат хазинасига

тулаши шарт. Бу қондадан президент ва унинг оиласи ҳам четда қолмайди.

Шунинг учун белгиланган аъъанага кўра, президент вазифасини бажаришга киришаётган шахс шу пайтгача тўплаган бутун мол-мулки ва маблағларини бошқаришини ўзининг ишончли вакилига қонунда белгиланган тартибда топшириб, яъни ташқарида қолдириб, президентлик даврида олдинги мулки бўйича уз вакили ишига аралашмасдан, «Оқ уй»га мол-мулксиз, қуруқ қули билан келиб, шу ерга топган даромадлари ҳисобидан албатта солиқ тўлаш талаб қилинади.

Масалан, кичик Жорж ва Лаура Буш биргаликда 2002 йилда 856056 доллар даромад қилганликларини декларацияда кўрсатиб, 2003 йил март ойида унинг 31 фоизи, яъни 268719 доллар миқдоридан солиқ тўланади. Уларнинг даромадларига Ж. Бушнинг президентлик иш ҳақи (200000 доллар) ва бошқа даромадлар кирди. Дарвоқе, 2003 йил 1 январдан АҚШда иш ҳақининг миқдори оширилиб, эндиликда президентлар 200000 эмас, балки 400000 доллар иш ҳақи оладиган бўлишиди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, айнан кичик Жорж Буш ҳокимият тепасига келгандан сўнг Ўзбекистон-Америка муносабатлари икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида янада тез суръатлар билан ривожланди. Айниқса мамлакатимиз президенти Ислам Каримовнинг 2002 йил 11 - 14 март кунлари Америка Қўшма Штатларига қилган навбатдаги ташрифи ана шу ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида олға ташланган ғоят муҳим қадам бўлганини нафақат икки мамлакат сиёсат намояндалари, балки бутун дунё жамоатчилиги эътироф этди. Ана шу тарихий ташрифдан кейин АҚШ том маънода мамлакатимизнинг стратегик ҳамкоримизга айланди.

Мамлакатимизнинг дунёдаги энг қудратли, адолатли ва буюк демократик-ҳуқуқий давлат бўлган Америка Қўшма Штатлари билан барча соҳалар бўйича серқирра алоқалари ва ҳамкорлиги таҳлил этилса, энг аввало президент Ислам Каримовнинг 2001 йилнинг 5 октябрдаги тарихий баёноти, АҚШнинг нуфузли газета ва журналлари муҳаррирлари ҳамда журналистларига берган интервьюлари, шунингдек, Америка заминида бўлган нуфузли учрашувларда иқтисодий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик масалалари ҳақида билдирилган халқчил фикрлари катта аҳамиятга эга бўлганини кўриш мумкин.



Сафар чоғида икки мамлакат раҳбарларининг олий мақомдаги учрашуви натижасида бир қанча муҳим ҳужжатлар имзоланди. Улардан энг асосийси - Ўзбекистон Республикаси билан Америка Қўшма Штатлари уртасида Стратегик шериклик ҳамда ҳамкорлик асослари бўйича декларациядир. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарди. Чунки бундай ҳужжат АҚШнинг бошқа давлатлар билан муносабатлари тажрибасида ноёб ҳодисадир.

Қудратли салоҳият ҳамда халқаро нуфузга эга бўлган АҚШ сингари мамлакат билан стратегик шериклик миллий ва минтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизда бу давлатга суянишимиз мумкинлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилди. Ташриф жараёнида ўзбек делегациясининг Америка конгресменлари, сенаторлари, ҳукумат аъзолари, жамоат арбоблари ҳамда тадбиркорлари билан қатор қизиқарли амалий учрашувлари бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон ва АҚШ ҳукуматлари муштарак манфаатларига оид кенг кўламли масалаларни ҳал этишда бир-бирини тушуниш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш, айниқса, сиёсат, иқтисодиёт, маданият, илм-фан, савдо-сотиқ, инвестициялар ва хавфсизлик соҳалари бўйича икки томонлама муносабатларни жадаллаштириш зарурлиги атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли ҳужжатлар имзоланди.



Президент И. Каримов ва АҚШ сенатори Л. Клинтон

Ўзбекистон-Америка Қушма Штатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги муносабатларнинг аҳамиятини президент Ислам Каримов таъбири билан «Утмишсиз келажак бўлмаганидек, ҳамкорлик ҳамда маданий ва интеллектуал маконнинг интеграциясиз тараққиёт ҳам бўлмаслигига аминмиз», дея айтган сўзлари билан баҳолаш мумкин.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистон делегациясининг Америкага расмий ташрифи ва унда президентлар Ислам Каримов ва кичик Жорж Бушнинг ўзаро учрашувларида муҳокама этилган масалалар Ўзбекистон - АҚШ муносабатларининг янги босқичини бошлаб берган тарихий воқеа эканини қайта-қайта таъкидлади ва унинг яқунларига юксак баҳо берилди.

Шунингдек, ана шу ташриф давомида АҚШнинг атоқли давлат ва жамоат арбобларининг айримлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг раҳбари тўғрисида самимий фикрлар ҳам айтишган. Жумладан, АҚШ молия вазири Пол Онил шундай дейди: «Мен президент Ислам Каримовга мураккаб иқтисодий ислохотлар жараёнида таълим соҳасига, Ўзбекистон халқининг муҳим гуманитар эҳтиёжларига алоҳида эътибор берган ҳолда раҳбарликни таъминлаб келётганидан қойил қолганимизни



изҳор этдим. Ўткир законат соҳиби бўлган, ўз халқининг ҳаётини янада яхшилаш учун бутун куч ғайратини аймайдиган бу инсон билан учрашиб, суҳбат қуриш имкониятига эга бўлганимдан фоят мамнунман».

Мамлакатимиз делегациясининг ушбу мамлакатга расмий ташрифи ва Ўзбекистон-АҚШ ўзаро алоқаларининг аҳамияти тўғрисида якуний хулоса чиқармоқчи бўлсак, унда президент Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрларини эсга олиш зарур бўлади: «Америка Қўшма Штатларига расмий ташрифимиз давомида кўрганларимиз, бизга бўлган муносабатлардан келиб чиқадиган хулосаларни халқимизга етказар эканман, мен яна бир бор айтмоқчиман, бизлар жуда мураккаб бир даврда яшаймиз. Лекин қелажагимиз ёруғ. Халқимиз бунга ишониши керак ва бир ёқадан бош чиқариб, бир тан, бир жон бўлиб яшашимиз, меҳнат қилишимиз керак».

Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, кичик Жорж Буш 2003 йил май ойининг иккинчи ярмидан бошлаб навбатдаги президентлик сайловига тайёргарлик ишларини бошлаб юборган. Ана шу даврга келиб унинг имкониятлари сезиларли даражада ошиб, давлат бошлиғи сифатида ҳозирги кунда амалга ошираётган ишларини 65-70 фоиз америкаликлар қўллаб-қувватламоқда. Бу борада унга айниқса, Афғонистон ва Ироқда олиб борилган



ҳарбий амалиётлари ижобий таъсир қилди. 2000 йилги сайлов кампаниясида шу мақсад учун ҳомийлардан 100 миллион доллар тўплаган бўлса, навбатдаги сайловда бу миқдорни икки баробарга ошироқчи. Кичик Буш федерал сайлов комиссиясига номзодлик ҳужжатларини топширар экан, навбатдаги муддат учун режалаштираётган ўз дастурини журналистларга қисқача шундай баён қилди: «Мен энди ўз эътиборимни асосан аҳолини иш билан таъминлашга қаратаман. Бундан кейин бутун вақтимни шунга сарфлайман».

Шунингдек, Техасда чиқадиган «Даллас мониторинг Ньюс» газетасининг хабар беришича, кичик Бушнинг 2004 йилги сайлов кампанияси режасида асосий уринлардан бирида яна Дик Чейни турибди, яъни президент бўлажак сайловларда ҳозирги вице-президентни яна шу лавозимга тавсия этмоқчи. Д.Чейни мухбирларнинг бу ҳақдаги саволларига жавоб бериб шундай деди: «Президент мендан кейинги муддатга ҳам вице-президентлик вазифасига розилигимни сўради ва мен рози бўлдим». Демак, агар бирор қутилмаган воқеа юз бермаса, тўрт марта юрак хуружини бошидан кечирган, 2003 йилнинг март ойида ўзининг собиқ «Халлибертон» компаниясига қарашли шуъба фирмасига Ироқнинг нефть қудуқларидаги ёнғинларни ўчириш бўйича шартномани қўлга киритишга зимдан ёрдамлашиб,

халқ ўртасида обрўсини анча тушириб юборган 61 ёшли Дин Чейни навбатдаги президентлик сайловида ҳам ҳозирги давлат бошлигини қўллаб-қувватлашга астойдил тайёргарлик кўрмоқда. Бирор тасодиф туфайли кичик Бушнинг Дик Чейнига боғлиқ бу режаси ўзгариб қолса, унда бу масъулиятли лавозимни эгаллаш учун Нью-Йорк шаҳрининг собиқ мэри Рудольф Жулиани, ҳозирги давлат котиби Колин Пауэлл ва Мудофаа вазири Дональд Рамсфелд футболдаги захира ўйинчилар сингари вице-президентлар тайёр туришибди.

Шундай қилиб, АҚШда аста-секин навбатдаги президентлик сайловига тайёргарлик ишлари бошланмоқда. Бу сайлов қандай ўтади ва унда ким ғолиб чиқади, Бушлар сулоласининг кичиги иккинчи муддатга сайланадими ёки дунёнинг энг демократик ва қудратли давлатини бошқариш, эҳтимол, биз унчалик яхши билмайдиган янги, 44- президентга ўтадими, деган кўпдан-кўп саволларга 2004 йил ноябрь ойининг биринчи декадасида аниқ жавоб топилади...

АҚШ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ҲАЁТИДАН АЙРИМ МАЪЛУМОТЛАР

Жорж Вашингтон ва Жеймс Мэдисон АҚШ Конституциясини имзолаш бахтига муяссар булган президентлар ҳисобланади.

Жеймс Полк - Вакиллар палатасининг спикери булган ягона президентдир.

Эндрю Жексон - АҚШдаги ҳозирги демократик партиянинг асосчиси. Шу билан бирга Э.Жексон Миллий мажлис томонидан президентликка номзоди куйилиб, ғалаба қозонган ягона шахс.

Вудро Вилсон (Принстон) ва Дуайт Эйзенхауэр (Колумбия) университет ректорлигидан президентликка сайланишган.

Жон Адамс пойтахт Вашингтондаги президентлар қароргоҳи, ҳозирги «Оқ уй»да биринчи бўлиб яшаш бахтига муяссар булган президент.

Томас Жефферсон — президентлик қасамёдини пойтахт Вашингтонда қабул қилган биринчи давлат бошлиғи.

Теодор Рузвельт президентлар уйига «Оқ уй» номини берган.

Уильям Гаррисон, Жон Тайлер, Закари Тейлар ва Миллард Филмор АҚШда ХУШ ва XIX асрларда фаолият кўрсатган «Виггилар» партиясидан президент этиб сайланишган.

Жон Куинс Адамс, Раттерфорд Хейс ва Бенжамин Гаррисон турли вақтларда утказилган сайловларда бир хил овоз тўплаб президент булишган.

Уильям Тафт президентликдан кетганидан сўнг ўзидан кейин сайланган давлат бошлиғи (Калвин Кулиж ва Герберт Гувер) қасамёдида қатнашган ягона собиқ президент саналди.

Калвин Кулиж қасамёдни қишлоқда, отасининг уйида қабул қилган ягона президент.

Теодор Рузвельт президентлик қасамёдини 42 ёшида қабул қилган бўлса, Рональд Рейган бу бахтга 69 ёшида эришган. Шу билан бирга Рональд Рейган АҚШ президентлари сайлов тарихида энг кўп (44 млн.) овоз тўлаган президентдир.

Миллард Филмор ва Эндрю Жонсоннинг касби тикувчилик булган.

Уильям Гаррисон ва Бенжамин Гаррисон бобо-набира, Жон Адамс ва Жон Куинс Адамс ҳамда Жорж Буш ва кичик Жорж Буш (ҳозирги президент) ота-бола президентлар ҳисобланади.

Теодор Рузвельт ва Вудро Вилсон дунё халқларининг тинчлиги йўлидаги буюк хизматлари учун халқаро Нобель мукофотига президентлиги даврида, Жимми Картер эса президентлик ваколатини топширгандан сўнг сазовор бўлган.

Гровер Кливленд турли вақтларда (кетма-кет эмас) икки марта сайланган ва шу билан бирга «Оқ уй»да уйланган ҳамда шу ерда фарзанд курган ягона президент.

Линдон Жонсон президентлик қасамёдини аэропортда қабул қилган ягона давлат бошлиғи.

Уильям Тафт президентлар ичида жисмонан энг бақувват ва салобатли (бўйи 180 сантиметр, оғирлиги 136 килограмм) бўлган.

Жон Тайлер энг куп (15 нафар) фарзанд курган.

Жеймс Бюкенен эса уйланмасдан бутун умр ёлғиз ўтган ягона президент.

Ф.Рузвельт, Ж.Кеннеди, Р.Рейган, Б.Клинтон энг нотiq ва сўзамол президентлар бўлишган.

Теодор Рузвельт АҚШ президентларидан биринчи булиб Европага расмий ташриф буюрган.

Уильям Тафт «Оқ уй»ни тарк этгач, АҚШ Олий Суди судьяси бўлишдек юксак лавозимга эришган ягона президент.

Вудро Вилсон биринчи булиб матбуот анжуманини ташкил этган ва илк бор радиода чиқиш қилган президент ҳисобланади.

Франклин Рузвельт илк бор телевидения орқали халққа мурожаат қилган. Шу билан бирга Ф.Рузвельт энг узоқ муддат (12 йил, 10 ой ва 8 кун) фаолият юритган давлат бошлиғидир.

Эндрю Жонсон президентлардан биринчи бўлиб поездда саёҳат қилган.

Жералд Форд 1968-1974 йилларда АҚШнинг вице-президенти ва 1974-1977 йилларда эса президенти бўлган. Лекин у бу икки лавозимни ҳам сайловсиз, яъни тайинлов йўли билан эгаллаган ягона шахсдир.

Миллард Филмор президентликдан олдин ҳам президентлик даврида ва ундан кейин ҳам доимо бир хил кийимда - узун қора кўйлак ва шу рангдаги камзул (плащ) да юрган.

Жон Куинс Адамс ва кичик Жорж Буш «Оқ уй»да икки

мартадан яшаш (отаси ва ўзининг президентлиги даврида) бахтига муяссар бўлишган.

Уильям Гаррисон энг қисқа (1 ой) фаолият юритган. Шу пайтгача ўтган АҚШ президентларидан фақат икки нафари, яъни Уильям Гаррисон ва Жон Тайлер «Оқ уй»да жон беришган.

Рональд Рейган президентлар ичида ҳозирча энг узоқ (92 йил) умр кўрган, Жон Кеннеди эса энг қисқа (46 йил) яшаган.

Жон Адамс ва Томас Жефферсон бир кун (1826 йил 4 июль)да вафот этишган. Ўтган асрда 4 июль санаси (АҚШ мустақиллиги куни) айрим президентлар ва уларнинг яқинлари учун ҳақиқатдан ҳам байрам бўлмаганга ўхшайди. Чунки орадан роппа-роса 5 йил ўтгач, яъни 1831 йил 4 июлда 5 - президент Жеймс Монро ҳам вафот этган.

Авраам Линкольн, Жеймс Гарфилд, Уильям Мак-Кинли, Жон Кеннеди ва Рональд Рейганга тўппонча билан суиқасд қилинган бўлса, Закари Тейлор захарлаб ўлдирилган.

Президентлардан фақат икки нафари, яъни Жон Кеннеди ва Уильям Тафт пойтахт Вашингтондаги «Арлингтон» миллий қабристонига дафн этилган.

Деярли барча президентлар юртида унинг хотираси учун мемуар ёдгорлик ўрнатилган ва юртдошлари уларнинг барчасини доимо ҳурмат-иззат билан эслашади ва эъзозлашади.

АМЕРИКА ҚҰШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТЛАРИ ТУҒРИСИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

№	Президентнинг исми, фамилияси	Туғилган	вақти ва жойи	Битирган ўқув юрти
1	Жорж Вашингтон	1732 й. 22 феврал,	Виржиния	-
2	Жон Адамс	1735 й. 30 октябр,	Массачусетс	Гарвард университети
3	Томас Жефферсон	1743 й. 13 апрел	Виржиния	Уильям ва Мэри университети
4	Жеймс Мэдисон	1751 й. 16 май	Виржиния	Принстон университети
5	Жеймс Монро	1758 й. 28 апрел	Виржиния	Уильям ва Мэри университети
6	Жон Квинс Адамс	1767 й. 11 июл	Массачусетс	Гарвард университети
7	Эдмунд Жексон	1767 й. 15 май	Жалубий Каролина	Пресбурган черкови
8	Мартин Ван Бурен	1782 й. 5 декабр	Нью-Йорк	-
9	Уильям Гаррисон	1773 й. 9 феврал	Виржиния	Хемпден Сидней коллежи
10	Жон Тайлер	1790 й. 29 май	Виржиния	Уильям ва Мэри университети
11	Жеймс Полк	1795 й. 2 ноябр	Шимолий - Каролина	Каролина университети
12	Закари Тейлор	1784 й. 24 ноябр	Кентукки	Ҳарбий академия
13	Миллард Филмор	1800 й. 7 январ	Нью-Йорк	-
14	Франклин Пиррс	1804 й. 23 ноябр	Нью-Хемсфейр	Боядаун коллежи
15	Жеймс Бюкенан	1791 й. 23 апрел	Мерсербург	Дикинсон коллежи
16	Авраам Линколн	1809 й. 12 феврал	Кентукки	Бептист черкови

17	Эндрю Жонсон	1808й. 29 декабр	Нью-Йорк	-
18	Улисс Грант	1822й. 27 октябр	Огайо	Вест Пойнт ҳарбий академия
19	Раттерфорд Хейс	1822й. 4 октябр	Огайо	Гарвард ҳуқуқ Мақтаби
20	Жеймс Гарфилд	1831й. 19 ноябр	Огайо	Уильямс коллежи
21	Честер Артур	1829й. 5 октябр	Вермонт	Юнион коллежи
22	Гровер Кливленд	1837й. 18 март	Нью-Жерси	Фейтвелл ва Клинтон мақтаби
23	Бенжамин Гаррисон	1833й. 20 август	Огайо	Майами университети
24	Гровер Кливленд	1837й. 18 март	Нью-Жерси	Фейтвелл ва Клинтон мақтаби
25	Уильям Мак-Кинли	1843й. 29 январ	Огайо	Албани коллежи
26	Теодор Рузвельт	1858й. 27 октябр	Нью-Йорк	Гарвард университети
27	Уильям Тафт	1857й. 15 сентябр	Огайо	Йел университети
28	Вудро Вилсон	1856й. 29 декабр	Виржиния	Принстон университети
29	Уоррен Гардинг	1865й. 2 ноябр	Огайо	Огайо марказий коллежи
30	Калвин Кулиж	1872й. 4 июл	Вермонт	Эрмест коллежи
31	Герберт Гувер	1874й. 10 август	Айова	Станфорд университети
32	Франклин Рузвельт	1882й. 30 январ	Нью-Йорк	Гарвард университети
33	Гарри Трумэн	1884й. 8 май	Монтано	Канзас Бизнес мақтаби
34	Дуайт Эйзенхауэр	1890й. 14 октябр	Техас	АҚШ Миллий Академияси
35	Жон Кеннеди	1917й. 29 май	Массачусетс	Гарвард университети

36	Линдон Жонсон	1908й. 27 август	Техас	Техас университети
37	Ричард Никсон	1913й. 9 январ	Калифорния	Виттер мактаби
38	Жералд Форд	1913й. 14 июл	Небраска	Мичиган университети
39	Жимми Картер	1924й. 1 октябр	Гавайи	Мэриленд штатидаги Ҳарбий-Флот Академияси
40	Рональд Рейган	1911 й. 6 феврал	Иллинойс	Юрека коллежи
41	Жорж Буш	1924й. 12 июн	Массачусетс	Йел университети
42	Билл Клинтон	1946й. 19 август	Арканзас	Жоржтаун университети
43	Жорж Буш	1946 йил 6 июн	Коннектикут штати	Йел ва Гарвард университетлари

№	Касби	Партияси	Президент булгандаги еши	Президентлик йиллари	Вифот этган вақти	Шека йил умр кўрси
1	Деддон	-	57	1789-1797	1799й. 14 декабрь	67
2	Хуқуқшунос	Федерал	61	1797-1801	1826й. 4 июль	90
3	Деддон, хешикчалык Хуқуқшунос	Демократик - Республика	57	1801-1809	1826й. 4 июль	83
4	Хуқуқшунос	Демократик - Республика	57	1809-1817	1836й. 28 июнь	83
5	Хуқуқшунос	Демократик - Республика	58	1817-1825	1831й. 4 июль	73
6	Хуқуқшунос	Демократик - Республика	57	1825-1829	1848й. 23 февраль	80
7	Хуқуқшунос	Демократик	61	1829-1837	1845й. 8 июль	78
8	Хуқуқшунос	Демократик	54	1837-1841	1862й. 24 июль	79
9	Ҳарбий	Витигилар	68	1841- йил (март-апрель)	1841й. 4 апрель	68
10	Хуқуқшунос	Витигилар	51	1841-1845	1862й. 18 январь	71
11	Хуқуқшунос	Демократик	49	1845-1849	1849й. 15 июнь	53
12	Ҳарбий	Витигилар	64	1849-1850	1850й. 9 июль	65
13	Тикувчи	Витигилар	50	1850-1853	1874й. 8 март	74
14	Хуқуқшунос	Демократик	48	1853-1857	1869й. 8 октябрь	64
15	Хуқуқшунос	Демократик	65	1857-1861	1868й. 1 июнь	77
16	Хуқуқшунос	Демократик	52	1861-1865	1865й. 15 апрель	56
17	Тикувчи	Республика- чилар	56	1865-1869	1875й. 31 июль	66
18	Ҳарбий	Республика- чилар	46	1869-1877	1885й. 23 июль	63
19	Хуқуқшунос	Республика- чилар	54	1877-1881	1893й. 17 январь	70
20	Хуқуқшунос	Республика- чилар	49	1881йил (март-сентябрь)	1881й. 19 сентябрь	49
21	Хуқуқшунос	Республика- чилар	51	1881-1885	1886й. 18 ноябрь	57
22	Хуқуқшунос	Демократик	47	1885-1889	1908й. 29 июнь	71
23	Хуқуқшунос	Республика- чилар	55	1889-1893	1901й. 13 март	67
24	Хуқуқшунос	Демократик	55	1893-1897	1908й. 29 июнь	71
25	Хуқуқшунос	Республика- чилар	54	1897-1901	1901й. 14 сентябрь	58
26	Ёзувчи	Республика- чилар	42	1901-1909	1919 й. 6 январь	60
27	Хуқуқшунос	Республика- чилар	51	1909-1913	1930й. 8 март	72
28	Педагог	Демократик	56	1913-1921	1924й. 3 февраль	67
29	Журналист	Республика- чилар	55	1921-1923	1923й. 2 август	57
30	Хуқуқшунос	Республика- чилар	51	1923-1929	1933й. 5 январь	60
31	Муҳаллис	Республика- чилар	54	1929-1933	1964й. 20 октябрь	90

32	Хуқуқшунос	Демократик	51	1933-1945	1945 й. 12 апрель	63
33	Талбиркор	Демократик	60	1945-1945 й.	1972 й. 26 декабрь	88
34	Ҳарбий	Республикачилар	62	1953-1961 й.	1969 й. 28 март	78
35	Ёзувчи	Демократик	43	1961-1963 й.	1963 й. 22 ноябрь	46
36	Педагог	Демократик	55	1963-1969 й.	1973 й. 22 июль	64
37	Хуқуқшунос	Республикачилар	56	1969-1971 й.	1994 й. 22 апрель	81
38	Хуқуқшунос	Республикачилар	61	1974-1977 й.	-	-
39	Талбиркор	Демократик	52	1977-1981 й.	-	-
40	Актер	Республикачилар	69	1981-1989 й.	-	-
41	Талбиркор	Республикачилар	64	1989-1993 й.	-	-
42	Хуқуқшунос	Демократик	46	1993-2000 й.	-	-
43	Хуқуқшунос	Республикачилар	55	2001 й.	-	-

МУАЛЛИФ ДАН

Халқимиз мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимиз дунёнинг тенг ҳуқуқли давлати сифатида эътироф этилди. Бу эса халқимиз учун дунё эшикларини очди. Бошқача айтганда биз дунёга, жаҳон эса бизга юз тутди. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, 1996 йилнинг сентябр-ноябр ойларида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ўша кезларда Қашқадарё вилояти ҳўжалик судининг раиси бўлиб ишлаган отам Мирза Турсунов 1996 йил сентябр-ноябр айларида Америка Қўшма Штатларининг суд тизимини ўрганиш мақсадида «NET» лойиҳаси бўйича Океан орқили сафарда бўлди. Айни ўша пайтлари АҚШда навбатдаги президентлик сайлови қизгин паллага кирган эди. 1996 йил 5 ноябрда мамлакатнинг 42- президенти Билл Клинтон иккинчи мундатга сайланади.

Отам бир неча марта Қашқадарё вилояти сайлов комиссияси раиси бўлгани учун АҚШ сайлов тизимига алоҳида қизиқиш билан қарайди ва сафар давомида Америка Қўшма Штатлари Конституцияси, Сенат, суд ва адлия идоралари, президент сайловлари тарихи ҳамда президентларнинг ҳаёти тўғрисида жуда кўп маълумот, китоб, газет, журнал ва фотосуратлар йиғишга муваффақ бўлади. Мен Қарши шаҳрида инглиз тили йўналишидаги гимназияда ўқиб, у маҳалда АҚШдан келган ўқитувчилардан ларс олардим ва шу тўғрйли отам олиб келган китоблар мени жуда қизиқтириб, уларни баъзан ўзим, баъзан ўқитувчиларим ёрдамида ўрганиб, АҚШнинг тарихи, давлат тизими ва ҳокимият идоралари, президентларининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида оз бўлса-да, маълумотга эга бўлдим. Тошкент юридик институтида таҳсил ола бошлаганимдан сўнг бу соҳадаги билимимни янада бойитишга аҳд қилдим. Унинг амалий натижаси сифатида 2002-2003 йилларда «Илсон ва қонуш» газетасида АҚШ президентлари тўғрисидаги бир қанча мақолаларим чоп этилди. Бу эса менда улар ҳақидаги маълумотларни янада кенгайтириб, тартибга солиб, алоҳида китоб ҳолига келтириш фикрини юзага келтирди. Шу тариқа қулинигдаги ушбу китоб дунё юзини кўрди. Табиийки, у айрим камчилик ва нуқсонлардан ҳам холи эмас. У маълумотнома шаклида бўлиб, ўқувчига АҚШнинг фидойи фарзандлари — Президентлар ҳақида муайян тасаввур уйғотиш мақсадида тартиб берилган. Шу билан маъзур китобни мустақил ҳаётта энди қадам кўяётган талабанинг биринчи мустақил иши сифатида қабул қиласиз, деган умиддаман.

МУНДАРИЖА

Сўз боши. Америка президентлари сиймосига ўзбекона чизгилар	3
АҚШ буюк ҳуқуқий демократик давлат	5
АҚШнинг маъмурий ҳудудий тизими	20
Жорж Вашингтон	22
Жон Адамс	30
Томас Жефферсон	34
Жеймс Мэдисон	41
Жеймс Монро	45
Жон Куинс Адамс	50
Эндрю Жексон	54
Мартин Ван Бурен	59
Уильям Гаррисон	62
Жон Тайлор	65
Жеймс Полк	69
Закари Тейлор	73
Миллард Филмор	77
Франклин Пиррс	81
Жеймс Бюкенен	84
Авраам Линкольн	88
Эндрю Жонсон	99
Улисс Грант	105
Раттерфорд Хейс	111
Жеймс Гарфилд	117
Честер Артур	121
Гровер Кливленд	124
Бенжамин Гаррисон	130
Уильям Мак-Кинли	133
Теодор Рузвельт	138
Уильям Тафт	146
Вудро Вилсон	153
Уоррен Гардинг	162
Калвин Кулиж	166
Герберт Гувер	171
Франклин Рузвельт	176
Гарри Трумэн	184
Дуайт Эйзенхауэр	190
Жон Кеннеди	198
Линдон Жонсон	207
Ричард Никсон	213
Жералд Форд	221
Жимми Картер	227
Рональд Рейган	233
Жорж Буш	244
Бил Клинтон	252
Кичик Жорж Буш	266
АҚШ президентлари ҳаётидан айрим маълумотлар	279
АҚШ президентлари туғрисида умумий маълумот	282

Хусан ТУРСУНОВ

АМЕРИКА ПРЕЗИДЕНТЛАРИ

Илмий-оммабон нашр

Мухаррир *Холли Норбой*
Мусаввир *Толиб Қаноатов*
Саҳифаловчи *Азамат Жуманиёзов*

Босишга рухсат этилди 05.08.2003 й. Бичими 60/90 ^{1/16}
Нашр табоғи 17,2. Босма табоғи 18,0. **Офсет босма.**
Адади 1000 нуска.

«Истиқлол нашриёти» шўъба корхонаси.
Тошкент ш.. Навоий кўчаси, 30-уй. Шартнома Г-59.

“OFSET PRINT” МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш.. Чупон ота кўчаси “М” мавзеси. “Ўзқишлоқдойиҳа” ОТАЎ.
Буюртма № 47